

**ИЗЗАТ  
ВА  
ШАРАФ САРИ**



## **ИЗЗАТ ВА ШАРАФ САРИ**

Аллоҳ Таоло барча умматлар - халқлар ўртасида адолат машъаласини баланд кўтариш ҳамда Исломни бутун оламга ёйишдек шарафли вазифани ишониб топширган мусулмон умматининг ўз Исломига қайтиш фурсати етиб келди.

У ўз Исломига қайтиб, уни ақлга асосланган эътиқод ва комил тузум сифатида қабул қилсин. Кейин эса унга асосланиб ҳаёт йўлини белгилаб олгач, Ислом эътиқодидан ўзининг фикрлари учун бир асос-қоидани, Ислом ҳукмларидан муаммоларига ечимларни, исломий тушунчалар мажмуидан ўзи учун муайян дунёқарашни, исломий фикрлардан бутун оламга рисолат ва фикрий етакчиликни қўлга киритсин. Зеро, мусулмонлар халқлар ва миллатлар ўртасида энг юқори мавқени фақат Ислом туфайлигина эгаллаган. Бу Умматнинг голиб ва музаффар бўлишининг ягона сабабчиси ҳам, азиз ва мукаррам бўлишининг бирдан-бир йўли ҳам ягона Исломдир. Иззат Аллоҳники, пайгамбарники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқларгина буни билмайдилар.

## БАҒИШЛОВ

Бутун оламлар эгаси ва мураббийси Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, саййидимиз Муҳаммад ﷺга, у кишининг оиласи ва саҳобаларига раҳмату саломлар ёғилсин!

Халқлар ва миллатлар бошига тушган энг катта бало-мусибат ва ашаддий офат ҳокимият тепасига ўша миллатдаги бузғунчи, фосиқ кимсаларнинг келиб қолишидир. Агар уммат ўз тақдирини ўшандайлар қўлига топширса, моддий ва маънавий қадриятлар остин-устун бўлиб кетади, тушунчалар ўзгаради. Натижада ёлгончи ростгўйга, ростгўй эса ёлгончига, ҳалол одам хоинга, сотқин эса софдилга чиқарилади. Одамлар ҳукмдорларнинг ғазабидан қўрқиб, шариат белгилаб берган шаръий яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришдан тўхтаб қоладилар. Қачонки одамлар бу ҳолга тушсалар, Аллоҳ уларга ўз тарафидан ёппасига жазо юборади. Оқибатда уларнинг дуолари мустажоб бўлмайди. Қандайдир ҳақир, нодон бир кимса одамлардан вакил бўлиб уларнинг номидан гапиради. Унинг овози билан одамлар учун қонунлар чиқарилади. Нодон ўзи эгаллаб турган мавқеини буюк деб билади, мансабдорларга яқинлашиб, уни вакил қилиб сайлаган одамлар зарарига бўлса ҳам ўз мавқеини сақлаб қолишга ўлиб-тирилиб ҳаракат қилади. У мансабдорлар томонидан содир бўлган ноўрин ишни ноўрин деб ҳисобламайди, ҳатто мусулмонлар манфаатига зид келадиган ишларни ҳам зарарли деб билмайди. Шунинг учун ҳам у шариат кўрсатган яхшиликка буюриб, ношаръий ёмонликлардан қайтармайди.

Начора, йўқни йўндириб бўлармиди?

У мансабдорлар ўл деса ўладиган, тур деса турадиган, унга ишониб сайлаган одамларнинг зарарига юрадиган ва уларнинг елкасидаги зилдай оғир юк бўлиб қоладиган шахсга айланади.

Бу ишлар ҳақида Пайғамбар ﷺ улар ҳали содир бўлмай туриб шундай хабар берган эдилар: «Яқинда одамларга алдамчи йиллар келади. Унда ёлгончи ростгўйга, ҳақгўй эса каззобга, хоин ҳалол одамга, софдил инсон эса сотқинга чиқарилади. Унда «рувайбиза» нотиқлик қилади». «Рувайбиза нима?»- деб сўралганида, айтдиларки: «Ҳақир кимса омманинг иши устида гап сотади».

Шундай кишилар борки, бу ҳақиқатларни англаганлар ва ўша воқеларни бошидан кечириб тажрибада кўрганлар. Бундан юраклари эзилиб бесаранжон бўлганлар. Кейин эса астойдил энг шимариб, бу воқеани ўзгартириш учун ишга киришганлар. Улар бу дунёларига қараганлару унинг ҳеч нарса эмаслигини кўргач, ундан юз ўгирганлар, охиратларига қараганлару унинг изидан қувганлар. Ҳаётнинг маъносини Аллоҳга ишониш ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш деб билиб, ҳеч бир ҳоким билан муроса қилмай, ҳеч бир золимга ялтоқланмай фикрий ва сиёсий курашга шўнғиганлар.

Мен ушбу китобимни ана ўшаларга бағишлайман.

Юсуф Аҳмад Ас-Саботин

## МУҚАДДИМА

Мусулмон Уммати Аллоҳнинг Китобини маҳкам ушлаш, унинг ҳукмларини бажариш ва пайғамбарининг суннатига риоя этиш билан узоқ замонлар азиз ва қудратли бўлиб, халқлар ва миллатларга етакчилик қилиб келди. Қуръон ва Суннатдан четлаша бошлагач эса улар орасида бузилиш юзага келди, халқлар орасига келишмовчилик замони сизиб кирди. Қадимги халқлар ва миллатларнинг бошига тушган фалокат унинг ҳам бошига тушди, заифлашди, хор бўлди. Бу ишлар кофирларнинг ҳийлалари билан амалга оширилди. Энди Аллоҳдан мадад сўраб бу ишларни оидинлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Мусулмон аскарлари Аллоҳ йўлида жиҳод қилиб, Аллоҳнинг сўзини юксалтириш учун бутун дунё билан беллашиб Европа қалбини янчиб ташлаган, Венгрия, Югославия, Австрия ва Русия атрофларини босиб олган вақтда, кофирлар мусулмонларни енгилмас куч қилиб ушлаб турган сирни билиш учун анчагина жиддий бош қотира бошладилар. Ўрганиш, текшириш, ҳисоб-китоб қилиш ҳамда мусулмон мамлакатларига шарқшуносларни юбориш натижасида шуни англадиларки, мусулмонларнинг кучлилигига сабаб икки нарса экан: Биринчидан, мусулмонлар исломий эътиқодга ҳарис бўлиб, уни ҳал қилувчи нуқта деб қабул қилар, уни ҳимоя этишни ҳаёт-мамот масаласи деб билиб, ким ундан чекинса муртад ҳисоблаб уни ўлдиришни вожиб деб билар эдилар. Чунки Расулulloҳ ﷺ «Кимки динидан қайтса, уни ўлдиришлар!» - деганлар. Иккинчидан, улар ўз динларининг ҳукмларини маҳкам ушлашга ҳарис бўлиб, турмуш тарзлари шу асосга қурилган ва уни ҳал қилувчи нуқта деб қабул қилишар, бу йўлда ҳаётларини тикишар экан. Ким Аллоҳнинг шариати билан ҳукм қилишни тарк этса, унга қарши қилич билан қурашиш вожибдир. Чунки Убода ибн Сомит ривоят қилган ҳадисда келганки: «Бизни Расулulloҳ ﷺ чақирдилар, даъват қилдилар. Биз шод-хуррамлик, қайғу-алам ҳолатларда ҳам, бойлигу қашшоқлик онларимизда ҳам сўзсиз қулоқ солиб, итоат этишга, ўз манфаатларимиздан воз кечишга, шариат ҳукмининг ижро этаётган амирларга қарши чиқмасликка байъат қилдик. Расулulloҳ ﷺ «Ҳукмдорларнинг қилмишларида куфр яққол кўриниб турган, Аллоҳ томонидан берилган бир далил-ҳужжатга эга бўлган тақдирдагина уларга қарши чиқишингиз мумкин» - дедилар».

Кофирлар бу икки ишдан огоҳ бўлишгач, мусулмонларни мағлубиятга учратиш ва уларга ҳоким бўлиб олишга имкон яратиш мақсадида мусулмонларнинг қалбларидаги иймон-эътиқодни заифлаштириш ва фуқароларига исломий низом билан ҳукм юргизаётган Ислом Давлатини парчалаш учун ишга киришишди. Улар ишни араб ва турк мусулмон ёшлари билан алоқа боғлаш билан бошлади. Уларни

Парижга юбориб текинга ўқитишди. У ерда мусулмон ёшларига зўр бериб капиталистик нуқтаи назарга асосланган, яъни, динни ҳаётдан ажратиб ташлашга хизмат қиладиган, мутлақ эркинликларга - эътиқод эркинлиги, шахс эркинлиги ва фикр эркинликларига даъват қиладиган ғарб дунёқарашини ўргатишди. Уларнинг мурғак онгларига бир Умнат фарзандларини турли жинсу миллатларга ажратиб юборадиган миллатчилик тушунчаларини сингдиришди. Турк ёшларидан иборат «Ёш турклар жамияти» номли бир жамият тузишди. Улар Франциядан қайтишгач бу жамият «Иттиҳод ва тараққий партияси» номини олди. Бу партия ўша вақтдаёқ мутлақ эркинликларни ва давлат юритиш учун исломий дастурдан ўзга бир дастур бўлишини талаб қилдилар. Мана шу талабнинг ўзи исломий эътиқодни парчалаш ва Ислом тузуми билан ҳукм юритишдан чекинишга кифоя қилар эди. Мана шу партияни вужудга келтириш билан мусулмон фарзандларининг ўзидан Ислом Умматини парчалаш ва Ислом тузумини йўқ қилиб юбориш учун хизмат қиладиган шахсларни вужудга келтиришди.

Кофирлар шунинг ўзи билан кифояланиб қолмай, араб ёшларидан ҳам «Ёш араблар жамияти» номли жамият тузди. Уларга ҳам ғарб маданиятини ўргатиб, дилларига араб миллатчилиги оғусини қўйишди. Бу ёшлар ватанга қайтишгач, мусулмон фарзандлари ёрдами билан Усманий давлатдан қутулиш учун хизмат қиладиган махфий жамиятлар тузишга киришиб кетдилар. Ўша вақтда араб ёшлари билан турк ёшлари ўртасида кураш бошланди. Униси араблиги билан фахрланса, буниси турклиги билан ғурурланар эди. Иккиси ҳам Исломсиз бирор кун ҳам азиз бўлмаганлигини мутлақ эсдан чиқарган эди. Биринчи жаҳон уруши бошланганда араблар инглиз ва французлар тарафида, турклар эса немислар тарафида туришди. Уруш мусулмон давлатининг парчаланиши, бирлигининг йўқолиши, Ислом халқларининг бўлиниб кетиши ва оқибат натижада ҳаммасининг мустамлакага айланиб, кофирларга қарам бўлиб қолиши билан ниҳоясига етди. Шундай қилиб кофирларнинг асл хоҳишлари рўёбга чиқди қолди.

Кофирлар мусулмон фарзандлари орасидаги жарликни янада чуқурлаштириш, Ислом Уммати бирлигига ва унинг Ислом тузумига қайтишига тўсқинлик қилиш мақсадида мусулмонларнинг мамлакатларини қисмларга ажратиб юборди. Аввалги бир бутун Умнат бир неча вужудларга айланиб қолди. Илгари бир тузум - Ислом тузумига эга бўлган Умматнинг куни турли хил тузумлар ва бир-бирига қарама-қарши бўлган қонунларга қолди. Бу мамлакатлар бир-бирларига душман бўла бошлади. Гоҳида икки мамлакат фарзандлари бир-бири билан мустамлакачилар хоҳишларини қондириш учунгина уришар эди. Кейин кофирлар мусулмон фарзандларидан мана шу халқларни бошқариб турадиган ҳокимларни тайинладилар. Бундан мақсад - бузуқ вазиятларни, миллатни қайта бирлаштириш учун бўладиган ҳар қандай ҳаракатларга ғов бўлиш учун вужудга келтирилган ясама, сохта чегаралар-худудларни сақлаб қолиш, сохта демократия, жирканч

эркинлик ва динни ҳаётдан ажратиш учун кофирлар ўйлаб топган куфр асосидаги капитализм каби тушунчаларга ундаш эди. Малай ҳокимлар Умнат бирлигини ва унинг Ислом тузумига қайтишини тўсишга хўжайинларининг топшириқларини бажаришга ва мусулмонларнинг ҳалқумларида мангу найза бўлиб қадалиб туриши учун таянч нуқталари бўлмиш Исроилни сақлаб қолишга имкон топдилар.

Кофирлар жамиятдан исломийлик сифатини кетказиш, уни издан чиқариш, парчалаш, Ислом эътиқоди мусулмонларнинг дилларида қувват бўлиб қайта тикланмаслигининг олдини олиш мақсадида хиёнаткор малай партияларни вужудга келтирдилар. Бу партиялар миллатчилик ва маҳаллийчиликка асосланар, ҳали эркинлик ва демократия, ҳали социализм, коммунизм, араб социализми, давлат социализми деб жар солар, жамиятда келишмовчиликларни келтириб чиқаришга хизмат қилар эди. Кофирлар исломий гуруҳларга ҳам қизгин тарғиб қилардилар. Бу гуруҳлар мусулмонларнинг туйғуларини сўриб олиш, уларнинг ҳаракатларини сўфиёна ибодат ёки саҳиҳ ҳадислар устида баҳслашиш ёки Қуръонни - маъносини тушунмасдан - шунчаки қироат қилиш санъатини ўрганиш ёки Исломни мудофаа қилиш, унга қилинган тўхматларни рад этиш каби ишлар билангина чеклаб қўйишга хизмат қиларди. Натижада улар мусулмонларнинг сиёсий ишларига эътибор бермас, малай ҳокимларнинг сиёсатига аралашиб, уларнинг қинғирликларини очиб ташламас, миллатни уларнинг ёмонликларидан қўтқаришга ҳаракат қилмас эдилар. Гўё уларга халифаликни тиклашга уринишнинг заррача аҳамияти йўқдай, ҳолбуки айнан халифаликсиз мусулмонлар қанчалар заиф ва тарқоқ ҳолга тушдилар. Ҳатто бу иш уларга фарз ҳам эмасдай бўлиб қолди. Улар фарзни тарк қилиб, мандуб ёки мубоҳ ҳисобланган - рамазон ойдан ташқари шаввол ойида олти кун ёки ҳар ойда уч кун рўза тутиш каби - ишларни қилишга зўр берар эдилар.

Ҳокимлар дастлаб мусулмонларнинг эътиқодини ўйлаб эмас, балки капиталист хўжайинларининг тузумини ҳимоя қилиш мақсадида бу партияларга қарши турар эди. Ҳеч қанча вақт ўтмай партиялар ва озодлик номи билан аталган ҳаракатларни катта вазифалар ва юқори мансаблар бериш билан жиловлаб олдилар. Шундай қилиб, кофирлар бошқарувидаги ҳокимлар, малайлар, сохта сиёсатчилар, малай партиялар жамиятни суолтириб, заифлаштириб юбора олдилар. Натижада жамият тобора издан чиқиб, боши берк кўчага кириб қолди. Уни инқироз ишончсизлик, ҳавойи нафсларнинг тортиб кетишлари бошқарди. Одамлар бирон-бир фойдали ишни порасиз амалга ошира олмай қолдилар. Одамларга хизмат қилиш учун тузилган давлат худди ўғрилар гуруҳига айлангану одамларнинг молларини тортиб олаётганга ўхшар эди. Жамиятда пора беришга қодир бўлган бойгина жирканч ҳокимият соясида яшаш ҳуқуқига эга эди. Камбағал ёки пора беришдан ҳазар қиладиган, шариатга амал қилишни хоҳлайдиган киши эса бундай ҳуқуқдан маҳрум эди. Бойлар салтанатдаги масъул шахслар билан

хуфёна тил бириктириб жамиятдаги яшаш учун зарур бўлган барча омиллар устидан эгаликни қўлга олдилар. Бу билан мансабдор ва масъул шахсларнинг зиммасидаги масъулиятни ҳам издан чиқардилар. Натижада бирон-бир муомала порасиз бўлмайдиган бўлиб қолди. Ахлоқ бузилди, одамлар тубанлашди, давлат жамиятни бузадиган қуролга айланди. Мусулмонлар бу аччиқ бузуқ воқе тўлқинида зулм, ҳалокат аламини тортдилар.

Юртлари оламдаги энг бой юрт бўла туриб, ўзлари оч қолишди, бойликларидан эса душманлар фойдаланди. Мусулмон давлатларининг бойликлари қасрлар, шаҳарлар, театрлар, сузиш ҳавзалари, клублар, тунги дискобарлар қурилишларига ва мусулмонлар устидан иш юритувчи жосуслик маҳкамаларига сарфланаётган бир пайтда уларнинг ўзлари бир парча нон кетидан сарсон саргардон югурдилар. Хуллас мусулмонлар итлар, балки бўрилар қарамоғидаги бир пода қўйга айландилар. Бўрилар уларни гажиб, хомталаш қилиб ташлашди, қонга бўяшди.

Мусулмонлар жамият инқирозга юз тутаётганини, фарзандларини зулматли келажак кутаётганини, юртлари вайроналик ва харобазорга томон бораётганини англадиларми? Уларга гафлат уйқусидан уйғониб, мудроқларини кетказиб, жамиятни ўзгартиришга интилиш вақти келмадимикин? Ахир ҳамма ёқни сел олиб кўкрагигача сув остида қолмадимми?

Ҳаётни ўзгартириш зарурдир. Чунки ҳаётнинг ҳаракатсиз тўхтаб қолиши, тақдирга онгсизларча таслим бўлиш энг хатарли офатлардан бўлиб, у халқлар-умматларни инқирозга олиб боради, кундалик юмушлар ва ҳодисалар билан ўралаштириб қўяди. Шунинг учун ҳам ҳаётни тубдан ўзгартиришга интилишни дангасалар ёқтирмайдилар, қўрқоқлар унга яқинлашмайдилар. Чунки унинг баҳоси жуда қимматдир.

Бузуқ вазиятларни ўзгартиришга қодир одамлар учун ҳеч қандай узр қолмади. Улар баланд тепаликда туриб, жазирама саҳро томон бораётган бир тўда одамларни кўриб турган кишига ўхшайдилар. Бу тўда йўлини йўқотиб, адашиб, барханлар тўлқинига ва сароб соясидаги шарпаларга бориб қолган. Уларнинг наздида енгиллигу қийинчиликнинг асло фарқи қолмаган, ҳидоят билан залолатни ажратолмай қолганлар. Улар бу адашиб улоқишда давом этиб озуқа, ичимликларидан ҳам ажраганлар. Ўзлари билан бирга олган гўдаклари йўлнинг узоқлигидан қийналиб, чанқоқдан тўп-тўп бўлиб йиқилган. Улар ҳар бир муолишда бўрилар галасига дуч келган, бўрилар уларга ҳужум қилиб баъзи гўдакларини бурдалаб ташлаган, бундан уларнинг қалблари тилка-пора бўлган, улар шу ҳолатда довдираб яна кимсасиз чўлга етиб келдилар. У ерда ҳам қашқирларнинг увиллашидан ўзга нарса эшитмайдилар. Ҳалок бўлишларини аниқ билгандан кейин Аллоҳдан паноҳ сўрашга ўтдилар.

Уммат мана шу тўда кабидир, вазиятни ўнглашга қодир одамлар эса тоғ тепасида туриб уларга нима бўлаётганини кўриб турган киши янглиғдир. Бу зот уларга қараб: «эй адашганлар, йўл бу ёқда», - дейишга қодир.

Эй, вазиятни ўнглашга қодир инсонлар айтингларчи, сизлар одамларнинг ҳолини била туриб, уларни қутқариш имконига эга бўлган ҳолда индамасдан уларнинг ҳалок бўлаётганига томошабиндай қараб тураверсангизлар, сизларнинг гуноҳларингиздан ҳам каттароқ гуноҳ бўлиши мумкин-ми? Айтинглар-чи, йўлнинг оғирлигию хатарлилигига қарамасдан, уларни қутқариш ва гўдақларига кўмаклашишга шошилиб югурсангиз, сизнинг савобингиздан ҳам буюкроқ савоб бўлиши мумкин-ми? Сизнинг амалингиздан кўра Аллоҳнинг мақтовига лойиқроқ амал бўлиши мумкин-ми? Сиз бу ишингиз билан бутун бир Умматни ҳалокатдан қутқарасиз, халқларни вайронагарчиликдан халос этасиз. Йўқ бўлиб кетган Ислом салтанатини қайта тиклаш ва ҳаётдан суриб ташланган Қуръонни қайта ҳаётга қайтаришдек амалдан ҳам Аллоҳнинг мукофотига сазоворроқ амал борми? Эй мўминлар, Аллоҳ вожиб қилган амалга шошилинг! Ҳеч шубҳасиз, сизни ердаги ноиби этажагини ва ўзи рози бўлиб ато этган динда юришингиз учун имкон яратажагини Аллоҳнинг ўзи ваъда қилган.

## УЙҒОНИШ ЙЎЛИ

Модомики, биз Ислом умматини аччиқ, бузуқ муҳитдан, тубан ботқоқликдан, оғир кишанлардан озод қилиб, қаддини ростлаш хусусида фикр юритар эканмиз, унинг халқлар ва миллатлараро юқори мавқеини эгаллаши учун ривожланиш ва уйғонишга имконият яратиб берадиган йўлни қидирмоғимиз лозим. Яна шу нарса лозимки, биз унга масъулиятларни тушунтириб берайлик, токи бу масъулиятлар унинг зиммасига қандай вазифалар юклашни билиб олсин. Яна биз унга шундай йўлни кўрсатиб бермоғимиз даркорки, у ана шу йўлдан бориб, ривожланиш ва уйғониш, масъулиятни ҳис этиш ва вазифаларни бажариш имкониятига эга бўлсин.

Миллатларнинг ривожланиши учун ягона йўл - бу фикрий уйғоқлик, сергакликдир. Бу уйғониш айримлар ўйлаётганидек фақат иқтисодий эмас, балки фикрий юксалишдир. Агар иқтисодий юксалиш ҳақиқий тикланиш бўлганда эди, Қувайт қаддини ростлаб олган давлатлар сафининг энг олдида турган бўларди. Бу тикланиш ахлоқий юксалиш ҳам эмас. Агар шундай бўлганда Мадинаи мунаввара оламдаги энг тараққий этган шаҳар бўлур эди. Чунки унинг аҳолиси энг гўзал хулқли одамлардир. Тикланиш бу - фикрий юксалишдир, зинҳор ундан бошқача эмас.

Аммо ўзи юксалиб тикланишни келтириб чиқарадиган фикр ҳаёт ва унга алоқадор нарсалар хусусидаги нуқтан назарга тааллуқли бўлган фикрдир. Бу - ҳаёт, унинг аввали ва кейини хусусидаги асосий фикрдир. У шундай бир қоида-асосдирки ҳаётий муаммоларни ҳал қиладиган ҳамма фикрлар ундан келиб чиқади ёки унинг устига қурилади. У бир фикрий етакчиликдирки, инсонни ҳаёт майдонида етаклаб юради.

Фикрий юксалишнинг маъноси ҳайвоний босқичдан инсоний босқичга кўчишдир. Емак топиш хусусидаги фикр ҳам бир фикр. Лекин ғаризий (инсон табиатиға алоқали бўлган) ва тубан фикрдир. Овқат топишни тартибга солишга тааллуқли бўлган фикр ҳам бир фикрдир, аммо бу аввалгисидан юқорироқ туради.

Агар фикрий юксалиш руҳий асосга биноан бўлса, яъни коинот, инсон ва ҳаёт яратувчининг махлуқлари бўлиб, унинг буйруғи билан бошқарилиб туради деган тушунчаға асосланган бўлса, бу тўғри тикланиш бўлади. Зеро, бундаги фикр инкор этиб бўлмайдиган асосга суянади. Асос жиҳатидан унга хато сизиб кирмайди, фақат жузъий масалалардагина хато бўлиши мумкин холос. Шунинг учун ҳам у асоси ишончли, йўналиши мустаҳкам ва натижаси кафолатға эга бўлган тикланишдир.

Аммо агар фикрий юксалиш руҳий асосға қурилмаса, бу ҳам тикланиш ҳисобланаверади, лекин у нотўғри тикланиш бўлади. Чунки ундаги фикр инкор қилиб бўлмайдиган асосға суянмайди. Шунинг учун ҳам у хато, нуқсон, изтироб ва адашишларға дуч келишға маҳкум. Бу камчиликлар унинг асосиға, кейин эса ўз-ўзидан йўналишиға кириб боради. Лекин у ҳам ҳар ҳолда тикланишдир.

Демак, миллатлар ҳаётини ривожлантирувчи, тараққий эттирувчи восита бўлмиш илму маърифатни мана шу асосий фикрдан келтириб

чиқармоқ лозим. Тикланишни қўлга киритиш учун бу фикрлар таъсир кучига эга бўлмоғи керак. Бу мақсад фикр билдираётган кимса якка шахсми ёки кўпчиликми - бундан қатъи назар ўз ўқувчиси билан жонли воқеликда бўлиб турмоғини тақозо этади. Айни пайтда бу фикрлар тўғрисида мунозара юритишга ўрин ҳам қолдирмоқ лозим. Токи ўқувчи воқеликни идрок эта олсин. Агар мана шу жонли мулоқот мавжуд бўлиб, фикрларнинг тўғри ёки нотўғрилигининг, воқеликка мос келиши ёки келмаслигининг хусусида баҳс юритилаётган бўлса, демак тикланиш бошланибди. Бу нарса бутун бир уммат нарсаларнинг моҳиятини англаш ва улар устидан тўғри ҳукм чиқариш учун ҳаётнинг воқеи ва унинг атрофида бўлаётган ҳодисалар хусусида чуқур, ойдин фикр юрита бошлаган пайтда янада яққолроқ кўринади. Мисол учун уммат тикланиши ва бирлашишининг асоси сифатида араб миллатчилиги хусусидаги фикр ўртага ташлансин. Шунда мунозара юритилади, араб халқининг ўтмишдаги ва ҳозирдаги воқелигига солиб кўрилади, шу йўсинда унинг тўғри нотўғрилиги билинади ва унинг устидан аниқ ҳукм чиқарилади. Агар фикр асл воқеликка мувофиқ келиб, уни татбиқ қилиш жараёнида миллат тикланса ва бирлашса, бу тўғри фикр, миллатнинг тикланиши ва бирлашиши учун асос сифатида олинишига лойиқ бўлади. Агар фикр - ҳаётий муаммоларни ҳал этадиган фикрларни келтириб чиқарадиган асосий фикрати (мафкуриси) бўлмаганлиги сабабли - воқега мувофиқ келмаса, уни татбиқ қилиш жараёнида миллат тикланмаса, бирлашмаса, у ҳолда хато ҳисобланиб, миллатнинг тикланиши ва бирлашишига асос сифатида қабул қилишга арзимайди.

Яна бир мисол: жамиятдаги ижтимоий муаммоларни озайтирадиган, жинсий жиҳатдан келиб чиқадиган чигалликларни енгиллаштирадиган фикрат (мафкура) сифатида қизу йигитларга аралаш таълим бериш фикри ҳавола этилсин, бу хусусда баҳс юритилсин. Бирор ҳукмни чиқариш учун аралаш таълимни қўллаган ва қўлламаган икки жамиятдаги аҳвол солиштириб кўрилсин. Агар аралаш таълимга рухсат берган капиталистик жамиятда унга рухсат бермаган исломий жамиятдагига нисбатан ижтимоий муаммолар ва жинсий жиҳатлардан келиб чиқадиган чигалликлар озроқ рўй бераётган бўлса, у ҳолда бу фикрат (мафкура) тўғри бўлади. Агар аксинча бўлса, у ҳолда бу фикрат ижтимоий муаммоларни янада кўпайтирадиган ва жамиятдаги чигалликни оширадиган хато фикрат бўлади.

Агар уммат фикрлаш тарзини юксалтириб, воқега мувофиқ фикрлаш даражасига ета олса, уммат устидан сиёсат олиб бораётган ва унинг ишларини бошқараётган шахслар устидан тўғри ҳукм чиқара олади. Уларнинг ёлғончисидан ростгўйини, хоинидан мухлисини фарқлай олади. Масалан, бир мамлакат бошлиғи ўз мамлакатига ҳукмни демократия деб, тантанали равишда эълон қилди, дейлик. Унинг ростгўйлиги ёки ёлғончилигини билиш учун умуман демократия хусусида эмас, балки ўша мамлакатдаги ҳокимият демократикми ёки ундай эмаслиги хусусида фикр юритиш лозим. Баҳсни шу хусусда юритиб, фикрни воқега солиштириб

кўрайлик. Агар бу ҳокимиятдаги одамлар бемалол фикр билдирсалар, ҳеч қандай таъқибсиз ҳокимнинг сиёсатини танқид қилсалар ёки давлат бошқарувининг муддати охирилган пайтда ўзида ҳокимиятни бошқаришга қобилият сезган одам бу ишга ўзини тавсия эта олса, ҳокимият демократик бўлиб, бошлиқнинг ростгўйлиги аён бўлади. Агар одамлар бемалол фикр билдира олмасалар ва ҳеч ким давлатни бошқаришга ўз номзодини қўя олмаса ёки ҳокимнинг хоҳиши билангина қўядиган бўлса, у ҳолда ҳокимият асло демократик эмас. Дабдабали сўзлар эгасининг каззоблиги фош бўлади.

Агар уммат душманидан озор чекиб, айрим ҳуқуқларидан маҳрум қилинса, ҳокимнинг бу борада тутган позициясига қаралади. Бу билан унинг холис ёки сотқинлигини билиб олинади. Бу ишда ҳокимнинг сўзлари билангина кифояланиб қолинмай, унинг қилаётган ишларига ҳам назар ташланади. Агар ҳоким душманни қўрқитишга, ундан ҳуқуқларни қайтариб олишга қодир бўладиган қувватни ҳосил қилиш учун бор имкониятини ишга солса ўзидаги бор кучу заковати билан кескин курашга шўнғиса, у ҳолда у галаба қилиши ёки мағлубиятга учрашидан қатъи назар ўз мамлакатига холис хизмат қилаётган бўлади. Аммо у арзимас, ёлғон ҳужжату узрлар билан душманга қарши турмаса, урушга тайёргарлик кўриш учун бор имкониятини ишга солмаса ёки урушиш ўрнига душман билан шартнома тузиб, мамлакатнинг айрим ҳуқуқларидан воз кечса, ёки халқнинг қалбига ўзининг заифлиги ва душманнинг қувватлиги ваҳимасини солиш ва бу билан озорга ҳамда ҳуқуқлардан маҳрумликка кўндириш мақсадида қалбаки урушлар қилса, у ҳолда чинакам хоин бўлади.

Шундай қилиб, яъни фикрларни воқега солиштириб кўриб уларнинг тўғри ёки нотўғрилиги тўғрисида ҳукм чиқариш билан уйғониш бошланади ва миллатга онг сингиб қиради.

Бу ҳаётда фикрлар кўп ва хилма-хилдир. Лекин оламда фикрий уйғонишни ҳосил қилишга восита бўла оладиган асосий етакчи фикрлар учтадир:

1. Капиталистик фикр. Бу фикр динни ҳаётдан ажратади, саодатни мумкин қадар кўпроқ нафсни қондиришда деб билади. Жамият шахслардан ташкил топган, шахснинг ишлари изга тушиши билан жамиятнинг ишлари ҳам тартибга тушаверади, тузум-қонунлар воқедан олинади, қонунларни инсоннинг ўзи ишлаб чиқади, деб билади.

2. Социалистик-коммунистик фикр. Унга кўра модда нарсаларнинг аслидир. Ҳамма нарса моддий ривожланиш йўли билан моддадан келиб чиқади. Моддийлик, яъни моддий тузум ҳаётдаги миқёс-ўлчовдир. Модданинг ривожланиши билан бу миқёс ҳам ривожланиб бораверади. Жамият умумий бир мажмуа бўлиб, ер, ишлаб чиқариш воситалари, табиат ва инсон ҳам унинг ичига қиради. Чунки буларнинг ҳаммаси битта нарса, яъни моддадир. Модданинг ривожланиши билан инсон ҳам ривожланади. Тузум ишлаб чиқариш воситаларидан, демакки, моддий ривожланишдан олинади.

3. Исломиё фикр. Унга суянадиганлар Аллоҳни борлиқнинг яратувчиси деб ҳисоблашади. Аллоҳ Таоло ўз динини бутун инсониятга пайғамбарлари ва элчилари орқали юборган; қиёмат кунда Аллоҳ инсонларни дунёда қилган амалларига кўра ҳисоб-китоб қилади; ҳаётда амалларнинг миқёси-ўлчови ҳалол ва ҳаромдир; жамият учун асос ҳақида ҳамда шу ақида берадиган фикрлар, туйғулар ва қонунлардир, деб эътиқод қиладилар. Тузум-қонунлар Аллоҳнинг ҳузуридан келган, яъни Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг Суннатидан ишлаб чиқилади, олинади, деб ҳисоблашади.

Бу уччала асосий фикрлар ҳаётда тажрибадан ўтган бўлиб, Исломнинг ютуғи мислсиз бўлган. Чунки Ислом давлатига бўйсунган турли миллат ва халқлар ҳеч қанча вақт ўтмасдан ўз ақида ва луғатларини ташлаб, Ислом ақидаси ва луғатига ўтдилар. Бу халқлар ҳозиргача - узоқ замонлардан бери капиталистик ва социалистик тузумларга бўйсунган ҳолда яшаб келаётган бўлсалар ҳам - Ислом ақидасини маҳкам ушлаб келмоқда. Исломни қабул қилган ҳеч бир халқ ёки миллат Исломдан қайтгани йўқ. Ҳеч бир халқ ёки миллат Исломга мажбуран кирган эмас, балки Исломга иймон келтириши билан Исломни бутун оламга ёйиш ҳамда унинг шаънини олий қилиш учун жиҳод-ҳаракатга киришиб кетди.

Аммо икки фикр - капиталистик ва коммунистик фикрлар жуда катта муваффақиятсизликка учради. Чунки бу иккисидан бирини қабул қилиш учун ўз ақидасидан воз кечадиган бирорта ҳам халқни топиша олмади.

Бунга яна илова қила оламизки, Ислом руҳий асосга суянадиган бир бутун мабда-асосдир. Чунки Исломни қабул қилганлар руҳий жиҳатни, яъни, инсоннинг Аллоҳ тарафидан яратилганлигини, у ҳаётда Аллоҳнинг буйруқларига мувофиқ яшашга мажбурлигини ва бу ҳаёт фонийлигини, охираат ҳаёти эса боқий ҳаёт эканлигини идрок қилади. Шунинг учун Ислом дунё ишларини ҳам интизомга солади, яъни инсоннинг ўзи билан бўладиган алоқаларини ва бошқа одамлар билан бўладиган алоқаларини интизомга солади, охираат ишларини ҳам интизомга солади, яъни инсоннинг ўз яратувчиси билан бўладиган алоқаларини тартиб-интизомга солади.

Аммо капиталистик ва коммунистик мабдалар (асослар) охираат ишларига аҳамият беришмайди. Натижада улкан борлиқнинг ҳодисалари қаршида фақат ўзининг ожизлигини ҳис қилишгагина эга бўлган инсоннинг табиатига ҳамда унинг тадбиркор яратувчига бўлган эҳтиёжига мувофиқ келишмайди. У иккиси суянган асос хато асос бўлганлиги учун ақлни ҳам қаноатлантириша олмади. Шунга кўра у иккиси сабабли ҳосил бўладиган уйғониш уйғониш бўладию, лекин нотўғри уйғониш бўлади.

Ҳозирги кунда умматимизнинг олдида - у ўзининг ёмон воқесидан халос бўлиш йўлларини излар экан - фақат мана шу уч мабда-асосдан бирини ихтиёр қилиш бор.

Бу уммат ўзининг демократик капитализмдан мерос қилиб олган ялтироқ бузуқликларига булганган муҳитга ботиб, кишанланиб юраверсин

ёхуд одамларни қўйлар подасига айлантирадиган коммунизм йўлини тутсин ёки ўз Исломига қайтиб, уни ақлий эътиқод, комил тузум сифатида ушлаб, исломий тушунчалар мажмуидан ўзи учун бир дунёқарашни, исломий фикрлардан бутун оламга рисолат ва фикрий етакчиликни қўлга киритсин.

Ўрганиш, изланиш ва ёрқин фикр юритиш билан - қайси асрда бўлмасин - бу умматни ҳаётга қайтарадиган маслак шак шубҳасиз Ислому эканлиги маълум бўлаверади. Исломуни ҳаётга қайтариш билан, яъни исломий ҳаётни қайта бошлаш билан янгидан уйғониш юзага келади. Исломуни ҳаётга қайтариш эса фақат унинг ҳуқумларини комил, умумий тарзда татбиқ қилиш ва бутун инсониятни унга даъват этиш билангина амалга ошади.

Юқорида - фикрлар таъсир қилиш мақсадида билдирилади ва бу мақсад фикр билдирувчининг - хоҳ яққа шахс бўлсин, хоҳ жамоа бўлсин - ўз ўқувчиси билан жонли алоқада бўлиб турмуқлигини тақозо қилади, деган эдик.

Демак, хоҳ фикрий ёки илмий, хоҳ адабий ёки сиёсий бўлсин, китоблар чоп этиш ва варақалар тарқатиш билан уйғониш ҳосил бўлмайди, уммат ривожланмайди. Лекин бу китоб ва варақалар одамларга улардаги маълумотлар билан танишишни енгиллаштирди, ақлларнинг ўсиши ва маърифатли бўлишига ёрдам беради. Бу китоблар ва варақалардаги фикр турмушга татбиқ этилгандагина улар инсон зеҳнида яхлит ҳолга келиб, барқарорлашади. Мунозара қилиш ва фикр алмашиш билан эса қаноат ҳосил бўлади.

Энди одатдаги аммаллари одамлар билан алоқада бўлиш, мунозара қилиш, уларни қаноатлантириш ва шу йўлдагилар билан боғланишдан иборат бўлган одамларни тарбиялаш муаммоси қолди. Булар тинимсиз меҳнат қилиб сафларини кенгайтирсинлар, токи уларнинг фикрлари жамиятдаги етакчи фикрга айлансин. Бу фикрлар амалий ҳаёт билан мустаҳкам алоқада бўлсин, токи уларнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилган одам сира иккиланмай амалий ишга киришиб кета олсин.

Бундай шахсларни тарбиялаш ва бунақангни фикрларни юзага чиқариш сиёсий ҳизб тузиш билангина амалга ошади. Бу ҳизб (гурух) ўз бутунича жамиятда таъсирланувчи эмас, таъсир қилувчи, ўзи иш юритувчи вужуд бўлсин. Модомики, ҳизбнинг иши амалий жиҳат бўлмиш тариқатдан келиб чиқар экан, усиз уйғониш амалга ошмас экан, тариқат мавзуида баҳс юритгунга қадар у ҳақда гапиришдан тийиламиз.

Биз уйғониш йўли фақатгина Ислому эканлигини билганимизда, Ислому зиммамизга юклайдиган умумий масъулиятларни ҳам англашимиз лозим. Улар шундай масъулиятларки, уларни ҳис этиб амал қилсак, нажот йўлидан юра бошлаган бўламиз.

## УМУМИЙ МАСЪУЛИЯТЛАР

Биз бу баҳсимизда Аллоҳ Таолонинг Китобига суяниб, улуғ Қуръоний оятлардан бу масъулиятларнинг мусулмонлар устига юкланганлигига далолат қилувчи ҳукмларни чиқарамиз. Бу ҳукмларни чиқаришда шариатнинг иккинчи манбаи бўлмиш Пайғамбаримиз ﷺнинг покиза суннатларини ўзимизга бир машъала қилиб оламиз. Токи айтаётганларимиз ҳужжатли бўлсин. Керак бўлиб қолганда саҳобаларнинг (Разияллоҳу анҳум) ижмоларига ҳам мурожаат этамиз. Шунингдек, қалбни хотиржамлантирадиган, кўнгилни роҳатлантирадиган тўғри шаръий ҳукмларни топиш учун қиёсдан ҳам фойдаландик.

Ислом бошқа мабда ва динлардан шуниси билан фарқ қиладики, у мусулмонларга ҳатто яшаш хусусида ўйлашда ҳам бошқалар олдида жавобгарлик бурчини юклайди. Чунки яшаш ҳақида ўйлашнинг ўзи шахснинг, оиланинг, халқнинг боринги, умматнинг ҳаётини шакллантиради. Бундан ташқари у (ҳаёт ҳақида ўйлаш) бутун инсоният ҳаётини муайян бир қолипга соладик уни азизлик ва фаровонлик ёки хорлик ва бадбахтлик ҳаётига айлантиради.

Яшаш ҳақида фикрлаш ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарга асосланади. Бунинг учун капиталистларда ўзгалар олдидаги бурчлик масъулиятини кўрмаймиз. Чунки капиталистик мабдада ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар ўзгалар олдида масъулиятдан холидир. Социализм эса дастлаб бунга аҳамият берган. Кейин ҳеч қанча ўтмасдан миллий назарияга айланиб кетганда, унда ўзгалар олдидаги бурчлилик масъулияти заифлашган. Исломгина бу масъулиятни фарз қилиб, мусулмондан ўз мулкига эга бўлиш туйғусини қондириш билан бир қаторда саховатли жиҳатини ҳам тўлдириб боришни талаб қилди. Пайғамбар ﷺ айтганларки: «Ким Аллоҳга ва охират кунига ишонадиган бўлса, ўз меҳмонига нисбатан саховатли бўлсин». Шу билан бирга Ислом мусулмондан ўзидан ўзгаларни юқори қўйиш жиҳатини ҳам тўлдиришни талаб қилди. Аллоҳ Таоло айтганки:

وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ

– „Гарчи ўзларининг эҳтиёжлари бўлса ҳам (яъни ўзлари муҳтож бўла туриб) бошқаларга илинадилар“.

[59:9]

Ислом мусулмондан фарзандларини тўйдираётган пайтда қўшнисини ҳам тўйдиришни талаб қилади. Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Қўшнисининг очлигини била туриб ўзи тўқ ҳолда тунаган киши менга аймон келтирмабди. Ислом мусулмондан ўзи тинчлик билан неъматланган вақтда хавотирдаги биродарларига ёрдам беришни талаб қилди. Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Ким бир мусулмоннинг: «Мусулмонларга ёрдам!» - деб қичқираётганини эшитиб, унга жавоб бермаса (яъни ёрдамга бормаса), у мусулмон эмас». Ислом мусулмондан ўзининг ишига аҳамият бериш билан бир қаторда мусулмонларнинг ҳам ишларига аҳамият беришини талаб қилди. Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Эътиборини

Аллоҳдан бошқага қаратган ҳолда тонг оттирган одам Аллоҳдан эмас. Мусулмонларнинг ишига аҳамият бермаган ҳолда тонг оттирган одам мусулмонлардан эмас». Хуллас, Ислому болиғ ва оқил ҳар бир мусулмонга бу масъулиятни юклаган. Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Огоҳ бўлингки, ҳар бирингиз чўпон кабидирсиз ва ҳар бирингиз қўл остингиздагилардан жавобгарсиз. Одамларнинг имом-етакчиси чўпон кабидир ва у ўз фуқаросига жавобгар. Киши ўзининг оиласига ниғаҳбон ва у ўз аҳли оиласига жавобгар. Аёл эрининг хонадонига ва фарзандига ниғаҳбон ва уларга жавобгар. Кишининг қули хўжайинининг мулкига ниғаҳбон ва унга жавобгар. Огоҳ бўлингки, ҳар бирингиз чўпон ва ниғаҳбон кабидирсиз ва ҳар бирингиз ўз раиятингизга жавобгардирсиз».

Мана шу ҳужжатлардан кўрамизки, Ислому давлат ҳокимидан тортиб, тоғлару водийларда қўй боқиб юрадиган чўпонга қадар ҳар бир мусулмонга масъулият юклаган.

Бу масъулият кимга юклатилаётганига қараб кенгайди ва тораяди. Агар у бир шахсга юкланса ундан талаб қилинган иш унинг ёлғиз ўзи бажара оладиган намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳаж фарзини адо этиш, Қуръон ўқиш, ота-онага яхшилик қилиш каби ишлар бўлиб, масъулият шахсга оид бўлади. Агар таклиф жамоага қилинаётган бўлса, талаб қилинган иш фақат жамоа ёки унинг вакиллари тарафидан бажариладиган - ҳаёт ишларида Ислому ҳукмларини татбиқ қилиш, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш, ҳокимларни муҳосаба қилиш, (улардан ҳисобот талаб қилиш), халифаликни тиклаш, шаръий яхшиликларга буюриш ва ношаръий ёмонликлардан қайтариш каби ишлар бўлиб, масъулият жамоага оид бўлади. Бу масъулиятнинг энг муҳим ва асосийлари қуйидагилардир.

## МУСУЛМОНЛАРНИНГ ИСЛОМНИ ЁЙИШ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАРИ

Модомики, исломий эътиқодгина ақлий, тўғри эътиқод экан ва ундан келиб чиқадиган тузумгина инсоннинг ҳаётий муаммоларини тўғри ҳал этиб бера оладиган яроқли тузум экан, бу эътиқодни қабул қилиш, ундан олинadиган тузумни татбиқ қилиш ва уни бошқа миллат ва халқларга ёйиш лозим. Уни ёйиш мусулмонларга фарз. Чунки Аллоҳ Таоло айтадики:

وَأُوحِيَ إِلَيَّ هَذَا الْقُرْآنُ لَأُنذِرَكُمْ بِهِ وَمَنْ بَلَغَ

– „Бу Қуръон сизларни ва у етиб борган ҳар қандай инсонни огоҳлантиришим учун мен (яъни Муҳаммад ﷺ)га ваҳй қилинди“. [6:19] Демак, огоҳлантириш пайғамбаримиздан бевосита эшитган саҳобаларга ҳам, Қуръон етиб борган кейинги одамларга ҳам баб-баробар тааллуқли. Бу нарса пайғамбардан эшитган нарсани бошқаларга етказишга даъватдир. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Менинг сўзимни эшитиб, уни ёдлаган, англаган ва бошқаларга етказган бандани Аллоҳ юзини ёруғ қилсин. Кимдир илм таркатади ўзи олим эмас. Кимдир илмни ўзидан ҳам билувчи роққа етказди». Пайғамбар ﷺ сўзларини ким эшитган бўлса ундан ҳеч қандай ошиқ-камсиз, қандай эшитган бўлса ўшандай етказишни талаб қилди. Бунда етказувчининг олим бўлиши ёки етказилувчидан билимдонроқ бўлиши шарт эмас. Бу ҳадисдаги талаб етказишни тақозо қилади. Чунки Пайғамбар ﷺнинг «... бандани Аллоҳ юзини ёруғ қилсин...», - деган сўзларида мақтов бор. Агар етказмаслик оқибатида шаръий ҳукм бажарилмай қоладиган бўлса, етказиш вожиб бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ

– „Сизлардан (шариатдаги) яхшиликка даъват қиладиган бир уммат-гуруҳ бўлсин“. [3:104]

Бу ердаги яхшилик Ислomдир. Мана шуларнинг ҳаммаси Ислomни ёйиш барча мусулмонларга олимга ҳам, омига ҳам, ёлғиз шахсга ҳам, жамоага ҳам, давлатга ҳам фарз эканлигига далолат қиладиган ҳужжатлардир. Агар мусулмонларнинг исломий давлатлари бўлиб, Ислom ҳукмларини бажараётган, Ислom тузумини татбиқ қиладиган бўлсалар у ҳолда бошқа кофир халқ ва миллатларни Ислomга даъват этишлари вожиб. Агар мусулмонларнинг исломий давлатлари бўлмай, Ислom ҳукмларини бажармаётган ва Ислom тузумини татбиқ қилолмаётган бўлсалар, у ҳолда исломий ҳаётни қайта тиклашга даъват этишлари яхшироқ. Ислomий ҳаётни қайта тиклаш Ислom давлатини тузиш ва Ислom тузумини ҳаётга татбиқ қилиш билан бўлади. Бундай даъват йўли ҳар хил бўлади.

Агар кофирларга етказилаётган бўлса, даъват бевосита Ислomга яъни Аллоҳга, унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, охират кунига, қадарнинг яхши ва ёмонига иймон келтиришга қаратилади. Агар етказиш мусулмонларга қаратиладиган бўлса, Ислom давлатини тузиш

ҳамда Ислом тузумини татбиқ қилиш билан исломий ҳаётни қайта тиклаш учун ҳаракат қилишга даъват этилади.

Даъват қилиш шакли даъватчиларга қараб ҳар хил бўлади. Агар даъватчи шахс ёки жамоа бўлиб кофирларни даъват қилаётган бўлса, уларнинг амали кофирларни куфр эътиқодидан исломий эътиқодга айлантиришга қаратилади. Агар бу кофирлар Ислом мамлакатида яшаётган бўлсалар, даъватчилар уларни ўз уйларида, жамоа жойларида ва учратиш мумкин бўлган жойларда даъват этадилар. Агар улар мусулмонларнинг мамлакатидан ташқарида бўлсалар, даъватчилар улар яшаётган жойларга борадилар. Бунда даъватчиларнинг бориши айнан даъват учун бўладими ёки Америкада бўлаётганидек ризқ топиш ва ишлаш учун бўладими, ёки илм олиш мақсадида бўладими, яна қандайдир бошқа бир сабаблар билан бўладими бунинг фарқи йўқ. Даъватчилар шахс ёки жамоа бўлишидан қатъий назар кофирларни Исломга хусусий шаклда даъват қилиш йўли мана шу.

Давлатнинг кофирларни Исломга даъват этиши эса тайёргарлик ва қувватни талаб қилади. Токи у ўзи даъват қилаётган миллат ва халқдан юқори туришга қодир бўлсин. Чунки давлат бир шахс ёки жамоани эмас, бутун бир халқ, миллат ёки мамлакатни даъват этади. Даъват эътиборни жалб қилиши учун ўша халқ ёки мамлакатни Ислом тузумига бўйсундириш лозим. Токи ўша халқ ёки мамлакат аҳолиси исломий эътиқоднинг тўғрилигини, тузумининг одиллигини, муомаласининг гўзаллигини ва унда зиммий (Ислом давлатида яшаётган бошқа диндаги одам) билан мусулмоннинг баробарлигини идрок қилсинларда, мажбур бўлиб эмас, ўзлари қизиқиб уни қабул қилсинлар. Давлат даъватни жиҳод йўли билан амалга оширади ва бу иш унинг ташқи сиёсати ва халқаро алоқаларининг асоси деб эътибор қилинади. Бундан ташқари даъват давлатнинг энг асосий иши деб қаралади. Чунки Пайғамбар ﷺ айтганларки: «Одамлар Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси дегунларича уларга қарши урушишга буюрилдим. Агар шундай десалар, мендан ўз жонлари ва молларини сақлаб қоладилар». Яна айтганларки: «Жиҳод Аллоҳ мени юборганидан тортиб умматимнинг охирчилари дажжолга қарши урушгунга қадар давом этади. Уни жавр қилгувчининг жаври ҳам, адолат қилгувчининг адолати ҳам бекор қила олмайди». Пайғамбар ﷺнинг Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг элчиси дегунга қадар урушишга буюрилганликлари даъватни ёйиш давлатга вожиб эканлигига далилдир. Бу ишнинг - жиҳоднинг қиёмат кунига қадар давом этиши жиҳод давлатнинг бирон лаҳза ҳам узилмасдан қиладиган доимий иши эканлигига далилдир.

Давлат даъват қилаётганида ҳикматли сўз айтиш, чиройли насиҳат қилиш ва гўзал мунозара юритиш услубини танлайди, чунончи, Пайғамбар ﷺ Дихяту-л-Калбийни Рим императорига уни Исломга даъват этиш мазмунидаги бир нома билан элчи қилиб юборди. Дихя императорга шундай деган эди: «Эй ҳукмрон, мени сенга элчи қилиб юборган киши сендан кўра яхшироқдир. Уни элчи қилиб юборган Зот эса ундан ҳам,

сендан ҳам яхшироқдир. Ўзингни паст олиб қулоқ сол. Кейин самимият билан жавоб бер. Чунки ўзингни паст олмасанг тушунмайсан, агар самимий бўлмасанг тўғри хулоса чиқара олмайсан». Шунда император гапирчи, деганида айтдики: «Биласанми, Исо алайҳиссалом ибодат қилармидилар?» Император «Ҳа», - деди. Айтдики: «Мен сени ўша Исо алайҳиссалом ибодат қилган зотга даъват қиламан. Мен сени Исо алайҳиссалом онасининг қорнидаги пайтида осмонлару ерни яратиш тадбирини қилган Зотга даъват қиламан. Мен сени Исо алайҳиссалом, ундан кейин эса Исо алайҳиссалом башорат қилган мана шу уммий (ўқишни, ёзишни билмайдиган) пайғамбарга даъват қиламан. Сенда буни текшириб анигини билиш учун етарли илм-ривоятлар бор. Агар хўп десанг, дунёю охират сеники бўлади. Йўқ десанг сендан охират кетади. Дунёдан эса улунинг бўлади. Билгинки, сенинг золимларни синдирадиган ва неъматларни ўзгартирадиган Парвардигоринг бордир».

Давлат фақат подшолар ва ҳукмронларнигина даъват қилмай уруш асносида лашкарбошиларни ҳам даъват қиларди. Исломга қарши курашаётганлардан икки ишдан бирини талаб қиларди: ё Исломга кириш ёки Ислом салтанатига бўйсунуш. Агар улар бош тортсалар улар билан урушардилар, агар шу иш Ислом учун фойдали деб топилса. Сулаймон ибн Бурайда ривоят қилиб шундай дейди: «Пайғамбар ﷺ қўшинга ёки сарийя (ўзлари иштирок этмайдиган жанглар)га амир тайинлаганларида, хусусан, Амирнинг ўзига Аллоҳдан қўрқиш ва ўзи билан кетаётган мусулмонларга яхшилик қилишни насиҳат қилиб, кейин дердилар: «Аллоҳнинг номи билан унинг йўлида ғазот қилинглар, Аллоҳга кофир бўлганларга қарши урушинглар. Ғазот қилинглар, ҳаддан ошманглар, хиёнат қилманглар, мусла қилманглар (ўликларнинг аъзоларини кесманглар) ва биронта ҳам чақалоқни ўлдирманглар. Мушрик душманларингга йўлиққан пайтингда уни уч нарсага даъват эт, қай бирига рози бўлса, ундан қабул қилиб, ўзингни тий. Уларни Исломга даъват эт, агар рози бўлсалар, улардан қабул қилиб, ўзингни тий. Кейин уларни ўз юртидан муҳожирлар юртига ўтишга даъват эт ва айтгинки, агар улар шу ишни қилсалар, ҳуқуқ ва бурчлари муҳожирлар билан баб-баробар бўлади. Агар бунга кўнмасалар, айтгинки, Дору-л-Ислом ҳудудидан ташқарида аъробий мусулмонлар каби зиммасидаги бурчлар талаб қилиниб, ҳуқуқлардан маҳрум бўладилар. Мусулмонлар билан бирга жиҳод қилганлари тақдирдагина ўлжадан уларга улуш ажратилади. Агар улар бош тортсалар, улардан жизя сўра, бунга рози бўлсалар, улардан қабул қилиб ўзингни тий. Агар бош тортсалар, Аллоҳдан мадад сўраб, уларга қарши уруш қил».

Давлат одамларга Исломни мана шундай кўрсатади. Агар улар қабул қилсалар, мусулмонлардек ҳуқуқ ва бурчларга эга бўладилар, агар Исломни қабул қилмай, Ислом салтанатига бўйсунушни қабул қилсалар, жизя бериш билан ўз динларида қоладилар ва исломий ҳукмларга бўйсунадилар, Аллоҳ Таоло айтади:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا  
يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ



– „Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсани ҳаром деб билмайдиган, ҳақ динга кирмайдиган аҳли китобларга қарши то улар ўз қўллари билан ўзларини паст олиб, жия бермагунларича урушинлар“.

[9:29]

Аммо агар улар Исломни қабул қилмасалар ва Ислом салтанатига бўйсунмасалар, уларга қарши урушиш лозим. Бунга мазкур оят далил бўлади. Яъни,

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ

– „Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсани ҳаром деб билмайдиганларга қарши урушинлар“.

[9:29]

Давлат кучли бўлиб турган пайтда унинг урушдан бошқа йўли танлашга ҳаққи йўқ. Бунга далиллар кўп. Ривоят қилинадики, Убода ибн Сомит Муқавқиснинг олдига музокара қилиш учун келган пайтда, Муқавқис у билан бирга келганларга қараб айтдики: «Бундан бошқа гапирадиганинглар йўқми?» Қавм айтди: «У бизнинг афзалимиз ва пайғамбаримизга яқинроғимиздир. Бундан ташқари, пайғамбаримиз уни бизга амир қилиб тайинлаган, фақат у гапиреди». Муқавқис айтди: «Унда келаверсин. Мен фақат унинг қоралигидан қўрққан эдим». Убода айтди: «Сен менинг қоралигимдан қўрқяпсан, ваҳоланки, ёшлигим ўтиб қувватим кетган пайтим. Мендан ҳам қорароқ, кучлироқ ва кўриниши катта мингдан ортиқ кишилиқ аскаримизни кўргангинда қай аҳволга тушасан?» Подшоҳ ундан сулҳ тузишни сўради. Шунда Убода айтди: «Биз сендан уч ишнинг биринигина қабул қиламиз: мусулмон бўлиб бизнинг биродаримиз бўласизлар, бунда сизларнинг ҳуқуқ ва бурчларингиз бизнинг ҳуқуқ ва бурчларимиз билан баробар бўлади. Ёки аҳли зиммаликни қабул қилиб бизга жия тўлайсизлар. Ёки то биз билан сизнинг орангизда Аллоҳ ҳукм қилгунига қадар биз билан урушасизлар». Шунда подшоҳ: «Шу уч нарсдан бошқасини қабул қилмайсизларми?» - деди. Убода икки қўлини кўтариб айтдики: «Осмоннинг Роббисига онт ичиб айтаман, йўқ! Ернинг Роббисига онт ичиб айтаман, йўқ! Сизлардан бундан бошқасини қабул қилмаймиз».

Давлат тарафидан кофирларни даъват қилиш йўли шу. Мусулмонларни даъват қилиш эса бошқачароқ бўлади. Мусулмонлар Ислом ҳукмларига эътибор бермай қўйганларида, ўзлари гуруҳ-гуруҳларга ажралиб кетганларида куфр қонунлари кириб келиб, юртлари дору-л-куфр яъни куфр юртига айланиб кетган пайтда уларга даъват қилинади. Шунда ҳам уларни Исломга даъват қилинмайди, чунки уларнинг ўзлари мусулмондирлар. Уларни ўз юрларини дору-л-куфр (куфр юрти)дан Дору-

л-Ислом (Ислом юрти)га айлантириш учун, яъни исломий ҳаётни қайта тиклаш учун ҳаракат қилишга даъват этилади. Бу иш эса халифалик давлатини қуриш ва Ислом ҳукмларини татбиқ қилиш билан бўлади. Бундай ҳолдаги даъват хусусий шаклда бўлмайди. Чунки хусусий иш қанчалар кўп бўлмасин, давлатни барпо қилолмайди, ҳокимиятни қўлга олишга боролмайди. Демак, бу иш бирор жамоа, уюшма ёки гуруҳ тарафидан жамойи шаклда олиб борилиши керак. Унда икки нарсанинг амалга ошмоғи шарт. Биринчидан, бу жамоани фикрий ва шуурий жиҳатдан боғлаб турадиган бир робита бўлмоғи керак. Иккинчидан, кўзда тутилган гоёга етишда унга етакчилик қиладиган, бўйсунилиши шарт бўлган унинг бир амири бўлмоғи лозим. Бунга далил Аллоҳ Таолонинг ушбу

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٠٤﴾

– „Сизлардан эзгулик (Ислом)га чорлайдиган, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган бир жамоа бўлсин. Ана ўшалар нажот топгувчилардир“.

[3:104]

Даъватни сиёсий йўлдан олиб бориб, ўзи сиёсий жамоа, сиёсий уюшма ёки сиёсий гуруҳ бўлиши вожиб. Бунга далил мазкур оятдаги „... яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадилар...“ сўзларидир, яъни мусулмонларни яхшиликка буюриб, уларни ёмонликдан қайтарадилар. Ҳокимлар ҳам мусулмонлардир. Ҳокимларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш сиёсий ишнинг чўққисидир. Даъватни сиёсий йўлда олиб бориш икки жиҳатга таянади. Биринчиси, фикрий кураш, иккинчиси сиёсий кураш. Ҳозирги мусулмонлар яшаётган жамият исломий фикрлардан бошқа фикрларни қабул қилган жамиятдир. Улар - фикр модданинг маҳсулидир, жамиятдаги шахс шестернянинг яъни чархнинг бир тиши каби коммунистик фикрлар ҳамда динни ҳаётдан ажратиш, жамият шахслардан ҳосил бўлиб, давлатнинг шахс эркинликларини муҳофаза қилиш учун мавжудлиги каби капиталистик фикрлардир. Бу жамият исломий тушунчалардан бошқасини кўтариб юрибди. Бу тушунчалар ҳаётдаги ишларнинг миқёси манфаатдорлик ва шахс интилаётган саодат жасадий фойдалардан мумкин қадар кўпроқ баҳраманд бўлиш каби капиталистик тушунчалардир. Бу жамиятда исломий қаноатлардан бошқа қаноатлар мавжуд. Шахсий мулкчиликни йўқ қилиш каби коммунистик қаноатлар ҳамда банкларнинг фойдаси ва судхўрлик пулларини қонунлаштириш каби капиталистик қаноатлар. Мана шу фикрлар, тушунчалар ва қаноатлардан ҳозирги инсоний жамиятларда давлатлар вужудга келмоқда. Модомики бу фикрлар парчаланиб, тушунчалар ўзгариб, қаноатлар йўқ бўлиб, уларнинг ўрнига исломий фикрлар, тушунчалар ва қаноатлар вужудга келмас экан, бу давлатларнинг йўқ бўлиб ўрнига исломий давлатнинг барпо бўлиши мумкин эмас.

Шунинг учун фикрий кураш олиб бориб, куфр фикрларини парчалаш, исломий фикрларни билдириш ва уларни воқега татбиқ қилиш лозим. Ёки мусулмонлар исломий фикрларнинг ҳаёт муаммоларини нақадар тўғри ҳал қилишини идрок қилсинлар, уларда исломий тушунчалар ҳосил бўлсин. Бу ишни такрор ва такрор қилиш керак. Токи мусулмонларда қаноатлар ҳосил бўлиб, диллар Ислом давлати қурилажак бир кунга интилсин, тайёргарлик кўрсин.

Сиёсий кураш эса давлатларнинг жинойтларини, уюштирилган жирканч фитналарнинг шармандалигини очиб ташлаш, сохта сиёсатларнинг хатарлигини тушунтириш, йўлдан оздирувчи шахсларни синдириш, хусусан, исломий халқларда ҳокимият тепасига келиб қолган малай ҳокимларнинг асл қиёфасини фош этиш каби ишларни тақозо қилади. Сиёсатчиларнинг мунофиқларнинг дажжоллигини ва халқларни адаштираётганлигини тушунтириши ҳам сиёсий курашнинг ишидир. Бу дажжоллар кўпинча ноҳақни ҳақ, мағлубиятни ғалаба, муваффақиятсизликни муваффақият қилиб кўрсатишади. Улар билан келишиш мутлақо жоиз эмас.

وَدُّوا لَوْ تُدْهِنُ فَيْدُهُنُونَ ﴿٩﴾ ﴿٨﴾ ﴿٧﴾ ﴿٦﴾ ﴿٥﴾ ﴿٤﴾ ﴿٣﴾ ﴿٢﴾ ﴿١﴾

– „... улар мураса қилишингизни хоҳлайдилар, (агар рози бўлсангиз) бажонудил мурасага келадилар...“ [68:9]

Уларга қарши сиёсий кураш давом этмоғи лозим. Чунки Аллоҳ Таоло айтадики:

لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ  
أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِنْهُ  
وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ  
أُولَئِكَ حِزْبُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٢٢﴾ ﴿٢١﴾ ﴿٢٠﴾ ﴿١٩﴾ ﴿١٨﴾ ﴿١٧﴾ ﴿١٦﴾ ﴿١٥﴾ ﴿١٤﴾ ﴿١٣﴾ ﴿١٢﴾ ﴿١١﴾ ﴿١٠﴾ ﴿٩﴾ ﴿٨﴾ ﴿٧﴾ ﴿٦﴾ ﴿٥﴾ ﴿٤﴾ ﴿٣﴾ ﴿٢﴾ ﴿١﴾

– „Аллоҳга ва охират кунига ишонган қавмнинг Аллоҳга ва пайгамбарига қарши чиққан кимсалар билан дўстлашганини топмайсан. Агарчи улар ўзларининг оталари, ўғиллари, ака-укалари, қариндош-уруғи бўлса ҳам. Улар (Аллоҳ қалбларига иймонни ёзган ва ўзи тарафидан бир руҳ билан қувватланган шахслардир. Уларни остидан дарёлар оқиб ўтадиган жаннатларга дохил қилади, у жойда абадий қоладилар, Аллоҳ улардан, улар эса Аллоҳдан рози. Улар Аллоҳнинг гуруҳи. Огоҳ бўлингки, Аллоҳнинг гуруҳигина нажот топгувчидир.“ [58:22]

Даъватчи агар ҳоким бўлиб қолса, унда ҳақиқий онг бўлмаса, фикрий ва сиёсий кураш бўлмаса, халқининг муаммоларини англаб уларни ҳал қилиш йўлини топа олмайди, тадбирини кўролмайди ҳам. Чунки у агар муфаккир сиёсатчи бўлмаса, ё дарвеш ёки обид ёхуд зоҳид бўлади. Бундай одам миллатининг муаммоларини қаердан билсин?

Исломий ҳаётни қайта тиклаш учун Исломга даъват этиш барчага тааллуқли бўлгач, бу ишни бажариш мусулмонларнинг устидаги умумий мажбуриятлардан ҳисобланади. Бу ишни Пайғамбар ﷺ юрган йўлдан олиб бормоқ лозим. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, Пайғамбар ﷺнинг йўли пайғамбарлик пайтларида рўй берган муайян босқичларга мувофиқ ҳолдаги феъллар, гаплар ва тақрир (яъни тасдиқ)ларнинг мажмуи бўлиб, ҳаммаси шаръий ҳукмлардир.

Иккинчидан, икки вазият, яъни Расул ﷺ замонидаги жоҳилият вазияти билан ҳозирги кундаги бизнинг вазиятимиз бир-бирига ўхшайди. Ўша пайтдаги жамият бузуқ жамият эди. Бугунги жамият ҳам шундай. Ўша пайтдаги одамлар жоҳилий ҳокимиятларга бўйсунардилар. Бу ҳокимиятлар уларга жоҳилона урф-одатлар билан ҳукмронлик қилар эди. У пайтдаги жамият ширк эътиқодидан келиб чиққан фикрлар, туйгулар ва тузумлардан ташкил топар эди. Бугунги одамлар эса жоҳилиятгина эмас, унданда паст, ҳақир, хиёнаткор ҳокимларга бўйсунмоқда. Улар одамларга капитализм эътиқодидан келиб чиққан вазъий (одамлар тарафидан ишлаб чиқилган) қонунлар билан ҳукм қилмоқдалар. Бу эътиқод гоҳида ўзини социализмдан иборат бўлган бирор нарса билан ямаб ясамоқда. (Демак, ўша пайтдаги ва бугунги иккала жамият ҳам бузуқ жамиятлардир). Юрт-диёр масаласи ҳам шундай. Чунки фақиҳлар берган тариф мана бундай: «Аҳолисининг кўпчилик қисми мусулмонлар бўлса ҳам куфр ҳукмлари татбиқ қилинаётган диёр куфр диёри яъни дору-л-куфр бўлади. Аҳолисининг аксар қисми кофир бўлсада, Ислом ҳукмлари татбиқ этилаётган диёр Дору-л-Ислом яъни Ислом диёри бўлади».

Демак, бугунги кунда Ислом эътиқодига асосланган яъни, уни эътиқод сифатида қабул қиладиган ва ҳукмларини ҳаётга татбиқ қиладиган давлатни барпо қилиш учун қилинадиган ҳаракат Расул ﷺ билан аввалги мусулмонлар қилган ишнинг айнан ўзидир. Ўша пайтдаги Исломнинг душманлари бугунги кунда ҳам ўша душманлардир. Пайғамбар ﷺ замонида динсиз воқени сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар ҳозирда ҳам бузуқ воқени сақлаб қолишга ҳаракат қилаётирлар. Бу икки динсизликда бироз фарқ бор. Аввалги динсизлар миллатига хиёнат қилмас, душмани билан келишиб иш қилмас, довюрак, мағрур, ҳамиятли, одамгарчилиги бор кишилар эди. Бугунги кундаги ҳокимлар эса бу сифатларнинг ҳаммасидан холи. Бизнинг ҳозирги ҳолатимиз Пайғамбар ﷺнинг Мадинага бориб давлат барпо қилишидан аввалги, яъни Маккадаги ҳолатига тўғри келади. Биз мазкур қўрқоқ ва иккиюзламачи ҳокимлар билан курашмоғимиз керак. Шунинг учун ҳам фикрий ва сиёсий кураш жараёнида фикрларимизни тез ва қисқа баён қилмоғимиз лозим.

Пайғамбар ﷺ ўз даъватлари билан динсизларнинг фикрларига ва эътиқодларига қарши курашардилар. Динсиз эътиқодларнинг сохталигини ва бундай эътиқоддагиларнинг ақлсизлигини баён қилиш билан уларнинг ўрнига янги исломий эътиқодни олиб киришга ҳаракат қилардилар. Уларга Қуръони Каримда ворид бўлган, улар каби бутларга ибодат қиладиган аввалги миллатларнинг қиссаларини тиловат қилиб берардилар. Зора

қотиб қолган ақллар уйғонса ва зора бу ақлларнинг эгалари чуқурроқ фикрлай бошласалар. Уларга Аллоҳ Таолонинг мана бу сўзини тиловат қилардилар:

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا هَذِهِ التَّمَاثِيلُ الَّتِي أَنْتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ ﴿٥٧﴾ قَالُوا وَجَدْنَا آبَاءَنَا لَهَا عَابِدِينَ ﴿٥٨﴾ قَالَ لَقَدْ كُنْتُمْ أَنْتُمْ وَآبَاؤُكُمْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٥٩﴾ قَالُوا أَجِئْتَنَا بِالْحَقِّ أَمْ أَنْتَ مِنَ اللَّاعِينَ ﴿٦٠﴾ قَالَ بَلْ رُبُّكُمْ رَبُّ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ الَّذِي فَطَرَهُنَّ وَأَنَا عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٦١﴾

– „Ўшанда (Иброҳим алайҳиссалом) отаси ва қавмига: „Сизлар доимо чўқинадиган - ибодат қиладиган бу ҳайкаллар нимадир (яъни нега жонсиз ҳайкалларга сиғиняпсизлар)?!“ - деганида, улар айтдилар: „Бизлар ота-боболаримизни ҳам уларга сиғинган - ибодат қилган ҳолда топганмиз“. У деди: „Дарҳақиқат сизлар ҳам ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансизлар“. Улар айтдилар: „Келтирган-айтган бу сўзларинг ростми ёки сен ҳазл қилувчиларданмисан?“ У деди: Йўқ! Сизларнинг Парвардигорингиз (мана бу ҳеч фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган бутлар эмас, балки) осмонлар ва Ернинг парвардигоридирки, У зот уларни ўзи яратгандир. Мен бунга гувоҳлик берувчилардандирман“. [21:52-56] Кейин яна тиловат қилардилар:

قَالَ أَتَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكُمْ شَيْئًا وَلَا يَضُرُّكُمْ ﴿٦٢﴾ أَفَلَا تَكْتُمُ وَكَلِمًا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٦٣﴾

– „(Иброҳим) айтди: „Ахир Аллоҳни қўйиб, сизларга бирон фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга сиғинасизларми?! Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам суф-е! Ахир ақл юргизмайсизларми?!“ [21:66,67]

Кейин уларнинг бутларга ибодат қилишда маҳкам туриб олганлари учун қаттиқ азоб кутаётганлигидан огоҳлантириб мана бу оятни тиловат қилдилар:

إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ حَصْبُ جَهَنَّمَ أَنْتُمْ لَهَا وَارِدُونَ ﴿٦٤﴾ لَوْ كَانَ هَٰؤُلَاءِ آلَٰهَةً مَا وَرَدُوهَا وَكُلٌّ فِيهَا خَالِدُونَ ﴿٦٥﴾

– „(Эй мушриклар), сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ўтинларидир. Сизлар у жаҳаннамга тушгувчидирсизлар. Агар сизлар сиғинадиган бутларингиз худолар бўлганида жаҳаннамга тушмаган бўлур эдилар. Бу бутлар ва уларга сиғинадиганларнинг барчалари у жойда (қолгувчидирлар) абдий қолгувчидирлар“. [21:98,99]

Пайғамбар ﷺ мушрикларнинг этиқодигагина ҳужум қилиб қолмай, уларнинг қабилавий тузумлари ва эски урф-одатларига ҳам қарши

курашдилар. Улар бу урф-одатларига таяниб судхўрликни ҳалол қиладиган, зино учун жорияларни ижарага олишни рухсат этадиган, қимор ўйнаш ҳамда фолбинлар ва сеҳргарлар билан маслаҳатлашишга йўл берадиган ҳаёт тузумларини барпо қилдилар. Уларга қуйидаги оятларни ўқиб берардилар:

وَمَا آتَيْتُمْ مِنْ رَبًّا لِيُرَبُّوا فِي أَمْوَالِ النَّاسِ فَلَا يَرُبُّوا عِنْدَ اللَّهِ

– „Одамларнинг мол-мулкларига қўшилиб кўпайиб, судхўрлик йўли билан қўлингизга зиёда бўлиб қайтиб келаётган бойликларингиз Аллоҳнинг даргоҳида ҳаргиз зиёда бўлмас.“ [30:39]

Уларга яна ўқиб берардилар:

وَلَا تُكْرَهُوا فَتِيَاتِكُمْ عَلَى الْبِعَاءِ إِنْ أَرَدْنَ تَحَصُّنًا

– „Покликни истаган чўриларингизни зинокорлик қилишга мажбурламанглар...“ [24:33]

Уларга яна ушбу оятларни ўқиб берардилар:

إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِنْ عَمَلِ الشَّيْطَانِ

– „Ароқ (маст қиладиган ичкилик ичиш), қимор (ўйнаш), бутлар (яъни уларга сифиниш) ва чўплар (яъни чўплар билан фол очиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир.“ [5:90]

Мушриқлар ўзларининг фойдаларига мослаштириб, уруш ҳаром қилинган ойларни гоҳ олдинга, гоҳ кейинга сурардилар. Шунда Пайғамбар ﷺ уларга Аллоҳ Таолонинг ушбу оятларини тиловат қилардилар:

إِنَّمَا النَّسِيءُ زِيَادَةٌ فِي الْكُفْرِ يُضَلُّ بِهِ الَّذِينَ كَفَرُوا يُحْلُونَهُ عَامًا وَبِحَرْمُونَهُ عَامًا لِيُؤَاطُوا عِدَّةَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ فَيَحْلُوا مَا حَرَّمَ اللَّهُ زَيْنَ لَهُمْ سُوءَ أَعْمَالِهِمْ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ

الْكَافِرِينَ

– „Шак-шубҳасиз (ҳаром ойларни) кетга суриш ортиқ даражадаги кофирликдирки, у сабабли кофирлар бутунлай йўлдан тойилурлар. Улар Аллоҳ ҳаром қилган ойларнинг саногини (тўрт ойга) тўғрилаб, Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилиб олиш учун уни (яъни, уруш ҳаром қилинган ойларни) бир йил ҳалол десалар, яна бир йил ҳаром дейдилар. Уларга бу хунук ишлари чиройли (маъқул) кўринди. (Чунки) Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас.“ [9:37]

Мушриқлар ўз эътиқодларини арзимас ҳужжатлар билан мудоффаа қилар эдилар. Қуръон уларнинг тилидан гапириб шундай дейди:

أَحْجَلَ الْإِلَهَةَ إِلَهًا وَاحِدًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عَجَابٌ وَأَنْطَلَقَ الْمَلَأُ مِنْهُمْ أَنْ امْشُوا وَاصْبِرُوا عَلَى آلِهَتِكُمْ إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ يُرَادُ مَا سَمِعْنَا بِهَذَا فِي الْمِلَّةِ الْآخِرَةِ إِنْ

هَذَا إِلَّا اخْتِلَافٌ

– „(Шунча) худоларни битта худо қилиб олибдими? Ҳақиқатан бу жуда қизиқ нарса! Улардан катталари (бир-бирларига шундай дея тарқалиб) кетдилар: „Юринглар ва ўз худоларингизга сигинишда қаноат қилинглаб (яъни, устивор бўлинглаб)! Албатта бу (яъни, „Ло илоҳа иллаллоҳ“ дейиш бизлардан) талаб қилинадиган (жуда катта) нарсасидир. Бизлар бу ҳақда (яъни Аллоҳнинг яккаю ягоналиги ҳақида) сўнги миллатдинда(ги одамлардан ҳам, яъни Исломдан аввалги сўнги дин бўлмиш насроний динидаги одамлардан ҳам) эшитган эмасмиз. Бу фақат бир уйдирмадир холос“.

[38:5-7]

Кофирлар пайғамбарга қарши кураша бошлайдилар. Улар дастлаб ташвиқот йўлини тутадиларда - „У шоир, фолбин“ - деб гап тарқатадилар. Шунда Пайғамбар ﷺ бу оятни тиловат қиладилар:

إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿١﴾ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ قَلِيلًا مَّا تُوْمِنُونَ ﴿٢﴾ وَلَا يَقُولُ كَاهِنٍ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٣﴾ تَنْزِيلٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٤﴾

– „... у (Қуръон) шак-шубҳасиз улуғ пайғамбарнинг (Аллоҳ даргоҳидан келтирган) сўзидир! У бирон шоирнинг сўзи эмасдир! Сизлар (ушбу Қуръон Аллоҳнинг каломи эканлигига) камдан-кам иймон келтирурсизлар! Ва бирон коҳин-фолбиннинг сўзи эмасдир. Сизлар камдан-кам панд-насиҳат олурсизлар! (У) барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилинган (Китобдир)“.

[69:40-44]

Улар пайғамбарга араб бўлмаган бир одам аввалгиларнинг хабарларини ўргатапти, деб даъво қилдилар. Шунда уларга Аллоҳ Таолонинг мана бу оятини тиловат қиладилар:

وَلَقَدْ عَلِمْتَهُم يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُ بَشَرٌ لِّسَانُ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْجَمِيٌّ وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُّبِينٌ ﴿١﴾

– „Аниқки, Биз уларнинг „(Қуръонни Муҳаммадга) бирон одам ўргатмоқда“, дейишаётганини билурмиз. (Лекин уларнинг бу даъволари пучдир). Улар ишора қилаётган кишининг тили ажамий (яъни арабий эмас) бу (Қуръон) эса очиқ-равшан арабийдир“.

[16:103]

Кейин улар ғаразли ташвиқот ва уйдирмаларни давом эттириб, Қуръон Муҳаммад тарафидан ижод қилинган деб иғво қилдилар. Агар Қуръон Муҳаммад тарафидан бўлса, Муҳаммад ҳам сизларга ўхшаш бир араб ва ўқиш-ёзишни ўрганмаган бир уммий инсон, сизлар эса фасоҳатли сўзлай оладиган билимдонсизлар. Шундай экан, ўзингизнинг ҳақ эканингизни исботлаш учун Қуръонга ўхшаш биргина сурани яратингларчи дея Қуръон уларни мусобақага чақирди:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٢٣﴾ فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا فَأْتُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ ﴿٢٤﴾

– „Агар Биз бандамизга туширган нарсга (Қуръонга) шубҳангиз бўлса, у ҳолда шунга ўхшаган биргина сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг, гар ростгўй бўлсангиз. Энди агар бундай қилмасангиз, ҳаргиз қилолмайсиз ҳам, у ҳолда одамлар ва тошлар ўтин бўладиган кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқинг“. [2:23,24]

Уларнинг ташвиқотлари иш бермагач, бугунги кундаги қамаб қўйишга ўхшаш алоқани узиш йўлига ўтдилар. Қурайш қабилалари Пайғамбар ﷺнинг тобелари ва ҳомийлари билан алоқани узишга умумий иттифоқ туздилар. Натижада мусулмонлар уч йил давомида зарар кўрдилар. Кейин Пайғамбар ﷺ саҳобаларни қурайшнинг озоридан қочиб Ҳабашистонга ҳижрат қилишга буюрдилар. Чунки қурайш қабиласи алоқани узиш услуги ҳам муваффақиятсиз чиққандан кейин мусулмонларни азоблашга ўтган эди. Улар Пайғамбар ﷺни худоларини сўкиш ва ақлларини аҳмоққа чиқаришдан тийилишлари учун муросага чақирिशганда, уларга ушбу оятларни ўқиб бердилар:

فَلَا تُطْعِ الْمُكَذِّبِينَ ﴿٢٥﴾ وَدُّوا لَوْ تُدْهِنُ فَيُدْهِنُونَ ﴿٢٦﴾ وَلَا تُطْعِ كُلَّ حَلَافٍ مَهِينٍ ﴿٢٧﴾ هَمَّازٍ مَشَاءٍ بَنِيمٍ ﴿٢٨﴾ مَنَاعٍ لِلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَيْمٍ ﴿٢٩﴾ عَتَلٌ بَعْدَ ذَلِكَ زَيْمٍ ﴿٣٠﴾ أَنْ كَانَ ذَا مَالٍ وَبَنِينَ ﴿٣١﴾ إِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِ آيَاتُنَا قَالَ أَسَاطِيرُ الْأَوَّلِينَ ﴿٣٢﴾ سَنَسِمُهُ عَلَى الْخُرُطُومِ ﴿٣٣﴾

– „Бас, (Эй Муҳаммад, сизнинг ҳақ Пайғамбарлигингизни ва Қуръонни) ёлгон дегувчи одамларга итоат этманг! Улар (ўзларига) сизнинг кўнгилчанлик-муроса қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам (сизга) кўнгилчанлик қилурлар. (Лекин сиз уларнинг бу истакларига бўйинсунманг!) (Эй Муҳаммад), яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчи-ю гап ташувчи, яхшиликни ман қилгувчи-бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари бенасаб-ҳароми кимсага итоат этманг! У мол-мулк ва ўғиллар эгаси бўлгани учун (ўзидан кетиб), қачон унга бизнинг оятларимиз тиловат қилинса: „Бу аввалгиларнинг афсоналарику!“ дер. Яқинда биз уни тумшугидан тамғалаб қўяжамкиз!“ [68:8-16]

Бунинг устига Пайғамбаримиз Абу Жаҳлни кучли, азиз одам заиф, хор одамни рад қилганидек рад қилдилар:

كَلَّا لَئِن لَّمْ يَنْتَه لَنْسَفَعِ بِالنَّاصِيَةِ ﴿١٥﴾ نَاصِيَةٍ كَآذِيَةِ خَاطِئَةٍ ﴿١٦﴾ فَلْيَدْعُ نَادِيَهُ ﴿١٧﴾ سَنَدُّعُ الرِّبَانِيَّةِ ﴿١٨﴾

– „Йўқ, агар қайтмаса пешонасидаги сочидан маҳкам тутамиз. Ёлгончи хатоқор пешонасидан (ва жаҳаннамга отурмиз). Бас, у ўзининг жамоасини (ёрдамга) чақираверсин! Биз эса азоб фаришталарини чақиражакмиз!“ [96:15-18]

Кейин эса Абу Лаҳабни бўлиши муқаррар азобдан қўрқитдилар:

### بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾ مَا أَغْنَىٰ عَنْهُ مَالُهُ وَمَا كَسَبَ ﴿٢﴾ سَيَصْلَىٰ نَارًا ﴿٣﴾ ذَاتَ لَهَبٍ ﴿٤﴾ وَامْرَأَتُهُ حَمَّالَةَ الْحَطَبِ ﴿٥﴾ فِي جِيدِهَا حَبْلٌ مِّن مَّسَدٍ ﴿٦﴾

– „Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай - ҳалок бўлгай! (Аниқки) у қуриди - ҳалок бўлди! Мол-мулки ва касб қилиб топган нарсалари унга асқотгани йўқ! Яқинда у ва унинг ўтин орқалаган, бўйнида пишиқ толадан эшилган арқон бўлган хотини (ловуллаб турган) алангали дўзахга киражак“. [111]

Бу фикрий ва сиёсий кураш Аллоҳ Таолонинг кўрстамаси ва тавфиқи билан бўларди. Аллоҳ душманни рад қилиш йўлини Пайғамбарининг ўзига ташлаб қўйгани йўқ. Акс ҳолда Пайғамбар ҳам одам эди. У ҳам саҳобалардек азоб чекарди. Қачон у кишида душманлар билан муросага келишликка мойиллик туғилса, ваҳй нозил бўлиб, у кишини оқибатдан огоҳлантирарди. Шу маънода Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَوْلَا أَن تَبَتْنَاكَ لَقَدْ كُنَّا تَرَكُنَّ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿١٧٦﴾ إِذَا لَادَقْنَاكَ ضِعْفَ الْحَيَاةِ وَضِعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿١٧٧﴾

– „Агар Биз сизни (Ҳақ йўлда) собитқадам қилмаганимизда сиз уларга бир қадар мойил бўлишингизга оз қолди. У ҳолда албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададқор топа олмаган бўлур эдингиз“. [17:74,75]

Кейин Пайғамбар ﷺ Ислом салтанатини барпо қилиш учун қавмидан голиб бўлишга имконият яратиб берадиган куч излай бошладилар. Тоифга борган эдилар. Сақиф қабиласи у кишини ёмон суратда рад қилди. Кейин Бану Омир ибн Саъсаъа қавмига бордилар. Улар сиздан кейин ҳокимият бизга қолади, деб шарт қилдилар. Пайғамбар ﷺ ҳокимият Аллоҳники, уни хоҳлаган жойига қўяди, дедилар. Шундай қилиб, қабилаларнинг ўзига бориб, ёки Укоз бозорида ва ҳаж кунларида ҳар хил қабилалардан келган одамларни даъват қилардилар. Мадина

вакиллари билан учрашгунларига қадар шундай қилдилар. Мадиналиклар у кишининг таклифига рози бўлдилар, иймон келтирдилар. Мадинага ҳижрат қилганларидан кейин уларнинг қўллари билан ғалабага эришдилар.

Пайғамбар ﷺ ва у кишининг саҳобалари Маккадалик пайтларида мушрикларнинг эътиқодлари ва урф-одатларига қарши фикрий кураш ҳамда уларнинг вужудини парчалаш, улардан салтанатни олиш ва даъват йўлини очиш учун сиёсий кураш олиб бордилар. Токи даъват одамларга ҳеч қандай моддий тўсиқсиз етиб борсин ва хоҳлаган одам Исломни ҳеч қандай хавф-хатарсиз қабул қилсин.

Пайғамбар ﷺ саҳобалари даъватни мана шундай олиб бордилар. Бирорта ҳам зўравонга ён бермадилар, бирорта ҳам, золимдан қўрқиб ўтирмадилар. Нақадар оғир бўлишига қарамасдан жамиятни ушлаб қола олдилар. Бузилишнинг бирор томони уларнинг назаридан четда қолмади. Давлатларини барпо қилишга олиб борадиган бирорта эшикдан кирмай қўймадилар. Мақсадларига эриштирадиган бирорта йўлни босмай ўтмадилар.

Мусулмонлар Аллоҳнинг иродаси билан биринчи жаҳон урушида охириги исломий давлат йўқ бўлгунига қадар, Исломга даъват этиб, унинг ҳукмларини татбиқ этиб келдилар. Халифалик давлати йўқ бўлиши билан Ислом тузуми ҳам йўқ бўлди, мусулмонлар даъват қилишдан тўхтаб қолдилар ва жиҳод эшиги ёпилди. Қолгани ҳам мусулмонларнинг динларини эмас, юртларини мудофаа қилишдаги жиҳодлари бўлди. Мусулмонларнинг мамлакатлари парчаланиб кетди, уларнинг устига куфр қонунлари ва кофирларнинг тузумлари келди. Ўзлари турли-туман зулм ва машаққатларни бошидан кечирдилар.

Бугунги кунда мусулмонлар Шарқ ва Фарб фикрий асосларни яъни капитализм ва социализмни тажрибадан ўтказиб, ўзларининг ҳақиқий динига қайтиш билангина нажот топажакларини англагандан кейин Ислом тузуми ва ҳукмларини қайта татбиқ қилишга интила бошладилар. Исломий гуруҳлар вужудга келди Исломга чақирувчилар кўпайди. Ҳаммаси ҳам ўзини Исломга чақираяпман деб эълон қилди. Улар исломий мамлакатлар орқали жамиятда ўзларига йўл очдилар. Уларнинг тутган йўллари ва даъват қилиш усуллари хилма-хил. Ҳаммаси ҳам ўзини Пайғамбар ﷺ йўлидан деб даъво қилади.

Бу гуруҳларнинг қай бири тўғри ва қай бири хатолигини ажратиш учун даъват ва даъватчидаги асосий белгиларни кўрсатиб ўтмоқ лозим. Токи бу иш тўғри бир миқёс бўлиб, ўша гуруҳларнинг тутган йўлларини унга қиёслаймиз. Қайси гуруҳда мана шу асосий белгилар тўла мавжуд бўлса, унинг тўғри йўлни тутганини биламиз. Бундан мақсад шуки, Исломнинг ва мусулмонларнинг ғалабаси учун ҳаракат қилишни хоҳлаган мусулмонлар тўғри гуруҳга бориб қўшилсинлар. Токи йўл яқин бўлсин. Токи улар бекорчи ҳалқаларда ўралашиб қолмасинлар. Қайси бир гуруҳда бу белгилар тўла мавжуд бўлмаса, уларни вужудга келтириш мусулмонларга вожиб. Энди гапни Пайғамбар ﷺнинг даъват

қилишдаги йўлларида хулоса қилиб олинган ана шу белгилардан бошлайлик.

Улар:

1. Мусулмонларни даъват қилиш исломий ҳаётни қайта бошлашга қаратилган бўлиши керак. Исламий ҳаётни қайта тиклаш эса Ислам давлатини барпо қилиш, Исламни ҳаётга татбиқ этиш, оламни зулматдан ёруғликка чиқариш учун фикрий етакчилик сифатида Исламга бутун дунёни даъват этиш билан бўлади.

2. Даъватни олиб бораётган гуруҳ ёки ҳизб сиёсий бўлиб, фикрий ва сиёсий кураш билан Уммат орқали ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳаракат қилмоғи керак.

3. Зинҳор-базинҳор мавжуд тузумлар билан муросага келмаслик лозим. Аксинча уларнинг жирканч, ёвуз ниятларини очиб ташлаш, сохта сиёсатларини кўрсташи ва адаштирувчи шахсларини синдириши керак.

4. Даъват қилиш даъватчининг асосий иши бўлиб, жисмонан дам олиш ва оила боқиш учун керак бўладиган вақтдан қолганини унга бағишламоғи керак. Агар даъватчининг шахсий манфаати билан даъват қарама-қарши келиб қолса, ўз манфаатини ташлаб, даъватни ушлаши керак.

Даъватни олиб бориш мана шу тўрт асос билан бўлса, тўғри йўлдан бораётган бўлади. Бу гуруҳ Пайғамбар ﷺнинг гуруҳи каби ўз-ўзидан ҳукумат кучлари билан тўқнашади. Бу ҳақда Пайғамбар ﷺ ҳам ўзининг айрим ҳадисларида хабар бериб, ўзидан кейин Умматининг тепасига Аллоҳнинг Китобидан бошқа нарса билан ҳукм қиладиган, Аллоҳга итоат қилишга даъват этаётганларга, Қуръонни ва суннатни қайта тиклашга уринаётганларга озор берадиган ҳокимлар келади, деган эдилар.

Қасс ибн Соъида, Зайд ибн Амр, ибн Нуфайл, Варақа ибн Навфаллар жоҳилият вақтида муваҳҳидлардан бўлиб, санам-бутларга ибодат қилишга паст ҳақир иш деб қарардилар. Улар ўз эътиқодларини очиқ билдирар эдилар. Шундай бўлса ҳам Қурайшдан қаршилик ва озорларга дуч келмадилар. Абу Бакр ибн Умар эса Қурайш Каъбанинг атрофида Қуръон ўқиганлигининг ўзига муштладилар, дўппосладилар. Усмон ибн Талҳани эса Лабид Омирий шеърининг бир байтига эътироз билдирганлигининг ўзига кўзи оқиб тушгунига қадар калтакладилар. Байт қуйидагича эди:

Аллоҳдан ўзга ҳар нарсадир ботил,

Билгилки, шубҳасиз ҳар неъмат зойил.

Бунга эътироз билдириб, Усмон, ёлғон айтасан, жаннатнинг неъматини доимийдир, деган эди.

Хўш, нега энди Абу Бакр ва Усмон калтакланаяпти-ю, муваҳҳидлардан эса бирортаси ҳам озорга дуч келмаяпти? Шубҳа йўқки, эътиқод аҳлининг ўзи эътиқодига қай томондан хатар келишини ўзи яхшироқ билади. Муваҳҳидларнинг эътиқодида Қурайшнинг эътиқоди, тузуми ва салтанатига хатар солиши мумкин бўлган нарса йўқ эди.

Шунинг учун ҳам уларга ҳеч қандай эътироз билдирмадилар. Билол Ҳабаший эса Ислом эътиқодини ушлаганлигининг ўзига хўжайинидан қаттиқ балого йўлиқди. Чунки, Қурайш билардики, бу эътиқод - исломий эътиқод - тез кунда алалоқибат уларнинг эътиқодини йўқ қилиб, тузумини парчалаб, салтанатини олиб қўяди.

Нажрондаги насронийлар, Мадинадаги яҳудийлар ва уларнинг айрим сулолалари арабларга - самовий китоб аҳлининг бутларга ибодат қиладиган мушрикларга қараганидек - паст назар билан қарардилар. Араблар Бану Бакр ва Бану Той каби насроний қабилалар, Бану Қайнуқо, Бану Назир ва Бану Қурайза каби яҳудий қабилалари билан аралашиб юрганлигига қарамасдан, уларга душманлик қилмади. Тўғри улар бир-бирлари билан қайсидир даражада урушиб турардилар. Кейин эса ҳаммаси бир бўлиб мусулмонларга қарши турдилар. Нега шундай бўлди? Чунки яҳудий ва насронийлар даъват ишини олиб бормас, бошқа араб қабилаларига ҳукмрон бўлишга уринмас эди. Мусулмонлар эса одамларни Ислом тузумига бўйсундирадиган давлатни барпо қилиш учун ҳаракат қилардилар. Пайғамбар ﷺ Укоз бозорида ва ҳаж мавсумида қабилалардан келган вакилларнинг олдига бориб, улардан ўзининг қавмига қарши ёрдам сўрардилар.

Пайғамбар ﷺ ва у кишининг саҳобалари ўша вақтда Макка, Тоиф ва Мадинадаги мушрик тузумлардан қандай озор ва азобларга йўлиққан бўлсалар, уларнинг изларидан бориб сиёсий йўл билан Исломга даъват этаётган гуруҳ ёки жамоанинг ҳам мавжуд тузумлар тарафидан ана шундай озору азобларга дуч келмоғи муқаррар. Бундан бошқа гуруҳ ёки жамоалар эса, модомики йўлларини ўзгартирмас эканлар, яҳудий ва насроний гуруҳлари ва Варақа ибн Навфал қабилар мушрикларнинг озорларига дуч келмаганидек, ҳеч қандай азоб-уқубатга йўлиқмасдан ўз йўлларида хотиржам, тинч борадилар. Негаки, мушриклар ва ҳозирги тузумлар ўзларига қайси тарафдан хатар келаётганини ўзлари яхшироқ биладилар.

Фикрий ва сиёсий кураш билан даъват ишини олиб бораётган, бузуқ воқени янги фикрлар, миқёслар, қаноатлар билан ўзгартиришга ҳаракат қилаётган сиёсий гуруҳ қаттиқ тўқнашувга, сиқувга ҳамда унга қизиқувчиларни чалғитиш, атрофидаги тобеларини тарқатиб юборишга қаратилган ташвиқотларига дуч келиши муқаррар. Бу бир ҳақиқатки, унга мутақабир одамгина шубҳа билдириши мумкин, зеро:

Биринчидан, бирор бир юксалишни хоҳловчи тубан ё қолоқ уммат йўқки, уни юксалтиришга ҳаракат қилаётган гуруҳ мавжуд тубан ё қолоқ ҳокимият билан тўқнашувга дуч келмаган бўлсин.

Иккинчидан, бутун бир қолоқ умматнинг бирварақайига юксалгани тарихда бўлмаган. Балки доим умматни юксалтиришга ҳаракат қилганлар оз сонли кишилар бўлган.

Учинчидан, тубан ё қолоқ миллатда юксалиш фикрини олға сурганлар доим телбага ёки хомҳаёлга чиқарилганлар. Чунки уларнинг фикрлари тубан, қолоқ жамиятга бегона бўлган.

Тўртинчидан, тубан, қолоқ жамиятларда юксалишга ҳаракат қилган бундай гуруҳларнинг биронтаси ҳам ғалаба қилмай қолмаган.

Бу бир тарихий ҳақиқатларки, сиёсий гуруҳларга нур юбориб йўл излаётганлар учун уларнинг моҳиятини очиб беради. Бу билан йўл изловчилар қайси йўлни тутишни ва қайси гуруҳга бориб қўшилишни билиб олиш имкониятига эга бўладилар.

## **МУСУЛМОНЛАРНИНГ ХАЛИФАЛИКНИ ТИКЛАШ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАРИ**

Ҳаёт қонуни одамларнинг ўзларига маъқул бўлган, одатланишган фикрлари, тушунчалари ва қаноатларига қараб, уларнинг ишларини бошқариб турадиган бир вакил сайлаб олишларини тақозо қилади. Улар вакилга ҳукмларни ижро қилиш имкониятларини яратиб беришлари керак. Айнан шу вакил давлатдир. Ички ва ташқи ишларни бошқариб турувчи ҳам, фуқаро устидаги юкларни кўтариб турувчи ҳам унинг ўзидир.

Ҳар қачон Ислом умматининг устига юкланган вазифа Исломни татбиқ қилиш, уни барча миллату халқларга ёйиш ва бунинг учун жиҳодга аскар тайёрлаш, куч-қувват тўплашдан иборат бўлган бу ишларнинг бирортаси ҳам давлатсиз амалга ошмайди. Шунинг учун ҳам давлатни тиклаш амал қилишдаги биринчи қадам ҳисобланади. Зеро давлатни тикламай туриб, ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шаръий қоидада шундай дейилган: «Вожибни бажариш учун керак бўлган омилни вужудга келтириш ҳам вожибдир». Демак Ислом давлатини тиклаш барча мусулмонларнинг вазифаси, яъни улар учун вожибдир.

Мусулмонларнинг воқелигига назар ташлаган одам унда хилма-хил давлатларни ва кўпдан-кўп ҳокимларни кўради. Лекин бу давлатларни мусулмонларнинг душманлари халифалик давлатига тескари бўлган бир тарзда барпо қилганлар. Уларнинг бундан мақсадлари мусулмонларга куфр ҳукмларини татбиқ қилиш ва Ислом умматининг тарқоқлигини сақлаб қолиш эди. Токи мусулмонлар заиф, ночор, тарқоқ бўлиб, уларнинг диёрлари душманларнинг экинзорига ва ёмонликнинг ўтлоғига айлансин. Шунинг учун ҳам мусулмонлар тиклаши керак бўлган давлат барча мусулмонларга дунёда бошчилик қилиб, Ислом шариати ҳукмларини қўллайдиган ва Исломни бутун оламга ёядиган халифалик давлатидир. Бу давлатни тиклаш барча мусулмонларга фарзидир.

Бунга шаръий далиллар қуйидагича:

### **1. Қуръони Карим.**

Аллоҳ Таоло айтган:

فَاحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِّ

– „Уларнинг орасида Аллоҳ нозил қилган қонунлар билан ҳукм юритинг, ўзингизга келган ҳақ хусусида уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг“. [5:48]

Пайғамбарга қилинган хитоб унинг умматига қилинган хитобдир. Агар хитобнинг Пайғамбарга хослигига далил бўлмаса, - бу оятда бундай далил келмаган, - демак, ундаги ҳукмни тиклашга қаратилган хитоб бутун мусулмонларга қаратилгандир.

Халифа сайлаш ҳокимият ва салтанатни барпо қилишдан ўзга нарса эмас. Аллоҳ Таоло мусулмонларга раҳбарларга яъни ҳокимга итоат

этишларини фарз қилган. Бу нарса мусулмонларга бир раҳбар шарт эканлигини кўрсатади. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأَطِيعُوا أَوْلِيَّ الْأَمْرِ مِنْكُمْ

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилинглр. Пайғамбарга ва ўзларингдан бўлган иш эгаларига ҳам итоат қилинглр“. [4:59]

Ўзи йўқ одамга итоат қилишга буюрилмайди. Демак, амир (халифа) сайлаш вожиб. Аллоҳ Таолонинг иш эгаларига итоат қилишга буюриши амир (халифа) сайлашга ҳам буюрганлигини кўрсатади. Демак, уни сайламаслик шаръий ҳукми бажармасликдир, яъни ҳаромдир.

## 2. Суннати набавийя.

Нофеъдан ривоят қилинадики, Умар ибн Хаттоб унга шундай деган эди: Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитгандим: «Кимки Аллоҳга итоат этишдан бош тортса, қиёмат кунда Аллоҳ Таолога ҳеч қандай ҳужжатсиз рўпара бўлади. Кимки бўйнида бир байъатсиз ўлса, динсизлик ўлими билан ўлган бўлади». Ҳар бир мусулмоннинг бўйнида байъат бўлишининг шартлиги халифа бўлиши шартлигини кўрсатади. Бу ерда байъат амалда бўлиши шарт эмас. Чунки Пайғамбар ﷺ байъат қилмасликни эмас, мусулмоннинг бўйнида баъат бўлмаслигини қораладилар.

Абу Солиҳнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар: «Мендан кейин волий (амир)ларнинг яхшиси яхшилиги билан, ёмони ёмонлиги билан сизларга амирлик қилади. Шариатга тўғри келадиган ҳар бир ишда уларга қулоқ солинглр ва итоат этинглр. Агар яхшилик қилсалар сизларнинг фойдангиз, ёмонлик қилсалар ҳам сизларнинг фойданглр. Зиён уларнинг ўзларига».

Имоми Муслим Аъраждан, Аъраж Абу Ҳурайрадан ривоят қилишича Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар: «Имом (бошлиқ) бир қалқондир, унинг ортида жанг қилинади ва у билан сақланилади».

Булар халифа, имом ёки амир мавжуд бўлишининг фойдалари ва усул қоидалари хусусидаги хабарлардир. Бу хабарлар мақтов маъносида бўлса, уни бажариш талаб қилинган бўлади. Агар талаб қилинган ишдан шаръий ҳукми бажариш келиб чиқса, у ҳолда талаб қатъий талаб, яъни фарз бўлади. Модомики, ҳозир халифалик давлати йўқ бўлиб кетганидан буён шаръий ҳукмлар бажарилмаётган экан, уларни қайтадан татбиқ қилиш учун халифалик давлатини қайта тиклаш зарур. Бу иш шаръий ҳукмнинг фарзлиги каби тўла фарздир.

Имом Муслим Абу Ҳозимдан ривоят қилади: Абу Ҳурайра билан беш йил бирга бўлдим. Ундан Пайғамбар ﷺнинг ушбу ҳадисларини эшитдим: «Бани Исроилга пайғамбар амирлик қилар эди. Қачон бир пайғамбар вафот этса, ортидан яна бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар бўлмайди. Халифалар бўладилар, кейин улар кўпаядилар». Дедиларки, - Бизга нимани буюрасиз? Айтдилар: «Биринчи халифага қилган байъатларингга вафо қилинглр. Уларнинг ҳақларига

хиёнат қилманглар, уларнинг ишларини суриштирувчи Аллоҳнинг ўзидир».

Имом Муслим Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади: «Кимки бир имомга байъат қилиб, унга қўл берса, қалбининг самарасини берса, қўлидан келгунча итоат қилсин. Агар бошқа биров келиб имомликни талашса, унинг калласини олинглар». Бу ердаги амирга итоат этишга буюриш уни сайлашга ҳам буюришдир. Амирлик талашган одамга қарши жанг қилишга буюриш эса битта халифанинг доимий бўлиб туришига далилдир.

Ибн Аббосдан ривоят қилинадики, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: «Ким амиридаги бир нарсани ёмон кўрса, унга сабр қилсин, зеро бирор одам султондан бир қарич четга чиқиб ўлса, динсиз ўлим билан ўлган бўлади». Бу ҳадис бизга халифага итоат этишни буюради. Ва ҳатто ёмон кўрган ишларида ҳам унга итоат этмасликдан бизни эҳтиёт бўлишга ундайди. Халифага итоат этмаган одамнинг ўлимини ҳеч қачон яхшиликка йўл топа олмайдиган динсиз ўлимга ўхшатади.

### 3. Ижмо

Пайғамбар ﷺ кўтарган юкни кўтариш учун саҳобалар у кишидан кейин бир халифа сайлашга ижмо қилишган. Абу Бакр, Умар ва Усмондан кейин ҳам шундай қилдилар. Пайғамбар ﷺ дафнининг кечиктирилиши бу ижмонинг нақадар жиддийлигини кўрсатади.

Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида шариат ҳукмларини ижро этиш қатъий далил билан исботланган фарздир. Бу иш эса салтанат соҳибисиз, ҳокимисиз амалга ошмайди. Чунки Аллоҳ Таоло айтганки:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا

مِمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿٥٩﴾

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича-бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.

[4:65]

Бу ҳақдаги шаръий қоида: Вожибни адо этиш учун зарур бўлган омил ҳам вожибдир.

Булар ҳокимиятни, салтанатни юзага келтиришнинг фарзлигига ҳамда уни бошқариб турадиган - шариат ҳукмларини ижро қиладиган халифа сайлашнинг фарзлигига ёрқин далилдир. Бу фарз - фарзи кифоядир, уни баъзилар адо этолсалар, қолганларидан соқит бўлади. Уни адо этиш учун ҳаракат қилсалару лекин адо этолмасалар, у ҳолда бу иш ҳамма мусулмонларнинг бўйнидаги фарз бўлиб қолаверади. Модомики, мусулмонлар халифасиз эканлар бу фарз бирорта ҳам мусулмондан соқит бўлмайди.

Мусулмонлар учун бир халифа сайлашга ҳаракат қилмаслик гуноҳи кабиралардандир. Чунки бу нарса Ислоннинг энг муҳим фарзларидан бирини бажаришдан тийилишдир. Дин ҳукмлари мана шу фарзга асосланади. Балки Ислоннинг ҳаёт майдонида бўлиш ёки бўлмаслиги шу фарзнинг бажарилиш ёки бажарилмаслигига боғлиқдир. Демак, мусулмонлар ўзларига бир халифа сайлаб олишдан тийилишлари билан гуноҳ кабирани қилаётган қаттиқ гуноҳкорлардан бўладилар. Агар мана шу тийилишга келишсалар, ер юзининг ҳамма мамлакатларидаги ҳар бир мусулмон шундай гуноҳкор бўлади. Бу ишни амалга ошириш учун баъзилар ҳаракат қилиб, яна баъзилар уринмасалар, ҳаракат қилганларнинг бўйнидан гуноҳ соқит бўлади. Халифа сайлангунга қадар бу иш уларнинг устида фарзлигича қолаверади. Чунки бир фарзни бажаришга уринилаётганда - модомики, амал давомли бўлаётган экан - фарз ўз вақтида бажарилмаса ҳам уни бажаришга астойдил киришганлиги ва уни бажариш ҳали имконият доирасида эмаслиги эътибори билан гуноҳ соқит бўлади.

Фарзни бажаришга астойдил киришмаганлар эса, бир халифа кетишининг учунчи кунидан то яна бир халифа сайлангунга қадар гуноҳкор бўлиб қолаверадилар. Чунки улар Аллоҳнинг фарзини бажармадилар, уни бажаришга астойдил киришмадилар ҳам. Шунинг учун ҳам гуноҳга, Аллоҳнинг азобига, дунё-ю охиратдаги ночорликка гирифтор бўладилар. Халифа сайлаш ёки уни сайлаш учун керак бўладиган ишларни қилишдан тийилганликка гуноҳкор бўлиш Аллоҳнинг бошқа фарзларини тарк қилганлигига гуноҳкор бўлиш каби равшандир. Хусусан, бу шундай фарзки, у билан бошқа фарзлар бажарилади, дин ҳукмлари ижро қилинади, Ислоннинг шаъни буюкклашади. Ислон мамлакатларида ва бутун оламда Аллоҳнинг сўзи устун турадиган бўлади.

## МУСУЛМОНЛАРНИНГ ИСЛОМ ТУЗУМИНИ ТАТБИҚ ҚИЛИШ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАРИ

Ислом ақлий эътиқод бўлиб, ундан дунё ҳаётининг ҳамма жабҳаларини ва инсонга зарур бўлган охираат ишларига алоқадор нарсаларнида қамраб олган комил бир тузум келиб чиқади. У Аллоҳ фарз қилган ва бажаришга ундаган ибодатларни баён қилиш билан инсоннинг яратувчиси билан бўладиган алоқасини тартибга солади. Ва яна уни нафл амаллар билан мушарраф қилиб, унга охираат ҳаётига қадар саодат йўлини чизиб берди. У инсоннинг ўз вужуди билан бўладиган алоқасини тартибга солиб унга, хуш нарсаларни ҳалол қилди, нопок нарсаларни эса ҳаром қилди. Кийимларнинг мукаммалини, ахлоқларнинг гўзалини унга танлаб берди. У инсоннинг ўзи каби одамлар билан бўладиган алоқасини ҳам, яъни инсоний муомалаларни ҳам тартибга солади. Бутун коинотнинг яратувчиси, борлиқ-вужуднинг бошқарувчиси, ҳар нарсани билгувчи, ҳар нарсадан хабардор, хоинларни ҳам, дилдаги пинҳоний туйгуларни ҳам билгувчи Зот тарафидан чиқарилган бу одил ҳукмларнинг бирор бандини ўйлаб тойиш ҳеч кимга насиб қилмаган. У Зот бу ҳукмларни қиёмат кунига қадар бўладиган вазиятлар, ҳолатлар ва замонларнинг ўзгариб туришини билишлигига мувофиқ тарзда чиқарган, уларни ривожлантирилмайдиган, ўзгартирилмайдиган қилиб уларни ҳамма замону маконларда ҳаётдаги инсон муаммоларининг ечимларини қамраб оладиган куллий қондалар ва умумий ҳукмлар қилиб чиқарди.

Бу ҳукмларнинг ҳамма нарсани қамраб олади дегани, машина соҳибига давлат машина эгаларига суғурта қилдиришни буюради деган ҳужжат билан суғурта ширкатида машинасини суғурта қилдиришга ёки қарз олинадиган жой йўқ деган ҳужжат билан банклардан уларга бериладиган фойда эвазига қарз олишга ёки ҳозирда фақат акция ширкатларигина мавжуддир деган ҳужжат билан уларда иштирок этишга рухсат беради дегани эмас. Ислом ҳукмлари ҳамма замону макон учун умумий бўлган Ислом тузуми соясида яроқлидир. Ҳозирги социалистик ёки капиталистик тузумларнинг соясида эмас. Улардан бир қисм сифатида ҳам эмас. Балки бутун воқени Исломни татбиқ қилишга яроқли воқега айлантириш билан ҳамма замону маконларга яроқлидир.

Энди Ислом умматининг Исломни татбиқ қилиш, ҳуқуқларини жорий қилиш олдидаги масъулиятига келсак, ҳамма мусулмонларга умумий таклиф хитобида ворид бўлганки (келганки), Аллоҳ Таоло улуг пайгамбарига хитобан дейди:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّىٰ يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنفُسِهِمْ حَرَجًا مِّمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا ﴿٥٩﴾

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталаринда чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим

*бўлмагунларича-бўйсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.*  
[4:65]

Мусулмонларга ҳам хитоб қилиб дейди:

وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا

– „Пайғамбар сизларга нимани берса уни олинглар, сизларни нимадан қайтарган бўлса, (ундан) тийилинглар“.  
[59:7]

Биринчи оят шариатни ўзига ҳакам деб билмаган инсонларда иймон йўқлигини баён қилади. Чунки Пайғамбар ﷺ ни ҳакам қилиб олиш шариатни ҳакам қилиб олишдир. Зеро, Расул ﷺ одамларнинг урф-одатларига қараб эмас балки, Аллоҳнинг шариати билан ҳукм юритишга буюрилгандирлар. Аллоҳ Таоло Расулуллоҳга буюриб дейди:

وَأَنِ احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

– „Уларнинг ораларида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритинг, уларнинг ҳавойи нафсларига (хоҳишларига) эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган нарсанинг бирортасидан сизни буриб юборишларидан эҳтиёт бўлинг“.  
[5:49]

Аллоҳ Таоло одамларнинг Пайғамбар ﷺ ни ҳакам қилиб олишларини иймонга боғлади ва у кишининг ҳукмини розилик, итоаткорлик, самимият билан қабул қилишларини вожиб қилди:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.  
[4:65]

Иккинчи оят мусулмонларга Пайғамбар берган вожиб, суннат ва мубоҳ каби ишларни олишни, Пайғамбар қайтарган ҳаром ва макруҳ ишлардан тийилишни буюради. Оятдаги баҳс мавзуси шариатни ҳакам қилиб олмаган инсонда иймон йўқлигини уқдиришдир. Зеро, шариат ҳукмлари билан, яъни Пайғамбар ﷺ олиб келган дин билан боғлианиш иймоннинг эгизак ажралмас қисми ва мусулмонларнинг дилларидаги иймоннинг далилидир. Шунинг учун ҳам шариат билан боғланмаган инсон иймонсиз ҳисобланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Аллоҳ Таоло шариат ҳукмидан бошқа ҳукмларни олганларни айблаб, дейди:

أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ آمَنُوا بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ وَمَا أَنْزَلَ مِنْ قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَكَّمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ

– „(Эй Муҳаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарса (Қуръон)га ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) одамларнинг шайтонга ҳукм сўраб

*боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди“.* [4:60]

Кишининг ўзини Қуръонга ишонаман деб билиши ҳукм сўраб фақат унга бош уришни тақозо этади. Агар ундан бошқасига бош урса, кишидан иймон кетади. Шунинг учун ҳам Исломга ишониш уни ҳакам қилиб олишни тақозо этади. Шунингдек, Исломга ишонган мусулмон унинг шариати билан боғланмоғи шарт. Йўқса куфр йўлини тутган ва исломга ишонмаслигига далил келтирган бўлади.

Модомики Аллоҳнинг Пайғамбарга қилган хитоби умматига ҳам қилинган хитоб ҳисобланар экан, демак, мусулмонлар Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритишга буюрилгандирлар.

Буни шариат қозилар ва волийлар каби ҳукмронлар ҳақида жуда равшан баён қилган. Гарчи улар шариат билан боғланган ҳисоблансаларда Аллоҳ Таоло улар хусусида хабар бериб, агар Аллоҳ нозил қилган шариатдан ўзга қонунлар билан ҳукм юритсалар, кофир ёки золим, ёхуд фосиқ бўлишларини айтади. Агар улар Ислом ҳукм юритишга яроқсиз деб, эътиқод қилсалар, шубҳасиз кофир бўладилар. Аммо Исломга ишонсалару, лекин қўрқибми ёки ўзларини татбиқ қилишга қодир эмасмиз деб ўйлабми - кофирларга ён босиб, Исломдан бошқа қонунлар билан ҳукм юритсалар у ҳолда золим ёки фосиқ бўладилар. Чунки улар - модомики, ҳамон Исломга ишонар эканлар, - ҳаром ишни қилган бўладилар. Шариатнинг ҳукми билан боғланмаслик ҳокимларга нисбатан куфр ёки зулм ёхуд фиқ бўлганидек, одамларнинг ўзаро алоқаларида ҳам шундай бўлади. Кимки Ислом қайсидир муаммони ҳал қилишга ярамайди ёки бошқа қонунларнинг ечимлари Исломникига нисбатан яхшироқ деб эътиқод қилса кофир бўлади. Аммо Исломнинг яроқлигига эътиқод қилса, лекин ҳокимдан қўрқиб, вазъий - инсон тарафидан ишлаб чиқилган қонунларга ҳамдам бўлса, золим ёки фосиқ бўлади.

Демак, шариат ҳукмлари билан боғланиш ҳокимми, бошқами ҳар бир мусулмонга фарзидир. Аллоҳ Таолонинг ҳокимлар хусусидаги ҳукмлари қолган барча мусулмонларга ҳам тегишлидир. Хуллас, кимки хоҳ ҳоким бўлсин, хоҳ бошқа - Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритмаса - кофир ёки золим ёхуд фосиқ бўлади:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ ﴿٤٤﴾

– „Кимки Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритмаса, бас, улар кофирлардир“.

[5:44]

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٤٥﴾

– „Кимки Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритмаса, бас, улар золимлардир“.

[5:45]

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٤٦﴾

– „Кимки Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм юритмаса, бас, улар фосиқлардир“.

[5:47]

Исломни татбиқ қилиш масъулиятини бўйнига олиб ўзларига Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг суннати билан ҳукм юритиш учун бир ҳокимни сайлаб, унга итоат этаётган мусулмонларнинг қуйидаги мулоҳазаларга эътибор бермоқлари мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан: Модомики, Исломни татбиқ қилиш ёки қилмаслик ҳокимнинг қўлида экан, уни муҳосаба қилиш яъни текшириб-тергаб туриш зарур. Уни сайлаган мусулмонларнинг ўзлари уни муҳосаба қилишлари керак. Мусулмонлар сайламасдан ҳокимият зўрлик билан олинганда ҳам шундай бўлади. Бу ҳолат ҳокимни душман тайинлаганда ёки куч билан ўзини ҳоким деб эълон қилганда кўрилади. Ҳоким зулм ёки фосиқлик қилганида мусулмонларга кучлари етса қўл билан, етмаса тил билан, бунинг ҳам иложи бўлмаса дил билан бундай зулмни ўзгартиришга ҳаракат қилмоқлари лозим. Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Кимки мункар ишни кўрса, уни қўли билан ўзгартирсин, қодир бўлмаса тили билан, бунинг ҳам имкони бўлмаса дили билан, лекин буниси заиф иймондир». Аммо ҳоким куфрга борса, уни қурол билан ўзгартирилади. Чунки мусулмонларга кофирнинг ҳукмронлик қилиши мумкин эмас:

يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَنْ يَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا ﴿٥٧﴾ ﴿٥٨﴾ ﴿٥٩﴾

– „Аллоҳ ҳеч қачон кофирларга мўминларнинг устидан ҳукмронлик қилишга йўл бермайди“.

[4:141]

Ҳокимнинг куфрга бориши Ислом ҳаёт учун тузум бўлишга яроқсиз деб эътиқод қилишидандир. Бундай ҳолатда уларга итоат этиш, бўйсунуш жоиз эмас. Аллоҳ Таоло золимлар билан дўст бўлишдан, уларга юкиниш ва суюнишдан қайтаради.

Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَا تَرْكَنُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُم مِّنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أَوْلِيَاءَ ثُمَّ لَا

تُنصَرُونَ ﴿٦٠﴾ ﴿٦١﴾ ﴿٦٢﴾

– „Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманглар (эргашманглар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашсангиз) сизларга ёрдам берилмас“.

[11:113]

Аллоҳ нозил қилган шариатдан ўзга қонунлар билан ҳукм юритган ҳоким Аллоҳга қарши чиқувчи, исён қилувчига айланади. У билан дўст бўлиш жоиз эмас. Дўст бўлганнинг ўзи мўмин эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ  
أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُمْ بِرُوحٍ مِنْهُ

وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ  
 وَأُولَئِكَ حِزْبُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿٥٦﴾

– „Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари чизган чизиқдан чиққан кимсалар билан - гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсаларда - дўстлашаётганларини топмассиз. Ана ўшаларнинг дилига (Аллоҳ) иймонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган Руҳ Қуръон билан қувватлантиргандир. У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам (Аллоҳдан - У зот берган ажр-мукофотлардан) рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизки, албатта Аллоҳнинг ҳизби (бўлган зотларгина) нажот топгувчидирлар“. [58:22]

Аллоҳ нозил қилганидан бошқа қонунлар билан ҳукм юритган ҳоким, Пайғамбар ﷺнинг йўлини тутмайди. Расули карим ўзи олиб келган йўлни тутмаган ҳокимни золим ва ёлғончи деб сифатлаб, уни тасдиқлаш ва унга ёрдам беришдан эҳтиёт бўлишга чақирганлар. Чунки уни тасдиқлаш ва ёрдам беришда зулмнинг тарафини олиш мавжуддир. Ҳадисда келишича Пайғамбар ﷺ Каъб ибн Ужрага шундай деганлар: «Эй Каъб ибн Ужра, Аллоҳ сенга пасткашларнинг амирлигидан паноҳ берсин». Дедики, пасткашларнинг амирлиги қандай бўлади? Айтдиларки: «Мендан кейин менинг йўлимни тутмаган амирлар бўлади. Уларнинг ёлғонини тасдиқлаган ва зулм қилишига ёрдам берган кимсалар мендан эмаслар ва мен ҳам улардан эмасман ва улар менинг ҳавзимдан сув ичишга кела олмайдилар. Уларнинг ёлғонини тасдиқ қилмаган ва зулм қилишларига ёрдам бермаган одамлар эса мандандирлар ва мен ҳам улардандирман ва улар менинг ҳавзимга келурлар. Эй Каъб ибн Ужра, рўза қалқондир, садақа хатони ўчирадир, намоз эса худога яқинликдир (яна бир ривоятда ҳужжатдир, дедилар). Эй Каъб ибн Ужра, одамлар икки тоифа йўловчидирлар. Ўзини сотиб олиб, озод қилувчилар ва ўзини сотиб ҳалок қилувчилардир». Пайғамбар ﷺ сифатлашларича бундай ҳоким золим ва каззобдир. Ким ундан ўзини сотиб олса, ўзини дўзахдан озод қилади, ким унга ўзини сотса ўзини ўзи азобга гирифтор қилади. Бундай ҳоким билан дўст бўлиш ножоизгина эмас, унинг қилаётган ишларига қўл қовуштириб индамай туриш ҳам мумкин эмасдир. Зеро, ривоят қилинишича, Аллоҳ Таоло бир пайғамбарга васият қилиб деганки: - Фалон зоҳидга бориб айт, дунёдан юз ўгиришинг билан роҳатни тезлаштирдиг, мен билангина бўлишинг билан азизликни касб қилдинг. Аммо устингдаги менинг ҳаққимни адо этиш учун нима иш қилдинг. Дедики: Мени деб бирор кимса билан дўстлашдингми? Мени деб бирор кимсага душман бўлдингми?

Иккинчидан: Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг суннатидан ўзгача янги бир қонун чиқариб олган ҳоким, харомга рухсат беради,

ҳалолдан қайтаради, фарзу вожибларни бажаришдан ман қилади. Ароқ ичишга, судхўрлик қилишга йўл бериб, майхоналар судхўрлик банкларининг очилишига рухсат беради. Зинодан қайтармайди, балки ўзи тунги ишратхоналарнинг очилишига йўл беради. Суғуртага рухсат берадигина эмас, балки унга одамларни мажбур ҳам қилади. Мусулмонларни душманга қарши урушишдан, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан, исломий сиёсий жамоаларни тузишдан ман қилади. Исломга даъват этишдан ман қилиб даъват этаётганларни қаттиқ азоблайди. Бундай ҳокимга итоат этиш, у билан дўстлашиш жоиз эмас. Чунки унга эргашиш, ҳукмига итоат этиш уни Аллоҳдан бошқа бир илоҳ қилиб олиш демакдир. Аллоҳ Таоло айтади:

اتَّخَذُوا أَحْبَابَهُمْ وَرُهْبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ﴿٩٠﴾

– „Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни парвардигор деб билдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга буюрилган эдилар. Ҳеч илоҳ йўқ, фақат Унинг Ўзи бордир. У зот уларнинг ширкларидан покдир“.

[9:31]

Адий ибн Ҳотимнинг Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилишича, у киши шу оятнинг маъноси ҳақида сўралганларида, шундай деган эканлар: «Аммо улар ибодат қилмаганлар, лекин нимани ҳалол қилиб берилса, ҳалол деб билишган, нимани ҳаром қилиб беришса, ҳаром деб билганлар».

Ҳукм чиқаришда ҳавойи нафсига мойил бўлиб, Қуръондан четлаган ҳоким мўмин бўлмайди, чунки Пайғамбар ﷺ айтганларки: «Ҳавойи нафси мен келтирган шариатга тобе бўлмагунича ҳеч қайсингиз мўмин бўлмайсиз». Шунинг учун ҳам Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқлигига ва Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва элчиси эканлигига гувоҳлик бериб Қуръонга ва Суннатга эргашиш билан Аллоҳга ва Пайғамбарга ҳамда Китобу Суннатга амал қиладиган мусулмонлар, Имомларининг бирортасига ўзини дўст тутган ҳар бир мўминнинг бундай ҳокимга итоат этиши, у билан дўстлашиши дуруст эмас. Агар мўмин киши ҳаромни ҳалол, ҳалолни ҳаром қиладиган ҳокимга итоат этса, қиёмат кунда Аллоҳ уни ўша ҳоким билан бирга қилиб қўяди. Абдуллоҳ ибн Масъуд Умар ибн Хаттобдан ҳадис келтириб айтади (бу ҳадиснинг ривоят занжири Пайғамбаргача етиб бормаган): «Қиёмат куни бўлганда одамлар оламлар Парвардигорининг қошида қирқ йил терга ботиб, ялангоёқ, яланғоч, кўзларини осмонга тикиб турадилар. Қирқ йил Аллоҳ улар билан сўзлашмайди, уларга қарамайди ҳам. Кейин бир нидо келади: Роббингиз сизни яратди сизга сурат берди, жонингизни олди ва яна қайта тирилтирди. Сизлар эса Аллоҳдан бошқага ибодат қилдинглар. Энди Роббингиз ўша маъбудларингизни ўзларингизга бошлиқ қилиб қўйса адолатдан эмасми? Улар «Ҳа», - дейдилар. Ҳар бир қавм Аллоҳдан бошқа нимага ибодат қилган бўлсалар, ўша нарса уларга бош қилинади,

бас, унга эргашадилар, ҳатто у уларни дўзахга отади». Абдуллоҳ ибн Масъуд бу ҳадисни Пайғамбар ﷺ дан эшитмаганда гапирмаган бўлар эди. Чунки у ғайб ишлардандир.

Шунинг учун ҳам мусулмонларга Аллоҳдан бошқа билан дўст бўлиб, унга суянишлари сиғинишлари мумкин эмас. Зеро, улар қиёмат кунда ўзларига фойда ёки зиён келтиришдан ожиздирлар. Аллоҳ Таоло бундай, ҳокимларни дўст тутишдан қаттиқ қайтариб бир масал келтиради. Аллоҳ Таоло айтадики:

مَثَلُ الَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِ اللَّهِ أَوْلِيَاءَ كَمَثَلِ الْعَنْكَبُوتِ اتَّخَذَتْ بَيْتًا وَإِنَّ أَوْهَنَ الْبُيُوتِ لَبَيْتُ الْعَنْكَبُوتِ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ ﴿١٠٤﴾ إِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُدْعُونَ مِنْ دُونِهِ مِنْ شَيْءٍ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١٠٥﴾ وَتِلْكَ الْأَمْثَالُ لِنَاسٍ لِيَعْلَمُوا إِلَّا الْعَالِمُونَ ﴿١٠٦﴾

– „Аллоҳдан ўзга „дўстларни“ ушлаган кимсаларнинг мисоли худди (ўзи учун) уй қуриб олиб, (ўша уйдан паноҳ истаган) ўргимчакка ўхшайди. Албатта уйларнинг энг нимжони ўргимчак уясиدير. Агар улар билсалар эди, (ўргимчак уяси каби ожиз бутлардан паноҳ истамаган бўлур эдилар). Шак-шубҳасиз, Аллоҳ улар ўзини қўйиб, илтижо қилишаётган бутларини билур. У қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир. Ушбу масалларни Биз одамлар ибрат олсин учун айтрумиз. (Лекин) уларни фақат илм эгаларигина англай олулар“.

[29:41-43]

Учинчидан: Бугунги кундаги мусулмонларнинг ҳокимлари Парвардигорларининг шариатини тарк қилдилар, ҳаромга йўл бердилар, ўзлари ҳам ҳаром ишларни қилдилар, бу билан ҳавойи-нафсларини қондирдилар. Аллоҳнинг ҳидоятига юрмай ҳавойи-нафсига эргашган кишидан ҳам адашганроқ кимса борми?! Шаддод ибн Авс Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилади: «Нафсини бўйсундириб, ўлимдан кейинги ҳаёт учун амал қилган киши зийрак одамдир. Ҳавойи нафсига эргашиб, яна худодан ҳам умид қилаётган киши фожирдир».

Демак, ҳавойи нафсига эргашиб уни ўзига худо қилиб олиш демакдир. Чунки ибодат итоат демакдир. Нафсга итоат унга қилинган ибодатдир. Аллоҳ Таоло айтади:

أَفَرَأَيْتَ مَنْ اتَّخَذَ إِلَهَهُ هَوَاهُ وَأَضَلَّهُ اللَّهُ عَلَىٰ عِلْمٍ وَخَتَمَ عَلَىٰ سَمْعِهِ وَقَفَلَهُ عَلَىٰ بَصَرِهِ غِشَاوَةً فَمَنْ يَهْدِيهِ مِنْ بَعْدِ اللَّهِ أَفَلَا تَذَكَّرُونَ ﴿١٠٧﴾

– „(Эй Мухаммад), ҳавойи нафсини ўзига «илоҳ» қилиб олган ва Аллоҳ уни ўзи билган ҳолда йўлдан оздириб, қулоқ ва кўнглини муҳирлаб, кўз олдига парда тортиб қўйган кимсани кўрганмисиз? Бас уни Аллоҳ (йўлдан оздирган)дан сўнг ким ҳидоят қила олура?! Ахир эслатма-ибрат олмайсизларми?!“

[45:23]

Бу оятни тафсир қилиб, Икрима шундай дейди: «Яъни ўзи хоҳлаган ва яхши деб билган нарсасини ибодат қиладиган илоҳ қилиб олган кимсани кўрмайсизмики, бир нарсани яхши деб билса, хоҳласа уни ўзига ҳудо қилиб олаверади».

Абу Умома айтади: «Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитгандим: «Осмоннинг остида (яъни дунёда) ибодат қилинадиган маъбудларнинг ичида Аллоҳга энг манфур бўлгани - ҳавойи нафсдир». Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ

– „*Ҳавойи нафсга эргашманг, тагин у сизни Аллоҳнинг йўлидан адаштириб юбормасин*“.

[38:26]

Шунинг учун ҳидоятсиз, Аллоҳ тарафидан бир ҳужжатсиз ҳавойи нафсга эргашиш ҳалокатга олиб боради. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Уч нарса ҳалок қилгувчидир ва уч нарса нажот бергувчидир, ҳалок қилувчилар: Итоат қилинадиган зикналик, эргашиладиган ҳавойи нафс ва кишининг ўзидан фахрланишидир. Нажот бергувчилар эса зоҳирдаю ботинда Аллоҳдан қўрқиш, бойликдаю камбағалликда ўзини тутта билиб, розилигу ғазабда адолатли бўлишдир».

Ҳукмдорлар ҳукмдорлигини сақлаб қолиш йўлида Аллоҳнинг шариатини тарқ қилиш ва Ислому тузумини бузиш билангина кифояланиб қолмай, исломий даъватнинг икки узвий тарафи бўлмиш фикрий ва сиёсий кураш йўлидан бориб, исломий ҳаётни қайта тиклаш учун ҳаракат қилаётган мусулмонларнинг йўлини тўсиб, Аллоҳнинг йўлига тўсқинлик ҳам қиладилар. Чунки фикрий кураш йўли билан даъват ишини олиб бориш бу ҳукмдорлар ҳокимиятларининг пойдевори бўлган фикрлари, тушунчалари ва қаноатларининг сохталигини очиб ташлайди. Ва алаалоқибат, уларни парчаланишга олиб боради. Сиёсий кураш билан даъват ишини олиб бориш эса, ҳокимиятларининг ёвузликларинигина эмас, уларнинг ўз халқига қилаётган сиёсий найрангбозликларини ҳам кашф қилади. Ҳукмдорлар Аллоҳнинг йўлидан, яъни шариатидан тўсиш билангина кифояланмадилар. Улар бу йўлни тўғрилиқдан узоқлаштириб, эгри-бугри, қинғир-қийшиқ йўлга айлантирмоқчи бўлдиларда, ҳали давлат социализми, ҳали капиталистик демократия, ҳали араб ёки турк миллатчилиги каби йўлларни чалкаштириб юборадиган турли хил тушунчаларни киритдилар. Аллоҳ Таоло айтадики:

وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ عَنْ سَبِيلِهِ

– „*Албатта мана шу менинг тўғри йўлимдир. Бас, шу йўлга эргашинглар! Бошқа йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Аллоҳнинг йўлидан узиб қўяр*“.

[6:153]

Бундай ҳокимларни Аллоҳ Таоло ўз Китобида лаънатлаган:

فَأَذِّنْ مُؤَذِّنٌ بَيْنَهُمْ أَنْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿١٤٤﴾ الَّذِينَ يَصُدُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ  
وَيَبْغُونَهَا عِوَجًا وَهُمْ بِالْآخِرَةِ كَافِرُونَ ﴿١٤٥﴾

- „Бас уларнинг ўрталарида бир жарчи: „Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган ва уни бузишни истайдиган, ўзлари охиратга ишонмайдиган золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай“ - деб жар солур“. [7:44,45]

Бу ҳокимлар-ку охиратларини дунёларига сотиб, адашиб ҳалок бўлаётган экан, нега энди биз уларнинг ортидан юриб, уларни деб ўзимизни ҳалокатга ташлашимиз керак экан? Ахир, биз бир золимнинг ҳавойи нафси деб ўзининг охиратини ўзганинг дунёсига сотиб юборган кимсанинг энг аҳмоқ одам эканлигини биламиз-ку!

Тўртинчидан: Аллоҳнинг йўлини тўсишда ва бу йўлни чалкаштириб юборишда ҳукмдорлар ёлғиз эмаслар. Бу ишда уларнинг салтанат устунларини тиклаб берган кимсалар, аскарлар, ҳамма ерда ҳозиру нозир бўлган жосуслар, ноҳақ ҳукм юритадиган қозилар ҳам улар билан биргадир.

Салтанатнинг устунлари бўлмиш уммат вакил (депутат)лари - маслаҳат мажлиси, делегатлар съезди ёки миллий етакчилик, мамлакат етакчилиги каби турли хил номлар остида ҳокимлар чиқарган қонун қоидалар билан келишиб, уларнинг ишларига шаръий тамғалар ёпиштириб, у (ҳоким)ларни умматнинг хоҳиш истагини бажараётган қилиб кўрсатмоқдалар.

Қўриқловчилар эса уларни ҳимоя қиладиган, уларнинг зулмидан халос бўлишга интилаётганларни янчадиган хос қувватлардир. Улар миллатни қўриқлаш ва мамлакатни тинч сақлашдан кўра кўпроқ ҳокимларнинг тинчлигини сақлайдилар. Аскарлар уларнинг ёлғонларини тасдиқлайдилар. Полисментлар эса уларга зулм қилишларида ёрдамлашадилар. Бу икки тоифадан Пайғамбар ﷺ безор бўлиб айтганларки: «Эй Каъб ибн Ужра, Аллоҳ сенга пасткашларнинг амирлигидан паноҳ берсин. Дедики, пасткашларнинг амирлиги қанақа бўлади? Айтдиларки, мендан кейин менинг йўлимни тутмаган амирлар бўлади. Уларнинг ёлғонларини тасдиқ қилмайдиган ва зулм қилишларига ёрдам бермаган одамлар мендандирлар ва мен ҳам улардандирман ва улар менинг ҳавзимга тушажакдирлар. Эй Каъб ибн Ужра, рўза қалқондир, садақа хатони ўчиради, намоз эса худога яқинликдир (яна бир ривоятда ҳужжатдир, дедилар). Эй Каъб ибн Ужра, одамлар икки тоифа йўловчилардир, ўзини сотиб олиб, уни озод қилгувчилар ва ўзини сотиб уни ҳалок қилгувчилардир».

Жосуслар эса хонадонларда, ишхоналарда, бозорларда мусулмонларнинг ораларига кириб, ахборот тўплайдиган, Аллоҳ йўлида даъват қиладиганлар изидан айғоқчилик қиладиган ва яна ўзларини мусулмон деб ҳисоблайдиган кимсалардир. Улар Аллоҳ Таолонинг ушбу оятининг маъносига тушунмайдиларми?!:

فَأَذِّنْ مُؤَذِّنٌ بَيْنَهُمْ أَنْ لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ ﴿٧٤﴾ ﴿٧٥﴾ ﴿٧٦﴾ الَّذِينَ يَصُدُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ  
وَيَبْغُونَهَا عِوَجًا وَهُمْ بِالْآخِرَةِ كَافِرُونَ ﴿٧٧﴾ ﴿٧٨﴾ ﴿٧٩﴾

- „Бас уларнинг ўрталарида бир жарчи: „Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган ва уни бузишни истайдиган, ўзлари охиратга ишонмайдиган золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай“ - деб жар солур“. [7:44,45]

Аллоҳ уларга ўзининг азиз Китобида ёмон оқибатни ваъда қилган:

وَلَا تَقْعُدُوا بِكُلِّ صِرَاطٍ تُوعِدُونَ وَتَصُدُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ مَنْ آمَنَ بِهِ وَتَبْغُونَهَا عِوَجًا  
وَأذْكُرُوا إِذْ كُنْتُمْ قَلِيلًا فَكَثَرْتُمْ وَانظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ ﴿٨٠﴾ ﴿٨١﴾ ﴿٨٢﴾

- „Ҳар кўчада (кишиларни) қўрқитиб ва Аллоҳга иймон келтирган зотларни Унинг қўлидан тўсиб ҳамда у йўлни бузишга ҳаракат қилиб ўтирмангиз! Озчилик (яъни, куч-қувватсиз, ночор) бўлган пайтингизда сизларни кўпайтирганини (яъни, куч-қудратли, азиз қилганини) эсланг ва бузғунчи кимсаларнинг оқибати (қисмати) қандай бўлганини кўринг“. [7:86]

Золим қозилар эса намоз ўқиб, рўза тутиб ўзларини мусулмон ҳисоблаганлари ҳолда уларни ва бошқаларни Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг суннатига қайтишга даъват қилаётганларга қарши золимона ҳукмлар чиқаришдан қўрқмайдиган кимсалардир. Пайғамбар ﷺ булар ҳақида шундай деганлар: «Қозилар уч тоифадирлар: улардан икки тоифаси дўзахийдирлар ва биргина тоифаси жаннатдадир. Ҳақиқатни англаб, у билан ҳукм қилган қози жаннатдадир. Нодонлик билан одамларга қозилик қилган кимса дўзахийдир. Ҳақиқатни англагани ҳолда золимона ҳукм юритган қози ҳам дўзахийдир».

Ҳарбий маҳкамаларнинг қозилари Исломни қайта тиклашга даъват этиш ҳақиқат эканини билганлари ҳолда Исломга қарши золимона ҳукмлар чиқариб, ўзларининг охиратларини ўзгаларнинг дунёларига сотиб юбормоқдалар.

Бешинчидан: Ҳокимлар Исломдан ва Ислом ҳукмларини ижро этишдан узоқлашганлари сабабли халқнинг улардан халос бўлиш учун бетоқатлик билан ҳаракат қилаётганларини сезган пайтларида исломий омманинг соддаликларидан фойдаланиб, алдаш, кўзбўямачилик қилиш йўлларини тутадилар-да, қонунларни Ислом шариатидан олажақларини эълон қилиб, зоҳирда ўғрининг қўлини кесиш, зинокорга дарра уриш, ароқхоналарни беркитиш каби ишларни қила бошлайдилар. Буни кўрган халқ уларнинг шаънига шон-шарафлар айтиб, қилган ишлари билан уларни муборакбод этадилар. Гўё Ислом тузуми мана шуларни бажаришдан иборатдек. Гўё ўн тўрт аср мобайнида мусулмонларнинг ҳаётига ҳакамлик қилиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиб келган Ислом шариатининг иқтисодий ва сиёсий тарафларга ҳеч қандай алоқаси йўқдек. Шунинг учун ҳокимлар ишларини энг аввало мана шу каби жазоларни татбиқ қилишдан бошлайдилар. Бу билан одамларга -

«Сизлар хоҳлаётган Ислом мана шу» - деб кўрсатадилар. Кейин мусулмонлар ҳеч қанча ўтмай ўзлари яшаётган ёмон воқеанинг ҳеч нарсасини ўзгартириб бўлмаслигини сезадилар. Агар Ислом мана шу бўладиган бўлса, уни татбиқ қилишни қаттиқ туриб талаб қилишнинг ҳожати йўқ деб ўйлайдилар. Айни пайтда Ислом уларнинг воқеини ўзгартирмаётир, муаммоларини ҳал қилмаётир ва бундан улар тушқунликка тушиб алам тортаётирлар. Мана шу пайтда мусулмон халқининг ўз диний ҳукмларини билмаслигини ифодалаётган мана шу ҳис туфайли ҳокимлар нафасини ростлаб роҳатланаётирлар.

Шунинг учун ҳам мусулмонлар ҳукмдорларнинг ҳийла-ю найранглари билан алданиб қолмасликлари учун уларнинг найранг ишлатолмайдиган ишларини кузатмоқлари лозим. Улар давлатлар билан, халқаро ташкилотлар ёки регионал ташкилотлар билан бўладиган сиёсий алоқаларида найранг ишлатолмайдилар. Масалан, йирик давлатлар билан элчихоналарни ташкил этишдаги алоқасини олайлик. Агар улар зоҳирда ўзларини Исломни татбиқ қилаётган қилиб кўрсатаётганларидан кейин ҳам бундай элчихоналарни қолдирсалар, Исломга хилоф иш тутган бўладилар. Ислом бундай элчихоналарни ман қилади. Чунки улар ажнабий разведкаларнинг уяларидир ҳамда айрим мусулмон фуқароларни ўша разведкага хизмат қилдириш учун воситалардир. Бу иш мусулмонларнинг ўзларига ҳам, мамлакатларига ҳам зарардир.

Бу давлатлар билан алоқани тартиблашда бир-бирини тушуниш ва келиб чиққан муаммоларни ҳал қилишда биргаликда изланиш, муваққат элчиларни юбориш йўли билан бўлади.

Хоҳ араб бўлсин, хоҳ ажам исломий давлатлар деб номланаётган давлатлар билан бўлаётган дипломатик ваколатхоналарни қолдирсалар, чегаралар бўлишига, ички ишларда аралашмасликка рози бўлсалар Исломга хилоф иш тутган бўладилар. Ислом бу давлатларни бирлаштириш, уларнинг ораларидаги чегараларни олиб ташлаш, улардаги вазъий (инсон ишлаб чиққан) ясама қонунларни йўқ қилганидан кейин ичкарида Ислом ҳукмларини татбиқ қилишни тақозо қилади. Бу нарса тарқоқ мусулмонларнинг битта давлат ва битта халифа етакчилиги остига бирлашишлари учун замин ҳозирлайди. Пайғамбар ﷺ «Агар иккита халифага байъат қилинадиган бўлса улардан кейингисини ўлдиришлар», - деганлар. Яъни халифаликка шаръан лаёқатли бўлган бир кишининг халифа бўлиб сайлангани ҳолда, яна бир киши ўзини халифа деб эълон қилса, модомики, аввалги халифа мавжуд экан бунга қарши қурашмоғи вожиб.

БМТ билан бўлган алоқани олайлик. БМТнинг қонунлари Исломнинг халқаро қонунларига зид бўлгани ҳолда, уларга бўйсуниб, унга аъзо бўлиб қолаверсалар, Исломга зид иш қилган бўладилар, уларнинг чиқарган қонунлари Исломга асосланмаган бўлади. БМТ йирик давлатларнинг, хусусан, Американинг қўлидаги қуролдир. Улар бу қурол билан кичкина давлатларни ўзларининг мақсадларига бўйсундирадилар. Бас, модомики, БМТ бу давлатларга бўйсунар, уларнинг сиёсатини

амалга ошириш учун қурол бўлиб хизмат қилар, Исломга зид қонунлар билан ҳукм юритар экан, унга аъзо бўлиш жоиз эмас. То исломий давват учун минбар бўлишига лойиқ бўлгунига қадар. Араб давлатлари лигаси чаби регионал ташкилотлар билан бўлган алоқаларни олайлик. Бундай ташкилотларга аъзоликда қолишнинг маъноси региончиликни ва исломий давлатлар деб номланган давлатларнинг бир неча бўлиб қолишини барқарорлаштириш ҳамда Ислом миллатининг тарқоқ ҳолда қолишига рози бўлиш демакдир. Уммат ўз ҳокимларини иқтисодий ҳаётга доир ишларини ҳам кузатиб, қанчалик Исломга яқинликларини ёки қанчалик Исломдан узоқликларининг моҳиятини билишлари лозим. Банкларга қарасинлар, банк системаси акционерлик жамияти бўлишида исломий ширкат бўлиши томон ўзгардимиз? Шаръан жоиз бўладиган муассаса бўлиши учун унда шерикликнинг исломий шартлари тўла топиладими? Қарз системаси судхўрлик муомаласидан шаръан жоиз бўладиган муомала томон ўзгардимиз? Ўзларини шариятга риоя қилаётган қилиб кўрсатаётган ҳокимлар мамлакатларида ажнабий молларнинг кўпайишига ва мусулмонларнинг моллари ажнабий мамлакатларда кўпайишига йўл қўйяптиларми, йўқми? Халқнинг бошқа мамлакатлардан олиб келаётган тижорий молларидан бож олишни тарк қилдиларми ёки Ислом ҳаром қилган бу ишни ҳамон давом эттирмақдаларми?

Бутун Умматнинг мулки бўлиш нефть, тилла, темир, тошкўмир, фасфор ва бошқа конларни умматнинг ўзи кузатиб бормоғи керак. Ҳокимлар бу конларни ажнабий ширкатлар ихтиёрига топшириб қўйганлар. Хўш, ҳокимлар бу конларни Ислом тузуми тақозо қилганидек, мусулмонларнинг фойдасига хизмат қилиши учун кўз қулоқ бўлиб турибдиларми ёки улар ҳамон ўша ширкатларнинг қўлларидами?

Булар озгина мисоллардирки, мусулмонлар уларни кузатиш билан ҳокимларнинг Ислом ҳукмларига амал қилишларида қанчалик содиқ эканликларини билиб оладилар. Ўғриларнинг қўлини кесиш, зинокорга дарра уриш каби юзакиликлар билан алданиб қолмасликлари учун уларни кузатмоқлари лозим.

Олтинчидан: Биз мусулмонлар Исломни татбиқ қилиш соясида бу дунёда қилган жиноятларимизга яраша исломий жазо олсак, Аллоҳнинг марҳамати билан охират азобидан озод бўламиз. Лекин Исломни татбиқ қилмас, исломий жазоларни қўлламаз эканмиз, охиратдаги азобдан халос бўлолмаймиз. Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Аллоҳга ҳеч нарса ширк яъни шерик қилмасликка, ўғрилиқ, зино қилмасликка, қўлларинг ва оёқларинг ўртасидан бўҳтон қилмасликка менга байъат қиласизларми? Ким бу ишлардан бирортасини қилса ва унга яраша жазо олса, олган жазоси жиноятига каффоратдир. Ким жазо ололмай қолса унинг иши Аллоҳга ҳавола. Хоҳласа азоблайди, хоҳласа кечиради».

Мусулмонлар учун Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритмаганлари сабабли охиратдаги азобдан озод бўлмай қолишларидан ҳам каттароқ зиён бўлиши мумкинми? Ахир улардан бирортаси бир жиноятни қилиб қўйса, кейин охират азобидан қўрқиб Пайғамбар ﷺ

олдиларига келиб «Ё Расулаллоҳ, мени покланг!» деган эдику! Моиз исмли саҳобий ва Ғомидия қабиласидан бир аёл шундай қилган эдиларку! Пайғамбар ﷺ Моизни тошбўрон қилишга буюрганларидан кейин: «Аллоҳга қасамки, у албатта жаннат анҳорларида сузажак», - деган эдилар. Ғомидиялик аёл тошбўрон қилинганидан кейин эса: «Бу аёл шундай тавба қилди-ки, унинг тавбасини тақсимласак бутун Мадина аҳлига етарди!» - деган эдилар. Яна бир ривоятда: «Агар макс (жоҳилиятда бозорда йиғиб олинган солиқ) йиғувчи шундай тавба қилганида кечирилар эди», - деган эдилар.

Модомики, Аллоҳнинг ҳадларидан (жазоларидан) бирини қўллашда қирқ кун ёққан ёмғирнинг яхшилиги мужжасам экан, уни тарк қилишда шунча яхшилиқни қўлдан бой бериш мавжуддир. Ё Аллоҳ, у ҳолда Аллоҳнинг ҳамма ҳадларини тарк қилиш, Қуръондан юз ўгириш, Ислом тузумини четга суришнинг оқибати нима бўларкин?! Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Ер юзида биргина ҳаднинг қўлланиши ер аҳли учун қирқ тонг ёмғиридан ҳам яхшироқдир».

Модомики, Ислом ҳукмларини қўллаш ва улар билан мусулмонларнинг ишларини бошқариб боришда жамиятни разолатдан сақлаш, мол-давлатни зое бўлишдан муҳофаза этиш, фикрларни қарашларни бирлаштириш мавжуд экан, Ислом ҳукмларини четга суриш ва ишларни Исломдан бошқа нарса билан бошқаришдан Аллоҳ ҳаром қилган бузуқликларнинг ёйилишига, мол-давлатнинг соврилиб, ношаръий йўлларда сарф бўлиб айрим шахсларнинг бошқаларнинг ҳисобига бойишига, мусулмонлар бирлигининг парчаланишига, ва алаалоқибат уларнинг устидан душманнинг ҳукмрон бўлиб олишига йўл очилади. Пайғамбар ﷺ айтганлар: «Орангизда беш нарса пайдо бўлиб қолганда ҳолинглар нима кечаркин? Бу беш нарсанинг ораларингизда пайдо бўлиб қолиши ёки унга ўзларинг етиб боришларингдан Аллоҳ паноҳ берсин. 1. Қачонки бир қавмда фаҳш иш очикчасига қилинар экан унда сўзсиз салафларида бўлмаган касалликлар, қийноқлар юзага келади. 2. Закотни ман қилган қавм осмондан ёмғирни ман қилибди. Агар чорвалар бўлмаганида уларга мутлақо ёмғир етмаган бўларди. 3. Тарозу ва ўлчовдан уриб қолган қавм тирикчиликнинг қийинчилиги ва султоннинг зулмига дучор бўлмасдан қолмайди. 4. Мусулмонларнинг амирлари Аллоҳ нозил қилган шариатдан бошқа қонунлар билан ҳукм юритар экан, уларга душманлари ҳукмрон бўлмасдан ва қўлларидаги баъзи неъматларни йўқотмасдан қўймайдилар. 5. Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг суннатини четга сураар эканлар, Аллоҳ уларни ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолиш балосига гирифтор қилмай қўймайди».

Онгли, танқидий кўз билан қарайдиган одам жамиятимизга чуқур назар солса, ундаги исломий жамиятнинг шаънига тўғри келмайдиган турли хил бузуқликларнинг юзага келаётгани Ислом ҳукмларини четга суриш натижаси эканлигини кўради. Молиявий, тижорий аҳдномалар, бошқарувлар ва муомалаларни кўриб унинг исломий эмас, капиталистик жамият эканлигига шубҳа қилмайди. У яна исломий сиёсат олиб

борилмаётганлиги сабабли мамлакатнинг ички бойликларидан мусулмонларнинг ўзлари фақат тирикчилик учунгина етадиган миқдорда фойдаланиб, қолган катта қисмидаги хом-ашёлар: нефть, кон бойликлари ажнабий ширкатларнинг ихтиёридалигини кўради. Ҳолбуки, бу ишни Ислом тузуми ҳаром қилади.

Модомики, Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг суннатини маҳкам ушлаш мусулмонларга тўғри йўлни ва душманларини қўрқитадиган қувватни берар экан, Китобу Суннатни ушламаслик уларни адашиш ва душманларидан қўрқиш балосига дучор этадики, бу балодан Китобу Суннатга яна қайтиб келмагунларича қутула олмайдилар. Бу ҳақда Пайғамбар ﷺ хабар бериб шундай деганлар: «Мен сизларга икки ишни қўйиб кетдим. Агар уни ушласангиз, ҳеч қачон адашмайсиз. Бу - Аллоҳнинг Китоби ва менинг суннатимдир».

Пайғамбар ﷺ яна: «Агар Аллоҳнинг йўлини тарк қилсангизлар, Аллоҳ тепангизга Аллоҳдан қўрқмайдиган ва сизларга раҳм қилмайдиган кимсани султон қилиб қўяди. Аллоҳнинг қўлига қайтмагунингизгача бу султондан қўрқишни қалбларингдан кеткизмайди», - деган мазмунда ҳам гапирганлар.

Ҳа, бундай бўлиши муқаррар. Агар Парвардигоримизнинг шариатига қайтмасак бундан ҳам баттар бўлажак.

## МУСУЛМОНЛАРНИНГ ДАВЛАТНИНГ БИРЛИГИ, ИСЛОМИЙ МИЛЛАТНИНГ БИРЛИГИ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАРИ

Замонлар ўтиши билан халқларнинг устига етук аҳамиятли ҳаётий муаммолар кўндаланг бўлаверади. Улар гоҳ сиёсий, гоҳ иқтисодий баъзан фикрий, яна баъзида бошқача бўлади. Бу муаммолар муайян бир замон халқлари учун катта бир синовдир. Бизнинг замонимизда халқимизнинг бўйнида тарқоқ миллатни бирлаштириш, унинг сўзини бирлаштириш, байроқни кўтариш ва душман билан жиҳод қилиш учун янгидан уйғониш муаммоси турибди. Миллатни бирлаштириш масъулияти ҳамма мусулмонларнинг бўйнига тушади. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ آوَا  
وَنَصَرُوا أُولَئِكَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يُهَاجِرُوا مَا لَكُمْ مِنْ وَلَايَتِهِمْ مِنْ  
شَيْءٍ حَتَّى يُهَاجِرُوا وَإِنِ اسْتَنْصَرُوكُمْ فِي الدِّينِ فَعَلَيْكُمُ النَّصْرُ إِلَّا عَلَى قَوْمٍ بَيْنَكُمْ  
وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٧٦﴾ وَالَّذِينَ كَفَرُوا بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ إِلَّا  
تَعْلُوهُ تَكُنْ فِتْنَةٌ فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ كَبِيرٌ ﴿٧٧﴾

– „Албатта иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида курашган зотлар ва (Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожирларга) уй-жой бериб ёрдам қилган зотлар ана ўшалар бир-бирларига дўстдирлар (яъни тириклари бир-бирига ҳамкор, ўрталарида ўлим бўлса, бир-бирларига меросхўрдирлар). Иймон келтирган аммо ҳижрат қилмаган (яъни ҳали ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар (яъни бир-бирларингизга ҳамкор, меросхўр бўла олмайсизлар). Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш йўли билан ёрдам қилмайсизлар. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир. Кофир бўлган кимсалар бир-бирларига ҳамкор-дўстдирлар. (Бас, эй мўминлар, сизлар уларни ўзларингизга душман тутингиз). Агар шундай қилмасанглар (яъни мўминга дўст, кофирга душман бўлмасанглар) ерда фитна ва катта фасод бўлур“.

[8:72,73]

Мўминлар орасидаги ўзаро ёрдамлашиш, раҳмдиллик, меҳрибонлик ва пухта, мустаҳкам боғланиш мана шу оятларда келган маънолардандир. Гўёки улар битта жисм кабидирлар, унинг бир аъзосига шикаст етса, қолган аъзолар унга бедорлик ва иситма билан ҳамдард бўлади.

Муҳожирлар Аллоҳнинг йўлида ҳижрат қилиб, мол-давлатлари, диёрларидан ажралиб, айримлари хотин, бола-чақаларини ҳам Аллоҳнинг

тақдирига топшириб, Мадина томон юзланар эканлар уларни саҳронинг жазирамаси куйдирар эди. Улар ҳаётнинг машаққатлари-ю, кулфатларига ўзларини отиб, катта қийинчиликларга дош бериб, кечани кеча кундузни кундуз демай ҳаракат қилдилар. Улар ўз нафсларини Аллоҳнинг йўлида сотиб олдиларда, озод этдилар. Дунёларига қарагандилар, дунё уларнинг кўзига арзимас нарса бўлиб кўринди, охиратларига назар ташлаб унинг изидан қувдилар. Душманга қарши мадад топиш учун эътиқоддош биродарлари томон йўл олдилар. Ансорийлар ҳижрат қилиб келган биродарларини севар эдилар, ёрдам бераётганликларидан кибрланиш уларнинг хаёлларига ҳам келмасди. Ўзлари муҳтож бўлишларига қарамасдан муҳожирларни ўзидан афзал кўрдилар. Уларга ўз уйларидан жой бердилар, тирикчиликларига шерик қилдилар, душманларига қарши ёрдам бердилар. Шундай қилиб, улар Ислом эътиқоди билан ажралиб турадиган битта оила ва битта жамиятга айландилар. Муҳожирларни хафа қилган нарса ансорларни ҳам хафа қилар, ансорийларни хурсанд қилган нарса муҳожирларни ҳам хурсанд қиларди. Бу икки гуруҳнинг хурсандлиги-ю, хафалиги бир эди. Уларнинг иймони бир эди. Ҳар икки гуруҳ Лоту Уззоларни фойда ҳам зарар ҳам қила олмайдиган тош деб, зинони разолат деб, судхўрликни камбағалларнинг қонини сўриш деб, зулмни қиёмат кунидаги зулмат деб, Аллоҳга гуноҳкор бўлган ҳолда ҳокимга итоат этишни Аллоҳнинг олдидаги жиноят деб билардилар. Бу икки гуруҳнинг фикрлари бирлашиб, янги ҳаётий тузум - Ислом тузумига бўйин эгдилар. Бу тузум уларга жиҳодни фарз этган эди, унга итоат қилдилар. Закотни фарз қилган эди, уни адо этдилар. Таҳликага тушган кимсани тинчлантиришга буюрган эди, уни хотиржам қилдилар. Ёлғон аралашган олди-сотдидан ва товарларни монополия қилилшдан қайтарган эди, қайтдилар. Улар бу ишларни рози бўлиб, бажонидил бажардилар. Шундай қилиб, улардан асосий фикрларнинг бирлиги, туйгуларнинг бирлиги бўлган бир бутун жамият биноси ташкил топди-да, янги эътиқод билан сиёсат юритувчи, битта ҳокимга (халифага) бўйсунувчи миллатга айланди. Улар мусулмонларнинг душманларига қарши бир-бирларига ёрдам берувчи дўстлар ҳамдир.

Кейинги оятлар ансорлар билан муҳожирлар каби чамбар-час боғланмаган ҳижрат қилмаган мўминларга ишора қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

وَالَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يُهَاجِرُوا مَا لَكُمْ مِنْ وَلَايَتِهِمْ مِنْ شَيْءٍ حَتَّىٰ يُهَاجِرُوا

– „Иймон келтирган аммо ҳижрат қилмаган (яъни ҳали ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар (яъни бир-бирларингизга ҳамкор меросхўр бўла олмайсизлар)“.

[8:72]

Бу ердаги вилоят сўзи дунёнинг ҳамма ишларини бошқариш маъносидадир. Дунёвий ишларнинг энг аҳамиятлиси душмандан голиб бўлиш ва куч-қувватдир. Бу иш эса бирлашишсиз амалга ошмайди. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло мусулмонлар билан бирлашиб, душманга

қарши битта қувватга айланмаган одамга ёрдам беришга рухсат бермайди. Бундай одамга фақат бир ҳолатда - душман унга тажовуз қилиб, диндан, эътиқодидан қайтармоқчи бўлган вақтидагина ёрдам беришга рухсат берилади. Мана шу ҳолдаги ёрдам ҳам муқайяддир. Яъни, муҳожир бўлмаган мусулмонларга тажовуз қилаётганлар билан мусулмонлар ўртасида аҳднома бўлмасагина уларга ёрдам берилади. Агар аҳд бор бўлса, ёрдам бериш мумкин эмас. Чунки Аллоҳ Таоло айтадики:

وَإِنِ اسْتَنْصَرُوكُمْ فِي الدِّينِ فَعَلَيْكُمُ النَّصْرُ إِلَّا عَلَىٰ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُم مِّيثَاقٌ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿٧٢﴾

– „Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар. Аллоҳ қилаётган амалларингизни қўرғувчидир“.

[8:72]

Буларнинг ҳаммасига уларнинг мусулмонларга қарши курашишдан тийилмаётган кофир жамиятга қарши тура оладиган битта қувватга айланмаганликлари сабабдир. Бу оятнинг давомида Аллоҳ Таоло шундай дейди:

وَالَّذِينَ كَفَرُوا بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ

– „Кофир-динсиз кимсалар бир-бирига дўст-ҳамкордир“.

[8:73]

Кофирлар ораларидаги душманчилик, келишмовчиликларга қарамасдан мусулмонларга қарши туришда бир-бирларига ҳамкордирлар. Гарчи улар туйғуларда, фикрларда хилма-хил бўлсаларда, Аллоҳнинг йўлидан тўсишда бир-бирига ёрдам берувчи дўстлардир. Улар кофир жамиятнинг аъзоларидир. Аллоҳга ибодат қилаётган одамларга қарши урушиш учун куч ҳозирлашда бир-бирлари билан мусобақа қиладилар. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло айтадики:

إِلَّا تَفْعَلُوهُ تَكُنْ فِتْنَةٌ فِي الْأَرْضِ وَفَسَادٌ كَبِيرٌ ﴿٧٣﴾

– „Агар (шу ҳукмга амал) қилмасанглар, (яъни, диндорга дўст, динсизга душман бўлмасанглар) ерда фитна ва катта фасод бўлур“.

[8:73]

Яъни, мусулмонлар муҳожир ва ансорийлар каби бир-бирлари билан дўст бўлмас, Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннати билан сиёсат юритиб, уларни душман яқинлашолмайдиган енгилмас қувватга айлантирадиган битта ҳоким ва битта тузумга бўйсунувчи ягона жамият ва бирлашган миллатга айланмас эканлар, душманлари уларнинг устидан ҳукмрон бўлиб олғуси, салтанатлари парчаланғуси, мамлакатлари бўлиниб-бўлиниб кетғуси, бирлиги тарқалғуси, тузуми вайрон бўлғусидир. Динларида фитна зоҳир бўлиб, ораларида фасод ёйилиб, ҳурматлари поймол бўлғусидир. Бунинг оқибатида эътиқодлари

заифлашғусидир. Мана шу қочи́б қутулиб бўлмайдиган ёвузликдан ҳам каттароқ фитнаю фасод бормикан?!

Буларнинг ҳаммаси мусулмон умматининг халқларини қандайдир чегара ва қонун ажратмайдиган бирлашган уммат бўлишлари керак эканлигига далолат бўлади. Бу Уммат мусулмонларнинг моддий ва маънавий ва башарий имкониятларини бирлаштириб, улар ёрдамида миллатлараро юқори мавқени эгаллашга қодир бўла оладиган битта ҳокимга (халифага) бўйсунмоқлари лозим.

Аллоҳ Таолонинг: *„Агар шу ҳукмга амал қилмасангиз (яъни диндорга дўст динсизга душман бўлмасангиз)“*; деган каломида, бир ишни қилишга талаб этиш ифодаланаётир. *„Ерда фитна ва катта фасод бўлур“*, деган каломида эса ўша талабнинг бажарилмаслигининг оқибати ифодаланаётир. Бу ерда амал қатъий талаб этилаётир. Демак-ки, уни бажариш вожибдир. Аллоҳ Таолонинг *„Агар шу ҳукмга амал қилмасанглар (яъни, диндорга дўст, динсизга душман бўлмасанглар)“*; деган каломидаги талаб қилинган иш мерос бўлиши ҳам, ёрдам бўлиши ҳам мумкин. Чунки эътибор сабабнинг хусусийлигига эмас, лафзнинг умумийлигига қаратилаётир. Мерос ҳукми Аллоҳ Таолонинг:

وَأُولُوا الْأَرْحَامِ بَعْضُهُمْ أَوْلَىٰ بِبَعْضٍ فِي كِتَابِ اللَّهِ

– *„Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бирларига (меросхўр бўлишга) ҳақдорроқдирлар“*, [8:75] ояти билан мансухдир, яъни бекор қилингандир.

*„Агар шу ҳукмга амал қилмасанглар“*, оятида кўзда тутилганлар мўминлар бўлиб, улар битта қўл ва битта қувват бўлиб туришлари учун бир-бирларига ёрдам беришларини вожиб қилади. Кофирлар билан бўладиган муомалада ҳам мўминлар бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлишлари, кофирларга эса душман деган эътибор билан муносабатда бўлишлари вожиб. Фақат агар кофирлар мусулмонлар учун аҳли зимма бўлсалар ундай бўлмайди. Бу пайтда кофирлар мерос, қудачилик ва диний ишларда бир-бирлари билан дўст бўладилар. Мусулмонлар учун фақат биргина давлат бўлиши кераклиги ҳам гуруҳларга ажралмасдан бирлашиш вожиблигига далолат қилади. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ордан ривоят қилинишича, у киши Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитган эканлар: «Кимки бир имомга (халифага) байъат қилиб, унга қўлининг битимини ва қалбининг мевасини берган бўлса, қўлидан келганича унга итоат қилсин. Агар бошқаси келиб имомликни талашса, унинг бошини олинглар».

Демак, Пайғамбар ﷺ Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритиши учун мусулмонлар ҳоким қилиб сайлаган халифа билан раҳбарлик талашган одамни ўлдиришга буюрганлар. Абу Саид Худрийдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: «Агар икки халифага байъат қилинадиган бўлса, улардан кейингисини ўлдиришлар». Токи умматнинг иши парчаланиб, ҳар бири ўз мақсадига қараб тортишадиган икки ҳокимнинг қўлига қолмасин. Арфажа

Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитганлигини ривоят қилади: «Бир одамнинг атрофига жам бўлиб турган пайтингларда сизларга биров келиб, бирлигингизни бўлмоқчи, жамоангизни тарқатмоқчи бўлса, уни ўлдириңглар». Абу Ҳозим айтади: «Абу Ҳурайра билан беш йил бирга бўлиб ундан Пайғамбар ﷺдан ушбу ҳадисни ривоят қилганини эшитган эдим: «Бану Исроилга пайғамбарлар раҳбарлик қиларди. Бир пайғамбар ҳалок бўлса, орқасидан яна бир пайғамбар келарди. Мендан кейин эса пайғамбар бўлмайди. Халифалар бўлади, улар кўпаяди. Дейишдики: Шундай ҳолда бизни нимага буюрасиз? Айтдиларки: Энг биринчиси билан қилинган байъатга вафо қилинғлар. Уларнинг ҳақларини адо этинғлар. Улардан эса олиб борган ишлари ҳақида Аллоҳ Таолонинг ўзи сўраб олғувчидир».

Бир вақтда икки шаҳарда икки халифага байъат қилиш мумкин эмас. Чунки мусулмонларнинг иккита халифаси бўлиши мумкин эмас. Бу ҳолда уларнинг аввалгиси билан байъат қилинаверади деб бўлмайди. Чунки бу ердаги масала халифаликка аввал ёки кейин эришиш масаласи эмас, балки халифа сайлаш масаласидир. Халифани сайлаш халифанинг эмас, барча мусулмонларнинг ҳаққидир. Демак, бу ердаги иш яна бир марта мусулмонларнинг ихтиёрига топширилмоғи лозим. Токи улар ўзларига битта халифа сайлаб олсинлар. Бу ерда қуръа ташлаб ҳам бўлмайди. Чунки халифалик аҳдлашиш, боғланишдир, қуръа эса боғланишларга кирмайди. Бир халифа мавжуд бўлгани ҳолда бошқа халифалар билан ҳам байъат қилинса, энг биринчиси билан қилинган байъат вафо қилинади. У кетганидан кейин эса ундан кейингиси билан қилинган байъатга вафо қилинади деб бўлмайди. Чунки бир замонда фақат биттагина халифа билан байъат қилиш жоиздир.

Мазкур далиллар - яъни давлатнинг бирлиги ҳақидаги далиллар - исломий умматни бирлаштиришнинг вожиб эканлигига етарли далиллардир. Шунинг учун ҳам мусулмонларнинг мамлакатларини бирлаштиришга ва битта халифа сайлашга уриниш қўлидан иш келадиган ҳар бир мусулмонга вожибдир.

## МУСУЛМОНЛАРНИНГ ЖИҲОД ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАРИ

Жиҳод Аллоҳ йўлида кураш учун бевосита куч сарфлаш ёки мол-давлат, фикр билдириш, одам кўпайтириш каби ишлар билан ёрдам беришдир. Аллоҳ номини улуғлаш учун курашиш жиҳоддир. Аллоҳ йўлида фикр билан жиҳод қилишда, агар фикр бевосита Аллоҳ йўлида жиҳод қилишга тааллуқли бўлса, жиҳод ҳисобланади. Агар бевосита тааллуқли бўлмаса, гарчи машаққатли ва гарчи бу ишда Аллоҳ номини улуғлаш учун фойдалар мавжуд бўлсада, шаръан жиҳод ҳисобланмайди. Чунки шаръий жиҳод урушга ҳосидир. Урушга бевосита тааллуқли бўлган нарсалар ҳам унга киради. Масалан, фикрни олайлик. Агар ёзилган нарса ёки хитоб аскарни жонлантириш каби бевосита ёки душманга қарши урушга андов каби бевосита урушга тааллуқли бўлса жиҳод ҳисобланади. Агар урушга бевосита тааллуқли бўлмаса жиҳод ҳисобланмайди. Бунга биноан, сиёсий кураш, мусулмонларнинг золим ҳокимлари билан олишишнинг савоби улуғ ва мусулмонлар учун фойдаси кўп бўлишига қарамасдан уларни жиҳод деб бўлмайди. Чунки бу ердаги масала машаққат тортиш ёки фойда кўриш масаласи эмас, балки мана шу сўз - жиҳод сўзи ўз ичига олган шаръий маъно масаласидир. Бу сўзнинг шаръий маъноси эса уруш ва унга бевосита тааллуқли бўлган фикр, хитоб, ёзув-варақа, гадбир каби ишлардир.

Душман жизя тўлаш шартини қабул қилган пайтда унга қарши жиҳод қилишдан тийилсақда, жиҳоднинг сабаби жизя эмас, жиҳоднинг сабаби биз урушаётган кимсаларнинг даъватни қабул қилишдан бош тортаётган кофирлар эканлигидир. Аллоҳ Таоло айтади:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿٥٩﴾

– „Аллоҳга ва охираат кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Расули ҳаром қилган нарсани ҳаром деб билмайдиган, ҳақ динга эргашмайдиган аҳли китобларга қарши - улар ўзларини кичик олиб, ўз қўллари билан жизя бергунларига қадар - урушинглар“.

[9:29]

Бу оятда кофирларнинг кофир бўлганликлари учун уларга қарши урушмоққа буюрилади. Яъни Аллоҳга ва охираат кунига ишонмаганликлари учун уларга қарши урушинглар. Демак, урушнинг сабаби кўфрдир. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلْيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً

– „Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглар. Ва улар сизлардаги куч-қудратни кўрсинлар“.

[9:123]

деб кофирларнинг кофир бўлганликлари сабабли уларга қарши урушишга буюради. Бунга ўхшаш оятлар кўп. Чунончи:

فَقَاتِلُوا أَوْلِيَاءَ الشَّيْطَانِ

– „Шайтон тарафдорларига қарши урушинлар“. [4:76]

فَقَاتِلُوا أُمَّةَ الْكُفْرِ

– „Куфр етакчиларига қарши жанг қилинғиз“. [9:12]

وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ

– „Мушриклар билан урушинлар“. [9:36]

Бу оятларининг барчаси урушишнинг сабаби куфр эканлигини кўрсатиб турибди. Душманнинг ўзини кичик олиб жия бериши эса урушни тўхтатишга сабаб бўлади. Биз билан урушаётганлар даъватни қабул қилсалар, улар ҳам мусулмон бўладилар. Агар Исломи қабул қилишдан бош тортиб, жия бериш ва Исломи билан ҳукм юритишни қабул қилсалар, улардан бу иш қабул қилиниб, уларга қарши урушиш тўхтатилади. Чунки урушиш орқали Исломи қабул қилишга мажбурлаш дуруст эмас. Уларнинг Исломи билан ҳукм юритиш ва жия беришни қабул қилишлари - Исломи қабул қилмасаларда - даъватга бўйин экканликларидир. Шунинг учун Исломи ҳукмида жия беришни қабул қилганликларидан кейин урушиш дуруст эмас. Аммо жияни қабул қилсаларда, Исломи билан ҳукм юритишни қабул қилмасалар, мусулмонлар бу ишга рози бўлмасликлари керак. Чунки урушнинг сабаби уларнинг кофирлигидир. Улар даъватни қабул қилмаганларидан кейин уларга қарши урушиш мусулмонларнинг бўйинларида фарз бўлиб қолаверади. Аммо шундай ҳолат ҳам бўладики, мусулмонлар ўзларининг ташқи ва ички вазиятларининг бузилишига йўл қўймасликлари учун душманлари жия бериш билан кифояланиб, ўзларига куфр тузум билан ҳукм юритишларини қабул қилади. Булар зарурат туғулгандагина шариат рухсат берадиган ҳолатлардир. Уларни миқёс қилиб олиб бўлмайди. Демак, жиҳодларнинг сабаби биз урушаётган кимсаларнинг кофир эканликларидир. Жия эса урушни тўхтатишгагина сабаб бўлади. Демак, душман ё Исломи қабул қилади, ё ўлдирилади. Аллоҳ Таоло айтади:

ثَقَاتِلُوهُمْ أَوْ يُسْلِمُوا

– „Ё сизлар улар билан жанг қиласизлар, ё улар мусулмон бўладилар“. [48:16]

Жиҳоднинг фарзлигига Қуръон ва Ҳадисда ҳужжатлар мавжуддир. Аллоҳ Таоло айтади:

وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةً وَيَكُونَ الدِّينُ لِلَّهِ

– „Фитна бўлмагунига қадар ва бўйсунуш тўла фақат Аллоҳ учун бўлгунига қадар уларга қарши жанг қилинғлар“. [2:193]

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا يَدِينُونَ

دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّى يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿١٢٤﴾

– „Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва унинг Пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, ҳақ (яъни, Ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат кимсаларга қарши, то мағлуб ҳолларида ўз қўллари билан жияни тўламагунларича жанг қилингиз“.

[9:29]

كُتِبَ عَلَيْكُمُ الْقِتَالُ

– „Уруш сизларга фарз қилинди“

[2:216]

إِلَّا تَنْفَرُوا يُعَذِّبْكُمْ عَذَابًا أَلِيمًا

– „Агар жиҳодга чиқмасангизлар, Аллоҳ сизларни аламли азоб билан азоблайди“.

[9:39]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلِيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً

– „Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглар ва улар сизлардаги қуч-қувватни кўрсинлар“.

[9:123]

Ҳазрати Анас ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деган экан: «Мушрикларга қарши молинглар, қўлинглар ва тилинглар билан жиҳод қилинглар». Бу ривоят ҳам Анасдан: Пайғамбар ﷺ айтганларки: «Аллоҳнинг йўлида бир марта кундузи ёки бир марта кечқурун Аллоҳнинг йўлида боришлик, дунё ва ундаги нарсалардан яхшироқдир». Пайғамбар ﷺ дейдилар: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ дегунларига қадар одамлар билан урушишга буюрилдим». Яна шундай деганлар: «Жиҳод қиёмат кунига қадар давом этажакдир». Зайд ибн Холид ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: «Ким Аллоҳнинг йўлида бир ғозийни тайёрласа, бас, ғазот қилибдир. Ким яхшилик билан уни оиласида қолдирса у ҳам ғазот қилибдир». Ато ибн Язид Лайсий ривоят қилишича, Абу Саид Худрий ушбу ҳадисни ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ га қайси одам афзалдир? - дейилганда: «Аллоҳнинг йўлида жони ва моли билан жиҳод қиладиган мўмин», - деб жавоб бердилар. Яна Пайғамбар ﷺ айтганлар: «Ғазот қилмаган ва дили билан ғазот қилишга интилмаган ҳолда дунёдан кетган кимса бир миқдор мунофиқлигида кетибди». Абу Ҳурайра ривоят қилади: «Бир саҳоба бир дарадан ўтибди. У ерда ширин сувли булоқ бор экан. Уни булоқнинг хушбўйлиги ўзига жалб қилибди. Шунда саҳоба: «Қанийди, одамлардан узлат қилиб, мана шу дарага келиб олса», - деб ўйлабди. Лекин Пайғамбар ﷺ дан рухсат сўрамагунимча бу ишни қилмайман - деб, у кишининг олдиларига келиб ниятини билдирибди. Шунда Пайғамбар ﷺ шундай дебдилар: «Бундай қилма, чунки сизлардан бирингизнинг Аллоҳ йўлида туришингиз ўз уйида ўқиган етмиш йиллик намозидан ҳам афзалроқдир».

Жиҳод дастлаб фарзи кифоядир. Душманнинг ҳужумига йўлиқаётган мусулмонларга фарзи айнди, қолганларига фарзи кифоядир. Душман ҳайдалиб Ислом ери унинг нопоклигидан поклангунига қадар бу фарз соқит бўлмайди. Жиҳод фарзи кифоядир, деганимизнинг маъноси душманнинг бизга қарши урушиш урушмаслигидан қатъий назар бизнинг

унга қарши уруш бошлашимиздир. Агар бу фарзни бирор мусулмон бажармаса барча мусулмонлар тенг гуноҳкор бўладилар. Масалан, Миср аҳли душманга қарши уруш бошлаб, фарзи кифояни адо этса, Индонезия аҳлидан бу фарз соқит бўлади. Чунки душман - кофирларга қарши мусулмонлар тарафидан урушиш амалда вужудга келди ва жиҳод фарзи амалга ошди. Аммо агар уруш аланга олиб, кофирларга қарши Миср ва Ироқ, аҳлининг урушиши фарзи кифояни ҳосил қилмай қолса, бу фарз Покистон ва Индонезия аҳлидан ҳам соқит бўлмайди. Мусулмон душманларга қанчалик яқин турса, унга жиҳод шунчалик фарз бўлади. Агар ҳамма мусулмонлар қатнашмай туриб фарзи кифоя ҳосил бўлмаса, у ҳолда жиҳод душман мағлуб бўлгунига қадар ҳамма мусулмонларга фарз бўлади. Агар халифа жиҳодга чорламаса, жиҳоднинг фарзи кифоялиги бефойдадир. Аммо халифа кимни жиҳодга чорласа, жиҳод унга фарздир. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ أَنْفِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَنْتُمْ إِلَى الْأَرْضِ

– „Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида (жиҳодга) чиқинглар дейилса, ўз ерингизга (яъни юртингизга) ёпишиб олдингиз?!“ [9:38]

Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Агар жиҳодга чақирилсангизлар чиқинглар».

Ислом давлати фарзи кифояни адо этиш ҳазрати Умар замонида бўлганидек, ўз маҳкамаларига эга бўлган лашкар шаклида бўладими, ҳазрати Абу Бакр замонида бўлганидек, ўзларини жиҳодга фидо қилган кимсалар бўладими ёки бошқами, душман хужум қилиб қолса, уни қайтара оладиган кучга эга бўлган бир гуруҳнинг шай бўлиб туришидир. Агар бу гуруҳ душманни қайтаришга кифоя қилмаса, халифа яна бошқаларни жиҳодга тайёрлайди ва ҳоказо. Урушни мусулмонлар бошлаши керак дегани тўғридан-тўғри кофирга қарши урушаверади дегани эмас. Аввал душманни Исломга даъват этмоқ лозим. Мусулмонларнинг Исломга даъват этилмаган кофирга қарши урушмоқлари жоиз эмас. Душман аввал Исломга кейин жизя тўлашга даъват этилади, агар бош тортса, унга қарши урушилади. Сулаймон ибн Язид шундай ривоят қилади: «Пайғамбар ﷺ қўшинга ёки бирор ҳарбий қисмга амир тайинлаганларида, хусусан, унинг ўзига Аллоҳдан қўрқиш ва ўзи билан кетаётган мусулмонларга яхшилик қилишни насиҳат қилиб, кейин дердилар: «Аллоҳнинг номи билан Аллоҳ йўлида ғазот қилинглр. Аллоҳга куфр келтирганларга қарши урушинглр. Ғазот қилинглр, ҳаддан ошманглр, хиёнат қилманглр, мусла қилманглр (ўликларнинг аъзоларини кесманглр) ва бирорта ҳам чақалоқни ўлдирманглр! Мушрик душманингга йўлиққан пайтингда уни уч нарсага даъват эт, қай бирига рози бўлса, ундан қабул қилиб ўзингни тий. Уларни Исломга даъват эт, агар рози бўлсалар, улардан қабул қилиб ўзингни тий. Кейин уларни ўз юртдан муҳожирлар юртига ўтишга даъват эт ва айтгинки, агар улар бу ишни қилсалар, ҳуқуқ ва бурчлари муҳожирлар билан

баробар бўлади. Агар бунга қўнмасалар, айтгинки, ҳуқуқ ва бурчлари мусулмонлар билан баробар бўлмайди. Мусулмонлар билан жиҳод қилганлари тақдирдагина ўлжадан уларга улуш ажратилади. Агар улар бош тортсалар, улардан жияя талаб қил, бунга рози бўлсалар, улардан қабул қилиб, ўзингни тий. Агар бош тортсалар Аллоҳдан мадад сўраб уларга қарши уруш қил».

Ибн Аббосдан ривоят қилинишича Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: «Ҳеч қачон Аллоҳнинг Пайғамбари бир қавмга қарши - уни даъват этмай туриб - уруш қилмайди».

Урва ибн Масийк ривоят қилиб шундай дейди: «Эй Аллоҳнинг Пайғамбари, қавмимга (қарши) келаётганлар билан ҳам, қавмимдан (қочиб) кетаётганлар билан ҳам урушаманми? - деган эдим. - «Ҳа» - деб жавоб бердилар. Бошлиқ қилиб тайинланганимда мени чақириб, - «Уларни Исломга даъват этмай туриб, уруш қилма», - дедилар».

Аллоҳ мусулмонларга фарз қилган жиҳод мана шу. Жиҳод жамоат ишидир. Уни битта шахс бажара олмайди. Жиҳод одамларни зулматдан нурга чиқариш учун ҳамма кофирларга қарши урушидир. Шунинг учун ҳам унинг масъулияти бутун Умматнинг бўйнидадир. Бу масъулиятни ҳис қилиб, амал қилмаслик Умматни ҳалокатга олиб боради. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ

- „Аллоҳ йўлидаги кураш учун молларингизни сарфланглар. Ва (бахиллик қилиш билан) ўзингизни ҳалокатга ташламанг“. [2:195]

Бас душманга қарши тайёргарлик қилишда мол-давлатларингни аяманглар, бахиллик қилманглар. Агар бахиллик қилсанглар мағлуб бўлиб, очкўзликларинг ва онкўрликларинг туфайли қўлларингдаги нарсаларингдан ажралиб, ҳалокатга элтгувчи залолат йўлига тушиб қолажаксизлар.

Фарз қилинган жиҳоднинг одамларни зулматдан жиҳоднинг одамларни зулматдан нурга чиқариш йўлидаги, даъват йўлидаги моддий тўсиқларни олиб ташлаш учун душманга қарши уруш бошлаш эканлигига аниқ тиниқ далиллар бўлишига қарамасдан ўзларини мусулмон қилиб кўрсатаётганларнинг кўпчилиги исломий фатҳларнинг мақсади мустамлака қилиш бўлган деб, яна бошқа айрим ўзларини илмилар деб даъво қилаётганлар эса жиҳод уруш бошлаш эмас, душманнинг ҳужумидан муҳофазаланиш холос деб ҳисобламоқдалар.

Шубҳаларни кетказиш учун исломий фатҳларнинг мақсади мустамлака бўлган, деб ҳисоблаётган аввалги гуғуҳга шундай деймиз: - Сизлар исломий фатҳларни мамлакатларни турли хил азоб-уқубатларга гирифтор қилаётган мустамлака мақсадидаги фатҳларга (урушларга) қиёс қилгансизлар. Ислом нуридан бебаҳра бўлганингиз туфайли бу икки фатҳни бир-бирдан ажрата олмангансизлар.

Мусулмонлар уруш бошлашдан олдин бошқаларни аввало Исломга даъват этиб, агар уни қабул қилсалар ҳуқуқ ва бурчлари мусулмонлар

билан баробар бўлишини айтардилар, агар Исломдан бош тортсалар, Ислом тузумига бўйсунини таклиф этардилар. Токи улар бу тузумдаги эзгуликни, адолатни ва ҳидоятни кўриб, унга ўзлари интилиб кирсинлар. Хўш мустамлакачилар бошқаларни нимага даъват этдилар? Урушдан аввал бошқаларга таклиф қилинадиган нарсанинг ўзи бормиди уларда?! Эҳтимол улар динни ҳаётдан ажратиш асосига барпо бўлган ғарб маданиятига даъват этганлар дейилар. Ҳалол ва ҳаром каби тушунчаларнинг яқинига ҳам келмаган ғарб маданияти фатҳ қилинган шаҳарларнинг бойликларини эгаллаб олиб, аҳолисининг қонини сўришдан қайтарадиган ҳаром нималигини билмайди, ҳамма ишни манфаат билан ўлчайди. Бу маданият ғирт моддий маданиятдир. Моддийликдан бошқа маънони билмайди. Ахлоқий, инсоний, руҳий қийматларни бир пулга ҳам олмайди. Бу нарса у фатҳ қилган шаҳарларнинг аянчли аҳволларида янада яққолроқ намоён бўлади. Чунки у фатҳ қилган халқларнинг бирортаси ҳам унинг эътиқодини қабул қилгани йўқ, балки ҳаммаси ундан қутулиш ва ўч олишга интилоқдалар. Мустамлакачилар ўз фуқаролари билан фатҳ қилинган мамлакат аҳолисининг ҳуқуқларини баробар қилган эмаслар. Исломий фатҳлар эса бундай бўлган эмас. Исломий фатҳ қайси бир шаҳарни фатҳ қилган заҳоти унинг аҳолиси мусулмонлар билан баб-баробар ҳуқуққа эга бўлиб, бирлашиб, битта умматга айланиб кетганлар. Ҳозиргача шундай бўлиб келмоқда. Мустамлакачилар ҳаёти билан улар мустамлака қилган халқларнинг ҳаёти орасида эса ҳуқуқ, иқтисод, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги, саноат ва маданият жиҳатдан катта фарқ бор. Мустамлакачилар ўзлари эгаллаб олган шаҳарларнинг бойликларидан фойдаланиб, фаровон яшаётганликлари ҳолда уларнинг аҳолиси муҳтожлик, маҳрумлик ва жаҳолат азобини тортмоқдалар. Мустамлакачилар улкан саноатлар барпо қилаётганлари ҳолда босиб олинган халқлар аксар ҳуқуқлардан маҳрум бўлиб, қолоқликда кун кечирмоқдалар. Бас, мустамлакачилар қаерда-ю, халқига ҳеч ким тил теккиза олмайдиган, адолатда амиру ходимни ажратмайдиган мусулмонлар қаерда? Мусулмонлар - мисрлик бир қибтийнинг ҳуқуқини ҳимоя этиб - Амр ибн Оснинг ўғлини дарра уриш учун олиб келганлар. Мусулмон лашкарбошиларидан бири ҳеч қандай даъватсиз зўрлик билан Самарқандга кириб келганида, шаҳарнинг амири Шомдаги халифага шикоят қилади. Халифа бу ишни текшириш учун аъёнларидан бирини юборади. Ҳалиги аъён лашкарбошининг аввал даъват қилмай, зўрлик билан шаҳарга кирганини билгач, унга лашкарни шаҳардан олиб чиқишни, кейин агар хоҳласа даъват этишни буюради. Лашкарбоши лашкарга шаҳардан чиқишни энди буюрмоқчи бўлиб турган эди, Самарқанднинг амири халифанинг элчисига: - сизни бу ишга нима мажбур қилди, шаҳарга киргунингларча қийналдинглар-ку? - деди. Элчи: Бизни бундай қилишга динимиз буюради, - деб жавоб берди. Шунда амир: Сизларнинг динингиз бизнинг динимиздан яхшироқдир, - деб

мусулмон бўлганлигини эълон қилди-да, лашкарни шаҳарда қолдирди. Ва ўзи аввал ҳоким бўлган шаҳарга яна қайтадан ҳоким этиб тайинланди.

Жиход уруш бошлаш эмас, деб биладиган иккинчи гуруҳ ўз фикрларининг тўғрилигига Қуръондаги мана бу оятларни далил қилиб кўрсатади:

وَإِنْ حَنَحُوا لِلسَّلْمِ فَاجْنَحْ لَهَا

– „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг“.  
[8:61]

وَقاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُقَاتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿١٩٠﴾

– „Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилинг ва тажовузкор бўлманг! Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди“.  
[2:190]

أَذِنَ لِلَّذِينَ يُقَاتِلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلِمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴿١٩١﴾

– „Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир“.  
[22:39]

Улар бу оятларни жиҳоднинг мудофаа эканлигига далил қилишиб уруш бошлаш ҳақидаги оят бир юз йигирма битта ворид бўлган оятни бекор қила олмайди, дейишади ва бундан жиҳод фақат мудофаа учун деган ҳукми келтириб чиқарадилар. Бу фикрдаги кишилар шарқшуносларнинг Ислождан, хусусан, Ислолдаги жиҳоддан ташвишланишларидан таъсирланганлари кўриниб турибди. Чунки, ғарб эътиборни мусулмонларнинг қалбларидаги эътиқодни заифлаштиришга қаратиш билан бир қаторда жиҳодни ваҳшийлик, ёввойилик қилиб кўрсатишга ҳам қаратган. Ҳақиқатни тушунтириш, равшанлаштириш учун бир шундай деймиз. Жиҳод далиллар умумий ва очиқ бўлиб, мудофаа урушини ҳам, душманга қарши уруш болашни ҳам, маҳдуд урушни ҳам (урушга тайёрланаётган душман хужумини қайтариш мақсадида қилинган урушни ҳам ва бошқа хил урушларни ўз ичига олади. Уни фақат мудофаа урушига хослаштириш, хужумий эмас, фақат мудофаа уруши деб қайдлаш учун уни хослаштирадиган ёки қайдлайдиган далил керак. Бундай далил эса Қуръонда ҳам, Суннатда ҳам йўқ. Шунга биноан жиҳод ҳамма урушларни ўз ичига олади. Хослаш ва қайдлаш даъвосига ҳеч қандай ўрин қолдирмаслик учун жиҳод ҳақидаги охириги лаҳзаларда ворид бўлган «Тавба» сурасидаги оятларни олайлик. Аллоҳ Таоло айтадики:

قَاتِلُوا الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَلَا بِالْيَوْمِ الْآخِرِ وَلَا يُحَرِّمُونَ مَا حَرَّمَ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَلَا

يَدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ مِنَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ حَتَّىٰ يُعْطُوا الْجِزْيَةَ عَنْ يَدٍ وَهُمْ صَاغِرُونَ ﴿١٩٢﴾

﴿١٩٢﴾

– „Аллоҳга ва охираг кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва унинг Пайгамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, ҳақ (яъни Ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан иборат бўлган кимсаларга қарши то мағлуб ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқ-жизияни тўламагунларича, жанг қилингиз!“ [9:29]

وَقَاتِلُوا الْمُشْرِكِينَ كَافَّةً كَمَا يُقَاتِلُونَكُمْ كَافَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ مَعَ الْمُتَّقِينَ ﴿٢٩﴾

– „Барча мушриклар сизларга қарши жанг қилгани каби, сизлар ҳам барчангиз уларга қарши жанг қилингиз! Ва билингизки, Аллоҳ тақволик инсонлар билан биргадир.“ [9:36]

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ جَاهِدِ الْكُفَّارَ وَالْمُنَافِقِينَ وَاغْلُظْ عَلَيْهِمْ وَمَأْوَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿٣٦﴾

﴿٣٦﴾

– „Эй Пайгамбар, кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг. Уларнинг жойлари жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат бу!“ [9:73]

إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنْ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ وَعَدًّا عَلَيْهِ حَقًّا فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ وَالْقُرْآنِ وَمَنْ أَوْفَى بِعَهْدِهِ مِنَ اللَّهِ

فَأَسْتَبْشِرُوا بِيَعْيُكُمُ الَّذِي بَايَعْتُمْ بِهِ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ ﴿٧٣﴾

– „Албатта Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига (жаннат эвазига) сотиб олди - улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар. (Бундай мўминларга жаннат беришга) Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда ҳам ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас (эй мўминлар), қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақиқий буюк бахтдир.“ [9:111]

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا قَاتِلُوا الَّذِينَ يَلُونَكُمْ مِنَ الْكُفَّارِ وَلْيَجِدُوا فِيكُمْ غِلْظَةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ

مَعَ الْمُتَّقِينَ ﴿١١١﴾

– „Эй мўминлар, ёнларингиздаги кофирларга қарши жанг қилинглар ва сизлардаги куч-қувватни кўрсинлар! Билингларки, албатта Аллоҳ тақволик инсонлар билан биргадир.“ [9:123]

Мана шу беш оятда урушишга бўлган буйруқ умумий ва очиқ суратда келган. „...Ишонмайдиганларга қарши урушинглар“, „Ҳамма мушрикларга қарши урушинглар“, „Аллоҳнинг йўлида урушадилар“, - ушбу оят ҳам буйруқ маъносини ўз ичига олади. „Ёнларингиздаги кофирларга қарши урушинглар“. Бу оятлар ҳужум ёки мудофаа бўлишидан қатъий назар жиҳоднинг кофирларга қарши урушиш эканлигига далилдир. Уни мудофаа уруши деб хослаш ёки қайдлашга ҳеч

қандай асос йўқ. Чунки оятларда маънонинг умумийлиги ва мутлақлиги яққол кўриниб турибди. Аммо Аллоҳ Таолонинг:

وَإِنْ جَحَحُوا لِّلْسَلَامِ فَاِجْنَحْ لَهَا

– „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг“. [8:61]

وَاقَاتُلُوا فِي سَبِيلِ اللّٰهِ الَّذِيْنَ يُفَاتِلُوْكُمْ وَلَا تَعْتَدُوْا اِنَّ اللّٰهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِيْنَ

– „Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилинглр ва тажовузкор бўлманглр! Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди“. [2:190]

اٰذِنَ لِلَّذِيْنَ يُفَاتِلُوْنَ بِاَنَّهُمْ ظَلَمُوْا وَاِنَّ اللّٰهَ عَلٰى نَصْرِهِمْ لَقَدِيْرٌ

– „Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганари сабабли жанг қилиш изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир“, [22:39] каби оятлари «Тавба» сурасидаги оятларнинг умумийлигини хослашга, мутлақлигини қайдлашга далил бўлмайди. Чунки бу оятлар «Тавба» сурасидаги оятлардан аввал нозил қилинган. Аввал бўлган нарса кейин бўладиган нарсани хослай олмайди, қайдлай олмайди. Чунки хослаш дегани умумийликнинг бир қисмини бекор қилиш демакдир. Чунки хослашлик маълум бир қисмни бекор қилиш билан ҳукми умумийлигидан чиқариб, бошқа бир ҳукмга айлантиришдир. Модомики, хослаш бекор қилиш экан ва бекор қилишда бекор қилувчи кейин, бекор қилинувчи эса аввал келиши шарт экан, демак мазкур оятлар «Тавба» сурасидаги оятларни бекор (мансух) қила олмайди. Чунки улар «Тавба» сурасидаги оятлардан аввал нозил қилингандир. Қайдлар масаласида ҳам шундай: қайдловчи кейин, қайдланувчи эса аввал келиши шарт. У ерда „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг“, каби оятлар «Тавба» сурасидаги оятлардан аввал нозил бўлган ва шунинг учун ҳам улар қайдлашга далил бўла олмайди. Демак, оятлардаги умумийлик умумийлигича, мутлақлик мутлақлигича қолиб, жиҳод умуман ва мутлақ кофирларга қарши урушиш бўлиб, ҳужум урушни ҳам, мудофаа урушни ҳам, олдини олувчи урушни ҳам, маҳдуд урушни ҳам, ғайри маҳдуд урушни ҳам, хуллас ҳамма турдаги урушларни ўз ичига олади.

«Тавба» сурасидаги оятлар ундан аввал нозил бўлган оятларни бекор қилади, деган даъво ҳам нотўғридир. Чунки икки далил орасида номувофиқлик мавжуд бўлишининг ўзи улардан кейингиси аввалгисини бекор (мансух) қилади дейиш учун етарлик эмас. Бекор қилиш учун алоҳида ҳужжат-далил бўлиши шарт. Чунончи, „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг...“ оятини „... Аллоҳга ишонмайдиганларга қарши урушинглр“, ояти билан бекор қилиб бўлмайди. Бу икки оятнинг орасида бекор қилиш деган нарса йўқ. Чунки улар бир ҳолатдаги эмас, ҳар хил ҳолатдаги оятлардир. Биринчи оят сулҳ ҳолати бўлса, кейинги оят уруш ҳолати. Сулҳ ҳам уруш ҳам боқий,

доимий ҳолатлардир. Улардан бири ҳақидаги ҳукмлар яна бири ҳақидаги бекор (мансух) қила олмайди. Замаҳшарий ўзининг «Кашшоф» номли тафсир китобида Аллоҳ Таолонинг „Агар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг“, - оятини шундай тафсир қилади. «Тўғрироғи, бу ердаги буйруқ халифанинг раъйига ҳавола қилинган. У Ислом ва Ислом аҳлига уруш ёки сулҳнинг қай бирини фойдали деб билса ўшани танлайди. Албатта урушиш ёки албатта сулҳ қилиш шарт эмас. Суддий ва ибн Зайд шундай дейдилар: «Оят, сизни сулҳга чақирсалар, жавоб беринг деган маънони билдиради, холос. Унда ҳеч қандай бекор (мансух) қилиш маъноси йўқ». Ибн Арабий шундай дейди: «Мана шу билан унга (сулҳга) жавоб бериш ихтилофли бўлди». Аллоҳ Таоло айтади:

فَلَا تَهْتُوا وَتَدْعُوا إِلَى السَّلْمِ وَأَنْتُمْ الْأَعْلَوْنَ وَاللَّهُ مَعَكُمْ

– „Бас, эй мўминлар, сизлар кофирларга қарши жанг қилаётганингизда сусткашлик қилмангиз ва ўзларингиз устун-ғолиб бўлган ҳолларингизда уларни ярашиш-сулҳга ҳам чақирмангиз! Аллоҳ сизлар билан биргадир.“ [47:35]

Агар мусулмонлар ғолиб, қувватли, кўп сонли бўлсалар, бас, сулҳ қилинмайди. Дейдиларки:

Сулҳ қилмайман то тўлпорим менга қувват берадир,  
Кўлимдаги кескир қилич душманларни қирадир.

Агар сулҳ мусулмонлар учун фойдани кўзлаш ёки зарардан эҳтиётланиш каби керакли бўлса, уни ўзлари томонидан биринчи бўлиб таклиф этишларининг ҳам зиёни йўқ. Шунга биноан бу оят жиҳод ҳолатини эмас, сулҳ ҳолатини баён қилади. Аллоҳ Таоло, Сизни сулҳга чақирсалар, уларнинг талабларига жавоб беринг, хиёнатларидан қўрқманг, деяпти. Буни ундан кейинги оят таъкидлайди:

وَإِنْ جَنَحُوا لِلسَّلْمِ فَاجْتَحِ لَهَا وَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٥٦﴾ وَإِنْ يُرِيدُوا أَنْ يَخْدَعُوكَ فَإِنَّ حَسْبَكَ اللَّهُ هُوَ الَّذِي أَيَّدَكَ بِنَصْرِهِ وَبِالْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٧﴾ وَأَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِهِمْ

– „Агар улар сулҳга майл қилсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккал қилинг! Албатта Унинг ўзи эшитгувчи, билгувчидир. Агар улар сизни алдамоқчи бўлсалар, бас, албатта сизга Аллоҳнинг ўзи етарли (мадаккор)дир. У сизга ва мўминларга ўз ёрдами билан мадад берган ва сизларнинг дилларингизни ошно қилган зотдир.“ [8:61-63]

Демак, бу икки оят ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Чунки уларнинг мавзулари бошқа-бошқа.

وَقَاتِلُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ الَّذِينَ يُفَاتِلُونَكُمْ وَلَا تَعْتَدُوا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ الْمُعْتَدِينَ ﴿٦٤﴾

– „Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилинг ва тажовузкор бўлманг! Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди“.  
[2:190]

Бу оятнинг мавзуи урушувчиларнинг орқаларидаги урушмаётган хотин бола-чақаларга тажовуз қилмасликдир. Бу оят „Ҳамма мушрикларга қарши урушинглар“, ояти билан бекор (мансух) қилинган эмас. Чунки бу оятнинг мазмуни урушга, жиҳодга буюриш, аввалги оят эса кишиларга қарши урушишни белгилаш - урушувчиларга қарши урушиш ва урушмаётган чоллар, гўдаклар, аёлларга тажовуз қилмаслик мавзуидадир. Аллоҳ Таолонинг, „тажовузкор бўлманглар“, деган уруш қоидаларига риоя қилинганлар: қулоқ, бурунни кесиш, қуролсиз кишиларни, аёллар, гўдаклар ва қарияларни ўлдириш каби динсизларнинг одатини қилманглар деганидир.

Қуръон кўп оятларда тажовузкорликдан қайтаради, бундан мақсад урушни биринчи бўлиб бошламаслик эмас, балки урушда - шариат ман қилган ишларни қилмасликдир. Чунки «Тавба» сурасининг оятлари урушни аввал бошлашга яққол далилдир.

أَذِنَ لِلَّذِينَ يُقَاتَلُونَ بِأَنَّهُمْ ظَلَمُوا وَإِنَّ اللَّهَ عَلَىٰ نَصْرِهِمْ لَقَدِيرٌ ﴿١٩١﴾

– „Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли жанг қилиш изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир“.  
[22:39]

Бу оятда ҳам мутлақ урушга буйруқ бор. Унда фақат мазлум бўлганларгагина урушиш маъноси йўқ. Чунки Аллоҳ Таолонинг „Мазлум бўлганлари сабабли...“ дегани урушнинг сабаби эмас, балки воқени сифатлашдир. Негаки Қурайш мушриклари мусулмонларга кўп озор берар, саҳобалар Пайғамбар ﷺнинг олдига кўп марта мушрикларнинг қилаётган ҳужумларидан шикоят қилиб келар эдилар. Лекин у зот: «Сабр қилинганлар, менга ҳали Парвардигорим томонидан жанг қилишга рухсат берилгани йўқ», деб қайтарардилар. Заҳҳок айтади: «Саҳобалар Маккада кўп озорланганлари сабаб кофирларга қарши урушиш учун Пайғамбар ﷺдан рухсат сўраганларида, Аллоҳ Таоло:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ خَوَّانٍ كَفُورٍ ﴿١٩٢﴾

– „Албатта Аллоҳ ҳар бир хиёнаткор ношукрни севмайди“, [22:38] оятини нозил қилди. Ҳижрат қилингандан кейин эса „Ҳужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли жанг қилиш изни берилди“, оятини нозил қилди. Демак, бу оятда куч ва уруш билан ўзларидан озорни даф қилиш учун рухсат берилаётир ҳамда уларга озор берган Макка мушрикларига қарши урушишга буюрилаётир. Бу оятнинг мавзуи шу. Лекин у ишоранинг далили бўлиши жиҳатидан урушга буюришга ҳам ҳужжат бўлаётир. Яъни калом бир ҳукмга далолат қилиш ёки бир ҳукмни баён қилиш учун келади-ю, лекин унда тушунилган нарса у баён қилган ҳукмдан бошқа ҳукм бўлади, у айнан шу ҳукмга далолат қилиш учун келган бўлади. Одатда калом озорга қарши

урушишни бекор қилиб ва кейинги оятда эса озорни даф қилиш учун урушишга рухсатни баён қилиб келди. Лекин ундан бошқа ҳукм, урушишга буюриш ҳукми тушунилади. Бу оят юқоридаги „Аллоҳга ишонмайдиганларга қарши тушинглар“, оятига ҳеч қандай зиддият йўқ. Чунки уларни мавзулари бошқа-бошқадир. Бу оят фақат мазлумлик туфайлигина урушиш қонунийдир, деган гапга далил бўла олмайди. Чунки, бу урушишга буюриш эмас, балки мушрикларнинг озорига уруш билан қарши туришга рухсат беришдир. Бу икки оятни бир-бирига қарама-қарши қўйиш билан жиҳод мудофаа уруши дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Мана шулардан кўриниб турибдики, жиҳод оятларининг бири иккинчисини бекор қилмайди, уларнинг ҳаммаси умумий ва мутлақ бўлиб, уларни хослайдиган ва қайдлайдиган ҳеч қандай далил келмаган. Бас, бу оятлар умумийлиги ва мутлақлигида қолиб, жиҳод ҳамма урушни - муҳофаза урушини ҳам, ҳужум урушини ҳам, халифанинг даъват учун, мусулмонлар учун фойдали деган раъйига қараб бўладиган ҳар қандай урушни ҳам ўз ичига оладиган уруш бўлади. Жиҳод ҳақидаги тўғри тушунча мана шу. Бу масалада Пайғамбар ﷺ замонида, тобеинлар замонида икки кишининг фикри икки хил бўлган эмас, ҳамманинг фикри бир хил бўлган. Мустамлакачи кофирлар мусулмонларнинг шаҳарларига кириб ўзларининг эътиқодлари ва нуқтаи назарларини қабул қилаётган мусулмон фарзандларини кўришгач, уларнинг ўз эътиқодларига бўлган ишончини заифлаштириш учун Ислому фикрлари ва тушунчаларига қарши қақшатгич, уруш очдилар-да, исломий фатҳларни мустамлакачилик мақсадида бўлган, деб таърифладилар. Фақиҳ деб номланганлар орасида ҳалол ва ҳаром тушунчасига эътиборсизларни кўрдилар. Улар манфаатдорлик тушунчасини қабул қилганлар, Ислолдаги жиҳодга мудофаа урушидан бошқа нарса эмас, деб таъриф берганлар. Мустамлакачилар тайинлаган ҳокимлардан фойдаланиб қолиш мақсадида фатволар берганлар. Бу ишлари билан ҳокимларнинг жиҳодга бепарволикларини оқлаб, улардан оладиган арзимас мартабалари эвазига Аллоҳнинг Китобига қарши гапиришга журъат этдилар. Уларнинг тутган мавқифлари «Таврот»да нозил қилинган Муҳаммад ﷺнинг сифати ва пайғамбарлигининг тўғрилигини инкор этган яҳудий уламоларининг мавқифлари кабидир. Яҳудий олимлари ўз ҳокимларидан оладиган поралари эвазига шундай қилган эдилар. Бу ҳокимлар олимларнинг мусулмон бўлиб кетишлари билан ҳокимиятларидан ажраб қолишларидан қўрқиб, уларга пора берар эдилар. Аллоҳ Таоло улар ҳақида шундай дейди:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْتُمُونَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ الْكِتَابِ وَيَشْتَرُونَ بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا أُولَٰئِكَ مَا يَأْكُلُونَ فِي بُطُونِهِمْ إِلَّا النَّارَ وَلَا يُكَلِّمُهُمُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَلَا يُزَكِّيهِمْ وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ

أُولَئِكَ الَّذِينَ اشْتَرُوا الضَّلَالََةَ بِالْهُدَىٰ وَالْعَذَابَ بِالْمَغْفِرَةِ فَمَا أَصْبَرَهُمْ عَلَى النَّارِ ﴿١٧٥﴾

﴿١٧٥﴾

– „Аллоҳ нозил қилган Китоб-Тавротни беркитадиган (яъни Тавротдаги Муҳаммад ﷺнинг пайгамбарлиги ҳақидаги хабарларни беркитадиган) ва уни озгина қийматга сотадиган кимсалар қоринларини фақат олов билан тўлдирдилар - уларга қиёмат кунда Аллоҳ боқмайди - сўзламайди ва уларни гуноҳларидан покламайди. Улар учун аламли азоб бордир. Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, мағфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр тоқатли эканлар-а?“ [2:174,175]

Жиҳод мусулмон миллатининг елкасига юклатилган умумий масъулиятлардан деган эдик. Демак, у жамоий вожибдир. Хўш, якка шахс жиҳоди жоизми? Жиҳод қачон вожиб ва қачон мандуб бўлади?

Аллоҳ Таоло жиҳодга буюрган, демак, жиҳод фарздир. Жиҳодга тааллуқли нарсаларга ҳам буюрган. Чунончи мусулмонлар бир жамоа бўлганларида ўзларига амир сайлаб олишларини буюрган. Пайгамбар ﷺ «Агар сафарда уч киши бўлсангиз бирингизни амир қилиб олингиз!» - деганлар. Демак, жиҳод жамоий фарз, мужоҳидларнинг амирлари бўлиши шарт. Жиҳодга тааллуқли бўлган ишдан яна бири Аллоҳ Таоло унга тайёрланишни буюрган:

وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ

– „Ва улар-кофирлар учун куч тайёрланглар...“

[8:60]

Жиҳодга имкони борича куч ва керакли қурооларни тайёрламоқлари лозим. Яна жиҳодга тааллуқли бўлган ишлардан - Аллоҳ Таоло аввалда битта мусулмон ўнта кофирга тенг келиб урушишига, кейин бунингиллатиб битта мусулмон иккита кофирга тенг келиб урушишига буюрган. Демак, мусулмонларнинг қуввати жиҳодда кофирлардаги қувватнинг ярим бўлиши керак. Жиҳод вожиб бўлиши учун унга тааллуқли бўлган мана шу ишларнинг ҳаммаси мукамал бўлиши шарт. Агар улар мукамал бўлмаса, жиҳод вожиб бўлмайди. Жиҳод шахсий эмас, жамоий ишдир. Якка шахсга жиҳод вожиб эмас. Халифасиз ҳам жиҳод қилиб бўлмайди, Халифанинг бўлиши шарт. Даъватнинг дастлабки ҳолатидан бошқа ҳолатларда битта иккитага тўғри келиши ҳам шарт. Бундай бўлмаса ҳам жиҳод вожиб бўлмайди. Мана шу шартлар тўла бўлган пайтда жиҳод вожиб бўлади. Тўла бўлмаган ёки айримлари тўла бўлмаган пайтда мандуб бўлади. Шунинг учун ҳам халифасиз жиҳод қилиш, тайёргарликсиз жиҳод қилиш, якка шахснинг жиҳод қилиши кабилар жоиздир (вожиб эмас). Чукни Аллоҳ Таоло Пайгамбар ﷺга:

فَقَاتِلْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَا تُكَلِّفُ إِلَّا نَفْسَكَ

– „Аллоҳ йўлида уруш қил, қийинчиликни фақат ўзинггагина ол“, [4:84] деб якка ҳолатда бўлса ҳам жиҳод қилишларига ижозат берган.

Исроил давлатининг ичида фаластинлик фидойиларнинг портлатиш операциялари, ўз жонига қасд қилиш деб ном олган ишлари шахсий-якка ҳолдаги жиҳоддир. Лекин бу ишни ўз жонига қасд қилиш иши деб бўлмайди. Чунки жиҳод билан ўз-ўзини ўлдириш орасида катта фарқ бор.

Шахсий жиҳодни ўзини ҳалоқатга ташлаш деб ҳам бўлмайди. Чунки ўзини ҳалоқатга ташлаш жиҳод қилишда эмас, балки уни тарк этишдадир. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ

– „Аллоҳ йўлидаги кураш учун молларингизни сарфлангиз. Ва бахиллик қилиш билан ўзингизни ҳалоқатга ташламанг!“ [2:195]

Саъд ибн Маоз дейдиларки: «Аллоҳ Таоло Пайғамбарига нусрат бериб, уни азиз, ғолиб қилганидан кейин биз энди урушни тарк этиб, мол-давлатимизга қайтиб, уларни ўнглаб олсакмикан, деган эдик, Аллоҳ Таоло биз ансорийлар ҳақида шу оятни нозил қилди. Демак, бу оят жиҳодни тарк қилишнинг ёмон оқибатларидан уларни огоҳлантириш учун нозил қилинган.

Модомики, жиҳод ибодатлардан экан, ибодат учун эса ният қилиш шарт экан, мужоҳид учун ҳам ният шарт. Пайғамбар ﷺ охир замонда Каъба билан ҳимояланган қавм билан урушиш учун юзланган ва ер юзини вайрон қилган лашкар ҳақида хабар бериб, лашкарнинг орасида солиҳ кишилар ҳам, ярамас одамлар ҳам бўлишини айтган эдилар. Шунда Пайғамбар ﷺ дан солиҳ кишиларнинг оқибати ҳақида сўраган эдилар. У киши: «Ҳаммаси ниятига қараб тирилади», - деб жавоб бердилар (яъни ҳаммасининг ниятига боғлиқ бўлади).

## МУСУЛМОНЛАРНИНГ АМРИ МАЪРУФ ВА НАҲЌ МУНКАР ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАРИ

Мадинада исломий жамиятнинг юзага келиши муяссар бўлиб Ислом давлати барпо бўлди, мўминларнинг ишлари изга тушиб кетди. Энди бу жамиятни сақлаб қолмоқ шарт. Токи одамларнинг қўллари Аллоҳ ва Пайғамбари рози бўладиган тараққий топган йўлгича қолсин. Бунинг учун ҳар бир тўғри йўлдан озганни, ҳақиқатдан тойганни, ҳусни хулқдан адашганни тўсиш керак. Токи озиш, тойилиш, адашишлар кенг ёйилиб кетмасин. Аллоҳ Таоло мусулмонларга якка шахс ҳолидами, жамоа ҳолидами бузғунчиликлар ёйилиб кетишининг олдини олиш учун ҳамкорлик билан курашишларини, бир-бирларига ёрдам беришларини вожиб қилган. Мусулмонларни амри маъруф (яхшиликка буюриш) ва наҳё мункар (ёмонликдан қайтариш)га ундовчи ва бу ишни вазифаси ва вожиб амали қилгувчи шаръий ҳукмлар нозил қилинган. Зеро битта жамият битта жисм кабидир. Ундаги бирор аъзога шикаст етса, бошқа аъзолар бедорлик ва иситма билан унга ҳамдард бўладилар. Бир аъзога етган касалликнинг бутун жисмга ёйилиб кетиш хавфи ҳам йўқ эмас. Шунга ўхшаб жамиятга кирган айрим бузуқликларнинг олди олинмаса, улар тезда бутун жамиятни эгаллаб олишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам жамиятни муҳофаза этиш масъулияти фақат ҳукмдорларнинггина эмас, балки ҳар бир мусулмон шахснинг устига юклатилгандир. Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Ҳар бир мусулмон Ислом дарчаларидан бирига жавобгар, бас (душман) унинг тарафидан келмасин». Аллоҳ Таоло мусулмонларни амри маъруф наҳй мункар ишидан тўхтатиб қолишларидан огоҳлантириб, балонинг фақат озганлар ва тойилганларгагина эмас, балки уларни қайтармаганларга ҳам, яъни ҳаммага келишининг хабарини беради:

وَأْتُوا فِتْنَةً لَا تُصِيبَنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْكُمْ خَاصَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿١٢١﴾



– „Ҳамда сизлардан фақат зolim кимсаларнинг ўзигагина етмай, балки барчага баробар етадиган балодан сақланингиз! Ва билингизки, Албатта Аллоҳнинг азоби қаттиқдир!“ [8:25]

Яхшиликка даъват этиш, амри маъруф ва наҳй мункар қилишга ундайдиган шаръий ҳужжатлар кўп ва хилма-хилдир. Улар гоҳида ҳокимларга, гоҳида олимларга ва гоҳо мусулмонлар оммасига хитоб қилади. Чунки юқорида айтилган ҳар бирининг яхшиликка даъват этиш ва амри маъруф, наҳй мункар қилишда бажарадиган ўз маъсулияти бор.

Ҳукмдорлар ўз ҳокимиятлари ва қувватлари билан бузуқликни тийишга, эгриликни тўғрилашга қодирдирлар.

Қай бир иш Аллоҳнинг шариятига мувофиқ-у, қай бири зидлигини олимлар биладилар. Демак, олимлар яхшилик қаерда-ю, ёмонлик қаердалигини одамлардан яхшироқ билувчироқ ва уларга Аллоҳнинг ҳукмларини кўрсатишга қодирроқдирлар.

Мусулмонлар оммаси эса бузуқлик, оғмачилик ўтида қовурилувчилардир. Бу бузуқлик, оғмачилик хоҳ айримлари томонидан содир бўлсин, хоҳ ҳокимлар томонидан содир бўлсин.

Яхшиликка даъват этиш, амри маъруф ва наҳй мункар қуйидаги ҳужжатларга асосан мусулмонларга фарздор. Аллоҳ Таоло айтади:

كُنْتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ

– „*Эй уммати Муҳаммад), одамлар учун чиқарилган умматларнинг энг яхшиси бўлдингиз, зеро сиз яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз*“. [3:110]

Бу оятда амру маъруф, наҳй мункар яхшиликнинг сабаби қилиб кўрсатилляпти. Демак, уни бажариш талаб қилиналяпти. Аллоҳ Таоло айтади.

وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ يَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ

– „*Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар, яхши амалларга буюрадилар, ёмон амаллардан қайтарадилар*“. [9:71]

Бу оятда амри маъруф, наҳй мункар мўминларнинг энг хос сифатларидан қилиб кўрсатилляпти. Аллоҳ Таоло айтади:

الَّذِينَ إِنْ مَكَتَاهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ وَأَمَرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ

– „*Уларни, яъни мусулмонларни агар Биз ер юзига ғолиб қилсак, улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) берадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар*“. [22:41]

Бу оятда амри маъруф, наҳй мункар намоз ўқиш, закот бериш каби фарзлар қаторида саналаётир.

Ҳузайфа ибн Яман ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар: «Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, ё сизлар амри маъруф, наҳй мункарни албатта қиласизлар, ё Аллоҳ Таоло ўз тарафидан сизларга бир азобни юбориши яқиндир. Кейин унга дуо қилганларингизда дуоингиз ижобат бўлмайди».

Бу ҳадисда амри маъруф, наҳй мункар қилишга таъкидли буйруқ келяпти. Уни бажармасликни азобга ва дуонинг ижобат бўлмаслигига сабаб қилиналяпти. Агар бу ишни қилиш қатъий талаб қилинмаётган бўлганида, уни бажармасликни азобга ва дуонинг ижобат бўлмаслигига сабаб қилинмасди. Чунки мандуб ишларнинг тарк қилинганлиги учун азобланилмайди. Шунинг учун ҳам бу ишни қилишга талаб қатъий бўляётир. Демак, амри маъруф, наҳй мункар мусулмонларга фарздор.

Абу Саид Худрийнинг ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар: «Ким сизлардан бир мункар ишни (содир бўлганини) кўрса, бас, уни қўли билан ўзгартирсин, бунга қурби етмаса тили билан, бунга ҳам қурби етмаса қалби билан. Лекин буниси (қалб билан ўзгартириш) энг заиф иймондир».

Бир гуруҳ уламолар мана шу ҳадисни амри маъруф, наҳй мункарнинг ҳар бир мусулмонга имконияти даражасида фарзи айнлигига далил қилиб кўрсатганлар. Имконият шу уч ҳолатдан бирида бўлмай қолмайди. Чунки мункар ишни ҳатто дили билан ҳам ёмон кўрмайдиган мусулмоннинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Инсоннинг тоқати етмайдиган нарсаса шариятда тақлиф қилинмайди. Шунинг учун ҳам бу ҳадисда бўлаётган мункар ишни тўхтатиш, бўлай деб турганининг олдини олиш талаб қилинаётир. Демак, ҳар бир мусулмон мункар ишнинг олдини олишга, бўлаётганини тўхтатишга шошилмоғи лозим. Бошқаларга ишониб ўзини олиб қочиши ва сусткашлик қилиши жоиз эмас. Агар бошқаси қайтаришга уринса-ю, уни тўхтатиш ёки олдини олишга муваффақ бўлмаса фарз у мусулмондан соқит бўлмайди. Мункар иш бутун мусулмонлар оммаси томонидан содир бўладиган бўлса, жамиятда бузуқлик ва фитналар кенг тарқалади. Бу пайтда фитналарни йўқ қилиш, бузуқликни қуритиш ҳукмдорларга вожиб бўлади. Чунки улар буйруқ берувчилардир. Аллоҳ Таоло айтадики:

الَّذِينَ إِن مَكَتَاهُمْ فِي الْأَرْضِ أَقَامُوا الصَّلَاةَ وَآتَوُا الزَّكَاةَ وَأَمَرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ

– „Уларни, яъни мусулмонларни агар Биз ер юзига ғолиб қилсак, улар намозни тўқис адо этадилар, закотни (ҳақдорларга) берадилар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар“.  
[22:41]

Бу вазифа шунингдек уламоларнинг ҳам гарданидадир. Чунки улар панд-насиҳат қилиш, тўғри йўлни кўрсатиш ва Аллоҳнинг азобидан қўрқитиш билан одамларни йўлга солишга қодирдирлар. Бутун мусулмонлар оммаси ҳам қўлларидан келганича ораларидаги бузуқликка қарши турмоқлари лозим.

Агар мункар иш ҳукмдорлар томонидан содир бўлса, уни тўхтатиш масъулияти уламолар гарданида бўлади. Бу ишда уларни қуроллари мусулмонлар оммасидирки, улар оммани ҳукмдорларнинг қилаётган ишларини текширишга, улардан ҳисоб олишга, уларни зулмдан қайтаришга чорлайди. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Кимки Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилган, Аллоҳга берган аҳдига хиёнат қилган золим султоннинг Аллоҳнинг бандалари ичида гуноҳ ва тажовузкорлик билан иш олиб бораётганини кўрса-ю, уни на тили билан, на амали билан ўзгартирмаса Аллоҳ бундай кимсани қаерга киритишни Ўзи билади».

Агар олимлар ҳам бузилсалар ҳақиқий бало мана шу. Бундай пайтда ҳеч кимдан амри маъруф ва наҳй мункар иши умид қилинмайди. Оқибатда эса иймондан зарра ҳам қолмайди. Пайғамбар ﷺ айтганлар: «Одамлардан икки тоифа борки, агар улар ўнглансалар, одамлар ҳам ўнгланадилар, агар бузилсалар одамлар ҳам бузиладилар. Улар олимлар ва амирлардир».

Агар жамият мана шу даражада тубанлашса, зулм ҳаддан ошиб бузуқлик ёйилиб, завқлар бузилиб, ҳислар ўлиб одамлар зулм аламини сеза олмайдиган, бузуқликнинг бадбўй ҳидини туя олмайдиган бўлиб қолсалар, дилларидаги иймон заифлашса, Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннатидаги йироқлашсалар, улардаги гуноҳдан қўрқиш ҳисси ўлиб кетса, жамиятдаги мувозанат издан чиқса, одамлар Аллоҳнинг буйруқлари ва наҳйларидан, чегараларидан четлашсалар, мана шундай бузуқ воқеликдан чиқиш учун бир йўл борми?

Бор! Ислом исломий жамиятнинг шу даражада бузилиб кетишидан қайтариш учун эҳтиёт чорасини кўриш билан бирга уни ҳар қандай ёмон воқедан қутқариш чорасини ҳам кўриб қўйган. Агар мусулмонлар эҳтиёт чоралари билан биргаликда қутилиш чораларини ишлатганларида бугунги кундаги ҳолатларига келиб қолмаган бўлардилар. Ҳозир ҳам бу чораларни ишлатсалар ёмон воқедан қутилиш ва тикланиш кафолатини оладилар. Исломнинг мусулмон миллатини ўзига лойиқ даражада тубанлашиб кетмаслиги учун белгилаб қўйган чоралари ҳукмдорларнинг гарданларига юклатилган муҳим масъулиятдир.

Мусулмонлар фақат бир муддат вақт мобайнида ишлатиб кейин ташлаб юборган етарлича мукамал бўлган чоралар Ислом эътиқодига асосланган, исломий даъватни ёйиш иши билан шуғулланадиган, ҳукмдорларнинг қилаётган ишлари ва тасарруфлари тўғрисида ҳисоб оладиган сиёсий ҳизб - жамоадир. Бу иш Қуръони Карим ҳужжати билан Аллоҳ Таолонинг мусулмонларга вожиб қилган масъулиятларидандир.

## **ҲУКМДОРЛАР БАЖАРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН МУҲИМ МАСЪУЛИЯТЛАР**

Миллатнинг катталари, етакчилари, бошқарувчилари ҳукмдорлардир. Улар қанчалик халққа ихлос билан қайишсалар халқ ҳам уларни шунчалик яхши кўради, улуғлайди ва итоат этади. Қанчалик халқнинг манфаатларига бепарво бўлсалар, душманни даф этишда сустлик қилсалар, халқ уларни шунчалик ёмон кўради, улардан нафратланади. Ҳукмдорларнинг гарданида бажаришлари лозим бўлган муҳим масъулиятлар борки, бажаришда сустлик қилсалар, бу дунёда одамлар тарафидан, охиратда эса Аллоҳ Таоло томонидан ҳисобга тутиладилар. Агар бу ишларни талаб қилингандек бажарсалар, жамиятни ҳар қандай ёмонликдан сақлаб, кучли ва соғлом ҳолда ушлаган бўладилар. Бу иш мусулмонларнинг ҳукмдор сайлашда адашмаган, уларнинг қилаётган ишларидан ҳисоб талаб қилиб турган тақдирдагина амалга ошади.

Ҳукмдорлар бажариши лозим бўлган масъулиятлар қуйидагилардир:

1. Раиятни хайрихоҳлик билан бошқариш. Бу иш ички ва ташқи ишларда халқнинг ишини бошқариш, у ҳақда бош қотириш, таълим-тарбия, ҳар бир шахснинг манфаати ва шахсий эҳтиёжларини тўла қондиришга алоҳида эътибор бериш, тинчликни ва покликни сақлаш, руҳий, хулқий ва инсоний қийматларни юзага чиқаришга интилиш, мактаблар ва олий ўқув юртларидан ташқари ҳар хил кутубхоналар ва бошқа маърифат воситаларини ташкил қилиш билан бўлади (токи фикҳ, усули фикҳ, ҳадис, тафсир, тафаккур, тиб, ҳандаса, кашфиётлар, ихтиролар ва бошқа маърифий соҳаларга қизиқувчилар бемалол баҳс юритсинлар, токи халқ орасидан мужтаҳидлар, ихтирочилар, ижодкорлар етилиб чиқсин). Қурол-аслаҳа ва улар учун зарурий қисмлар заводларни қуриш билан бўлади. Шундай қилинса жамият кучли ва илғор жамиятга айланади.

Умматни хайрихоҳлик билан бошқаришда сусткашлик қилиш ишдаги холисликни кетказди ва натижада ҳоким билан халқ ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқаради. Кейин ўзаро бирдамлик йўқолиб, натижада жамиятга бепарво қаралиб, унинг ишлари издан чиқади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло ҳокимларни раиятни хайрихоҳлик билан бошқаришда сусткашлик қилиш оқибатидан огоҳлантирган. Маъқал ибн Ясор Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитганини ривоят қилади: «Қай бир бандани Аллоҳ фуқарога бошлиқ қилиб қўйса-ю, у фуқарони хайрихоҳлик билан бошқармаса жаннатнинг бўйини тополмаслиги муқаррардир». Яна Маъқал Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини ҳам ривоят қилади: «Қай бир ҳоким мусулмон фуқароларга уларни алдаб ҳукм юритса, унга жаннат ҳаром қилинмай қолмайди».

Имом Муслимнинг Маъқалдан ривоят қилишича, Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитган экан: «Қайси бир амир мусулмонларга бошчилик қилса-ю, улар учун елиб югурмаса, хайрихоҳлик қилмаса улар билан бирга жаннатга кирмаслиги муқаррардир».

Абу Саиддан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар: «Қиёмат кунда ҳар бир хиёнаткорнинг бир байроғи бўлиб, хиёнати миқдорида кўтарилади. Огоҳ бўлингки, омма амирининг хиёнатидан ҳам катта хиёнат бўлмайди».

2. Омма молларини суистеъмол қилмаслик.

Мол Аллоҳ рухсат берган манбалардан олинади ва Аллоҳ буюрган жойларга сарф қилинади. Ҳоким қўлидаги молни раиятнинг манфаатлари йўлида сарф қилади. Бу ишда андаккина исроф, яъни ношаръий жойга сарф этиш ҳам исрофгарни Аллоҳнинг азобига гирифтор қилади. Абу Ҳамид Соидийдан ривоят қилинишича, Пайғамбар ﷺ ибн Утбияни Бану Салим қабиласидан закотларни йиғиб келиш ишига тайинлаган эдилар. У қайтиб келгач Пайғамбар ﷺ ундан ҳисобот сўради. У айтдики: «Мана бу сизлар учун, мана бу эса менга қилинган ҳадя». Шунда Пайғамбар ﷺ «Агар рост гапираётган бўлсанг, ҳадя келгунига қадар ота-онангнинг уйида пойлаб ўтирмабсан-да», дедилар. Кейин ўринларидан туриб, одамларга хитоб қилиб, Аллоҳга ҳамду сано айтганларидан сўнг шундай дедилар: «Аммо баъд, Мен сизлардан бир неча кишини Аллоҳ мени мутасадди қилган ишларнинг айримларига тайинлаган эдим, улардан бири келиб: Мана бу сизларга, буниси эса менга қилинган ҳадя, деди. Агар у рост гапираётган бўлса, ҳадя келгунига қадар ота-онасининг уйида пойлаб ўтирмабди-да. Бас, Аллоҳга қасамки, биронтангиз ҳам ҳеч нарсани ноҳақ олманг. Агар олса қиёмат кунига олганини кўтариб боради».

Бу ҳадис Аллоҳнинг ҳисоб олиши, ёмон амалга азоб беришига далолат қилиш, ҳокимнинг омма молларига тегинишидан огоҳлантиришдир. Саҳобалар ва тобеинлар (Разияллоҳу анҳум) молни шундай тушунган эдилар. Бугунги кунда эса омманинг ва давлатнинг мулки ҳисобланган нефть, олтин, кумуш, кўмир, темир конларидан келаётган даромадлар ҳокимларнинг гўё шахсий мулкларидек ўлжаларига айланиб қолди.

3. Ҳокимларнинг раият олдидаги муҳим масъулиятларидан бири уларга Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритмоқликдир. Зеро, шаръий ҳукмларни татбиқ этиш мусулмонларнинг чиқарилган ҳукмларни розилик ва мамнуният билан қабул қилишларини таъминлайди. Бу билан бирга шаръий ҳукм тажовузкорларни, муҳолифларни қайтарадиган, ҳукм ижро қилинган шахсларни Аллоҳнинг қиёмат кунидagi азобидан тўсадиган тўсиқлар ҳамдир. Агар шаръий ҳукмлар ижро этилмаса, раият зулм ва тангликка дучор бўлиш билан бирга ана шу азобдан тўсадиган тўсиқлардан ҳам махрум бўлади. Ҳукмларни хотиржамлик билан мамнуният билан қабул қилишдан махрум бўлиб, уларни дини учун фитна, дунёси учун зулм деб ҳис қиладиган бўлиб қолади. Шунинг учун қонун чиқарган Зот - Аллоҳ Таоло ҳокимга қандай ҳукм чиқаришни белгилаб берган. Унга Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг Суннати билан ҳукм юритишни вожиб қилган. Шу билан бирга унга икки манба доирасида ижтиҳод қилиш ҳуқуқини ҳам берган. Уни Ислождан бошқага

кўз тикишдан қайтарган, унга Исломдан бошқа ҳеч қайси манбадан ҳеч нарса олмасликни қаттиқ тайинлаган.

Ҳукм юритишда фақат Қуръон ва Суннат билан чекланишга Қуръон оятларидан яққол далиллар мавжуддир. Аллоҳ Таоло айтади:

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فَأُولَئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ ﴿٥٤﴾

– „Кимлар Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм юритмасалар, улар кофирлардир“ [5:44]

Бу оят ҳукм юритиш фақат Аллоҳ нозил қилган нарсагагина чекланиш кераклигини англатади. Аллоҳ нозил қилган нарса лафзи ҳам, маъноси ҳам Аллоҳдан бўлгани - Қуръон, фақат маъноси Аллоҳдан бўлиб, лафзи Расуллоҳники бўлгани - Суннатдир. Демак, ҳоким ҳукм юритишда Қуръон ва Суннат чегарасидан чиқиб кетмаслиги керак. Қонун чиқарган Зот - Аллоҳ унга ижтиҳод қилишга ижозат берган. Имом Бухорий ривоят қиладики, Амр ибн Ос Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитган: «Ҳоким ҳукм юритаётиб ижтиҳод қилса ва бу ижтиҳоди тўғри чиқса унга икки ажр (савоб) бор. Ҳукм юритаётиб ижтиҳод қилса-ю, ижтиҳоди хато чиқса, унга бир ажр бор». Қонун чиқарган Зот Исломдан бошқа манбадан ҳукм сўрашдан ёки бошқа манбани Исломга шерик қилишдан қайтарган. Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺга хитоб қилиб шундай дейди:

وَأَن آحْكُم بَيْنَهُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَن يَفْتِنُوكَ عَن بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ

– „Эй Муҳаммад, улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган шариат билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавои нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларининг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг!“ [5:49]

Ҳокимнинг гарданига юклатилган бу масъулиятлар муҳим масъулиятлардирки, ҳокимнинг уларнинг барчасини ёки айримларини бажаришда сусткашлик қилиши расволик ва надоматга олиб боради. Оиша онамиз: «Менинг уйимда Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитгандим», деб ривоят қиладилар: «Эй Аллоҳ, ким-ки умматимнинг бирор ишида бошлиқ бўлса ва уларга бешафқат бўлса, Сен ҳам унга бешафқат бўлгин. Кимки умматимнинг ишида бошлиқ бўлса ва уларга меҳрибон бўлса, Сен ҳам унга меҳрибон бўлгин».

Қонун чиқарувчи Зот тўғри йўлдан озган ҳокимни огоҳлантириш, қўрқитиш билан кифояланмай, Умматга ўз масъулиятини ҳис қилмайдиган ҳокимни ўнглаш ҳуқуқини берди. Бас, умматга ҳокимни инкор қилишни вожиб қилди. Ва бу иш учун тўрт йўлни берди:

Улардан учтаси ҳокимни инкор қилиш ҳуқуқи, тўртинчиси эса уни бўшатиш имтиёзидир. Бу тўрт йўлдан қай биридан бориш Умматга ҳавола.

Биринчи йўл - шўро мажлиси. Бу мажлис ҳокимдан (халифадан) қилаётган ишлари ва тасарруфлари бўйича ҳисоб олиш ҳуқуқига эга.

Иккинчи йўл - исломий эътиқодга асосланган яхшиликка даъват этиш ҳамда амру маъруф, наҳй мункар қилиш билан шуғулланадиган сиёсий ташкилотлар ва сиёсий жамоалардир.

Учинчи йўл - ҳамма мусулмонлар.

Тўртинчи йўл - шариатга амал қилмай уни бажармаган ёки шариатдан бошқа ҳукми қўллаган, даъват ишини олиб бормаган, натижада одамлар унга қилган байъатларидан озод бўлиб, бўшатилиши шарт бўлган халифани халифаликдан бўшатиш ҳукмини чиқаришга имтиёзлик бўлган маҳкаматул-мазолим, яъни олий суд маҳкамасидир.

Халифа маҳкаматул-мазолим чиқарган ҳукм билан бўшатилади. Агар у маҳкама ҳукмига бўйсинмаса Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиққан бўлади. Ва бу ҳолда уни бўшатиш мусулмонларнинг гарданида бўлади. Зеро, бу пайтда уларнинг бўйинларидаги унга қилган байъатлари бекор қилиниб бўлган бўлади.

Аллоҳ Таоло масъулиятлардан бирортасини етарли миқдорда ҳис қила олмаган ҳокимни огоҳлантиргани каби амру-маъруф, наҳй мункар ишида қосирлик (сусткашлик) қилган ҳар бир мусулмонни ҳам огоҳлантиради. Аллоҳнинг Пайғамбари ﷺ айтадиларки: «Жоним қўлида бўлган Зотка қасамки, ё сизлар амру-маъруф, наҳй мункарни сўзсиз бажарасизлар, ё Аллоҳ ўзи тарафидан сизларга бир азоб юбориши муқаррардир. Кейин Унга дуо қилганларингизда дуоларингиз ижобат бўлмайди».

Ҳокимни инкор қилишда ўлдирилган одамни шаҳидларнинг саййиди қаторига қўшдилар. Пайғамбар ﷺ айтганлар: «Шаҳидларнинг саййиди Ҳамза ва золим ҳокимга қарши туриб, унга йўл кўрсатган ва натижада ҳоким уни ўлдирган одамдир».

Кейин қонун чиқарувчи Зот - Аллоҳ Таоло инкор қилиш шаклларини ҳам белгилаб берган. Пайғамбар ﷺ айтганларки: «Кимки сизлардан бир мункар ишни кўрса уни қўли билан ўзгартирсин, агар бунга қурби етмаса, тили билан, бунга ҳам қурби етмаса дили билан, (лекин) буниси энг заиф иймондир».

Демак, қонун чиқарувчи Зот наҳй мункар шаклларини уч иш билан белгилаган; қўл билан ўзгартириш, тил билан ўзгартириш, дил билан ўзгартириш.

1. Қўл билан ўзгартириш.

Ҳокимни қўл билан ўзгартиришда ўзгартирилиши керак бўлган ишга қаралади. Агар у шахсий ишлардан бўлиб, ҳокимнигина динига зарар қилса, уни Исломдан чиқариб юбормаса, раиятга ҳам зарар етмаса, унинг устига қилич яланғочлаб бориш жоиз эмас. Агар мункар иш ҳокимни Исломдан чиқариб юборса, айтайлик диндан қайтса ёки намоз ё рўзани ё қайсидир далолати ва субути қатъий бўлган ҳукми бажармаса ёки давлат ишини олиб бормаса, бундай пайтларда унинг устига қилич яланғочлаб бориш вожиб. Имом Бухорий ва имом Муслим Убода ибн

Сомитдан ривоят қилишларича, Пайғамбар ﷺ шундай деган эканлар: «Бизни Пайғамбар ﷺ даъват қилганларида у зот билан байъат қилганмиз. Байъат нафсимиз хоҳлаб-хоҳламаганида ҳам, қийинчилигу енгилликда ҳам қулоқ солиб, итоат этиш, дин манфаатини ўзимизниқидан юқори қўйиш, ҳукмдорларга қарши чиқмасликка бўлган эди. Пайғамбар ﷺ «Ҳукмдорларнинг қилмишларида куфр мана-ман деб очиқ кўриниб турган ҳамда бу ишнинг куфрлигига қўлингизда Аллоҳ томонидан берилган бир далил хужжат бўлган тақдирдагина уларга қарши чиқишингиз мумкин», - деганлар.

## 2. Тил билан ўзгартириш.

Тил билан ўзгартириш қўл билан ўзгартиришга қодир бўлиш-бўлмасликдан қатъий назар бўлаверади. Тил билан ўзгартириш, агар юзма-юз туришнинг имкони бўлса, юзма-юз туриб, озорланишга олиб борса ҳам, ҳокимнинг юзига феъли инкор қилинади. Чунки, Пайғамбар ﷺ айтганларки: «Шаҳидларнинг саййиди Ҳамза ва зolim ҳокимга қарши туриб унга йўл кўрсатган ва натижада ҳоким уни ўлдирган кишидир».

Гоҳида ҳозирдаги каби юзма-юз бўлиш имкони бўлмай қолади. Бундай пайтда инкор қилиш газета, журнал, радио, телевидение каби оммавий ахборот воситалари каби воситалар орқали, жума хутбаларида, оммавий йиғинларида ёки инкор қилиниш керак бўлган фикрлар, ишлар, тасарруфларни инкор қилувчи варақалар ва китоблар тарқатиш билан бўлади.

## 3. Қалб билан ўзгартириш.

Бу иш тил билан ҳам инкор қилиш учун қувват йўқ пайтда бўлади. Умму Саламининг ҳадисиди келганки: «Кимки ёмон кўрса, (яъни дил билан инкор қилса) у гуноҳдан фориг бўлибди. Кимки инкор қилса у саломат бўлибди. Лекин кимки рози бўлиб эргашса...». Аввалги ривоятда эса бундай: «Кимки билса гуноҳдан холи бўлибди. Кимки инкор қилса саломат бўлибди. Лекин кимки рози бўлиб эргашса...».

Бу ҳадис шарҳида Нававий шундай дейди: «Унинг маъноси - Аллоҳу аъламу (яъни Аллоҳнинг Ўзи жуда яхши билувчидир) - кимки мункар ишни билса ва унга қарши чиқмаса, унга қўли ёки тили билан ўзгартириш билан гуноҳдан ва азобдан фориг бўлиш йўли очилади. Агар бунга ожизлик қилса қалби билан ёмон кўрсин. Ким инкор қилса, саломат бўлади, яъни ким қўли ва тили билан ўзгартиришга қодир бўлмаганлиги учун дили билан инкор қилиб ёмон кўрса, ўша ишнинг гуноҳига шерик бўлиб қолишдан саломат бўлиб қолади. Лекин кимки рози бўлиб эргашса, яъни уларнинг феълига қалби билан рози бўлса ва амалда эргашса, гуноҳдан фориг ҳам бўлмайди».

Охиргиси яъни қалб билан инкор қилиш, ҳадисда келганидек, энг заиф иймондир. Ундан кейин эса, яъни қалб билан ҳам инкор қилмаса, тирик одамнинг ўликдан фарқи қолмайди.

Ҳузайфа ибн Ямон бир куни одамларга қараб шундай деди: «Эй одамлар, мендан сўрамайсизларми? Одамлар Пайғамбар ﷺдан эзгулик

ҳақида сўрар эдилар, мен эса ёмонлик ҳақида сўрар эдим. Мендан тирик ўлиқлар ҳақида сўрамайсизлар-ми?

Аллоҳ Таоло Муҳаммад ﷺни пайғамбар қилиб юборди. У киши одамларни залолатдан ҳидоятга, куфрдан иймонга даъват этдилар. Даъватни қабул қилган қабул қилди. Аввал ўлик бўлган кимса ҳақиқат билан тирилди. Аввал тирик бўлган кимса ботил-ноҳақлик туфайли ўлди. Кейин пайғамбарлик кетиб пайғамбарлик йўлига асосланган халифалик бўлди. Кейинроқ эса ёвуз подшоҳлик бўлди (Раиятга зулм зўравонлик қилдилар). Шунда одамлардан қай бири қалби, қўли тили билан инкор қилса, ҳақиқат мукамал бўлади. Қўли билан инкор қилишдан тийилса ҳақиқат бир бўлагидан ажрайди. Кимки дили билан инкор қилиб, қўли ва тилини тийса, ҳақиқат икки бўлагидан ажрайди. Кимки дили билан ҳам, тили билан ҳам инкор қилмаса, ана ўша тирик ўлиқдир».

Бу ишларнинг ҳаммаси ҳокимларнинг Ислому тузумини татбиқ қилган ҳолларида бўлади. Чунки амри маъруф, наҳй мункарга ундаётган оят-ҳадисларнинг ҳаммаси мусулмонлар яшаётган жамият исломий жамият деган эътибор билан ундаётир. Ислому тузум соясида зулмлардан ажрим қиладиган маҳкама (яъни маҳкаматул-мазолим) ишламаётган ёки умуман мавжуд бўлмаган ҳолдагина қўл билан ўзгартиришга эҳтиёж сезилади. Маҳкаматул-мазолим мавжуд бўлган ҳолатда эса ҳокимдан шикоят қилиш тарзида энг аввало унга мурожаат қилинади. У ўз нуфузи билан муносиб ҳукм чиқаради. Ҳоким унинг ҳукмини дарҳол бажармоғи шарт. Шунда ҳам ҳоким бош тортса, у ҳолда унга қарши урушилади. Чунки у бу иши билан Аллоҳнинг ҳукмига қарши чиқаётир. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴿٤٥٩﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйсунингиз! Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз - агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охира тунига ишонсангиз - у нарсани Аллоҳга ва Расулига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир.“ [4:59]

Яъни ҳукмдорлар билан келишолмай қолганингизда Аллоҳнинг Китоби ва Расулининг суннати мурожаат қилинглари. Маҳкаматул-мазолимга мурожаат этиш Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарнинг Суннатига мурожаат этиш демакдир. Бу маҳкама чиқарган ҳукмдан бош тортиш Аллоҳнинг ҳукмидан бош тортиш демакдир.

Аммо ҳокимлар агар Исломуни татбиқ қилмаётган бўлсалар, улардан амру маъруф, наҳй мункар умид қилинмайди. Бундай пайтда тубдан ўзгартириш лозим.

Тубдан ўзгартириш - Исломга даъват этиш ва амри маъруф, наҳй мункар қилиш билан фикрларни, тушунчаларни ўнглайдиган Аллоҳ Таолонинг буйруғига мувофиқ ҳолда исломий эътиқоддан келиб чиқадиган қаноатларни вужудга келтирадиган бир сиёсий гуруҳни ташкил қилишдир.

Тубдан ўзгартириш исломий эътиқодга асосланган камида битта ҳизб-жамоани (гуруҳни) вужудга келтиришдир. Бу иш мусулмонларга фарзи кифоядир.

Биз юқорида жамиятдаги мувозанат бузулиб одамлар Аллоҳнинг буйруқларидан ва таъқиқларидан четлашиб, Аллоҳ белгилаб берган ҳадлардан ошган пайтларда Аллоҳ уларга тубанлик ва қолокликда давом этавермасликлари учун ишларини ўнглаб, яна аввалги яхши ҳолатига қайтаришга ҳаракат қилишларини вожиб қилади деган эдик. Лекин улар Аллоҳнинг Китобидан мадад сўраб, золимларга қилинган ёмон ваъдалардан қўриқиб, дунёнинг ўткинчи фойдаларидан жаннатнинг азалий неъматларини афзал билиб нусрат Аллоҳнинг қўлида эканлигига аниқ ишониб, оятнинг тақозоси билан жиддий энг шимариб ишга киришгунларига қадар бундай қилолмайдилар. Аллоҳ Таоло айтади:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ

هُمُ الْمُفْلِحُونَ ﴿١٠٤﴾

– „Ораларингизда яхшилик (Ислом)га даъват қиладиган, маъруф-эзгуликларга буюрадиган, мункар-ёмон ишлардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин! Ана ўшалар нажот топгувчилардир“. [3:104]

Аллоҳ Таоло бу оятда мусулмонларга ўзларининг орасидан - мусулмонларнинг жамоасининг орасидан яна бир жамоа сифатига эга бўлган гуруҳни вужудга келтиришларини вожиб қияпти.

Бу нарса икки хил маънони беради:

1. Мусулмонлар орасидан бир жамоани ташкил қилиш фарзи айн эмас, фарзи кифоядир.

2. Мусулмонлар орасидан бир жамоа ёки жамоа сифатига эга бўлган бир гуруҳнинг мавжуд бўлишлиги - модомики, жамоа сифатини олар ва оятда талаб қилинган ишни бажара олар эканлар, уларни сони қанча бўлишидан қатъий назар - бу фарзнинг бажаришига кифоя қилади. Оятдаги „бўлсин“ сўзида хитоб бутун мусулмон умматига қаратилаетир, лекин у „уммат“ сўзига, яъни «жамоа» сўзига боғланган. Яъни иш мусулмонларнинг ҳаммасидан талаб қилинаётир. Талаб қилинаётган нарса жамоа ташкил қилиш. Демак, оятнинг маъноси мана шундай бўлади: Эй мусулмонлар, икки ишни бажарадиган, яъни яхшиликка-Исломга даъват этадиган ва амри маъруф, наҳй мункар қиладиган бир жамоани ташкил қилинглр. Бу талаб гарчи „бўлсин“ деган буйруқнинг ўзи бўлса ҳам, унинг қатъий талаб эканлигига қарийна мавжуддир. Зеро оятда баён қилинган жамоа қилиши керак бўлган иш мусулмонларга фарздир. Унинг фарзлиги бошқа оятлар ва кўп ҳадисларда собитдир. Бу

наrsa оятдаги талабнинг қатъий талаб эканлигига қарийнадир. Демак, оятдаги буйруқни бажариш фарздир.

Демак, оятда зикр қилинган икки ишни бажарадиган жамоани ташкил қилиш мусулмонларга фарз. Агар бу жамоа вужудга келмаса, ҳамма мусулмонлар тенг гуноҳкор бўладилар. Оятдаги буйруқ икки ишга эмас, жамоани ташкил қилишга қаратилаётир. У икки иш эса ўша жамоа қиладиган ишлардир, яъни унинг сифатидир. Жамоанинг жамоадек ишлай олиши ва давоматли бўлиши учун бир неча шартлар мавжуд. Аввало жамоа бирлашиб, битта жисм бўлиб туриши учун унинг аъзоларини боғлаб турадиган робита (боғловчи наrsa) бўлиши шарт. Робитасиз жамоа жамоа эмас. Иккинчидан, унинг ишларини бошқариб турадиган бир амири бўлиши ва аъзолари унга итоат қилишлари шарт. Чунки, шариат жамоа уч киши ёки ундан ортиқ бўлганида амир сайлашга буюради. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Сахродаги уч киши ҳам ўзларидан бир кишини амир қилиб олишлари шарт». (Амир қилиб олмасликлари ҳалол эмас). Зеро итоатсизлик жамоанинг хусусиятини кетказади. Пайғамбар ﷺ айтганлар: «Кимки амиридан ўзи ёмон кўрадиган нарсани кўрса, унга сабр қилсин, чунки кимки жамоадан бир қарич ажралса ва ўлса, унинг ўлими динсизлик ўлимидир».

Бу ҳадисда амирга қарши чиқиш - жамоадан ажраш билан баробарлиги уқтирилаётир. Демак, жамоа жамоадек бўлиб туриши ва давомли бўлиши учун икки наrsa бўлиши шарт экан.

1. Жамоанинг робитаси бўлиши шарт.

2. Жамоанинг битта амири бўлиб, унга ҳамма итоат этиши шарт.

Бу жамоанинг иши Исломга даъват этиш ва амри маъруф ва наҳй мункардир. Амр ва наҳй яъни буюриш ва қайтариш сўзлари куллий-умумийликни ифодаловчи сўзлардан бўлиб, бошлиқни ҳам, хизмоткорни ҳам, ҳокимни ҳам, маҳкумни ҳам, хуллас ҳамма одамни ўз ичига олади. У - ҳокимларни яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришдир, одамларни ҳам яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтаришдир. Ҳокимларни яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш сиёсий иш деб эътибор қилинади. Бу ишсиз эса мазкур жамоа мукамал бўлмайди. Шунинг учун ҳам фарзни оятда келганидек бажариш бир сиёсий жамоани, яъни сиёсий ҳизбни ёки бир сиёсий жамиятни ёки бир сиёсий ташкилотни тузиш билангина мукамал бўлади.

Шунга биноан оятдаги Аллоҳнинг буйруғи исломий даъватни ёйиш, ҳокимлардан яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш хусусида ҳисоб олиш, одамларга ҳам амри маъруф, наҳй мункар қилиш ишлари билан шуғулланадиган сиёсий ҳизбларни ташкил қилишга қаратилаётир. Демак, Исломга даъват этиш ва амру маъруф наҳй мункар ҳамма мусулмонларнинг бўйнидаги умумий масъулиятлардандир. Агар бир жамоа ёки ҳизб вужудга келиб, талаб даражасида ишлай олса, бу масъулият бошқалардан соқит бўлади. Агар унинг иши талаб даражасида бўлмаса, қолган мусулмонлар ҳам унга келиб қўшилишлари шарт. Агар

бу иш ҳамма мусулмонларнинг келиб қўшилишини тақозо қилса ҳам уни бажариш лозим.

Токи фарз талаб даражасида адо этилсин, мусулмонлар тарихида саҳобалар ҳизбидан бошқа бундай жамоа бўлган эмас. Пайғамбар ﷺ уларнинг амирлари бўлганлар. У кишидан кейин эса хулафои рошидинлар амир бўлганлар. Саҳобалар замони ниҳоясига етгач улардан кейинги тобеинлар ва табаа тобеинлар ами маъруф наҳй мункар ишини амирсиз ва тартибсиз равишда бажардилар. Шу сабабли бу иш заифлашиб, аста секин камайиб, йўқолиб кетди. Бундай жамоанинг йўқлиги мусулмонларга жуда қимматга тушди. Чунки одамлар якка ҳолда ами маъруф наҳй мункар ишини бажара олмайдилар. Талаб эса фақат буюриб ва қайтариб қўйишнинг ўзи эмас, балки буюрилган ишни юзага чиқариш ва қайтарилган ишни тўхтатишдир. Бу иш эса якка шахснинг қўлидан келмайди. Уни бажариш ўз амирига эга бўлган, давомат пайида бўлиб турадиган, амалга оширмагунча қўймайдиган бир жамоага муҳтож.

Бу фарзни адо этадиган ҳизб ишни жамият учун энг кўп фойдали ишларга буюриш ва энг кўп хатарли ва бузуқ ишлардан қайтаришдан бошлаши керак. Бу бирламчи иш шубҳасиз, золим ҳокимлардан ҳисоб олишдир. Чунки уларнинг бузулиши бошқа одамларнинг бузулиши билан баробар эмас. Уларнинг бузулиши билан жамият ҳам бузулади, ўнгланиши билан эса жамият ҳам ўнгланади. Пайғамбар ﷺ айтадилар: Одамлардан икки тоифаси борки, улар ўнглансалар, одамлар ҳам ўнгланадилар, бузулсалар, одамлар ҳам бузуладилар. Улар олимлар ва амирлардир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло золим ҳокимлардан ҳисоб талаб қиладиган энг камида битта сиёсий ҳизб ташкил қилишни мусулмонларга фарз қилди. Шу билан бирга унинг давоматини, жамиятни кузатиб унинг йўналишини тузатиб боришни ҳам фарз қилди. Бу ҳизб мусулмонларнинг кўзи ва кузатиш асбобидир. Мусулмонлардан беркитилган ишларни кўрадилар ва уларга хабар берадилар. Мусулмонлар томонидан вакил сифатида ҳокимлардан ҳисоб талаб қиладилар. Уларнинг устидан маҳкаматул-мазолимга шикоят қиладилар. Бу ҳизб ҳокимлар одил ҳоким бўлиб қолишининг ва етакчи тузум Ислому тузум бўлиб қолишининг гаровидир.

Ислому да бир неча ҳизблар бўлиши мумкинлигининг ҳикмати шундаки, агар улардан бири ҳукм юрутувчи бўлса, қолган ҳизбларнинг вазифаси уни кузатиш, ундан ҳисоб талаб қилиш, керак бўлганда унинг устидан маҳкаматул-мазолимга шикоят қилиш бўлади. Ҳизблар орасида қай бирининг мусулмонлар фойдасига ён босиши, Ислому учун хизмат қилиши, мусулмонларни ҳокимланинг жабру жафоларидан қутқариши, ҳокимлар Исломудан қайтган ёки Аллоҳ нозил қилган шариат қонунлари билан ҳукм қилишни тарк қилган пайтда уларга қарши урушиш учун умматни етаклаши қабилида кўпроқ мунофаса (мусобақа, рақобат) бўлади. Бу ҳам бир ҳикмат.

Аммо бу ҳизблар бугунгидек ҳокимлар Ислом тузуми билан ҳукм юритмаётган, жамият Ислом жамияти бўлмаган бир пайтда мавжуд бўлсалар, у ҳолда уларнинг вазифалари исломий ҳаётни, Ислом давлатини барпо қилиш, тузумини татбиқ этиш ўзини оламга тарқатиш билан Исломни қайта тиклаш учун исломий даъватни тарқатиш бўлади.

## ДАВЛАТ ТУЗИШ ЙЎЛИ

Мусулмон уммати бажарадиган вазифасини билиши учун унинг гарданига юклатилган масъулиятларни баён қилдик. Энди бу муҳим масъулиятларни бажариш учун имконият яратиб берадиган йўлни баён қилишга киришамиз.

Юқоридаги умматга юклатилган масъулиятлар хусусидаги баҳсимиздан кўриниб турибдики, бу масъулиятлар уларга ишонган давлат тарафидангина бажарилиши мумкин. Модомики, бу масъулиятлар исломий эътиқоддан келиб чиққан исломий масъулиятлар экан, уларни ўз устига олиб кўтарадиган барпо қилиниши керак бўлган давлат ҳам Исломи Давлат бўлиши керак, яъни халифалик давлати бўлиши керак. Бундай давлатни барпо қилишнинг ўзи ана шу масъулиятларнинг биридир. Қай бир гуруҳ, жамоа ёки ҳизбнинг қайси бир амали давлат барпо қилишга қаратилмас экан, фойдасиздир. Чунки давлат барпо қилмай туриб уммат ҳақиқий уйғона олмайди ва гарданидаги масъулиятларни кўтаришга ҳам қодир бўлмайди.

Ҳозирги замонамиздаги одамлар исломий давлат соясида яшаб кўрмаганлар. Исломи жамият воқелигини тотимаганлар. Улар эътиборларини аввалги мусулмонлар тарихига қаратаётганларида тарихий ҳодисалардан уларнинг нақадар садоқатлилигини ва эътиқод уларнинг қалбларига нақадар таъсир этганини ҳис қилишлари мумкин. Лекин улар исломий давлатнинг шаклини ҳозирги ҳукуматлар шакллариининг орасидан тасаввур қиладиларда, ҳақиқий Ислом давлатининг асоси бўлмиш тушунчалар, миқёслар ва қаноатлар мажмуасини - хоҳ мусулмонларнинг мамлакатида бўлсин, хоҳ бошқасида - ҳозирги замон давлатларининг асоси бўлган тушунчалар, миқёслар ва қаноатлар мажмуасидан ажратмайдилар.

### 1. Давлатнинг мазмуни

Барпо қилиниши керак бўлган Ислом давлати шакл жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам оламдаги мавжуд давлатлардан фарқли тасаввур қилиниши лозим. Чунки қандай бўлишидан қатъи назар ҳар бир тушунчалар, миқёслар ва қаноатлар мажмуасини ижро этувчи вужуддир. Бир неча штатлар ёки мамлакатлардан ташкил топган империя барча бойликларни, яхшиликларни пойтахтда жамлайди. Бу ишда штатларнинг эҳтиёжига эътибор бермайди. Чунки бош штатнинг бошқа штатларга нисбатан имтиёзлари бор. Ислом давлатида эса бундай бўлмайди. Хоҳ пойтахт хоҳ штат бўлсин, хоҳ бошқа бўлсин имтиёзли бўлмайди. Агарчи энг чекка штат аҳолиси ғайридин бўлишса ҳам.

Республика тузуми эса гоҳида президент бошқаруви, гоҳида эса парламент йўли билан бўлади. Республика бошқарувчиси яъни президент унинг амалий ҳоқими бўлади. Бу тузумда қўшма штатлардаги каби вазирлар раиси бўлмайди. Гоҳида республика раиси билан бирга вазирлар раиси ва вазирлар мажлиси бўлиб, амалдаги ҳоким вазирлар раиси бўлади. Масалан, Исроилдаги тузум шундай. Ислом давлатида эса

вазирлар бўлмайди. Амалий ҳоким халифа бўлади. Бугунги кунда вазирлар деб номлаёнаётганлар Ислом давлатида муовинлар дейилади. Уларнинг ҳуқуқлари вазирларнинг ҳуқуқларидан фарқ қилади.

Қироллик тузумида қирол билан бирга вазирлар мажлиси ва вазирлар раиси бўлади. Агар ҳокимият демократик бўлса, кўппартияликка рухсат беради. Вазирлар раиси эса вакиллари раиятининг кўпчилигини ташкил қилган партиядан бўлади. Масалан, Англиядаги ҳолат мана шундай. Амалий ҳоким вазирлар раиси. Агар ҳокимият мустабид бўлса, вазирлар раисини подшоҳнинг ўзи тайинлайди. Амалий ҳоким ҳам подшоҳнинг ўзи бўлади. Масалан, Эронда шоҳ замонидаги ҳолат шундай бўлганди. Ҳокимият ворислик йўли билан авлоддан авлодга ўтади. Ислом давлатида эса давлат раиси уммат томонидан сайланади. Унда ўзидан кейин хоҳлаган одамига ҳокимиятни бериш ҳуқуқи йўқ. Модомики, халифа ҳукмдорлик вазифасини бажаришга қодир ва салоҳиятли экан, унинг халифалик муддати чегараланмайди. Республика раисининг ҳукмдор бўлиб қолиши эса чекланган бир муддат учун бўлиб, ундан ўтолмайди. Исломдаги ҳокимият тузуми совет иттифоқидаги республикалар иттифоқи тузумидан ёки Америка қўшма штатларидаги штатлар иттифоқидан фарқли ўлароқ бирлик тузумидир. Уларда ҳар штатнинг ўз ҳокими, мажлиси ва ўзига хос бўлган уммат мажлиси бор. Ислом давлатидаги ҳокимлар тўрттадир: халифа, муовин, ҳоким, омил.

Бу тўрт ҳукмдорнинг ҳар бири балоғатга етган, оқил, ҳур адолатли ва эркак киши бўлиши шарт. Мусулмон бўлмаслиги эса мутлақо мумкин эмас. Бошқа давлатларда ҳукумат раиси ҳоким бўлади. Шунингдек, вазирлар раиси, вазирларнинг ўзлари, оппозициядаги партиялар ва ҳар хил касаба уюшмалари бўлади. Гоҳида оппозициядаги партия чет давлатлар билан музокоралар олиб бориши ёки айрим сиёсий ишларда шартномалар тузиш учун мулоқот ҳам қилади. Исломда эса бундай мулоқотга рухсат этилмайди. Чунки оппозициядаги партия ҳукмрон эмас. Унинг ишларни бошқариши жоиз эмас. Ташкилотлар ҳам ўзларига мансуб кишиларнинг ишларини бошқаради. Масалан, ўзининг бир ишчисига қайси бир ишни қилиш учун розилик ҳуқуқини бериш (шаҳодатнома беради). Ҳимоячига ҳам шундай гувоҳнома беради. Бу ҳимоячи ўша (ўзи мансуб бўлган) ташкилотнинг кўрсатмалари доирасидагина ишлай олади. Яна масалан, табиб ва муҳандисга ишлар рухсатномаси беради. Ислом давлатида эса бундай бўлмайди. Чунки бундай ташкилотлар ва ҳатто хайрия жамиятларининг ҳам бўлиши мумкин эмас. Ички-ю, ташқи ишларнинг ҳаммасини давлат раиси - халифа бошқаради. Ички ишларни раиятга шаръий ҳукмларни ижро этиш билан, ташқи ишларни эса бошқа халқ ва миллатларни Исломга даъват этиш, ҳамда хоҳ сиёсий, хоҳ аксарий, хоҳ тижорий, хоҳ иқтисодий, хоҳ бошқа, мусулмонлар учун фойдали бўлган давлатлараро алоқаларни бошқариш билан олиб боради.

Ислолдаги ҳокимият тузуми бошқа тузумлардан тубдан фарқ қилади. У тўрт қоидага асосланади.

1. Ҳукмронлик фақат шариатникидир. Ислом давлати Ислом эътиқоди асосига қурилган давлатдир. Унинг вужудида, аппаратида, ҳисоб-китобида, хуллас давлатга тааллуқли бўлган ҳар бир ишида Ислом эътиқодига асосланмаган бирорта ҳам нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Айни пайтда исломий эътиқод давлат дастурининг ва қонунларининг ҳам асосидир. Давлатнинг раиси ҳам, ундаги уммат мажлиси ҳам ва бутун бир умматнинг ўзи ҳам ҳукмрон эмас, ҳукмрон ёлғиз Ислом шариатидир. На халифа ва на уммат шариатнинг бирор ҳукмини, бирор ҳужжатини бекор қилиш, унга бирор янги бир ҳукм киритиш ҳуқуқига эга эмас. На давлатнинг раиси ва бирор раият унинг қонунларидан бош тортиши ёки жазо қонунларининг қўлланишидан қочиши мумкин эмас.

2. Салтанат халқникидир. Халқ ҳукмронлик қилиш ва ишларни бошқариб туриш учун ўзидан халифани ноиб қилиб сайлайди. У давлатга бир раисни танлаб, у билан Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарнинг суннати асосида байъат қилгач, унга итоат этиш вожиб бўлиб, унга қарши чиқиш ва қилган байъатидан қайтиши раис билан қилган аҳдини бузиши ҳисобланади. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَوْفُوا بِالْعُقُودِ

– „Эй иймон келтирган бандалар, аҳдларга вафо қилинглар“. [5:1]

Аҳдни бузган ҳолда ўлган киши динсизлик ўлими билан кетади. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Кимки султондан бир қарич четга чиққан ҳолда ўлса, демак, у динсизларча ўлибди».

3. Ҳамма мусулмонлар учун битта халифани сайлаш (умматдан ноиб қилиб) мусулмон умматига фарздир. Мусулмон киши икки кечани байъатсиз ўтказиши ҳалол эмас. Пайғамбар ﷺ айтади: «Бўйнида байъат бўлмасдан ўлган киши динсизлик ўлими билан кетибди».

Саҳобалар Пайғамбар ﷺнинг вафотларидан кейин бир халифа сайлашга ижмо яъни иттифоқ қилишган.

4. Ижтиҳод қилиш шартларини тўла эгаллаган ҳар бир киши ҳаёт муаммоларини ҳал қилишда шаръий ҳукмлар ишлаб чиқиш учун ижтиҳод қилиш ҳуқуқига эга. Қонун чиқариш ҳуқуқига эса халифадан бошқа ҳеч ким эга эмас. Халифа мужтаҳидлар ишлаб чиққан шаръий ҳукмлардан айримларни танлаб қозилар ва ҳокимларни ҳам уларга амал қилишга мажбур қилиши мумкин, ёки ўзи тўғри ижтиҳод қилиш билан шаръий ҳукмларни ишлаб чиқиб уларга амал қилишга мажбур қилиши ҳам мумкин. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, эътиқод ва ибодат ишларида мажбур қилиб бўлмайди. Мажбурлаш фақат ишларни бошқаришда қилинади холос.

Ислолдаги ҳокимият тузуми асосланган қоидалар (асослар) мана шулардир.

## 2. Давлатнинг шакли

Ислом давлати одамларнинг ишларини ўзича бемалол бошқараверадиган қувват ҳам эмас, мусулмонлар бошқалардан ажралиб туриш учун интиладиган, шахсни ҳам, жамоани ҳам, бирдай таъминлайдиган гоя ҳам эмас, шахснинг манфаатларини ва эркинлигини таъминлаш учун вақтинча ишлаб турадиган, таъминлаб бўлгач ўз-ўзидан йўқолиб кетадиган вақтинчалик восита ҳам эмас. Ислом давлати бошқарув ишида шариат билан чамбарчас боғланган қувват ҳамда жамиятдаги шахс ва жамоаларга шариат ҳукмларини қўлловчи ва исломий даъватни оламга ёювчи умматнинг доимий тариқати - амалий йўлидир.

Ислом давлати уммат ва ҳокимлар мажмуаси эмас, балки у мусулмонлар байъат қиладиган халифа ва одамларнинг ишларини бошқаришда унга ёрдам берувчи муовинлардир. Бошқача қилиб айтганда, давлат - жиҳоз (аппарат) мажмуидир. Бу жиҳоз етти рукнга асосланади.

**1. Халифа.** У давлатнинг ҳамма ҳуқуқларига эга. У бир шаръий ҳукми чиқарган пайтда уни бажариш шарт. Ҳеч кимнинг унга қарши чиқишга ҳаққи йўқ. Ривоят қилинадик, имом Абу Ҳанифани халифа фатво беришдан ман қилган экан. Унинг олдига қизи келиб бир иш хусусида ундан фатво сўрабди. Шунда у киши қизига фалончидан бориб сўрагин, чунки менинг зоҳирда ҳам ботинда ҳам амирул-мўминининг айтганини қилмасликка ҳаққим йўқ, деган эканлар. Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида масъул бўлган шахс ҳам, лашкарга етакчилик қилувчи ҳам халифанинг ўзидир. Уруш эълон қилиш, сулҳ ва бошқа битимлар тузиш ҳуқуқи ҳам фақат унда бор холос. Муовинлар ва ҳокимларни ишга тайин қилувчи ва ишдан бўшатовчи ҳам унинг ўзидир. Уларнинг ҳаммаси уммат мажлиси олдида қанчалик масъул бўлсалар, унинг олдида ҳам шунчалик масъулдирлар. Қозиюл-қузот (бош қози)ни, бошқармаларнинг мудирларини, лашкар қўмондонларини, ҳарбий қисм бошлиқларини тайин этувчи ва бўшатовчи ҳам унинг ўзидир. Буларнинг ҳаммаси шуро мажлиси олдида эмас, халифанинг олдида масъулдирлар. Давлат бюджети хусусида шаръий ҳукмлар чиқарувчи ҳам; бу бюджетнинг синфлари ва ҳар бир бобига лозим бўлган маблағлар устидан қарор қилувчи ҳам халифадир. Бу қарорлар киримлар хусусида ёки чиқимлар хусусида бўладими фарқи йўқ. Халифа ўз фикри ва ижтиҳоди бўйича фуқаронинг ишини бошқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. У буларнинг ҳаммасида ишларни бошқаришга тааллуқли бўлган ҳукмлар билан чамбарчас боғланган бўлиши керак.

Халқ манфаатларига рияз қилишда кузатиш, ҳисоб талаб қилиш ва ишларни тадбир қилишда халифага муовинлар ёрдам берадилар.

**2. Муовинлар.** Ваколатли муовин ҳукмдорлик масъулиятини кўтаради. Чунки унга ишларни ўз райига қараб тадбир қилиш, ўз ижтиҳодига кўра юритиш ваколати берилади. Бунда халифа бўлиш учун

нима шарт бўлса, муовин бўлиш учун ҳам ўша нарса шарт бўлади. Яъни эркак киши бўлиши, ҳур, болиғ, оқил, мусулмон ва адолатли бўлиши керак. Бундан ташқари муовин унга топширилган иш бўйича мутахассис ҳам бўлиши керак. Уни масъул ишга тайинлашда икки ишнинг бўлиши шарт қилинади. Биринчиси назарнинг умумийлиги, иккинчиси ўринбосарлик. Демак, муовин давлатнинг барча бошқармалари ва муассасаларини, умматнинг умумий манфаатларини ва бошқариш аппаратини текшириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, у маълум бир вилоятга ҳоким ёки омил тайинлаш ёки ишдан бўшатиш ҳуқуқларига ҳам эга. Лекин у ўзи юритаётган ҳамма ишларни халифа билан кенгашиб қилиши шарт. Токи унинг ҳуқуқлари халифанинг ҳуқуқлари билан тенглашиб қолмасин. Демак, муовин ўзининг тадбирини ижро этиш учун халифадан рухсат сўраши, халифа қаршилиқ қилмаган тақдирдагина уни қўллаши керак. Халифа ҳам ўз ўрнида муовиннинг ишларини диққат билан кузатиб бориб, тўғриси қабул қилади, хатосини эса тузатади.

**3. Волийлар (ҳокимлар).** Волий давлатга тобе бўлган вилоятларнинг бирига халифа томонидан тайинланган ҳокимдир. Муовин бўлиш учун қўйиладиган шартлар волий бўлиш учун ҳам қўйилади. Яъни у ҳам эркак киши бўлиши, ҳур, оқил, болиғ, мусулмон, адолатли бўлиши керак. Волийлар тақволи ва солиҳ одамлар орасидан танлаб олинади. У халифанинг ноиби сифатида ўз вилоятидаги бошқармаларнинг ишларини текшириш ва ҳукм юритиш ҳуқуқларига эга. Давлатда муовин қандай ҳуқуққа эга бўлса, волий ўз вилоятида шундай ҳуқуққа эга. Чунончи у ўз вилоятнинг аҳолисига амирлик қилиши, молиявий қонун чиқариш ва ҳарбий жиҳатдан бошқа ҳамма соҳаларни назорат қилиб туриш ҳуқуқига эга. Унинг ўз амирлиги доирасида юритаётган ишларида халифа билан кенгашиши шарт эмас. Ўзи хоҳласа халифа билан кенгашиши мумкин. Унинг волийлиги вилоятда мустаҳкам ўрнашиб қолмаслиги учун доимий бўлмайди. Қачонки мустаҳкам ўрнашиш кузатилса уни ишдан озод қилинади. Бошқа вилоятга ўтказилмайди.

Омил халифа ёки волий томонидан вилоятнинг маълум бир қисмига тайинланган ҳокимдир. У волийнинг олдида масъулдир. Волий ўз вилоятида қандай ҳуқуққа эга бўлса, омил ҳам ўз ҳудудида шундай ҳуқуққа эга.

**4. Шуро мажлиси.** Шуро мажлисининг аъзолари мусулмонларнинг фикр билдиришдаги ноибларидир. Халифа уларга мурожаат қилади. Улар уммат тарафидан сайланадилар. Улар халифадан ҳисоб талаб қилиш ҳуқуқига эга. Умнат эса ҳокимиятга эришиш учун ҳамда ҳокимлардан ҳисоб талаб қилиш учун сиёсий ҳизбларни ташкил қилиш ҳуқуқига эга. Фақат мусулмонларгина шуро-маслаҳат бериш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир раият фикр билдириши мумкин. Давлат раиси ҳукумат, таълим, иқтисод каби ички ишлардаги машварат сўзига мувофиқ келадиган ҳар бир ишда мажлиснинг фикрини олиши керак. Шуро мажлиси бирор волийдан ёки муовиндан ёки ҳокимдан норозилик билдирса, бу ишда

унинг фикри бажарилиши керак бўлиб, халифа дарҳол уларни ишдан бўшатиши лозим.

**5. Қўшин.** Қуролли кучларнинг олий қўмондони халифанинг ўзидир. Халифа ўзидан ноиб қилиб қўшинга умумий қўмондон тайинлайди. Лашкарбошиларни ҳам, ҳарбий қисм амирларини ҳам унинг ўзи тайинлайди. Армиядаги қолган мартабаларга қўшин қўмондони бош штаб қўмондони билан биргаликда одамларни тин қиладилар. Қўшинда олий ҳарбий таълим ва исломий маърифат мукаммал бўлиши шарт. Токи умумий таълимот тарзида бўлса ҳам Ислomini англаган мусулмонлар бўлсинлар. Ҳар бир ҳарбий қароргоҳда олий ҳарбий таълимдан хабардор, чизмалар чизиш ва жангларга йўналтиришга моҳир кишилар етарли бўлсинлар. Хоҳ саноат, хоҳ аскарый бўлсин ҳарбий корхоналар бошқа миллатдаги корхоналардан устун турсун. Саноат ва аскарый қудрат доимий равишда ривожланиб борсин. Молиявий жиҳатдан ҳам юксалиб борсин. Чунки мусулмон уммати жиҳод умматидир. У билан бошқа миллатлар орасида ҳар дамда уруш бўлиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Шунинг учун ҳам аскарликка тайёрланиш, чиниқиш ўн беш ёшга етган ҳар бир мусулмон кишисига мажбурий. Қўшинга сафарбарлик фарзи кифоядир. Қурол кўтаришга қодир ҳар бир мусулмон эса эҳтиёждаги аскар деб эътибор қилинади.

**6. Қозилар.** Қозилар уч турлидир. Улардан бири муомалаларда одамлар орасида бўладиган хусуматларни ва уқубатларни ажрим қилади. Муаммоларнинг турларига қараб маҳкамаларнинг даражалари турли хил бўлиши мумкин. Лекин кассация суди (шикоят аризасига мувофиқ юқори суд органи томонидан қўйи суд ҳукмини қайта кўриб чиқиш ёки бекор қилиш тартиби) бўлмайди. Модомики, Ислom шариатига зид келмас экан, қозилик қарори қатъийлиги жиҳатидан фақат бир хил даражада бўлади, Ислom шариатига зид келганда эса ҳукм бекор қилинади.

Иккинчиси эса муҳтасибдир. У жамоа ҳаққига зарар қиладиган ноқонуний ишларни ажрим қилади. Бу ишда даъвогар бўлмайди. Бу иш ҳадлар ва жиноятларга кирмайди. Муҳтасиб қаерда бўлмасин хабардор бўлгани заҳоти қонунбузарликнинг устидан ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга. Унинг бу ишига қозилик мажлисининг аралашуви шарт эмас. У ўз буйруқларини ижро этиш учун сипоҳийлардан бир нечтасини қўл остига олади. Унинг ҳукми дарҳол ижро этилади.

Учинчиси шикоятлар бўйича ҳукм юритадиган қози (яъни қози-л-мазолим). Унга давлат салтанатида яшаётган ҳар бир шахс ўз устига тушган зулмдан шикоят қилиб бориши мумкин. Шикоят қилувчи шахс эса ўша давлатнинг раияти бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Шикоят давлат раиси устидан бўладими, ҳокимлар ёки мансабдорлар устидан бўладими баробардир. Шикоятлар маҳкамаси (қози-л-мазолим) давлатдаги ҳар қандай ҳоким ёки амалдорни, ҳатто давлат раисининг ўзини ҳам ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга. Давлат раиси эса уни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга эмас. Чунки у золим ва фосиқ халифага қарши

умматнинг қуролидир. Уни тарқатиб юборишга қози-л-қузотнинг ҳам ҳаққи йўқ.

Бу уч турдаги қозиларни давлат раиси ёки қози-л-қузот тайинлайди. Давлат раиси тайинлаган қози-л-қузот қозиларни тайинлаш, уларга одоб бериш ва идорий қонунлар доирасида уларни ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга. Аммо у шикоятлар бўйича иш юритадиган қозини (қози-л-мазолимни) бўшатишга ҳақли эмас. Уни фақат шикоятлар маҳкамасигина ишдан бўшатишга ҳақли. Бу маҳкаманинг қозилари мужтаҳид бўлишлари шарт.

**7. Давлат бошқармалари.** Давлат бошқармалари давлат аппаратида гавдаланиб туради. Бошқарув аппарати муассасалар, идоралар ва бошқармалар мажмуидир. Улар давлат ишларини олиб бориш, мусулмонларнинг талабларини қондириш билан машғул бўладилар. Ҳар бир бошқарма, ҳар бир муассаса ва ҳар бир идорага бир мудир тайинланади. Мудир ўз бошқармасидаги ишларга бевосита масъул бўлади. Ҳамма мудирлар ўзлари бошқараётган бошқармалар, муассасалар ёки идоралари учун олий идора бошқарувчиси олдида жавобгардирлар. Ҳукмлар ва умумий қонунларга риоя этиш жиҳатидан эса волий ва омилнинг олдида жавобгардирлар.

Бу муассасаларга ишчилар тайинлаш, уларни бошқа ишга ўтказиш, уларга одоб бериш, ишдан бўшатиш олий идора бошқарувчиси тарафидан бўлади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ишчиларни тайинлашда молия мудирининг рухсати бўлиши шарт. Бу муассасалар ва бошқармалар, маориф муассасаси, қишлоқ хўжалиги бошқармаси, саноат бошқармаси, волийлар ва қозилар муассасаси ва бошқалар бугунги кунда вазирликлар деб номланаётган идоралардир.

Исломда демократик тушунчадаги ҳурриятлар йўқ. Чунки, Исломдаги эркинлик тушунчаси қулликдан озод бўлишдир. Зайд эркиндир дегани Зайд қул эмасдир, деганидир. Зайд эркин эмасдир, дегани эса Зайд кимнингдир қули деганидир. Лекин рўза тутишда, камбағалларга садақа қилишда, фойда олмасдан қарз беришда, бомдоддан кейин нафл намози ўқишда, овқатни қўл ёки қошиқ билан ейишда сен эркинсан ёки эркин эмассан деб бўлмайди. Чунки Исломда инсоннинг феллари ва тасарруфлари учун бешта ҳукм бор: 1. Фарз. Қилиниши қатъий талаб қилинган иш. Рамазон рўзасини тутиш каби. 2. Мандуб. Қилиниши талаб қилинган, аммо қатъий талаб қилинмаган иш. Камбағалларга садақа бериш каби. 3. Ҳаром. Қилинишдан қатъий қайтарилган иш. Молни судхўрлик билан қарз бериш каби. 4. Макруҳ. Қилинишдан қайтарилгану, лекин қатъий қайтарилмаган иш. Бомдоддан кейин нафл намоз ўқиш каби. 5. Қилиш ёки қилмаслик ихтиёрий бўлган иш. Таомни қўл ёки қошиқ билан тановул қилиш каби. Демак, мана бу ишни қилишда сен эркинсан ёки эркин эмассан деб бўлмайди. Балки, бу иш сенга фарз ёки мандуб, ҳаром ёки макруҳ ёки мубоҳ дейилади. Демак ҳар қандай иш фарз, мандуб, ҳаром, макруҳ ва мубоҳларнинг бири бўлишидан нарига ўтмайди.

Ғарб демократлари наздидаги эркинлик тушунчаси инсоннинг ишлари ва тасарруфларидаги эркинлигидир. Улардаги шахсий эркинликлар дегани хоҳлаган нарсасини ейиши, ичиши, кийиши, зийнатланиши кўнглига келганини қилиши деганидир. Мушук гўштини ейиш, спиртли ичимликлар ичиш, шаффоф кийимларни кийиш, олтину гавҳарлар билан зийнатланиш, рақс тушиш, қўшиқ айтиш, зино, фаҳш ишларни қилишларнинг ҳаммаси ғарбдаги шахсий эркинликлар тушунчасининг мундарижасидир. Уларда бу ишлар ҳаром ё мандуб ё мубоҳ дейилмайди. Уларда ҳаром ё ҳалол деган тушунчанинг ўзи йўқ. Шахс эркинлиги, мулк эркинлиги, эътиқод эркинлиги, фикр эркинлиги каби тушунчалар бор холос. Шунинг учун ҳам демократик тузум шубҳасиз куфр тузумидир. У капиталистик ва социалистик куфр тузумларининг таркибий қисмидир. Уни олиш жоиз эмас. Уни қабул қилиш ёки унга амал қилиш мусулмонларга ҳаромдир.

### **3. Давлатнинг (сақланиб) қолиши ва давоматли бўлишининг кафолатлари**

Давлатни барпо этиш усулини баён қилиш мавзусига ўтишдан аввал айрим мухлислар қўзғатган баъзи саволларга жавоб бериб ўтамиз. Улар вақтики келиб бу давлат барпо бўлса, унинг сақланиб қолиши ва давоматли бўлишининг ҳақиқий ягона кафолати нима деб савол берадилар.

Айрим мухлислар ўйлайдиларки, халифалик давлатини барпо этиш осон иш. Лекин бу давлатнинг тузуми оламдаги бошқа тузумлардан тубдан фарқ қилади. Хусусан, унинг иқтисодий тузуми ҳозирги давлатларнинг иқтисодидан бутунлай айричадир. Қуйидаги сабабларга кўра бу давлат узоқ яшай олмаса керак:

1. Унинг ички ва ташқи душманлари кўп бўлади.

2. Бошқа давлатлар унга қарши тил бириктириб, фитна уюштирадилар.

3. У билан бошқа давлатлар ўртасидаги алоқа исломий даъватни ёйиш йўли бўлмиш жиҳод сабабли уруш алоқаси бўлади.

4. Йирик давлатларнинг халқларини Исломга даъват этганда, улар бунга қарши уруш бошлайдилар. Бу давлатда эса уларга қарши туриш имконини берадиган иқтисодий омиллар етарли эмас.

Мулоҳаза қилайлик, бугунги кундаги башарий жамиятлар руҳий, инсоний ва ахлоқий маънавиятларнинг йўқлиги туфайли доимий истироф ва ҳайратда яшамокда. Улар кўпроқ раҳмдиллик нималигини билмайдиган, моддий қийматдан ўзга нарсани бир пулга олмайдиган бўрилар галасига ўхшайдилар. Ҳаётда бир-бирлари билан эшақдай жанг қиладилар. Моддийликдан бошқа нарса ҳақида фикр юритмайдилар. Фақат ҳукмрон бўлиш, эгаллаб олиш учунгина ўзларини қурбон қиладилар. Ҳатто уларнинг ҳаёти тоқат қилиб бўлмайдиган жаҳаннамга айланди. Ҳайратда қолган башарият қалбига эҳтиёж ва рағбатларни қондириш имконияти бўлмагани туфайли истироф ҳукмрон бўлиб олди.

Жамиятларда келгиндилар сони кун сайин ортиб бормоқда, ноумидлар орзуларини юзага чиқаришдан қувилмоқдалар. Натижада ҳаёт жаҳоннамидан бир йўла қутилиб қўя қолиш учун ўз жонига қасд қилиш ҳодисалари кўпаймоқда.

Кўп кишилар етарли мол-давлатлари бўлишига қарамасдан ҳали ҳануз хотиржам бўлмоқдадилар. Адашган ёшлардаги изтироб, қочиш, чўчиш капиталистик ва социалистик эътиқодларнинг дилни тинчлантира олмаслигини кўрсатаётир. Чунки бу икки эътиқод ақлни қаноатлантира олмайдиган, инсондаги ғаризалар ва узвий эҳтиёжларни қондиришни тартибга сола олмайдиган инсон табиатига зид эътиқодлардир.

Ҳамма жамиятлардаги одамларнинг дилларини хотиржамлик билан тўлдирадиган, жамиятларга руҳий, ахлоқий ва инсоний қийматларни олиб кирадиган эътиқодга интиладилар. Яна улар ҳуқуқда ва муомалада одамларнинг ўрталарини тенглаштирадиган, капиталистик хўжайин, султонни зўравон қилиб қўймайдиган одил тузумга интиладилар.

Мулоҳаза қилишда давом этайлик, Ислом олами Ислом тузумини четга суриб, узоқ замон капиталистик ва социалистик тузумларга бўйсунгач, у ҳам бошқа жамиятлар каби изтироб ва беқарорликка дучор бўлди. Ундаги ҳокимият тузумлари давомий ўзгариб борди. Мусулмонлар бир ҳокимнинг кетишидан хурсанд бўлдилар, келаётган ҳокимга эса шубҳа билан қарадилар. Ҳатто эътиқод ва ҳаёт тузуми сифатидаги Исломга қайтиш рағбати Ислом оламидаги бутун омманинг фикри, зикри бўлиб қолди. Ҳамма жойда исломий туйғулар миллий ва социалистик туйғуларга тўқнаш кела бошлади. Исломга даъват этадиган ҳаракатлар кўпайди. Капиталистик давралар бу йўналишдан қўрқа бошладилар, уларнинг ёзувчи ва журналистлари бу ишдан эҳтиётлантиришга киришдилар. Қуйидаги гаплар Америка президенти Картернинг сиёсий маслаҳатчиси Бжежинский тилидан айтилган: «Ҳинд океани атрофидаги халқлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тикланишга интила бошладилар. У ердаги ҳокимият тузумлари мўртдир. Биз қийматларимиз ва нуқтаи назаримизга қарши чиқувчи кишиларнинг мана шу сиёсий бўшлиқни тўлдириб қўйишидан қўрқамиз...». Кейин яна шундай дейди: «Агар биз бу оқимга қарши турсак, тез кунда бутун оламдан улоқтирилиб ташланамиз. Лекин биз ўз манфаатларимизни сақлаб қолишимиз учун у билан бирга юришимиз ва уни йўналтириб туришимиз лозим». Шунинг учун ҳам исломий мамлакатлардан бири ёки бир нечасида исломий халифалик давлати барпо бўлган захоти мусулмонлар унга келиб қўшилишга, уни сақлаб қолиш ва давом эттириш йўлида ўзларини фидо қилишга шошиладилар. Шунда биронта ҳам кимса ичкаридан унга қарши ҳаракат қилишга журъат эта олмайди, мусулмонларнинг унга бўлган рағбати ва интилиши тоборо кучайиб боради. Бирон бир қўшни мамлакат унга қарши ҳаракат қилса, мана шу ҳаракатнинг ўзи уни ҳалокатга олиб бориши эҳтимолдан узоқ эмас.

Энди давлатларнинг тил бириктириб фитна уюштиришларига келсак, бу нарса бир неча ишларда кўринади. Гоҳида исломий давлатнинг

асосига таянган ҳолдаги тўғри йўналишдан буриб юбориш учун унга яқинлашилади. Гоҳида эса бир ёки бир неча қўшни давлатларни у билан урушишга ундайди. Ҳеч ким Ислом давлатини тўғри йўлдан (йўналишдан) буриб юбора олмайди. Бунга ҳаракат қилиш унга янада мустаҳкамланишига сабаб бўлади. Ислом давлатига қарши урушиш учун Исроил давлатини ундан эҳтимоли йўқ эмас. Исроил уруш бошлайдиган бўлса, мусулмонларнинг ўз давлатларини ҳимоя қилишдаги фидокорлиги кўпроқ бўлади. Урушнинг бошланиши амалий ва ҳақиқий бўлади. Ислом давлати оламдаги ҳамма мусулмонларни Исроилга қарши урушиш, уни мағлуб этишга чорлайди. Ислом халқларини, ўз ҳукуматларини Исроилга қарши урушда қатнашишга мажбур қилишларига даъват қилади, халқнинг ҳамма қуввати душманга қарши жиҳод қилишга сафарбар қилинади. Исроил мусулмонлар билан бўлган эътиқод урушида ночор аҳволга тушиб қолади. Бундай урушларда мусулмонлар тарихида ҳам ҳеч мағлубиятга учраган эмаслар.

Энди давлатлараро алоқаларнинг уруш ёки тинчлик алоқаси бўлишига келсак. Ислом бир меҳвардирки ташқи сиёсат унинг атрофида айланади. Ислом давлатининг бошқа давлатлар билан бўладиган алоқаси ҳам унга асосланади. Чунки халқнинг сиёсий муаммоси Исломдир. Исломий фикрларнинг буюклигини кўрсатиш энг катта сиёсий йўллардан ҳисобланади. Бу сиёсий масала давлат ва халқ дуч келадиган бир ишдир. Бу иш улардан ишларни бошқаришни талаб қилади. Улар бунинг талабини бажаришлари шарт. Ана шу иш сиёсий муаммодир. Бу иш умумий бўлса, сиёсий муаммо хусусий бўлганда ҳам сиёсий муаммо дейилади. Ишнинг бир қисми бўлганда эса муаммонинг бир масаласи бўлади.

Ислом уммати бир ишга дуч келаяпти. Бу иш ундан ишларни бошқаришни талаб қилаётир. Уммат унинг талабини бажариши шарт. Бу иш халифаликни қайта тиклашдир. Мана шу сиёсий муаммо бўлади. Давлат барпо бўлганидан кейин эса, унинг сиёсий муаммоси ичкарида Исломни татбиқ этиш ва исломий фикрларнинг буюклигини кўрсатиш бўлади. Исломнинг аҳли зимма, омонлик сўраганлар, аҳдлашганлар билан бўлган муомаласи, ҳокимнинг одамлар устидан эгадор-ҳукмдорлиги эмас, балки шариятнинг ижрочиси эканлиги, умматнинг мукаммал тартибда ҳокимдан ҳисоб олиб туриши исломий фикрларнинг буюклигидандир. Умматнинг ҳокимдан ҳисоб олиши вожиб бўлганидек, зулм қилган тақдирда ҳам унга итоат этиши вожибдир. Гуноҳ ишларда эса ҳокимга итоат этиш ҳаром. Ҳокимда очиқ куфрни кўрган умматнинг унга қарши қўзғолон кўтара олиш ҳуқуқидан фойдалана олиши ҳам исломий фикрларнинг буюклигидандир. Исломда ҳоким билан маҳкум ҳамма нарсада баробар. Ҳоким ҳам бошқа шахслар каби қозига шикоят қилади. Унинг ўзи бирор ишда шариятга хилоф иш қилса, шикоятлар билан шуғулланадиган қозига унинг устидан ҳам шикоят қилинади. Мана шулар исломий фикрлардир. Уларни кўрсатиш вожиб. Токи даъват одамларни ўзига жалб қилсин. Давлат ҳудудидан ташқаридаги одамлар

буни ҳис қилиб унга рағбат қилсинлар. Давлат ичкарида Исломи чиройли татбиқ қилиб, давлат сифатида кучга кириб, катта давлатлар билан юзма-юз туришга қодир бўлган пайтда исломий даъватни ташқарига ёйишни бошлайди. Бу Ислому оламнинг битта давлатда бирлашганидан кейин амалга ошади. Ана шу пайтда давлат беллашишга қодир бўлиш даражасида қувватга эга бўлади.

Ислому давлатининг иқтисодий манбалари ерининг кенглиги жиҳатидан ҳам, аҳолисининг кўплиги жиҳатидан ҳам, бошқа ҳамма давлатнинг иқтисодий манбаларидан кўпроқ. Бунинг сабаби шуки, мусулмонлар мусулмонлар оммасининг ҳар бир манфаатини юзага чиқариш учун саҳоватли бўлишга буюрилганлар.

Бу иш айниқса жиҳод пайтида авж олади. Мусулмонлар эътиқод урушидаги мағлубиятларининг маъноси энг азиз нарсалари бўлган эътиқодларининг барбод бўлиши эканлигини аниқ билдилар. Шунинг учун ҳам улар ғалаба қозониш учун ҳеч нарсаларини, ҳатто жигарбандларини ҳам аямайдилар. Бунга мисоллар гувоҳлар тўлиб-тошиб ётибди. Абу Бакр Сиддиқ (Разияллоҳу анҳу) Усра ғазотида ҳамма мол-давлатини баҳшида қилган. Умар ибн Хаттоб (Разияллоҳу анҳу) эса ярим давлатини бағишлаган. Булардан бошқа Усмон, Абдурахмон ибн Авф кабилар жуда кўп бўлган.

Ислому бошқа асос ва динлардан фарқли ўлароқ, мусулмонларнинг Аллоҳ йўлида жиҳод қилишлари учун саҳоватли бўлишга ундайди. Ҳар бир яхшилик эвазига етти юз яхшилик ваъда қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

مَثَلُ الَّذِينَ يُنْفِقُونَ أَمْوَالَهُمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ كَمَثَلِ حَبَّةٍ أُنْبَتَتْ سَبْعَ سَنَابِلَ فِي كُلِّ سُنبُلَةٍ مِائَةٌ حَبَّةٌ وَاللَّهُ يُضَاعِفُ لِمَنْ يَشَاءُ

– „Аллоҳ йўлида молларини инфоқ (эҳсон) қиладиган кишиларнинг мисоли худди бир бошоғида юздан дони бўлган еттига бошоқни ундириб чиқарган бир донга донга ўхшайди. (Яъни қилинган яхшилик етти юзбаробар бўлиб қайтишига ишора қилинмоқда). Аллоҳ истаган кишиларига бир неча баробар қилиб беради.“ [2:261]

Уларни Аллоҳни яхши кўриш билан етилажак муваффақият ва юксак мартабага тарғиб қилади: Аллоҳ Таоло айтади:

الَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ أَكْبَرًا عِنْدَ اللَّهِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْفَائِزُونَ

– „Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида молу жонлари билан курашган - жиҳод қилган зотларни Аллоҳ ҳузуридаги даражалари жуда улугдир ва ўшалар бахт-саодатга эришувчилардир.“ [9:20]

Аллоҳ йўлидаги фидойиликни унинг эгасига улуг ажр бўлиб қайтадиган қарз деб эътибор қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَقْرِضُوا اللَّهَ قَرْضًا حَسَنًا وَمَا تُقَدِّمُوا لِأَنفُسِكُمْ مِنْ خَيْرٍ تَجِدُوهُ عِنْدَ اللَّهِ هُوَ خَيْرًا  
وَأَعْظَمَ أَجْرًا

– „... ва (барча мискинларга хайр-саховат қилиш билан) Аллоҳга қарзи ҳасана беринглар, ўзларингиз учун тақдим қиладиган ҳар бир яхшилиқни қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузуринда янада яхшироқ ва улугроқ ажр-мукофот ҳолида топурсизлар...“ [73:20]

Аллоҳ Таоло яна шундай дейди:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا هَلْ أَدُلُّكُمْ عَلَىٰ تِجَارَةٍ تُنْجِيكُمْ مِنْ عَذَابِ أَلِيمٍ ﴿١٠٦﴾ تُوْمِنُونَ بِاللَّهِ  
وَرَسُولِهِ وَتُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِكُمْ وَأَنفُسِكُمْ ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿١٠٧﴾

– „Эй мўминлар, сизларга аламли азобдан нажот берадиган бир «тижорат»ни кўрсатайми? (ўша «тижорат») мана будир. Аллоҳ ва унинг Пайғамбарига иймон келтиурсизлар ва Аллоҳ йўлида мол-жонларингиз билан жиҳод қилурсизлар. Мана шу, агар билсангизлар, ўзларингиз учун энг яхши ишдир.“ [61:10,11]

Уларни Аллоҳ йўлида саховатли бўлишга ундабгина қолмади. Уларни бу ишга шошилтирди. Шошилмаслик оқибати надомат бўлишлигидан огоҳлантирди. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَنْفُقُوا مِنْ مَا رَزَقْنَاكُمْ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَأْتِيَ أَحَدَكُمُ الْمَوْتُ فَيَقُولَ رَبِّ لَوْلَا أَخَّرْتَنِي إِلَىٰ  
أَجَلٍ قَرِيبٍ فَأَصَّدَّقَ وَأَكُنْ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿١٠٨﴾

– „Сизларнинг ҳар бирингиз ўлим келиб: Парвардигорим, мени озгина муддатга ҳаётда қолдирсанг, мен хайр-садақа қилиб, солиҳ бандалардан бўлсам“, - деб қолишидан илгари Биз ризқ қилиб берган нарсадан инфоқ-эҳсон қилингиз!“ [63:10]

Бахилликдан эҳтиётлантирди. Бахилларни ҳалок қилиб ўрнига бошқа қавм келтиришдан огоҳлантирди. Аллоҳ Таоло айтади:

هَأَنتُمْ هَؤُلَاءِ تُدْعَوْنَ لِتُنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَمِنْكُمْ مَنْ يَخُلُ وَمَنْ يَخُلُ فَإِنَّمَا يَخُلُ عَنْ  
نَفْسِهِ وَاللَّهُ الْعَنِيُّ وَأَنتُمْ الْفُقَرَاءُ وَإِنْ تَوَلَّوْا يَسْتَبَدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُونُوا أَمْثَالَكُمْ ﴿١٠٩﴾

– „Мана сизлар шундай кишилардирсизки, Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилиш учун даъват қилинурсизлар. Бас, аниқки сизларнинг орангизда бахиллик қиладиган кишилар ҳам бордир. Ким бахиллик қилса, бас, албатта у фақат ўз зиёнига бахиллик қилур, чунки у ажр савобдан маҳрум бўлур. Аллоҳ сизларнинг хайр эҳсонингиздан беҳожат, сизлар эса У зотнинг ажр савобларига муҳтождирсизлар. Агар сизлар

Аллоҳга итоат этишдан юз ўгириб кетсангизлар, У зот ўрнингизга сизлардан бошқа бир қавмни алмаштириб қўюр, сўнгра улар сизларга ўхшаган бўлмаслар, балки сидқи-дилдан Аллоҳга тоат ибодат қилурлар!“ [47:38]

Кейин уларни саховатсизлик душманнинг ғолиб бўлиши, ўзларининг эса ҳалокатга учрашга олиб боришидан огоҳлантирди. Аллоҳ Таоло айтади:

وَأَنْفِقُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا تُلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ

– „Аллоҳ йўлидаги қураш учун молларингизни сарфланглар. Ва бахиллик қилиш билан ўзингизни ҳалокатга ташламанг!“ [2:195]

Ва ниҳоят ҳеч кимга эҳтиёжидан ортиғини Аллоҳ йўлида сарфламасдан хазина қилиб олиш учун ҳеч қандай ўрин қолдирмайдиган қилиб хитоб қилди. Маълумки „Аллоҳнинг йўлида“ ибораси Қуръоннинг қай бир ерида сарфлаш сўзи билан бирга келса, жиҳод маъносини англатади. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ كَثِيرًا مِنَ الْأَحْبَارِ وَالرُّهْبَانِ لَيَأْكُلُونَ أَمْوَالَ النَّاسِ بِالْبَاطِلِ وَيَصُدُّونَ  
عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ يَكْنِزُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يُنْفِقُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُمْ  
بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٢٤٥﴾ يَوْمَ يُحْمَى عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكْوَى بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ  
وَطُؤُورُهُمْ هَذَا مَا كَنْزْتُمْ لِأَنْفُسِكُمْ فَذُوقُوا مَا كُنْتُمْ تَكْنِزُونَ ﴿٢٤٦﴾

– „Олтин-қумушни босиб, уни Аллоҳнинг йўлида инфоқ-эҳсон қилмайдиган одамларга аламли азоб „хушхабарини“ етказинг! У кунда (қиёматда) ўша олтин-қумушни жаҳаннам ўтида қизитилиб, ўша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилиб: „Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мазасини тотиб кўринглар“, - дейилур“. [9:34,35]

Мана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ислому давлатининг жамғармаси жуда катта. У ҳамма мусулмонларнинг қўлларидаги давлатдир. Улар мол-мулкларини рози бўлиб, мамнуният билан ана шу жамғармага берадилар. Уруш ёки урушга тайёргарлик ҳолатида эса (қурол ишлаб чиқарадиган заводларни қуриш ёки қуролнинг айнан ўзини сотиб олиш каби ишлар урушга тайёргарликдир), мусулмонлар молу жонларини тақдим этишга қақириладилар. Зеро, улар жиҳод аҳлидирлар, бошқа миллат ва халқлар шаҳват ва рағбатларини қондириш билан қандай хурсанд бўлсалар, мусулмонлар Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан шундай хурсанд бўладилар. Шунинг учун ҳам Ислому давлатига уруш асносида мол-давлат ёки одам сони етмай қолиши хавфи йўқ. Бор хавф мусулмонларнинг дилларида Исломининг заифлашуви, давлатнинг ички ишларида унинг чиройли татбиқ этилмаслигидир. Шунинг учун ҳам Исломининг дилларда мустаҳкам ўрнашиш ва ичкарида чиройли татбиқ

қилиниши давлатнинг сақлаб қолиниши ва давоматли бўлишига кафолатдир.

Ташқаридан келиши кутилган хавф хатарлардан сақлаб қолиш ва давоматли кафолатлари мана шулардир. Хўш, энди Ислом татбиқ қилинишининг давоматли бўлишини олиб қолиш ва ичкарида инқилоб бўлишининг олдини олишнинг ҳақиқий кафолати нима?

Исломни амалда адо этиш, уни оламга ёйиш ва шу ишни давомли қилишнинг ҳақиқий кафолати Аллоҳдан тақво қилишдир, яъни Аллоҳдан қўрқишдир. Агар бу тақво халифанинг дилида ўрнашса, уни ўз ҳаётидан кўпроқ Исломни ўйлайдиган қилиб қўяди. Тақво йўқолса Исломни татбиқ қилиш ва оламга ёйишнинг табиий кафолати ҳам йўқолади. Агар халифа ёки қай бир ҳоким тақвосини йўқотса, уни Исломни татбиқ қилишда мажбур этадиган ёки уни ишдан четлаштириб ўрнига тақволи кишини олиб келадиган бир моддий восита зарурдир. Бу амалий восита Умматдир. Уммат Аллоҳнинг ҳаромларини ҳалол қилаётган, Аллоҳга берган аҳдини бузаётган, Пайғамбарнинг суннатига муҳолиф бўлаётган, Аллоҳнинг бандалари устида гуноҳ ва тажовузкорлик билан иш олиб бораётган золим ҳокимни кўрган пайтда уни ўз сўзи ёки амали билан ўзгартириши вожиб. Бундай уммат мавжуд бўлишининг кафолати эса яна бошқа икки воситага муҳтождирки, бу икки восита ана шу вазифани бажаришга ёрдам беради ёки ана шу йўлдан бошқариб боради.

Биринчи восита маҳкамату-л-мазолим - шикоятлар маҳкамасидир. Бу маҳкама ҳоким билан фуқаро ўртасида юзага келган хусуматларни ажрим қилади ва ҳар иккала тарафни ўзининг ҳукмига бўйсунтиришга мажбур этади. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا الرَّسُولَ وَأُولِي الْأَمْرِ مِنْكُمْ فَإِن تَنَازَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا ﴿٢٥٦﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз ва Пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган ҳокимларга бўйсунингиз! Борди-ю бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз - агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз - у нарсани Аллоҳга ва Пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир.“ [4:59]

Оятдаги тортишув ҳоким билан халқ ўртасида тортишувдир. Яъни, ўзларингиздан бўлган ҳокимларга бўйсунингиз, агар улар билан бирор ишда тортишиб қолсангиз, уни дарҳол Аллоҳнинг ва Пайғамбарнинг ҳукмига ҳавола этингиз. Бу тортишувни ҳал қилишга шаръан шикоятлар маҳкамаси ҳақлидир. Бу маҳкаманинг қозилари мужтаҳид бўлишлари шарт. Токи у чиқарган ҳукм шаръий ҳукм бўлсин. Мана шу Аллоҳнинг ва Пайғамбарнинг ҳукмига қайтаришдир. Агар ҳоким у ҳукмни қабул қилмаса шариятни тарк қилган бўлади. Бундай ҳолда халқ унга қилган

байъатдан озод бўлиб уни ўзгартириш (бошқага алмаштириш) ҳуқуқига эга.

Иккинчи восита чуқур тушуниш ва Аллоҳдан қаттиқ қўрқишга эга бўлган, исломий эътиқодга асосланган ҳақиқий сиёсий гуруҳдир. Бу гуруҳ одамларга исломий маърифатни сингдиради. Маърифатки ақлни кенгайтиради, идрокни кучайтиради ва дилни тозалайди, туйғулар билан фикрларни боғлайди, фикрлар билан дил майллари орасида ҳақиқий мувофиқликни вужудга келтиради. Бу нарса мусулмонни кўзланган исломий шахс қилиб етиштиради. Мана шундай шахсларга эга бўлган гуруҳ барпо бўлгач мазкур умматни юзага келтириш воситаси вужудга келади. Чунки бу гуруҳ унинг фикрларини тозалаб битта фикрга эритиб қўядида, уни битта мақсад - Ислом сари етаклайди. Кейин у фақат Ислом учун, унга даъват этиш учун яшайдиган бўлади. Ана шу пайтда ўзининг эътиқодидан ҳақиқий огоҳ бўлиб, уни тўғри англайди. Уни огоҳ қилган, мана шу эътиқодга даъват этиш, уни татбиқ қилиш ва татбиқни давомли қилиш учун яшайдиган мана шу гуруҳдир. Бу гуруҳ уммат ичида барпо бўлиб, уни давлатдан ҳисоб талаб қилишга етаклайдиган мабда асосига қурилган ҳизбдир. У давлат устидан назорат қилувчидир, чунки у умматнинг вакилидир. Амри маъруф наҳй мункар ҳақида гапирганимизда бундай гуруҳга ишора қилиб, уни умматнинг ичида вужудга келтиришнинг фарзлиги ҳақида гапирган эдик. Аллоҳ Таоло айтади:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

– „Ораларингизда яхшилик (Ислом)га даъват қиладиган, маъруф-эзгуликка буюрадиган ва мункар-ношаръий ишлардан қайтарадиган бир гуруҳ бўлсин. Ана ўшалар зафар топгувчилардир“.

[3:104]

Бундай ҳизбни барпо қилиш шарт, чунки у умматни етаклайдиган амалий воситадир. Бу етаклов давлатнинг Исломга даъват этиши, уни татбиқ қилиши ва татбиқ қилишда давоматли бўлиши каби вазифаларни мукамал тарзда адо этишнинг кафолатидир. У сунъий татбиқдан қайтаришнинг амалий воситаси ҳамдир.

Бу икки восита Исломни татбиқ этиш ва бу ишни давоматли қилишнинг кафолати бўлиши билан бирга ичкаридаги ҳар қандай инқилобнинг олдини олиш воситаси ҳамдир. Бир жамоанинг ҳокимият теласига келиб олиб, мавжуд ҳокимни олиб ташлаши инқилоб дейилмайди. Балки вазиятларни ўзгартиришга қаратилган таҳририй ҳаракатларгина инқилобдир.

Аслида инқилобдан мақсад бир тузумнинг ўрнига бошқа бир тузумни алмаштиришдир. Яъни бир тузумга асосланган давлатни ўзгартириш билан ўша тузумни ундан бошқа тузумга алмаштиришдир. Мабда асосига қурилган ҳизб уммат орасида мавжуд бўлиб, уни Исломга асосланган, ўз ҳаётини унга бағишлаган ҳолда етаклаб юрса ва уммат

ҳам фақат Ислом туфайли унга эргашса, ҳар қандай қувват қанчалар кучли бўлмасин умматнинг ўз мабдаига бўлган ишончини йўқ қила олмайд.

Шундай қилиб, мабдага асосланган ҳизбнинг мавжуд бўлиши инқилобни олдини олишнинг, шу билан бирга Исломни татбиқ этиш ва уни оламга ёйишнинг давомли бўлиши кафолатидир. Лекин мусулмонлар онгсизликлари туфайли ҳизбларга бирлашмаётирлар. Мияларида қотиб қолган - Ислом ҳизбларнинг мавжуд бўлишига рухсат бермайди, - деган тушунча ҳамда ўтган эллик йил мобайнида ҳизбларнинг мусулмонларга бирон фойда келтирмагани, уларнинг орасида фикрий тўқнашувлар, ихтилофлар юзага келганлиги сабабли уларнинг номини ёмон кўраётирлар.

Шунинг учун ҳам Ислом исломий эътиқодга асосланган ҳизбларнинг мавжуд бўлишидан ман қилмаганини, у фақат миллатчилик, ватанпарварлик ҳизблари ҳамда Аллоҳнинг борлигини инкор қилувчи ғайриисломий асосдаги коммунистик ҳизблардан қайтарганини баён қилмоқ лозим. Ислом эътиқодига асосланган ҳизбларга Ислом рухсат берган. Рухсат бергангина эмас ҳеч бўлмаганда улардан биттаси умматнинг орасида бўлишини фарз қилган, Аллоҳ Таоло айтади:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

– „Ораларингизда яхшилик (Ислом)га даъват қиладиган, маъруф-шаръий ишларга буюрадиган ва мункар-ношаръий ишлардан қайтарадиган бир гуруҳ бўлсин. Ана ўшалар зафар топгувчилардир“.  
[3:104]

Лекин кофир Ислом мамлакатларига киргач у ерда сиёсий ҳизблар вужудга келиб қолишидан қўрқди. Чунки бу ҳизблар умматни унга қарши отлантирадидлар. Кофир тайин этган ҳокимлардан ҳисоб талаб қиладидлар. Бу иш эса ҳокимларнинг бузилганини, мусулмонларнинг манфаатларига эътибор бермаётганларини очиб ташлайди. Натижада халқ уларга қарши қўзғалиб, уларни ағдаради-да, мустамлакачиларнинг ҳамма манфаатларини йўққа чиқаради. Шунинг учун ҳам кофир «ҳизблар» тушунчасини бузиб кўрсатди. Ваҳоланки, кофир мамлакатларда ҳам ҳокимиятни ҳизблар бошқаради. Кейин у ўзига гумашталар топиб, (мусулмонлар ичида) бир неча ҳизбларни ташкил қилди. Уларнинг ораларига шахсий манфаатлар устида низолар солди. Токи одамлар уларни ёмон кўрсин, уларга қўшилишни хаёлларига ҳам келтирмасин, кофир ва унинг мусулмонлар ишларини бошқариб турган гумашталари ўзлари хоҳлаганча иш юритишсин. Кофир хуфёна йўл кўрсатиш билан кўп исломий гуруҳларни сиёсат билан шуғулланишдан, ҳатто ҳокимият ҳақида фикр юритишнинг ўзидан ҳам буриб юборди. Токи унинг ва гумашталарининг мусулмонлар устидан ҳукмронлиги узоққа чўзилсин. Кофирнинг гумашталари айрим онгсиз, ихлоси йўқ

исломий гуруҳларни фақат юзаки фикрнинг ўзи билангина ўрни билиниши мумкин бўлган арзимас ишларга машғул қилиб қўйди. Худди фикҳий қарашлардаги ихтилофлар каби. Чунки бу йўл билан айрим фикҳий масалаларда имом Абу Ҳанифага хилоф қилгани учун имом Шофийини қаттиқ танқид қилиш ёки бошқа олимларнинг қарашларига хилоф қилгани учун имом Абу Ҳанифанинг ўзини савалаш имкони бўлади. Аслида ана шу гуруҳларнинг йўналиши танқид қилиниб, уни Улуғ Пайғамбар ﷺ сийратларига солиштирилганда тўғрироқ бўлар эди. Чунки У кишининг сийрат-феъллари, гаплари ва қарорлари мажмуи, яъни, шаръий ҳукмлар бўлиб, барча исломий гуруҳлар қабул қилиши шарт бўлган намунавий йўлдир.

Аммо фикҳий қарашлардаги ихтилофлар билан бу қадар чулғаниб қолиш тўғри эмас. Бу ишга ундаётганлар ғаразғўй ажнабийлардир.

Айрим мусулмонлар сиёсий онгсизликлари туфайли ҳизбларга бирлашмаётирлар деган эдик. Шунингдек, улар фикрий онгсизликлари туфайли исломий ҳизбларнинг бир неча бўлиши билан исломий фирқаларнинг бир неча бўлишининг орасини ажрата олмаётирларда, исломий ҳизбларнинг бир неча бўлиши - фикҳий қарашлар ва йўналишларда хилма-хил бўлишини эътиқодда хилма-хил бўлиш деб гумон қилаётирлар. Ваҳоланки, исломий ҳизбларнинг бир неча бўлишида ҳеч қандай зиён йўқ. Чунки улар орасидаги ихтилоф Ислом эътиқоди борасида эмас. Бунга Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (Разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадис тўғри келмайди, у ҳадисда Пайғамбар ﷺ айтган эдилар: «Менинг умматимнинг бошига Бану Исроилга келган нарсанинг айнан ўзи албатта келади. Худди икки пой калишнинг бир-бирига ўхшаганидек бўлади. Ҳатто улардан кимдир онасини ошкора зино қилган бўлса, менинг умматим орасида ҳам шундай ишни қиладиган пайдо бўлади. Бану Исроил етмиш икки фирқага ажралиб кетган. Менинг умматим эса етмиш уч фирқага ажралиб кетади. Биргина миллат (фирқа)дан бошқа ҳаммаси дўзахийдир. У миллат қайси ё Расулаллоҳ, - деб сўради. Менинг ва саҳобаларимнинг изидан борганлар», - дедилар.

Бу ҳадис эътиқодда хилма-хил бўлган, ҳақиқат борасида фирқаларга ажраган, Қуръон оятларининг кўпини таъвил қилган, уни зоҳир ва ботинга ажратган фирқаларга тўғри келади. Бу фирқаларнинг айримлари Пайғамбар ﷺ саҳобаларини ҳақорат қилиб, уларни кофирга чиқарганлар. Айримлари Алини ва баъзилари аҳли байтни ўзларига худо қилиб олишган. Улардан бири эса мусулмонларнинг ҳаммасини кофирга чиқаришган. Исмоилия, Носирия, Алавия, Қодиёния, Баҳоня, Хаворижлар, Суфия, Ибозия. Шиялардан: Сабоия, Кайсония, Мухтория, Ҳарбия, Карбия, Зайдия, Рофизиялар. Ўн иккичилар ана шулардандир. Аҳли сунна вал жамоа ҳам ана шу фирқаларнинг бири бўлиб, Пайғамбар ﷺ ва саҳобаларнинг изидан борувчи фирқадир. Мусулмон оммаси ҳизбларни ўйлаган заҳоти мана шу фирқаларни кўз олдига келтиради.

Биз Ислом давлати хусусида жуда кичик, қисқа бир тасвирни бердик. Хусусан, ҳокимият тузуми мавзуси билан чекландик. Ижтимоий

тузум, иқтисодий тузум ёки ташқи сиёсат каби масалаларга тўхталмадик. Энди ҳар бир мусулмоннинг талаби ва ҳар бир даъватчининг ғояси бўлмиш Ислоҳ давлатини барпо қилиш хусусида сўз юритамиз. Жамиятнинг бузуқлигини англаб, умматнинг воқеидан аламланиб, тубан ботқоқликдан юксалиш сари интилаётганлар учун йўл очиқ ва равшан-мунаввар бўлсин!

#### 4. Давлатнинг пайдо бўлиш кайфияти

Давлат янги фикрлар юзага келиши билан пайдо бўлади ва уларга асосланади. Фикрлар ўзгариши билан салтанат ҳам ўзгаради. Бу фикрлар тушунчага айлангач, инсоннинг сулукига таъсир этади-да, инсон ана шу тушунчалар етовида юради. Унинг ҳаётга қараши ўзгаради. Ҳаётга қараши ўзгариши билан манфаатларга қараши ҳам ўзгаради. Салтанат ана шу манфаатларга риоя қилиш ва уларни бошқариб туришдир. Салтанат жамиятдаги энг кучли гуруҳники бўлади.

Агар одамлар манфаатларга қарашда муттафиқ бўлсалар, ўзларига ишларини бошқариб турадиган бир бошлиқни сайлаб оладилар. Яъни манфаатларини бошқариб турадиган салтанат барпо қиладилар. Ёки одамларнинг манфаатларини бошқариб туриш учун султон бўлиб олганларга эътироз билдирмайдилар. Мана шундан билиб олиш мумкинки, ҳокимият умматнинг тарафидан келади, ё амалий танлаши билан ёки эътироз билдирмаслиги билан.

Агар уларнинг манфаатларга бўлган қарашлари хилма-хил бўлса, бир неча гуруҳларга ажралиб кетадилар. Бу гуруҳларнинг энг кучлиси салтанатни эгаллаши аниқ. Бунда ҳамма гуруҳнинг манфаати ана шу кучли гуруҳ манфаатларига мувофиқ ҳолда бошқарилади. Қолганлар унга бўйсунишга мажбур бўлади. Одамларнинг манфаатларини бошқаришга асосланган ҳар бир салтанатда шундай бўлиши табиий ва зарурийдир. Шу салтанатлар хоҳ қабилла салтанати, хоҳ демократик салтанат бўлсин, хоҳ исломий, ҳатто диктаторлик салтанати ҳам бир шахснинг эмас, бир гуруҳнинг салтанатидир. Чунки бу салтанатда ҳам ҳукмрон шахс одамларнинг манфаатларини маълум бир гуруҳнинг мадад бериши ёки эътироз билдирмаслиги билан бошқаради. Ҳозирги кунда исломий оламда мавжуд бўлган давлатлар капиталистик фикрларнинг юзага келиши билан пайдо бўлган ва уларга асосланган. Фикрлар ўзгариши билан салтанат ҳам ўзгаради. Ислом оламига Ғарб давлатлари ҳукмронлик қилиб, ўзининг ҳаётга бўлган қараши етовида уларни бошқармоқда. Мусулмон болаларига ғарб маърифатини сингдириб, уларнинг ораларидан манфаатларни капиталистик ғарбий дунёқараш асосида бошқаришни сақлаб қолишда суяниши мумкин бўлган кадрлар тайёрламоқдалар. Чунки бу болалар капиталистик нуқтаи назарни яъни динни ҳаётдан, бинобарин, давлатдан ажратиш ақидасини қабул қилишгач, уларнинг ҳаётга бўлган, манфаатларга бўлган қарашлари ўзгарди. Кейин улар банклардан фойда эвазига бўладиган муомаланинг қайсидир бир ширкатга нефтни қазиб олиш имтиёзини беришни, БМТнинг қонунларига бўйсунишни, Исроилга Фаластинни бериш билан сулҳ тузишни манфаат деб қарайдиган бўлиб қолдилар. Шунинг учун ҳам уларда ҳар бир давлатдаги салтанат одамларнинг манфаатларини ҳаётга бўлган қарашлари етовида бошқармоқда. Аслида эса уммат ҳаётга Ислом эътиқоди орасидан қарамоғи лозим эди. Бу эътиқод ҳаётнинг Аллоҳнинг буйруқларига мувофиқ ҳолда юришини вожиб қилади. Шунга

биноан шариат қарор қилган нарса манфаатдир. Бу эътиқодда банклар билан фойда эвазига муомала қилиш фойда эмас, зарардир. Чунки шариат бундай фойдани судхўрлик деб эътиқод қилади. Судхўрлик эса Ислом нуқтаи назарини ҳаромдир. Қайсидир бир ширкатга конларни қазиб олиш имтиёзини бериш зарардир. Чунки нефть ва конлар ҳамма мусулмонларнинг умумий мулкидир. Ислом умумий мулкни кимнингдир имтиёзига топширишни ман қилади. БМТнинг қонунлари куфр қонунларидир. Бундан ташқари улар заиф давлатларни йирик давлатларнинг манфаатларига бўйсундириш учун хизмат қилади. Мусулмон уммати Фаластинни босиб олган Исроил билан сулҳ тузишни Аллоҳнинг олдидаги жиноят деб эътибор қилади. Модомики, мусулмонларда ҳаёт ҳақидаги тушунчалар, миқёслар ва қаноатлар мажмуини ўз ичига олган фикрлар мавжуд экан, энди кучли гуруҳга ана шу тушунчалар, миқёслар ва қаноатларни қабул қилдириш зарурати қолди, холос. Токи давлат табиий ва зарурий тарзда вужудга келсин.

Кучли гуруҳни юзага келтирадиган ёки ҳамма одамларни уни қабул қилишга, жамиятда унга асосланиб яшаш зарур деб билишларига олиб борадиган нарса ҳизбдир. Бу иш давлатнинг ҳам, умматнинг ҳам ва ҳатто уммат орасидаги бирлашмаган якка-якка ҳолдаги мутафаккир шахсларнинг ҳам қўлидан келмайди. Чунки давлат ёлғиз вужуд эмас, балки уммат қабул қилган тушунчалар, миқёслар ва қаноатларни амалда бажариш вужудидир. У умматнинг ҳаётий ва идрокий воқеини хатлаб ўтолмайди. У фақат амалий ифодалашгагина қодир холос. Бу ишни умматнинг ҳаётий ва идрокий қуввати доирасида бу қувватни чиқариш, тартибга солиш ва ўз ўрнига қўйиш йўлидан бориб, бевосита иш бошқариш билан бажаради. Лекин давлатдан ислоҳот ёки инқилоб талаб қилмайди. Бунинг имкони йўқ. Чунки унинг вужудда бундай нарс йўқ. Зеро, давлат фикрий вужуд эмас, балки фақатгина ижро этувчи вужуддир.

Уммат эса хилма-хил боғланган ижтимоий вужуддир. У бир эр ва аёлдан туғилган. Унда фикрий, узвий ва жисмий қувватлар хилма-хил. Ўзи қабул қилган миқёслар, тушунчалар ва қаноатларни ижро қилиш услуби ҳам хилма-хил. Шундай бўлишига қарамасдан унга мана шу миқёслар, тушунчалар ва қаноатларнинг асоси бўлмиш аслий фикрлар шу даражада ҳукмронлик қиладики, бошқасини ишлаб чиқиш унга муҳол бўлиб, ана шулар ҳақидагина фикрлаш билан чекланиб қолади. Шунинг учун ҳам у фикрий вужуд бўла олмайди. Шунинг учун ҳам ҳеч бир уммат ва ҳеч бир халқ ўзининг ижтимоийлик сифати билан умумий ҳаётга бўлган қарашини ўзгартира олмайди. Тақлидий тушунчалару, миқёслари ва қаноатлари қанчалик қолоқ ва тубан бўлмасин, уларни ўзгартириш имконига эга эмас.

Давлат ўзининг бир вужуд деган сифати билан, халқ - уммат эса ўзининг ижтимоийлик сифати билан тушунчалар, миқёслар ва қаноатларнинг манбаи бўла олмайди. Улар фақат ана шу миқёслар, тушунчалар ва қаноатларнинг ижро қилиш ўрнидир холос. Уммат уларни

ўз устида амалда бажаради. Давлат эса халқнинг устида ижро этади. Демак, давлат ҳам, уммат ҳам тушунчалар, миқёслар ва қаноатлар билан таъсирлана оладилару, лекин уларга таъсир ўрказа олмайдилар. Ҳаётда миқёслар, тушунчалар ва қаноатлар талаби билан ҳаракат ва тасарруф қиладилар. Бу мажмуа бир қоидадирки, ундан давлатнинг ҳуқуқий воқеига, миллатнинг эса ижтимоий воқелигига кириб борилади.

Демак, бу тушунчалар, миқёслар ва қаноатларнинг бир манбаи бўлиши шарт. Давлатдаги ва умматдаги таъсир қувватига эга бўлган нарса ўша уммат ва давлатдан бошқа бир нарсадир. У таъсирланувчи эмас, таъсир қилувчидир. У мазкур нарсаларни вужудга келтиришга, марказлаштиришга, ўзгартириш, алмаштириш, ва сақлашга қодир.

Бу ерда халқ орасидан етишиб чиққан мутафаккир шахслар вужудга келтирувчилардир, деган фикр тез хаёлга келади. Натижада хатога йўл қўйилади, қадамлар тойилади. Чунки шахслар шахс деган сифатлари билан вужуд эмасдилар. Уммат эса ўз мажмуида вужуддир. Давлат вужуддир. Уларга фақат боғлаб турувчи омиллардан таркиб топган, вужудлик сифатига эга бўлган, улардан ҳам кучлироқ вужудгина таъсир эта олади. Шахс қанчалар қудратли бўлмасин, вужуд эса қанчалар заиф бўлмасин, шахс вужудга таъсир эта олмайди. Зеро вужудга фақат вужудгина таъсир эта олади. Бир шахсда пайдо бўлган фикр холис шахсий фикр бўлиб қолаверади. У мутафаккир шахсда қаноатга айлангандагина фикрлик сифатидан миқёс ва тушунча сифатига ҳамда фикрлаш тарафидан фикрлаш ва татбиқ этиш тарафига ўтади. Ана шу пайтда фикр фикрлаш майдонидан одамлардаги вужуд кўламига, кейин эса жамиятдаги вужуд кўламига чиқади.

Уларни (тушунчалар, миқёслар ва қаноатларни) ўзгаришга олиб борадиган нарса уларга қатъий ишониш, яъни мутафаккирнинг воқега мувофиқ қатъий тасдиқлашидир. Бунга олиб борадиган йўл эса қайта-қайта қилиш, қаноатлантириш ва татбиқ этишдир. Бу ишлар жамоада ва жамоа билангина ҳосил бўлади. Бу қаноатлантириш ва татбиқ этиш то фикр мана шу жамоанинг ва ундаги ҳар бир кишининг мулкига айлангунга қадар давом этади. Уларнинг ҳаётга қарашларига кириб, уни эгаллаб олади. Тасарруфларига кириб уларни ўнглайди. Унинг ўз ҳокимияти бўлиб бир иқлимга айланадики, унга кириб қолган инсон унинг хусусиятларидан таъсирланади. Шу билан фикрнинг ўзига хос бир вужуди юзага келади. Бу вужуд умматнинг вужудидан эмас. Умматнинг ўзидан бир қисмдир. Демак, бу вужуд уммат вужудидан бошқа бир вужуддир. У давлат вужудининг остида эмас, давлат салтанатининг остида юради.

Бу фикрий вужуд уммат орасида ташкил бўлган ҳизбдир. Демак, умматга ёки давлатга таъсир қилувчи омил мутафаккир шахслар эмас, балки ҳизбдир.

Ҳизб вужуд сифатида давлат вужуди ва уммат вужуди билан курашга киришади ва уни енгади. Бу кураш фикрий кураш, яъни тушунчалар, миқёслар ва қаноатлар курашидир. Шунинг учун ҳам у

умумий алоқаларни ва умумий манфаатларни объект қилиб олади. Чунки у умматнинг ўзини парчалаш, ёки ундаги маълум бир шахсни парчалаш билан эмас, вужуднинг асоси бўлмиш тушунчалар миқёслар ва қаноатларни парчалаш билан умматнинг бузуқ вужудлик сифатини парчалайди. Зеро, у умматнинг шаънини юксалтириш учун ҳаракат қилади, унинг мумтоз вужудини буюклик ва олийлик билан алмаштириш (сари йўналтириш) учун давлатнинг буюклик сифатини ҳам салтанатни парчалаш билан эмас, балки унинг асоси бўлмиш тушунчалар, миқёслар ва қаноатларни парчалаш билан парчалайди. Чунки унинг мавжуд вужудини янги тушунчалар, миқёслар ва қаноатларга асосланган янги вужудга алмаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам ҳизбнинг кураши икки вужудга қаратилган бўлади. Демак, иш айнан шу икки вужудга: ижройи ва ижтимоий вужудга қаратилган бўлади. Демак, иш айнан шу икки вужудга қаратилгандир. Бу қараш бир вужуднинг яна бир вужуд устидаги ҳокимлигидир. Салтанат эгаси ҳам уммат вужудини идора этувчи омил ҳам давлат вужуди эканлиги билан курашнинг кўриниши равшанлашади. Яъни у фақатгина давлат вужудининг ўзидир. Гарчи у моҳиятда иккала вужудга қаратилган бўлса ҳам.

Бу ҳизбий вужуд «Амри маъруф, наҳй мункар» мазуида ишора қилганимиз сиёсий гуруҳнинг ёки сиёсий ҳизбнинг айнан ўзидир. Ўша бобда уни вужудга келтириш мусулмонлар учун фарз деган эдик. Аллоҳ Таолонинг ушбу оятини далил қилиб кўрсатган эдик:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

– „Ораларингизда яхшилик (Ислом)га даъват қиладиган, маъруф-шаръий ишларга буюрадиган ва мункар-ношаръий ишлардан қайтарадиган бир гуруҳ бўлсин. Ана ўшалар зафар топгувчилардир“. [3:104]

Бу ҳизбий вужуд мавжуд бўлмаса, халифаликни тиклашга ҳаракат қилиш учун уни вужудга келтириш вожиб.

Демак, халифаликни тиклаш учун уммат юриши керак бўлган йўл қуйидагилардир:

1. Халқ вужудида, давлат вужудида таъсирланувчи эмас, таъсир этувчи сиёсий ҳизбни барпо қилиш. У давлат ва уммат вужуди билан курашади. Бу кураш давлат ва уммат вужудининг асоси бўлмиш тушунчалар, миқёслар ва қаноатлар мажмуининг курашидир.

2. Мадинада Ислом давлати барпо бўлгунига қадар Пайғамбар ﷺ ва у кишининг ҳизби босиб ўтган босқичларга эргашши билан Пайғамбар ﷺнинг йўлидан бориш.

Бу сиёсий ҳизб мавжуд жамиятда халифалик давлатини тиклашга олиб борадиган йўлни белгилаб олиши шарт. Токи йўлларда адашиб парчаланиб кетмасин. Пайғамбар ﷺнинг йўлларини намуна қилиб олсин. Токи ҳар хил йўллар, фикрлар уни гуруҳларга ажратиб юбормасин.

Ҳавойи нафсларга қул бўлиб қолмасин. Давлатни барпо қилиш учун олиб бораётган ишларида Аллоҳнинг розилигига эришишни асл мақсад қилиб олсин. Шунинг учун ҳам Пайғамбар ﷺнинг йўлларини, давлат барпо қилгунга қадар даъват ишида босиб ўтган босқичларини баён қилишни лозим топдик. Токи ҳаракат қилаётганларнинг олдида йўлнинг белгилари, маълум тармоқлари равшан бўлсин.

## 5. Пайғамбар ﷺнинг давлат барпо қилишда тутган йўллари

Аллоҳ Таоло Муҳаммад ﷺни ҳамма одамларга элчи қилиб танлаб, У кишига ваҳй юборди. Аллоҳ Таоло айтади:

يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ ﴿١﴾ قُمْ فَأَنْذِرْ ﴿٢﴾ وَرَبِّكَ فَكَبِيرٌ ﴿٣﴾ وَيَا بَا بَكَ فَطَهِّرْ ﴿٤﴾ ﴿١﴾

– „Эй либосларга бурканиб олган Зот. Туринг-да, инсонларни охират азобидан огоҳлантиринг! Ёлғиз парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг!“ [74:1-4] каби Қуръон оятларини у кишига хитоб қила бошлагач, Пайғамбар ﷺ одамларни Аллоҳнинг динига даъват қила бошладилар. У киши ҳақиқатга, Аллоҳнинг ўзига холис ибодат қилишга, яхши амаллар қилиш билан Аллоҳга яқинлашишга, қариндошлар ва мусофирларнинг ҳаққини адо этишга ўзлари учун санам-бутлар қилиб олишган тошларга ибодат қилишни тарк қилишга даъват эта бошладилар. Мушриклар бу тошларни қилаётган фиқсу фужурларимизни кечиради деб ўйлашарди. Кейин у киши одамларга ўзига нозил бўлган оятлар, ҳужжатлар билан хитоб қилдилар:

قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ

– „Эй одамлар, мен Аллоҳнинг сизларга юборилган элчисидирман“. [7:158]

Пайғамбар ﷺ одамларнинг кучлигию кучсизини, бою камбағалини, обрўлигию обрўсизини, эркагию аёлини, каттаю кичигини бирдек даъват этар эдилар. Ҳеч кимни истисно қилмасдилар. Даъват яширин ҳам, ошкора ҳам бўлар эди. Мушриклар ўзларининг эътиқодларини маҳкам ушлаб, санамларига ёпишиб олганларида Пайғамбар ﷺга мана бу оятлар нозил бўлди ва Пайғамбар ﷺ уларни мушрикларга тиловат қилиб берардилар:

قَالَ أَتَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكُمْ شَيْئًا وَلَا يَضُرُّكُمْ ﴿١﴾ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٢﴾

– „(Иброҳим) айтди: „Ахир Аллоҳни қўйиб, сизларга бирор фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга сигинасизларми?! Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сигинаётган бутларингизга ҳам суф! Ахир ақл юргизмайсизларми?!“ [21:66,67]

Улар бу ишларимиз билан ота-боболаримиз йўлидан бораётимиз деб даъво қилганларида, уларга қуйидаги оятни ўқиб берардилар:

لَقَدْ كُنْتُمْ أَنتُمْ وَآبَاؤُكُمْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٥١﴾ ﴿٥٠﴾

– „Дарҳақиқат сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансизлар“.

[21:54]

Қурайш қабиласи у кишининг даъватларини кузата ва текшира бошлади. Ишнинг бошида у кишининг даъватини Варақа ибн Навфал ва Қисс ибн Соидаларнинг гапларидан ортиқча нарса эмас, унинг гаплари донишмандлар ва руҳонийларнинг гапларидан бошқа нарса эмас деб ўйлаганди. Лекин даъват эндиликда, уларнинг эътиқодларига ҳужум қилиб орзу-умидларини нодонлик деб атай бошлади. Натижада даъватга қарши курашиш керак бўлиб қолди. Кейин Пайғамбар ﷺ ва у кишига ишонганларга озор бериш билан тўсқинлик қила бошладилар. У кишига тобе бўлганларнинг аксарияти Қурайшга бас кела олмайдиган заиф ёшлар бўлганлиги сабабли Арқам ибн Абил-Арқам ҳовлисида, одамларнинг кўзларидан йироқ Макка дараларида махфий тарзда улар билан учрашиб турар ва уларни тарбиялар эдилар. Токи у киши тузган янги гуруҳ мушрикларнинг қўли етишдан узоқда паноҳда бўлсин. Улар билан кечалари ёки чошгоҳларда учрашиб, уларга нозил бўлган Қуръон оятларини тиловат қилиб берардилар, вожиб бўлган нарсаларни ўргатардилар. Уларни тарбиялашдан икки ишни кўзлардилар.

1. Уларнинг дилларида эътиқодни кучайтиришни хоҳладилар. Токи эътиқодий фикрлар чуқурлашсин, тушунчалар мустаҳкамлансин-да, ич-ичидан томир отсин. Токи душманлар уни суғуриб ололмасинлар.

2. Улар бошқаларга тушунтира ва қаноатлантира олишга қодир бўлишлари керак эди. Чунки улар бўлажак даъватчилар ва уммат етакчилари эдилар. Шунинг учун ҳам улар англаш, тушуниш ва одамларни Аллоҳнинг динига жалб эта олишга муҳтож эдилар. Пайғамбар ﷺ Маккани бошланғич нуқта қилиб олдилар. Даъватнинг биринчи даврида ундан ташқарига чиқмадилар. Бу давр тарбиялаш даври эди. Саҳобаларнинг сони қирқта атрофига етгунига қадар шундай қилдилар. Буларнинг орасида Умар ибн Хаттоб ва Ҳамза ибн Абдулмутталиблар ҳам бор эди. Аллоҳ Таоло пайғамбарликнинг учинчи йили ўтганидан кейин махфий гуруҳни ошкор қилишга ва парвардигори тарафидан келган буйруқларни очиқ қилишга буюриб, оят нозил қилди:

وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ ﴿٥٢﴾ ﴿٥١﴾ وَأَخْفِضْ جَنَاحَكَ لِمَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٣﴾

﴿٥٢﴾ ﴿٥١﴾ فَإِنْ عَصَوْكَ فَقُلْ إِنَّي بِرِيءٍ مِمَّا تَعْمَلُونَ ﴿٥٤﴾ ﴿٥٣﴾

– „Ва яқин қариндош-уруғларингизни Аллоҳнинг азобидан огоҳлантиринг! Ўзингизга эргашган мўмин бўлган кишилар учун қанотингизни паст тутинг (яъни уларга хуш хулқ билан камтарона муомалада бўлинг)! Бас, агар улар итоатсизлик қилсалар, у ҳолда айтинг: „Албатта мен сизларнинг амалингиздан покдирман“.

[26:214-216]

Аллоҳ Таоло айтади:

فَاَصْدَعْ بِمَا تُؤْمَرُ وَأَعْرِضْ عَنِ الْمُشْرِكِينَ ﴿٤٤﴾ إِنَّا كَفَيْنَاكَ الْمُسْتَهْزِئِينَ ﴿٤٥﴾  
الَّذِينَ يَجْعَلُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ فَسَوْفَ يَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾

– „Бас, сиз ўзингизга буюрилган ишни яъни ҳақ динга даъват этишни очик-ойдин қилинг ва мушриклардан юз ўгилинг! Албатта биз ўзимиз сизни масҳара қилгувчиларни ҳалок этиш учун кифоя қилурмиз. Улар Аллоҳга бошқа илоҳларни шерик қилурлар. Бас, яқинда - қиёмат кунисида бу қилмишларининг оқибатини билиб олурлар.“ [15:94-96]

Кейин Пайғамбар ﷺ саҳобалар билан икки саф бўлиб чиқдилар. Биринчи сафга Умарни, иккинчи сафга Ҳамзани бошлиқ қилиб тайнладилар-да, Қурайш билан рақобатлашиш ва уларга ўзининг янги ҳизби-гуруҳини намойиш этиш учун Арқам ибн Абил-Арқамнинг уйдан Каъба сари юрдилар. Бу билан даъватнинг иккинчи даврини бошладилар. Бу давр жамият билан муносабатга киришиб, мушрикларнинг эътиқоди ва урф-одатлари билан фикрий курашиш, қабилалар ва қабила бошлиқлари билан эса сиёсий курашиш давридир. Пайғамбар ﷺ Маккани даъватни ёйиш нуқтаси қилиб олдилар. Токи саҳобалар эътиқод уларнинг дилларидан жой олганидан кейин жамиятда дастлабки вазифаларни бажаришга киришсинлар. Токи одамлар даъват эгаларини - янги эътиқод эгаларини топиб олсинлар. Токи одамларга улар билан қўшилиш ва фикр алмашиш осон бўлсин. Токи икки эътиқод орасидаги фикрий кураш алангаласинда, сохта эътиқодлар, хато фикрлар, нотўғри тушунчалар тўзиб кетиб, тўғри ва рост тушунчалар эса гуллаб яшнасин. Кейин эса ҳар бир ақлли одам ҳақиқатнинг қаердалигини, садоқатнинг белгиларини англаб олсин. Шунда заиф ҳужжатлар ярамайдиган бўлиб қолади-да, мушрикларнинг эътиқодлари янги эътиқод қаршисида мағлубиятга учрайди.

Биринчи тўқнашув Пайғамбар ﷺ ва амакилари Абу Лаҳаб ўртасида бўлиб ўтди. Пайғамбар ﷺ Сафода туриб Қурайшни номлари билан чақирдилар: «Эй Абдулмуталлиб авлоди, эй Абду Маноф авлоди, эй Тайм авлоди, эй Махзум авлоди, эй Асад авлоди, Аллоҳ Таоло менга яқин қариндошларимни огоҳлантиришимни буюрди. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ демагунлангча сизлар учун бу дунёда фойда, у дунёда насиба олиб беролмайман.

Шунда амакилари Абу Лаҳаб: «Эй қуриб кетгур, шунга бизни тўпладингми?» - деди. Бас, Аллоҳ Таоло унинг ҳақида:

تَبَّتْ يَدَا أَبِي لَهَبٍ وَتَبَّ ﴿١﴾

– „Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай - ҳалок бўлгай! Аниқки, у қуриди - ҳалок бўлди!“ [111:1] оятини нозил қилди.

Мушриклар Пайғамбар ﷺни даъватдан кўп марта қайтардилар. Лекин у киши улар билан рақобатлашдилар, уларнинг ақлларини аҳмоққа чиқардилар. Кейин мушриклар Пайғамбар ﷺнинг амакилари

олдига бориб шикоят қилдилар. Шунда Пайғамбаримиз ўзининг ўша машҳур гапларини айтдилар: «Эй амаки, Аллоҳга қасамки, қуёшни ўнг қўлимга, ойни эса чап қўлимга тутқазиб қўйганларида ҳам бу ишни тарк қилмайман. Аллоҳ мени голиб қилур, ёки унинг йўлида ҳалоқ бўлурман».

Ноумид бўлган мушриклар ифлос, тубан услубларни қўллашга ўтишади. Бу услубларни ёрқин ҳужжат-далиллар қаршисида туролмай абгор бўлган ҳамма замондаги мушриклар қўллайдилар. Улар ташвиқот юргизиб одамлар билан Ислом орасини тўсиб қўймоқчи бўладилар. Улар Пайғамбар ﷺ ни ҳали сеҳргар, ҳали фолбин деб туҳмат қилишарди. Бас, бунга жавобан оятлар нозил бўлди. Аллоҳ Таоло айтади:

إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿٦٩﴾ وَمَا هُوَ بِقَوْلِ شَاعِرٍ قَلِيلًا مَّا تُؤْمِنُونَ ﴿٧٠﴾ وَلَا بِقَوْلِ كَاهِنٍ قَلِيلًا مَّا تَذَكَّرُونَ ﴿٧١﴾ تَنْزِيلٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٧٢﴾

– „У (Қуръон) шак-шубҳасиз улуг пайғамбарнинг (Аллоҳ даргоҳидан келтирган) сўзидир! У бирон шоирнинг сўзи эмасдир. Сизлар (ушбу Қуръон Аллоҳнинг каломи эканига) камдан-кам иймон келтирурсизлар! Ва бирон қоҳин-фолбиннинг сўзи ҳам эмасдир! Сизлар қадан-кам насихат олурсизлар. У барча оламлар парвардигори томонидан нозил қилинган (китобдир)“.

[69:40-43]

Кейин Пайғамбар ﷺ бир ажамий одам билан учрашиб, ундан аввалгиларнинг хабарларини ўрганаётир, чунки унинг гаплари аввалги афсонлардандир, дийишди. Аллоҳ Таоло уларни рад қилиб, оят-ҳужжатлар нозил қилди.

وَلَقَدْ نَعَلْنَا أَنَّهُمْ يَقُولُونَ إِنَّمَا يُعَلِّمُهُ بَشَرٌ لِّسَانُ الَّذِي يُلْحِدُونَ إِلَيْهِ أَعْجَمِيٌّ وَهَذَا لِسَانٌ عَرَبِيٌّ مُّبِينٌ ﴿٧٣﴾

– „Аниқки, Биз уларнинг Қуръонни Муҳаммадга бирон одам ўргатмоқда, - деяётганини билурмиз. Лекин уларнинг бу даъволари пучдир, чунки улар ишора қилаётган одамнинг тили ажамий (яъни арабий эмас), бу Қуръон эса очиқ-равшан арабийдир“.

[16:103]

Кейин улар Қуръонни Муҳаммаднинг ўзи тарафидан дейишди. Шунда Қуръон ўзларининг фасоҳатлигию, балоғатлиги билан фахрланадиган мушрикларни: „Қуръонга ўхшаш нарса яратинглар!“ - деб рақобатлашишга чақирди. Аллоҳ Таоло айтади:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُورَةٍ مِّثْلِهِ وَادْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٧٤﴾ فَإِنْ لَمْ تَفْعَلُوا وَلَنْ تَفْعَلُوا فَأْتُوا النَّارَ الَّتِي وَقُودُهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ ﴿٧٥﴾

– „Агар Биз бандамизга туширган нарсага (Китобга) шубҳангиз бўлса, у ҳолда шунга ўхшаш биргина сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг, агар ростгўй бўлсангиз. Энди агар бундай

*қилолмасангиз, ҳаргиз қилолмайсиз ҳам, у ҳолда одамлар ва тошлар ўтин бўладиган кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан қўрқинглар!*" [2:23,24]

Ташвиқотлардан ҳам ҳеч иш чиқмагач, бугунги кундаги қамашга ўхшаб кетадиган алоқани узиш услубига ўтдилар. Қабилалар мусулмонлар ва уларнинг пайгамбарини ҳимоя этаётганлар билан алоқани узиш васиқасини ёзиб Каъбага осиб қўйдилар. Одамларга улар билан олди-сотди қилиш, қуда бўлиш каби ишларни таъқиқлаб қўйдилар. Бу иш давлатлараро конгрессда қайси бир давлат ёки қайсидир сиёсий ташкилот ёки қайсидир ҳизб билан алоқани узиш учун келишиб олишга ўхшар эди. Мусулмонлар ва Бану Ҳошим қабиласи Абу Толибнинг дарасида икки ёки уч йилгача қамал қилиндилар. Ҳатто очликдан даракларни барглари ейишгача бордилар. Аллоҳнинг иродаси билан қамал муддати тугагач, ундан мусулмонлар янада иймонлироқ, янада Пайгамбар ﷺ га содиқроқ бўлиб чиқдилар. Кейин Қурайш яна бир услубга - азоблаш, қийнаш йўлига ўтди. Улардаги энг охири имконият мана шу эди. Ҳар бир қабила ўзидаги иймонга кирган кишиларни азоблашга киришди. Бу давр - муносабатга киришиш даври - кучсиз мўминлар билан қутирган мушриклар орасидаги узлуксиз кураш давом этгани ҳолда ўн ийлга чўзилди. Унда мўминлар турли ҳил қийноқларни бошдан кечирдилар. Ёсир ва унинг хотини азобга дош баролмай жон таслим қилдилар. Уларнинг ўгли Амморнинг иймони синалди. Билал ва бошқалар турли ҳил тоқат қилиб бўлмайдиган қийноқларга дуч келдилар. Пайгамбар ﷺ саҳобалар билан алоқада бўлиб турар уларни руҳан тайёрлар, шаклантлар ва сабрга ундар эдилар. Саҳобаи киромлар салобатлари, тушунчаларида ва эътиқодларини маҳкам ушлашларида ажойиб бир намуна бўлдилар. Пайгамбар ﷺ улардаги руҳиятни бойитди, ақллари ўсди, етук исломий шахсга айландилар. Ақллари ўрганган нарсаларининг тубигача тушунди, майллари Аллоҳ ва Расулнинг муҳаббатидан бошқа нарсдан бош тортди. Хоҳишлари Пайгамбар ﷺ келтирган нарсага тобе бўлди. Эътиқодларини сақлаб қолиш учун диёрларидан ҳижрат қилдилар. Парвардигорларига содиқ бўлиш учун мол-дунёларини ташлаб кетдилар. Оилаларини ҳам Аллоҳга омонат қўйиб кетдилар. Ҳабашистонга юзланар эканлар, саҳронинг жазирамаси уларни кўйдирар, сочларни оқартирадиган, тоғлар ҳам дош беролмайдиган машаққатлар чекардилар. Мушриклар улардан ўзларини катта олиб, уларга заҳарларини сочиб, макр қиличларини яланғочлар эди. Мусулмонлар биронта ҳам ишни ҳаётдан умид узиб турмай амалга ошира олмас эдилар.

Бу мўминлар ҳаётдан ажраб қолишдан қўрқмас эдилар. Зеро, ҳаётни ато этгучи зот Аллоҳнинг ўзидир. Ундан узгадан талаб ҳам, тамаъ ҳам қилинмайди:

الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا وَهُوَ الْعَزِيزُ الْعَفُورُ ﴿٢٤﴾

– „Эй инсонлар, У сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ яхшироқ амал қилгувчи эканлигингизни имтиҳон этиш учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва мағфиратлидир.“ [67:2]

Мусибатлар хатога олиб бормаслигига, мажбур қилмаслигига, хатолар эса мусибатга олиб бормаслигига, балки Ёлғиз Аллоҳнинг қадарига боғлиқ эканлигига ишонишар, шунинг учун ҳам мушрикларнинг қўрқитишларини назарларига илмас эдилар. Улар чекинмадилар, кочмадилар, тиз чўкмадилар. Исломни қабул қилган кунлариданоқ отабоболарининг эътиқоди бўлган ширкни тарк қилдилар, ҳокимият бу эътиқодни ҳимоя қилар ва унга қарши чиқишни ҳал қилувчи ҳукм деб эътибор қиларди.

Эътиқоддан қайтган кимсани яна эътиқодга қайтариш вожиб, қайтмаса ўлдирилади. Мусулмон Исломни қабул қилишнинг баҳосини ўлим деб ҳисоблайди. У энг биринчи кунданоқ ўзини келгусида янги эътиқод йўлида йўлиқажак машаққатларни кўтаришга тайёрлайди. Пайғамбар ﷺ уларнинг тарбияларига кўз-қулоқ бўлиб турар, уларни улуг савобдан умидлантирар, Аллоҳнинг ёрдам бериши ва динни ғолиб қилиши ҳақида хабар берардилар. Шунда уларнинг диллари орзу-умидлар билан тўлиб тошарди. Қуръон Пайғамбар ﷺ га ҳодисаларга мувофиқ тарзда манба бўлиб нозил қилинарди. Қай бир ҳодиса ҳақида бир сура тушса уни мўминлар тўла тушуниб, ёдлаб, завқ-шавқ билан қабул қилардилар. Сурада келган ҳамма ҳукмларга амал қилардилар. Уларни қийнаётган бирор иш хусусида оят нозил бўлиб уни ҳал қилиб берса, иймонлари янгиланар эди. Улар узлуксиз душман билан курашар эдилар. Бу таълимлардан ташқари саҳобалар нозил бўлган Қуръон оятларини кеча-кундуз ўрганар, уларни ҳаёт воқеида ижро этар эдилар. Амалий жиҳат уларнинг эътиқодларига қувват, курашларига салобат бағишлар эди. Натижада уларни на бир ҳасадгўйнинг қўрқитуви ва на бир бузуқининг макру ҳийласи йўлдан оздира олар эди. Аллоҳ Таоло айтади:

كَانُوا قَلِيلًا مِّنَ اللَّيْلِ مَا يَهْجَعُونَ ﴿١٧﴾ وَبِالْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَعْفِرُونَ ﴿١٨﴾

– „Улар кечалари озгина фурсатгина кўз юмар эдилар. Ва саҳарларда улар қилган саҳв-хатолари учун Парвардигордан мағфират сўрар эдилар.“ [51:17,18]

Бу даврда ҳам мусулмонлар билан мушриклар ўртасидаги фикрий ва сиёсий кураш давом этди. Мусулмонлар мушрикларнинг эътиқодига ҳужум қилиш, уларнинг худоларини масҳара қилиш билангина кифояланиб қолмай, ўзларининг яқин кунларда ғолиб бўлишларини айтиб, уларга таҳдид қила бошладилар. Абу Бакр билан мушриклар орасида аҳли китоб бўлган Рум билан оташпараст Форс иши хусусида хусумат келиб чиқди. Шунда Рум Форс устидан ғалаба қилган кунда мусулмонларга мушриклар устидан ғалаба қилиш ваъдасини берувчи оят нозил бўлди. Аллоҳ Таоло айтади:

الم ﴿٥١﴾ ﴿٥٢﴾ غَلَبَتِ الرُّومُ ﴿٥٣﴾ ﴿٥٤﴾ فِي أَدْنَى الْأَرْضِ وَهُمْ مِنْ بَعْدِ عَلَيْهِمْ سَيِّغُلُونَ ﴿٥٥﴾ ﴿٥٦﴾ فِي بَضْعِ سِنِينَ لِلَّهِ الْأَمْرُ مِنْ قَبْلُ وَمِنْ بَعْدُ وَيَوْمَئِذٍ يَفْرَحُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿٥٧﴾ ﴿٥٨﴾ بَنَصْرٍ اللَّهُ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿٥٩﴾ ﴿٦٠﴾

– „Алиф, Лом, Мим. Жуда яқин жойда Рум мағлуб бўлди. Лекин улар - яъни румликлар бу мағлубиятларидан сўнг бир неча йил ичида албатта ғалаба қилажаклар. Аввалу охир барча иш Аллоҳнинг измидадир. Ўша қунда мўминлар Аллоҳ румликларни ғолиб қилгани сабабли шодланурлар. Аллоҳ ўзи хоҳлаган кишини ғолиб қилур. У қудратли ва раҳм-шафқатли зотдир“. [30:1-5]

Улар қабила бошлиқлари билан рақобатлашишга киришдилар. Умайя ибн Халаф чириб кетган бир суякни олиб, Пайғамбар ﷺнинг олдига келдида: «Эй Муҳаммад, Парвардигоринг мана шу чириб кетган суякни тирилтиради деб ўйлайсанми?», деди. Шунда у киши: «Ҳа Парвардигорим чириб кетганингдан кейин сени ҳам тирилтириб, сўнг дўзаҳга отади», дедилар. Аллоҳ Таоло пайғамбарининг Қурайш катталари билан муросасозлик қилишига рухсат бермади. Аллоҳ Таоло у кишини Валийд ибн Муғийрага итоат этишдан эҳтиётлантириб, ушбу оятни нозил қилди:

فَلَا تُطِعِ الْمُكَذِّبِينَ ﴿٦١﴾ ﴿٦٢﴾ وَدُّوا لَوْ تُدْهِنُ فَيُدْهِنُونَ ﴿٦٣﴾ ﴿٦٤﴾

– „Бас, эй Муҳаммад, сизнинг ҳақ пайғамбарлигингизни ва Қуръонни ёлгон дегувчи кимсаларга итоат этманг! Улар ўзларига сизнинг кўнгилчанлик муросасозлик қилишингизни истарлар, шунда улар ҳам сизга кўнгилчанлик қилурлар. (Лекин сиз уларнинг бу истакларига бўйсунманг“. [68:8,9]

Бунинг устига Валийдни ҳақорат ҳам қилди:

وَلَا تُطِعْ كُلَّ حَلَّافٍ مَهِينٍ ﴿٦٥﴾ ﴿٦٦﴾ هَمَّازٍ مَشَاءٍ بِنَمِيمٍ ﴿٦٧﴾ ﴿٦٨﴾ مَنَّاعٍ لِلْخَبِيرِ مُعْتَدٍ ﴿٦٩﴾ ﴿٧٠﴾ أُنِيمٍ ﴿٧١﴾ ﴿٧٢﴾

– „Эй Муҳаммад, яна сиз ҳар бир тубан қасамхўр, ғийбатчи-ю, гап ташувчи, яхшилиқни ман қилгувчи-бахил, тажовузкор, гуноҳга ботган, қўпол ва булардан ташқари бенасаб кимсага итоат этманг!“ [68:10-12]

Пайғамбарини уларга ишонишдан ёки улар билан ҳамжиҳат бўлишдан қайтариб деди:

وَإِنْ كَادُوا لَيَفْتِنُونَكَ عَنِ الَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ لِتَفْتَرِيَ عَلَيْنَا غَيْرَهُ وَإِذَا لَا تَأْخُذُوكَ خَلِيلًا ﴿٧٣﴾ ﴿٧٤﴾ وَلَوْلَا أَنْ تَبَتَّكَ لَقَدْ كِدْتَ تَرْكُنُ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿٧٥﴾ ﴿٧٦﴾ إِذَا لَادَقْنَاكَ ضِعْفَ الْحَيَاةِ وَضِعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿٧٧﴾ ﴿٧٨﴾

– „Эй Муҳаммад, мушриклар сизни Бизга қарши ваҳйдан ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун - Биз сизга ваҳй қилган оятлардан алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда яъни уларнинг йўриқларига юрсангиз, сизни дўст қилиб олган бўлур эдилар. Агар Биз сизни ҳақ йўлда собитқадам қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар мойил бўлишигизга оз қолди. У ҳолда албатта Биз сизга дунё азобини ҳам, охират азобини ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирон мададкор топа олмаган бўлур эдингиз“.

[17:73-75]

Бу даврда ҳам мўминларга озор бериш кучайди, мушрикларнинг ғазаблари авж олди. Кимлардир ўлди, айрим мусулмонлар диндан қайтди, Макка жамияти тошга айланди. Пайғамбар ﷺ ни хотинлар Хадича онамиз, амакилари Абу Толиб вафот этдилар. Пайғамбар ﷺ да Қурайш олдин кўрмаган нарсалар содир бўлди: бир кечада Байтул-Мақдисга бордилар, осмонга кўтарилдилар. У кеча мерож кечаси деб ном олди. Қурайшнинг ташвиқоти янада кучайди. Пайғамбар ﷺ қабилалардан ёрдам сўраш ҳақида фикрлай бошладилар. Уларнинг олдиларига бориб, Аллоҳнинг динига - Аллоҳга ва пайғамбарга ишонишга ҳамда Пайғамбар Парвардигорининг амрини одамларга етказиб олиши учун уни қавмидан ҳимоя қилишга даъват этарди. Ҳаж мавсумига келганлар Укоз бозорида ва бошқа жойларда динга даъват этиб, ёрдам сўрардилар. Бу ишни давомий қилардилар. Тоифга бордилар. Бану Омир қабиласига бордилар, араб вакилларининг кўпи билан учрашдилар. Мадинадан келган олти нафар вакил билан учрашганларида, уларнинг раиси иймон келтирди. Кейин улар билан келгуси йилда ҳам учрашдилар. Бу пайтда уларнинг сони 12 киши эди. Уларнинг ҳаммалари иймон келтирдилар, тасдиқладилар, яхши ваъдалар бердилар ва Исломга байъат қилдилар. Мусъаб ибн Умайрни уларга Мадинада Исломни ўргатиши ва даъватни ёйиш учун юбордилар. Ҳатто Саъд ибн Муоз Усайд ибн Ҳузайр, Аъсад ибн Зурора ва бошқа Мадинанинг катталари мусулмон бўлгач, келгуси йилдаги ҳаж мавсумига келиб Мадинанинг Авс ва Хазраж қабиласидан етмиш уч киши ва икки аёлдан иборат вакиллар юбордилар. Улар Пайғамбар ﷺ билан ўзларининг фарзанду аёлларини қандай ҳимоя қилсалар, у кишини ҳам шундай ҳимоя қилишга иккинчи Ақаба байъатини қилдилар. Бу байъат урушига бўлган байъат эди.

Бу даврда хижрат қилинди, мусулмонлар не-не азоблар ва уқубатлар билан ўз ватанларидан чиқдилар. Уларни бундай қилишга Аллоҳга ва Пайғамбарга бўлган муҳаббатлари ундади. Йўл машаққати туфайли қадамларидан, аҳлу-аёл, мол-давлатларидан ажраганликлари туфайли эса дилларидан қон томар эди. Диёрларидан фақат ўлиб қолмагудек озуқа олиб чиққандилар холос. Гоҳида умуман овқат тополмасдилар. Кийимлари титилган, йиртилган, юзлари сарғайган, уларга ер тўшак, осмон эса ёпинчиқ эди. Бутун ер юида улар учун фақатгина бир шаҳар бошпана берарди. Улар ана шу шаҳар томон борардилар. Диллари

иймондош биродарлари билан учрашишга талпинар эди. У биродарлар ўз тақдирларини муҳожирлар тақдири билан боғлаш учун дунёдан алоқасини узган инсонлар эди:

يُحِبُّونَ مَنْ هَاجَرَ إِلَيْهِمْ وَلَا يَجِدُونَ فِي صُدُورِهِمْ حَاجَةً مِمَّا أُوتُوا وَيُؤْتِرُونَ عَلَىٰ  
أَنفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ

– „Мадиналик ансорлар ўзларининг ёнларига ҳижрат қилиб келган кишиларни суярлар ва дилларида уларга яъни муҳожирларга нарсалар сабабли бирон ҳасад туймаслар ҳамда ўзларида қаттиқ муҳтожлик бўлсада ўзларини қўйиб бошқаларни ийсор-ихтиёр қилурлар“. [59:9]

Пайғамбар ﷺ Абу Бакр Сиддиқ билан ҳижрат қилдилар. Бу ҳақда Умар ибн Хаттоб: «Абу Бакрни бир соати Умардан ва Умар оиласидан яхшироқдир», - деган эди. Қурайш уларнинг изидан тушди. Улар Пайғамбар ﷺни ўлдиришга аҳд қилган эдилар, мақсадлари амалга ошмади. Пайғамбар ﷺ тинимсиз йўл юриб, ҳижрат ҳовлисига етиб келдилар. Ансорийлар уларни кутиб олиб у кишига ридоларини тўшашдан аввал қалбларини тўшадилар. Пайғамбар ﷺ муҳаббатни зиёдалаштириш ва иймонни кучайтириш мақсадида муҳожирлар билан ансорларни бир-бирига ака-ука тутинтирдилар. Шундай қилиб улар Аллоҳнинг ҳизбига айландилар. Аллоҳ улар ҳақида шундай дейди:

لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ  
أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُم بِرُوحٍ مِنْهُ  
وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ  
أُولَئِكَ حِزْبُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

– „Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳга ва Пайғамбарига қарши чиқаётган кимсалар билан - гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки ога-инилари ёки қариндош-уруғлари бўлсаларда - дўстлашаётганларини топмасиз. Ана ўшаларнинг дилига Аллоҳ иймонни битиб қўйгандир ва уларни Ўз томонидан бўлган Руҳ - Қуръон билан қувватлантиргандир. У зот уларни остидан дарёлар оқиб турадиган, улар мангу қоладиган жаннатларга киритур. Аллоҳ улардан рози бўлди ва улар ҳам Аллоҳдан - берган ажру мукофотларидан рози бўлдилар. Ана ўшалар Аллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта Аллоҳнинг ҳизби бўлган зотларгина нажот топгувчидирлар“. [58:22]

Пайғамбар ﷺ ўзларига бир масжид қурдилар, у масжид янги барпо бўлган давлатнинг қароргоҳи бўлди. Ундан жиҳодга сафарбар этдилар. Пайғамбарнинг элчилари подшоҳлар, ҳукмдорларга Исломи етказишлари учун юборилар эди. Унда йиғилишлар ўтказилар, намоз ўқилар, вакиллар қабул қилинар эди. Асирлар ҳам бу ерга олиб келинар

эди. Шундай қилиб муносабатга киришиш даври тугаб мусулмонлар ҳокимиятни эгалладилар ва ўз ҳокимиятларига Мадинани марказ қилиб олдилар. Мусулмонлар бошқалар орасидаги алоқаларни қандай тартибга солишни баён қилувчи ҳукм оятлари нозил бўла бошлади. Бугун бу иш давлатлараро алоқалар дейилади. Давлатнинг шакли, жамиятнинг шакли белгиланди. Бутун умматнинг устидаги масъулиятлар баён қилинди. Улар Ислом умматининг Ислом ҳукумларини ижро этиш, Ислом даъватини барча халқ ва миллатларга ёйиш, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш, Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбарининг суннати билан ҳукуматни бошқарадиган бир ҳукумдор сайлаш, амру маъруф ва наҳй мункар олдидаги масъулиятлардир. Бу масъулиятлар оятлар нозил бўлганидан кейин яққол кўринди. Мусулмонлар Аллоҳнинг ваъдасига эришиш учун уларни ҳормай-толмай бажара бошладилар.

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ

– „Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган иймон-эътиқодли зотларни ер юзига халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзига халифа қилишни ваъда қилди“ [24:55]

Кисронинг қасрига юзланиб уни мағлуб қилдилар. Қайсарнинг зебу зийнатларини пуфлаб учириб юбордилар. Уларнинг ишоралари билан санам-бутлар сажда қилдилар. Санамларнинг ҳукмронлиги абадул-абад йўқ бўлди. Қуллик ўрнига ҳурликни, адолатсизлик ўрнига адолатни тикладилар. Шундай қилиб халқлараро юксак мақомни эгалладилар. Улар одамлар учун чиқарилган - яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтарадиган ва Аллоҳга ишонадиган энг яхши уммат бўлдилар. Аллоҳ уларни азиз - кучли қилди. Оламдаги энг биринчи давлатга айландилар. 13 аср мобайнида юксак мақомда бўлиб келдилар. Улуғлик ва азизлик қасрларини қурдилар. Бундай бўлганига ҳеч ким эътироз билдирмайди. Юқорида айтиб ўтилган муҳим масъулиятларни бажара олган ва бажариш учун жонларини тиккан пайтларида шундай бўлдилар. Бу масъулиятларни четга суриб, ўзларига лойиқ мақомдан тушиб, асосий муаммоларга эътибор бермай қўйишгач аста-аста қоқоқлашиб, ҳасад қилишга ҳам арзимайдиган даражага келиб қолдилар. Бирликлар йўқолиб, юртлари бўлак-бўлак бўлиб кетди. Давлати парчаланди, бойликлари тортиб олинди, ҳокимиятни душманлар эгаллаб олди. Фарзандлари бир-бирлари билан урушдилар, қут-барака, файз кетди. Ўтлари кул бўлди, овозлари учди-кетди.

Давлат барпо қилишда Пайғамбар ﷺ тутган йўл мана шу.

1. Маккадаги тарбиялаш даври. Бошланғич нуқта.
2. Муносабатга киришиш даври. Иш бошлаш ва ундан кейинги нуқта. Бу даврда мусулмонлар мушрикларнинг эътиқодлари ва одатлари

билан фикрий, қабила бошлиқлари билан эса сиёсий курашга киришиб, турли хил азоб уқубатларга дучор бўлдилар.

3. Ҳокимиятни қўлга киритиш даври. Мадинада марказлашиш нуқтаси. Исломни ёйиш учун қилинган фатҳлар ҳам шу даврга киради.

Жамиятларнинг бузулганини кўраётган кишиларга уларни ўзгартириш вожибдир. Улар Пайғамбар ﷺнинг йўлини тутсинлар, суннатига эргашсинлар ва билсинлар-ки, бу даврларнинг ҳар бирини босиб ўтиш шаръий ҳукмдир. Тарбиялаш даври ҳам фикрий ва сиёсий курашга киришиш даври ҳам ҳаммаси шаръий ҳукмлардир. Уларнинг далиллари Пайғамбар ﷺнинг қилган ишларидир. Улар тариқат-амалиёт ҳукмларидандир. Чунки бу даврларнинг ҳар бири ўзгариши ва алмашишига қараб ўзгариб бораверадиган услуб-воситалардан эмас, балки ўзгармас тариқатдандир.

## МУСУЛМОНЛАРНИНГ ВОҚЕИ ВА БУ ВОҚЕ ТАҚОЗО ҚИЛАЁТГАН ИШЛАР

Биз яшаётган бугунги воқеа узоқ тарих мобайнида умматимизнинг бошига тушган энг оғир воқеа бўлди. Бу воқеа мўминларни инқилоб қилиш учун ҳаракат қилишга, мухлисларни уйғонишга, ёшларни фидоий бўлишга ундайди. Қандай ҳам ундасин?! Ҳукмдорларнинг тазйиқи қаттиқ. Ҳаммаси бирлашганга ўхшагани билан диллари хилма-хил, фақат хиёнат устида бирлаша оладилар. Ажралганларида ҳам заллат йўлида юрмоқдалар. Қаерда бўлмасинлар Аллоҳдан тақво қилмаётдилар. Бирон кун ҳам унинг ҳукмига итоат этмаётдилар. Шунинг учун ҳам инқилоб қилиш учун ҳаракат қилиш ҳар бир мусулмон учун фарздор. Ҳар бир мусулмон ўзининг воқеидан таъсирланувчи эмас, балки унга таъсир этувчи бўлишга тайёрланиб, уни соғлом воқеага айлантириш учун ҳаракат қилмоғи лозим. У бу воқеани тузганлар ва уни ёқтираётганлар томонидан қаттиқ қаршиликларга ва қийинчиликларга йўлиқшини ҳисобга олиб қўйсин. Чунки улар бу воқеанинг ўзгаришини хоҳламайдилар. Ўзларидаги ҳамма воситаларни ишга солиб, аввалги араблар, хусусан, Қурайш Пайғамбар ﷺ ва у кишининг саҳобаларига қарши турганидек, бу воқеани ўзгартирмоқчи бўлаётганларга қарши турадилар.

Бу бузуқ воқеани сақлаб қолишга уринаётганлар бу воқеага таъсир кўрсатувчиларга эмас, ундан таъсирланувчиларга эътибор бермайдилар. Чунки улар бу воқеани қандай ишлар ўзгартира олишини яхши биладилар.

Бугунги воқеимиз ҳақида Пайғамбар ﷺ хабар бериб, шундай деган эдилар: «Динларингизнинг аввали пайғамбарлик ва раҳматдир. Бас, пайғамбарлик ораларингда Аллоҳ Таоло хоҳлаганича бўлади, сўнг, Аллоҳ Таоло уни кўтаради. Кейин ёвуз подшоҳлик бўлади. Бас, у ораларингда Аллоҳ Таоло хоҳлаганича бўлади, сўнг, Аллоҳ Таоло уни кўтаради. Кейин зўравон подшоҳлик бўлади. Бас, у ораларингда Аллоҳ Таоло хоҳлаганича бўлади. Кейин Аллоҳ Таоло уни кўтаради. Кейин пайғамбарлик йўлига асосланган халифалик бўлади, одамлар орасида у пайғамбарлик суннати билан иш олиб боради. Ерда Исломни маҳкам ушлайди. Ундан осмон аҳолиси ҳам, ер аҳолиси ҳам мамнун бўлади. Осмон бир томчи ҳам олиб қолмай ўзидаги бор нарсани унга тўқади. Ер ҳам ўзидаги бор ўсимликлару бойликларни унга чиқариб беради».

Бу ҳадис бизга мусулмонларнинг келажакда ҳукмдорлари хилма-хил бўлган бир неча даврларни босиб ўтишлари ҳақида хабар бераётди. Шунингдек, у одамлар орасида Пайғамбар ﷺнинг суннати билан иш юритадиган халифалик даври яна қайтажаги ҳақида хушxabар бераётди. Бу нарса халифаликни тиклаш учун ҳаракат қилаётган мусулмонларга ишонч бахш этади. Бу ҳадис билан улар қачон бўлишидан қатъи назар халифалик қайта тикланишига ишонадилар.

1. Пайғамбар ﷺнинг хабар беришларича замонамиз яъни Ислом замони, пайғамбарликдан бошланган. Пайғамбар ﷺ одамларни ўз

ҳидоятлари ва кўрсатмалари билан бошқарар, уларни ишларини идора этар эдилар. У киши бу ишларни ўзларига нозил бўлган ва ваҳй билан қилар эдилар:

إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِتَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ بِمَا أَرَاكَ اللَّهُ وَلَا تَكُنْ لِلْخَائِبِينَ حَصِيمًا ﴿١٠٥﴾

– „Албатта Биз сизга ушбу ҳақ Китобни одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун нозил қилдик. Сиз хоинларни ҳимоя қилгувчи бўлманг“.

[4:105]

Пайғамбар ﷺ бутун ҳаётлари мобайнида одамларга Парвардигорининг рисолатини етказдилар. Уларни тўғри йўлга йўлладилар. Уларга диний ва дунёвий ишларини бошқариш йўлларини ўргатдилар. Мусулмонлар билан биргаликда Аллоҳнинг динини ёйиш учун қўшни мамлакатларни фатҳ этдилар. Шундай қилиб, вафот этгунларига қадар рисолатни етказиб, омонатни адо қилиб, умматни йўлга солиб бўлдилар.

Бу ҳадисда Пайғамбар ﷺ Ҳулафои Рошидинлар замонини раҳмат замони эканлиги хабарини берадилар. Улар ҳақида ўзлари шундай деган эдилар; «Саҳобаларим юлдузлар кабидирлар. Қай бирига эргашсангиз ҳидоят топасиз». Улар ўзларидан кейингилар учун етачки, уларнинг йўлини тутганлар учун эса ҳидоятдирлар. Чунки улар Пайғамбарнинг суннатини маҳкам ушлаганлар. Аллоҳ Таоло ўзининг азиз Китобиди уларни мадҳ этган:

إِنَّ الَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ

– „Эй Муҳаммад, дарҳақиқат, сизга байъат-қасамёд қиладиган зотлар ҳеч шак-шубҳасиз Аллоҳга байъат қилурлар, Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устида бўлур“.

[48:10]

Ҳудайбия кунда ризвон (розилик) байъатини қилганлар ҳам ана ўша саҳобалар эди. Улар ҳақида Аллоҳ Таоло шундай деган:

لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَابَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا ﴿١٨﴾

– „Эй Муҳаммад, дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан - улар дарахт остида сизга байъат қиладиган вақтларида - рози бўлди. Бас, У зот уларнинг дилларидаги нарса (садоқат ва вафони) билиб, уларга сакинатором тушурди ва уларни (Хайбар жангида эришиладиган) яқин ғалаба билан мукофотлади“.

[48:18]

Ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ дегувчи, адолатни ёювчи яхшиликка даъват этувчи ана шундай зотларнинг замонини мусулмонлар учун раҳмат замони деб аталишининг ҳеч қандай ажабланарли ери йўқ. «Эй одамлар, сизларга ҳукмдор бўлдим. Ҳолбуки, мен сизларнинг энг яхшингиз эмасман. Агар яхшилик қилсам менга ёрдам беринглар.

Бордию ёмонлик қилсам мени тўғри йўлга солинглар». Абу Бакр Сиддиқдан бошқа бирор ҳоким ўз фуқаросига шундай деганми? «Аллоҳга қасамки, Ироқ еридаги бир ҳайвон тойилиб кетса ҳам Аллоҳ Таоло кунда кунда нега унинг йўлини тўғрилаб қўймадинг дея сўроққа тутати деб ўйлайман». Умару-л-Форуқдан бошқа яна бирор ҳоким шундай деб айтганми? «Аллоҳнинг мақтул бандаси бўлсанг бўлгину, қотил бандаси бўлмагин». Усмон Зиннурайдан бошқа бирор ҳоким ўзига қарши ноҳақ қўзғалон кўтараётган кимсага шундай деганми? «Ўлимимни аниқ билмагунларингача қотилимни ўлдирманглар». Али (Разияллоҳу анҳу)дан бошқа бирор давлат бошлиғи ўз аъёнларига шундай деганми? Бу зотлар мусулмонлар учун нақадар раҳмат ва нақадар саховат бахш этганларки, ер юзида фитна қўзғалишининг олдини олиш учун ҳеч иккиланмасдан ўлимни қабул қилишгача борганлар. Улардан кейин ҳозирги кунимизга қадар ўшалар каби намуна бўладиган ҳукмдорлар чиқмади. Файбни Аллоҳ билади. Солиҳ бандаларининг эгаси унинг ўзидир.

2. Пайғамбар ﷺ бу зотлардан кейин ёвуз подшоҳлик бўлади деб хабар берадилар. Унда Исломни нотўғри татбиқ қилиш сабабли одамлар зулмга, зўравонликка дучор бўладилар. Айрим фуқароларга уларга берилмаган нафақалар берилмай қўяди, одамлар худбин бўлиб кетадилар. Пайғамбар ﷺ хабар берганларидек ҳада порага айланаб кетади. Бир куни у киши ансорийларга шундай деган эдилар: «Сизлар яқин кунда худбинликларни кўрасизлар». Дедиларки: «Ё Расулаллоҳ бизни нимага буюрасиз?» Айтдиларки: «Сабр қилинглар».

Дарҳақиқат, Ансорийлар хулафои рошидинлардан кейин худбинликка дуч келдилар. Бошқалар улардан муқаддам қилинди - ортиқ кўрилди. Бошқаларга берилди, уларга берилмади. Пайғамбар ﷺнинг буйруқларига биноан сабр қилдилар. Ривоят қилинадики, Муоз ибн Жабал Пайғамбар ﷺнинг шундай деганларини эшитган эканлар: «Модомики, ҳада экан уни олинглар, агар у дин устидаги порага айланса уни олманглар. Сиз уни тарк қилувчи эмассизлар. Бу ишдан сизларни камбағаллик ва муҳтожлик қайтаради».

Пайғамбар ﷺ мусулмонларга келгусида гуруҳ-гуруҳларга ажралиб кетишининг хабарини бериб, жамоага қўшилишни, жабру зулмга йўлиқсалар ҳам итоат этишдан чиқмасликни васият қилганлар. Уларни фитналарнинг орасига қириб қолишдан қайтарганлар. Унинг оқибатидан эҳтиётлангирганлар. Лекин одамлар Ислом соясида фаровон яшадилар. Оламдаги энг биринчи саналган кучли давлат соясида тинчлик хотиржамлик неъматидан баҳраманд бўлдилар. Кейинчалик эса давлатнинг ерлари фирқа-фирқа бўлиб бир неча давлатларга ажралиб кетди, файзи йўқолди, ўти ўчди. Пайғамбар ﷺ хабар берганларидек, бошқа миллатлар унга итдек ташланди. Келгусида ҳамма миллатлар бир бўлиб очкўз юхолар ўз таомларига ташланганларидек ташланадилар. Айтишдики, ўша пайтда бизнинг озлигимиздан бу иш бўладими, ё Расулаллоҳ? Айтдиларки: «Йўқ, кўп бўласизлар, лекин у пайтда сизлар

селнинг қуйқуми каби бўласизлар». Шундай қилиб Ислом давлати парчаланди, Ислом тузуми барбод бўлди.

3. Кофир миллатлар мусулмонларга ҳукмрон бўлиб олиб, уларга зарба бера бошладилар. Уларнинг энг аввалги зарбалари халифаликни парчалаш, кейингиси эса исломий ҳукумат тузумини йўқ қилиш бўлди. Кейин мусулмонларга жиҳодни ваҳшийлик, ўғрининг қўлини кесиш, зинокорга дарра уришни эса инсоннинг улуғлигини хорлаш деб кўрсатдилар. Уларнинг бундан мақсадлари мусулмонларни Ислом ҳукмларидан нафратлантириш эди. Кейин уларга исломий тушунчалар ўрнига миллатчилик ва маҳаллийчиликни экишди. Уларнинг устидан куфр тузуми билан ҳукм юрита бошлашди. Пировардда эса, мусулмонларнинг ўзларидан куфр тузумларини, куфр вужудга келтирган қонунларни, айтилик, Ислом мамлакатларини бир-биридан ажратиб турган чегараларни, мусулмонларга Ислом мамлакатларида бемалол юришни таъқиқлашни муҳофаза этадиган, умматнинг яна қайта бирлашишига йўл қўймайдиган, уни доимо заиф ҳолда ушлаб турадиган арзимас вужудларни муҳофаза этадиган ҳокимларни тайинладилар.

Пайғамбар ﷺ бу давр ҳақида хабар бериб, Каъб ибн Ужрага шундай деган эдилар: «Эй Каъб ибн Ужра, Аллоҳ сенга пасткашларнинг амирлигидан паноҳ берсин. Дедики, пасткашларнинг амири қанақа бўлади? Айтдиларки, мендан кейин менинг йўлимни тутмаган амирлар бўладилар. Уларнинг ёлғонини тасдиқ қилган ва зулм қилишларига ёрдам берган кишилар мендан эмаслар ва мен ҳам улардан эмасман ва улар менинг ҳавзим (Кавсар)га сув ичгани келмайдилар. Уларнинг ёлғонини тасдиқ қилмаган ва зулм қилишларига ёрдам бермаган кишилар эса мандандирлар ва мен ҳам улардандирман ва улар менинг ҳавзимга қайтарилажаклар. Эй Каъб ибн Ужра, рўза қалқондир, садақа хатони ўчиради, намоз эса Аллоҳга яқин бўлишдир (яна бир ривоятда «хужжатдир» дедилар). Эй Каъб ибн Ужра, одамлар икки тоифа йўловчилардир. Ўзини сотиб олиб озод қилувчилар ва ўзини сотиб ҳалок қилувчилардир».

Бу замоннинг ҳукмдорлари Пайғамбар ﷺнинг суннатини тарк қилдилар, ҳидоятларидан узоқлашдилар. Мана энди фалокатлар кўпаймоқда, обрўлар поймол бўлмоқда, судхўрлик қилишга рухсат этилмоқда, зулм авж олмоқда. Аллоҳнинг муқаддас буйруқ ва таъқиқлари оёқ ости қилинмоқда. Пайғамбар ﷺ хабар берганларидек, ҳақир кишилар одамлар устидан ҳукм юритмоқдалар. У киши шундай деган эдилар: «Яқинда одамларга алдамчи йиллар келади. Унда ёлғончи ростгўйга, ҳақгўй эса ёлғончига, хоин ҳалол одамга, софдил-ҳалол инсон эса сотқинга чиқарилади. Унда «рувайбиза» нутқ ирода қилади. Рувайбиза нима? - деб, сўралганда, айтдиларки: Ҳақир киши омманинг иши хусусида гап сотади».

Бу даврда уммат тубанлашди, заифлашди, хор бўлди, тушкунликка тушди, ҳатто яҳудий лашкарлари қаршисида ўзига ва ҳукмдорларига бўлган ишончини йўқотиб, гунг-соқов, сўқир бўлиб туриб қолишгача

борди. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Пайғамбар ﷺ Парвардигоридан ривоят қилиб дейди: «Кимки Мени таниб туриб Менга итоат этмаса, унга Мени танимайдиган ва Мендан қўрқмайдиган кимсани ҳукмдор қилиб қўяман». [Ҳадиси «Қудсий»]

Бошимизга яҳудийларни Аллоҳнинг ўзи олиб келди. Улар Аллоҳнинг наздида мукарам - ҳукматли бўлганликларидан эмас, балки Аллоҳни танимаганликларидан шундай қилди. Токи уларнинг ҳукмдорлиги бешафқат, ноҳақ, хорлаш, зўрлаш, қийнаш бўлиб, бу биз учун дунёдаги жазо бўлсин. Модомики, биз Пайғамбар ﷺнинг суннатидан ва ҳидоятдан йироқ эканмиз, мана шу ҳолатда қолаверамиз. Пайғамбар ﷺ шундай деганлар: «Сизларга Аллоҳнинг Китоби билан ўзимнинг суннатимни қўйиб кетаётирман. Уларни ушласангизлар, ҳеч қачон адашмайсизлар. Агар суннатимни тарк қилсангизлар Аллоҳ устингизга Худодан қўрқмайдиган ва сизларга раҳм қилмайдиган кишини ҳукмрон қилиб қўяди. Суннатимга қайтмагунларингача дилларингдан у кишини хавфи кетмайди».

Модомики, биз учун Пайғамбар ﷺнинг суннатларига қатишдан ўзга йўл қолмаган экан, хўш, бу ҳолда нима қилиб ўтирибмиз? Мусулмонларнинг уйқудан уйғониб сергак тортиб, юзларидаги хорлик ғуборини ювиш, Парвардигорларининг ваъдасини ўйлаб, золим кофирларнинг қўрқитувларига назар писанд қилмаслик, Қуръону Суннатни қайтадан маҳкам ушлаб, уларни ўрганиш, одамларга ўргатиш ва уларни амал қилишга чорлаш фурсати етиб келмадимикин? «Ўз хоҳиши билан гапирмайдиган» пайғамбаримиз буюрганларки: «Келгусида султон билан Қуръон бир-биридан ажраб кетади. Сизлар Қуръондан ажралманглар. Гап шундаки, келгусида сизларга адаштирувчи амирлар ҳукмрон бўлади. Сизларга ҳукм қилмаган нарсаларни ўзларига ҳукм қиладилар. Уларга қарши чиқсангизлар, сизларни ўлдирадилар. Итоат этсангизлар, адаштирадилар. Айтдиларки унда нима қиламиз, Ё Расулаллоҳ? Дедиларки, Исонинг асҳоблари қилган ишни қиласизлар. Улар арралар билан арраланганлар, ёғочга қоқилганлар. Аллоҳга итоат этган ҳолда ўлмоқлик унга итоат этмасдан яшашдан кўра яхшироқдир».

Шунинг учун ҳам қанчалар оғир бўлмасин ишламоқ лозим. Чунки Пайғамбар ﷺ хабар берган даврнинг келишига шак-шубҳа йўқ. Бу давр - амал қилгувчиларга - Исломнинг азизлиги Пайғамбар ﷺ сифатлаган, яъни пайғамбарлик йўлига мосланган, одамлар орасида Пайғамбар суннати билан иш олиб борадиган халифаликни тиклаш билан Ислом ҳаётини қайта барпо қилишга даъват этаётганларнинг қўлларидан бўлишлигининг хушxabарини бераётир. Пайғамбар ﷺ бизга бу даврнинг айнан ҳозирги кунимиздан - зўравон ҳукмдорлик давридан кейин келишининг хабарини берадилар. Лекин унгача ҳали не-не машаққатлар бор. Ва яна хабар берадиларки, мана шу даврда - ҳозирги кунимизда - бир қисм одамлар амри маъруф, наҳй мункар қиладилар. Ўзлари озорларга дучор бўладилар. Мусулмонларнинг аҳволи ҳасад қилинмайдиган даражага етади. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Билмадим,

мендан кейин эрлари кибрдан ҳеч кимни назарга илмай бағри тош бўлиб, хотинлари хусн сотиб таманно бўлиб юрадиган замонда умматимнинг ҳоли не кечар экан? Билмадим, улар икки сафга - бири Аллоҳ учун кундаги бошини тутувчи ва яна бири эса Аллоҳдан бошқага хизмат қилувчи сафларга айланганларида уларнинг ҳоли не кечаркин». Демак, одамлар икки гуруҳ. Биринчи гуруҳ Аллоҳ йўлида бошини кундаги тутганлар. Улар ҳақиқатнинг тарафидан бўлиш, ноҳаққа қарши курашиш йўлида машаққат тортишни кўзлайдилар. Ҳам дунё, ҳам охират азизлигига эришган кимсалар ана ўшалардир. Улар ўз вазифаларини, масъулиятларини англадилар, умматига қайғурдилар. Чунки уларнинг азобларга дош беришлари ё холис Аллоҳ учун, ёки Аллоҳнинг бандалари учун бўлиши керак. Улар холис Аллоҳ учун хизмат қилдилар. Ўзларини ўзлари сотиб олиб озод қилдилар. Дунёга алданмадилар, ундан юз ўгирдилар. Жиддий енг шимариб Аллоҳга юзландилар. Унинг Китобидан ёрдам сўрадилар. Аллоҳнинг ваъдасини ўйлаб, золимларнинг қўрқитувларига назар писанд қилмадилар. Жаннатнинг неъматини ҳаёт манфаатидан устун қўйдилар. Яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтардилар. Рақиблардан чўчимадилар. Аллоҳнинг мададига келгунига қадар мусибатларга сабр қилдилар. Мункар ишга тили билан ҳам, қалби билан ҳам эътироз билдирмайдиган тирик ўлик бўлиб қолишни хошламадилар.

Иккинчи гуруҳ эса дунёга ташланди. Мумкин қадар ундан кўпроқ фойдаланишга интилди. Фақат ўзини ўйлаб, юзаки ҳашамларга учиб, охиратдан ғафлатда қолди. Йиққан нарсаси билан фахрланди, бойлиги билан керилди. Пайғамбар ﷺ бундай кишилар ҳақида шундай деганлар: «Кимки Аллоҳдан бошқани ўйлаган ҳолда (ташвиш қилгани ҳолда) тонг оттирса, у кимса Аллоҳдан эмас. Кимки фақат дунёга берилиб кетса, уни Аллоҳ дунёга топшириб қўяди».

У ҳаётнинг маъноси жасаднинг ҳузурланишлари деб билади. Ҳар бир ишни моддий манфаат тарозуси билан ўлчайди. Бирор манфаатга эришса кўнгли жойига тушади. Бирор нарсадан ажралса кўзига икки дунё - дунё ва охират - қоронғу бўлиб кетади. Бу очиқ мағлубиятдир зиёндр. Бу гуруҳ Аллоҳдан ўзгага хизмат қилувчилардирки, бирор насиба илинжида бандага қул бўлиб, жаннатнинг мангу неъматини дунёнинг ўткинчи фойдасига алмашганлар. Охиратларини ўзгаларнинг дунёсига сотиб юборганлар. Улар ва уларнинг амирлари мағлубдирлар. Улар ўзларини яхши иш қиляпман деб ўйлайдиган нодонлардандирлар. Уларнинг дунёдаги ҳаракатлари адашган.

Бу даврнинг қачон яқунланишини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайди. Негаки биз ҳадисни тушунишимиз асосида ҳозирги давримизни англай оламиз холос. Бу даврнинг қачон яқунланиши, навбатдаги давр қачон келишини билиш имконияти эса бизда йўқ. Лекин тунни узайган, зулмати ҳаммаёқни қоплаган мана шу даврнинг тугагини тезлатиш учун ҳаракат қила оламиз. Бу ишда одамлар Парвардигоридан сабот, қатъият сўраймиз. Унинг розилигини умид қиламиз. Зеро, амал қилувчиларни

мукофотловчи унинг ўзидир. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Ораларингда икки хил мастлик яъни нодонлик ва ҳаётга муҳаббат мастлиги пайдо бўлса, Аллоҳ йўлида жиҳод қилинглр. Ўша кунда зоҳирдаю ботинда Аллоҳнинг Китоби билан бўлганлар аввал ўтган муҳожир ва ансорийлар кибидирлар».

Бу даврни тезроқ тугатиш даъватчиларга боғлиқдир. Чунки инқилоб учун ҳаракат қилаётганлар ана ўшалардир. Агар улар Аллоҳнинг улар учун тайёрлаб қўйган савобини билганларида эди, кечалари ухлмасдилар, кундузлари бепарво бўлмасдилар. Агар қиёмат кунининг даҳшатларидан огоҳ бўлганларида эди бирор соат ҳам сустлик қилмасликка тиришган бўлардилар. Умнатнинг уйғониши йўлида йўлиқажак қийинчиликлардан чўчимас эдилар. Даъватчи азиз, гурурли, нафосатли бўлмоғи лозим. У хорликни билмайди, арзимас нарса учун қаддини букмайди, ўз душманига юқоридан назар ташлайди, чунки у азиз ва ҳикмат эгаси бўлган зотдан мадад олиб туради. Дунёнинг зебу зийнатларига ҳаводу учиб юрадиган ҳазон япроқларига қарагандек қарайди. Кофирнинг шону шавкати назарга илмайди. Чунки кофир ана шу шон-шавкат билан алдангандир. Мусулмон озга қаноат қилади, кўпроққа эришиш учун ўзини хор қилмайди. Ўзининг ҳақ эканлигига ишониш билан қаттиқ машаққатга йўлиқса ҳам дунёдан юқори туради, алданмайди. Шубҳа қалбига киришига йўл қўймайди. Чунки у Парвардигорининг ушбу сўзига ишонади:

وَلَا تَهِنُوا وَلَا تَحْزَنُوا وَأَنْتُمُ الْأَعْلَوْنَ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿١٣٩﴾

– „Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилишдан сусаймангиз ва ғамгин бўлмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, сизлар устундирсизлар“. [3:139]

Даъватчи қилаётган иши қимматга тушишини билади. Унинг давлатига путур етиши, ёки амалдор бўлса, амалидан ҳайдалиши, ёки савдогар бўлса, қамалиб қолиб, тижорати тўхтаб қолиши, ёки деҳқон бўлса деҳқончилигига зиён бўлиши, ёки даъватига тўсқинлик қилаётганлардан озорланиши, уларнинг ёмонлигидан доимо хавфланиб туриши мумкин. Гоҳида эса ўзи ҳам ҳалок бўлиши мумкин. У ҳақиқатни қабул қилган кунидан бошлаб, душманларининг моддий жиҳатдан қувватли эканини, ўзидаги имкониятларнинг заифлигини англайди. Илло унда ҳақиқатга ишониш қуввати мавжуддир. Бу бир таянч ва манбадирки, бошланиш ундандир, тугалланиш унгадир. У Аллоҳ Таолонинг ушба оятини англаган кунидан бошлаб бу имтиҳонни кутади:

وَلَنْبَلُوكُمُ بَشِيئًا مِّنَ الْخُوفِ وَالْجُوعِ وَنَقْصٍ مِّنَ الْأَمْوَالِ وَالْأَنْفُسِ وَالثَّمَرَاتِ وَبَشِّرِ الصَّابِرِينَ ﴿١٥٤﴾ الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمُ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ ﴿١٥٥﴾

– „Ва албатта сизларни хавф-хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайитириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирорта

мусибат келганда: „Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз у зотга қайтгувчимиз“, дейдиган сабр бардошлиларга хушхабар беринг (Эй Муҳаммад)“. [2:155,156]

Даъват фитналарга - озорларга йўлиққан, тўғри йўлни ушлаган ва бу ишда ўзидан кейингиларга намуна қолдириб кетгун улуг кишиларнинг таржимаи ҳолларини билади. Уларнинг қўлларида ўзларидан озорни даф қиладиган ҳеч вақо йўқ эди. Фақат Парвардигорларининг қадарига таслим бўлдилар. Унга чин дилдан суюндилар ва чин дилдан таваккул қилдилар. Туришларининг ўзи шундай дерди:

وَمَا لَنَا أَلَّا نَتَوَكَّلَ عَلَى اللَّهِ وَقَدْ هَدَانَا سُبُلَنَا وَلَنَصْبِرَنَّ عَلَى مَا آذَيْتُمُونَا وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ ﴿١٥٦﴾

– „Ахир бизни тўғри йўлимизга ҳидоят қилган Аллоҳга нечун таваккул қилмаймиз. Албатта биз сизлар етказган озорларга сабр қилурмиз. Таваккул қилгувчилар ёлғиз Аллоҳга таваккул қилсинлар“. [14:12]

У - «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад унинг элчиси», - деб гувоҳлик берганидан бошлаб, Аллоҳ билан боғланмайдиган ҳар қандай дўстликдан узилади. Гўё унинг гувоҳлик бериши Аллоҳга қуллик қилиш билан эгилмайдиган, Аллоҳнинг пайғамбарига нозил қилган нарсаси билан ҳукм юритмайдиган ҳар бир кимсага қарши бир қўзғолондек эди. Мана шу маънодаги гувоҳлик бериш мўминнинг яхши амаллари палласига қўйилса, унинг ҳар қана кўп гуноҳлари бўлсин, ҳаммасини босиб кетади. Бу билан у ўзида шундай ҳақиқатни мужассамлаштираётирки ҳеч бир ноҳақлик уни енголмайди. Ва шундай қувватга эга бўлаётирки, у заифлашмайди ва енгилмайди.

У Аллоҳ йўлида фидо бўлишнинг тимсолидир. Кўрадики агар дунё охиратга қиёс қилинса, арзимас, ҳақир бир нарса бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам у ҳаётини дунёга қурбон қилмайди. Чунки у бу ҳаётдан кейин яхшироқ ҳаётга йўлланишини билади.

وَلَلْآخِرَةُ خَيْرٌ لَّكَ مِنَ الْأُولَى ﴿٩٣﴾

– „Албатта охират сиз учун дунёдан яхшироқдир“. [93:4]

Ердаги кофирлар ва бузуқилар назар ташлаб, иймони билан улардан ўзини юқори тутати. Гарчи зоҳирда у заиф ва фақир бўлиб, улар эса кучли, бой, обрўли ва салтанатли бўлсаларда. Чунки улар ўладилар. У эса шаҳид бўлиб ҳузур қилади:

لَا يَغُرَّتْكَ تَقَلُّبُ الَّذِينَ كَفَرُوا فِي الْبِلَادِ ﴿٩٤﴾ مَتَاعٌ قَلِيلٌ ثُمَّ مَاؤَاهُمْ جَهَنَّمُ وَبِئْسَ الْمِهَادُ ﴿٩٥﴾ لَكِنِ الَّذِينَ اتَّقَوْا رَبَّهُمْ لَهُمْ جَنَّاتٌ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا نُزُلًا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ وَمَا عِنْدَ اللَّهِ خَيْرٌ لِلْآبِرَارِ ﴿٩٦﴾

– „Сизни динсиз кишиларнинг шаҳарларда кезишлари алдаб қўймасин. Бу елиб югуриш, голибона кезишлар арзимас матодир. Сўнгра жойлари жаҳаннам бўлгай! Нақадар ёмон жой у! Аммо Парвардигорларидан қўрққан зотлар учун Аллоҳ ҳузуридан зиёфат бўлмиш - тагларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар - жаннатлар бордирки, улар бу боғларда абадий қолажақлар. Яхшилар учун Аллоҳ ҳузуридаги нарса яъни савоб-ажрлар динсизларнинг вақтинчалик кайф сафоларидан афзалроқдир“.

[3:196-198]

Мусулмон қаерда ва қай аҳволда бўлмасин даъватчидир. Парвардигори унга шундай бўлишни фарз қилди. Даъвати учун унга охиратда ажр бордир. У даъват ишида садоқатлидир. Даъват туфайли йўлиқадиган машаққатларга сабр қилади. Даъват учун ҳеч кимдан мукофот кутмайди, ҳеч кимга миннат ҳам қилмайди. Аллоҳ учун қилади. Балки уни шу йўлга солиб қўйгани учун Аллоҳнинг ўзи унга миннат қилади. Даъват ишини жондан оиладан мол-давлатдан ва ватандан юқори қўймоқ лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

قُلْ إِنْ كَانَ آبَاؤُكُمْ وَأَبْنَاؤُكُمْ وَإِخْوَانُكُمْ وَأَزْوَاجُكُمْ وَعَشِيرَتُكُمْ وَأَمْوَالٌ اقْتَرَفْتُمُوهَا وَتِجَارَةٌ تَخْشَوْنَ كَسَادَهَا وَمَسَاكِينُ تَرْضَوْنَهَا أَحَبَّ إِلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ وَجِهَادٍ فِي سَبِيلِهِ فَتَرَبَّصُوا حَتَّى يَأْتِيَ اللَّهُ بِأَمْرِهِ وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْفَاسِقِينَ ﴿١٠٦﴾

– „Эй Муҳаммад айтинг: „Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишдан қўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан суюклироқ бўлса у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини яъни азобини келтиргунича кутиб тураверингиз. Аллоҳ итоатсиз қавмни ҳидоят қилмас“.

[9:24]

Даъватнинг манфаати даъватчининг ўз манфаатларидан, жонидан, молу давлатидан устун турмоғи лозим. Даъватчилар ниятлари ва амалларни холис Аллоҳ учун қилсинлар. Шунда уларнинг яхши амаллари кўпайиб, золимларнинг зулми уларнинг йўлларидан қайтара олмайди. Галабанинг кечикиши уларни сусайтирмайди. Саҳобалар Пайғамбар ﷺнинг олдиларига арз қилиб келиб: «Биз учун ҳам бир ёрдам сўрамайсизми, бизнинг ҳаққимизга ҳам дуо қилмайсизми ё Расулаллоҳ?» - деганларида, у киши шундай деб жавоб қилдилар: «Сизлардан аввалгилардан бир кишини ушлаб келинарди. Кейин ер қазилиб, унга кўмиларди. Кейин арра олиб келиниб, бошидан солинардида, уни иккига ажратиларди. Гўшту суюқларигача темир таёқлар билан тараларди. Мана шу ишлар ҳам уни динидан қайтармасди. Аллоҳга қасамки, албатта Аллоҳ Таоло бу ишни охирига етказгай. Ҳатто отлиқ Санъодан Ҳазрамавтгача ҳеч кимдан қўрқмай, фақат Аллоҳдангина қўрққан ҳолида

бемалол юриб боргай. Қўйлари туфайли бўридангина кўрқади. Лекин сизлар шошилаётирсизлар».

Даъват ишидаги садоқат даъватчидан ишнинг унумсиз ёки унумли кетувидан қатъий назар ўз вазифасини барқарорлик билан адо этишини тақозо қилади. Чунки одамларни ҳидоятга ёки залолатга юритиш унинг қўлидан келмайди.

قَالَ رَبِّ إِنِّي دَعَوْتُ قَوْمِي لَيْلًا وَنَهَارًا ﴿١٥٦﴾ فَلَمْ يَزِدْهُمْ دُعَائِي إِلَّا فِرَارًا ﴿١٥٧﴾ وَإِنِّي كُلَّمَا دَعَوْتُهُمْ لِتَغْفِرَ لَهُمْ جَعَلُوا أَصَابِعَهُمْ فِي آذَانِهِمْ وَاسْتَعْشَوْا ثِيَابَهُمْ وَأَصْرُوا ﴿١٥٨﴾ وَاسْتَكْبَرُوا اسْتِكْبَارًا ﴿١٥٩﴾

– „(Нух алайҳиссаломнинг даъватлари қавмига кор қилмагач), у деди: „Парвардигорим, албатта мен қавмимни кеча-кундуз иймон эътиқодга даъват этдим, аммо менинг даъватим уларга фақат иймондан қочишни зиёда қилди, холос. Дарвоқе, ҳар қачон мен уларни мағфиратингга сабаб бўладиган дин йўлига даъват қилсам, улар менинг сўзларимни эшитмаслик учун бармоқларини қулоқларига тиқиб, мени кўрмаслик учун кийимларини юзу кўзларига ўраб-чирмаб олдилар ва ўз куфрларида оёқ тираб турдилар ҳамда менга итоат этишдан бош тортиб кибру ҳаво қилдилар“.

[71:5-7]

Яна Аллоҳ Таоло айтади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ فَلَبِثَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ إِلَّا خَمْسِينَ عَامًا فَأَخَذَهُمُ الطُّوفَانُ وَهُمْ ظَالِمُونَ ﴿١٥١﴾ فَأَنْجَيْنَاهُ وَأَصْحَابَ السَّفِينَةِ وَجَعَلْنَاهَا آيَةً لِلْعَالَمِينَ ﴿١٥٢﴾

– „Аниқки, Биз Нухни ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. Бас уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди, аммо улар иймон келтирмадилар, бас, уларни - золим-кофир бўлган ҳолларида - тўфон балоси тутди. Сўнг Биз Нухга ва кемадаги ҳамроҳларига нажот бердик ва у тўфон балосини барча одамларга оят-ибрат қилиб қўйдик“.

[29:14,15]

Даъватчи қарши турувчиларнинг қаттиқлиги ёки бепарво бўлишларига эътибор бермайди. Ҳубайбни Қурайшга кўришиб турадиган бир жойга осиш учун олиб келдилар. Бундай иш сал илгари Зайд ибн Даснанинг бошидан ҳам ўтган эди. Ҳубайб зўравон золимлардан шафқат кутмайди. У ёлғиз бутун оламнинг Парвардигорига юзланди.

Даъват ишида сабр қилиш эътиқодни ҳаётдан афзал билишни тақозо қилади. Мана, Фиръавннинг сеҳргарлари дилларига иймон киргани заҳоти Фиръавнга куфр келтирдилар. Унинг ҳамма зебу зийнатлари, ўйин-кулгуларини тарк этиб турли хил азобларга ўзларини тутдилар. Аллоҳ Таоло уларнинг золим Фиръавн билан бўлган мунозараларини сифатлаб деди:

فَأَلْقَى السَّحْرَةَ سُجَّدًا قَالُوا آمَنَّا بِرَبِّ هَارُونَ وَمُوسَى ﴿٧٦﴾ ﴿٧٧﴾ قَالَ آمَنْتُمْ لَهُ قَبْلَ أَنْ  
 آذَنَ لَكُمْ إِنَّهُ لَكَبِيرُكُمُ الَّذِي عَلَّمَكُمُ السِّحْرَ فَلَا تُقِطْعَنَّ أَيْدِيكُمْ وَأَرْجُلُكُمْ مِنْ خِلَافٍ  
 وَلَا صَلِّبَنَّكُمْ فِي جُدُوعِ النَّخْلِ وَلَتَعْلَمَنَّ أَنَّنَا أَشَدُّ عَذَابًا وَأَبْقَى ﴿٧٨﴾ ﴿٧٩﴾ قَالُوا لَنْ نُؤْيِرَكَ  
 عَلَى مَا جَاءَنَا مِنَ الْبَيِّنَاتِ وَالَّذِي فَطَرَنَا فَاقْضِ مَا أَنْتَ قَاضٍ إِنَّمَا تَقْضِي هَذِهِ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا  
 ﴿٨٠﴾ ﴿٨١﴾ إِنَّا آمَنَّا بِرَبِّنَا لِيَغْفِرَ لَنَا خَطَايَانَا وَمَا أَكْرَهْتَنَا عَلَيْهِ مِنَ السِّحْرِ وَاللَّهُ خَيْرٌ وَأَبْقَى  
 ﴿٨٢﴾ ﴿٨٣﴾

– „(Мусо асосини ташлагач, сеҳргарларнинг ясаган нарсаларини ҳаммасини ютиб юборди). Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташланиб: „Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига иймон келтирдик“, - дедилар. Фиръавн айтди: „Унга мен изн бермай туриб, иймон келтирдингизми?! Шак-шубҳасиз, у сизларга сеҳр ўргатган каттангиздир. Бас, энди мен албатта оёқ қўлларингизни қарама-қаршисига (ўнг қўл ва чап оёгингизни, ёки аксинча) кесурман ва сизларни хурмо шохларига осурман, ана ўшанда қайсимизнинг (менинг ёки Мусонинг Худоси) азоби қаттиқроқ ва узоқроқ эканини билиб олрусизлар“. Улар дедилар: „Бизлар ҳаргиз ўзимизга келган очиқ ҳужжат-муъжизани ва бизларни яратган Зотни қўйиб, сени танламаймиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер, сен фақат мана шу дунёдагина ҳукм қилурсан. Бизлар эса хатоларимизни ва сен бизларни мажбур қилган сеҳргарликдан иборат гуноҳларимизни мағфират этиши учун Пвардигоримизга иймон келтирдик. Аллоҳнинг савоби яхшироқ ва азоби узоқроқдир“. [20:70-73]

Эътиқод ишида сабр қилиш натижаларга парво қилмасдан, вазифани адо этаверишни тақозо қилади. Чунки натижалар Аллоҳнинг қўлидадир. Гоҳида даъватчи ғалабага эришмаган ҳолда дунёдан ўтади, гоҳида эса ҳаётлигида ўз қўли билан ғалабага эришиб, унинг меваларини теради. Гоҳида эса ғалабага бошқаларнинг қўли билан эришилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эътиқодда барқарор туриш ғалабадир. Золимлар қўлида ўлиш эътиқоднинг ҳаёт устидан ғалаба қилишидир. Бу ўлим даъватчиларнинг гуноҳкор зўравонларнинг талабига юрмаганлигига ва улар қўйган тузоққа илинмаганлигига далилдир. Бу билан у Аллоҳнинг розилигига эришди. Даъватчининг энг олий мақсади ҳам ўзи мана шу. Даъватчи ҳатто энг оддий ўлим билан кетса ҳам, аҳди ва ваъдасига барқарор ҳолатда кетган бўлади.

Даъватчи одамларни ҳидоятга даъват этар экан, уларга савобнинг хушxabарини етказди. Уларни залолатдан қайтаради. Азобдан огоҳлантиради. Буларнинг ҳаммасида Пайғамбарнинг йўлини тутди. Улардан озорлар кўрса ҳам, тўғри йўлга йўналишларига ташна бўлади. Уларнинг ҳидоятланишларини орзу қилар экан, уларга ҳикмат ва чиройли насихатлар билан хитоб қилади. Одамларни Аллоҳнинг динидан

тўсаётган зўравонлар билан ҳам ўзига яраша муомала қилади. Аллоҳ Таоло айтади:

كَذَّبَتْ عَادَ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٣٦﴾ إِذْ قَالَ لَهُمُ أَخُوهُمْ هُودٌ أَلَا تَتَّقُونَ ﴿١٣٧﴾ إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٣٨﴾ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا عَمْرِي ﴿١٣٩﴾ وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٤٠﴾ أَتَيْتُونَ بِكُلِّ رِيحٍ آيَةً تَعْبَثُونَ ﴿١٤١﴾ وَتَتَّخِذُونَ مَصَانِعَ لَعَلَّكُمْ تَخْلُدُونَ ﴿١٤٢﴾ وَإِذَا بَطِشْتُمْ بَطِشْتُمْ جَبَّارِينَ ﴿١٤٣﴾ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا عَمْرِي ﴿١٤٤﴾ وَاتَّقُوا الَّذِي أَمَدَّكُمْ بِمَا تَعْمُونَ ﴿١٤٥﴾ أَمَدَّكُمْ بِأَنْعَامٍ وَبَنِينَ ﴿١٤٦﴾ وَجَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿١٤٧﴾ إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٤٨﴾ قَالُوا سَوَاءٌ عَلَيْنَا أَوَعَظْتَ أَمْ لَمْ تَكُنْ مِنَ الْوَاعِظِينَ ﴿١٤٩﴾ إِنْ هَذَا إِلَّا خُلُقُ الْأَوَّلِينَ ﴿١٥٠﴾ وَمَا نَحْنُ بِمُعَذَّبِينَ ﴿١٥١﴾

- „Од қабиласи пайғамбарларни ёлғончи қилди. Ўшанда уларга биродарлари Худ айтган эди: „Аллоҳ қўрқмайсизларми?! Албатта мен сиз учун ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! Мен бунинг учун сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат барча оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. Сизлар ҳар бир тепаликка ўйин кулгу учун бир белги - баланд бино қураверасизларми? Ва гўё мангу яшаб қоладигандек қаср-саройлар соласизларми?! Қачон бирон кишини жазолаш учун ушласангизлар бераҳмларча ушлайсизлар! Бас, Аллоҳан қўрқинглар ва менга итоат этинглар! Ва сизларни ўзларингиз биладиган неъматлар билан сийлаган қўллаган зотдан - Аллоҳдан қўрқингиз! У сизларни чорва ҳайвонлари, ўғиллар, боғлар ва булоқлар билан қўллайдикун! Албатта мен сизларнинг устингизга Улуғ Қун-Қиёматнинг азоби тушишидан қўрқурман“. Улар дедилар: „Сенинг ваъз-насиҳат қилишинг ёки ваъз қилувчилардан бўлмаслигинг бизлар учун барибирдир. (яъни бизларга панд-насиҳат қилиб овора бўлма). Албатта бу аввалгилардан қолган одатдир. (яъни айшу ишратга берилиб умр ўтказиш). Бизлар азобланувчи эмасмиз“.

[26:123-138]

Даъватчилар дилларини соф қилиб ишлашга ва фидо бўлишга қасд қилиб, Аллоҳнинг Китобидан мадад сўраб, Пайғамбарининг йўлини тутиб, душманнинг қўрқитувларидан чўчимасдан, Парвардигорининг ваъдасига аниқ ишониб, кейин Аллоҳдан мадад сўрасалар Аллоҳ уларга ёрдам бергай, қадамларини барқарор қилгай, уларга берган ваъдасига вафо қилгай.

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ  
الَّذِينَ مِن قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَىٰ لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُم مِّن بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا  
يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَن كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ ﴿٢٤:٥٥﴾

– „Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга ҳудди илгари ўтган иймон эътиқодли зотларни ер юзига халифа-ҳукмрон қилганидек, уларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун ўзи рози бўлган Ислом динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг аҳволини, Маккада кўрган хавфу хатарлардан сўнғ Мадинада тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар. Ким мана шу ваъдадан кейин куфрони неъмат қилса, бас, улар итоатсиз кишилардир“.

[24:55]

Янги маданиятдан орқада қолган, халқлараро юқори мавқеидан тушган умматнинг уйғониш йўли мана шу. Аллоҳ Таоло мусулмонларга вожиб қилган умумий масъулиятлар мана шу. Ислом оламидаги айрим мамлакатлар аввалда бош тортган бўлсаларда, энди чўчиб эмас, қизиқиб келмоқдалар. Чунки улар бугунги кунда моддага очкўз бўлиб, итдек ташлашиб, хотиржамликни йўқотганлар. Шунинг учун ҳам ўзларини модда ва ундаги фалокатдан қутқариш учун ахлоқий, инсоний ва маънавий қийматларни изламоқдалар.

Мусулмонларда инқилоб учун ҳаракат қилишдан бошқа йўл йўқ. Чунки инқилоб учун ҳаракат қилмай туриб, бу аччиқ, бузуқ воқеадан чиқиш амри маҳол. Инқилоб жамиятимизда бўлишидан аввал дилларимизда бўлмоғи лозим. Пайғамбаримиз ﷺ хабар берганларки, Парвардигоримизнинг Китобига қайтиб, Пайғамбаримизнинг Суннатини маҳкам ушлаб, гуноҳлардан узоқлашиб, итоат қилишга яқинлашганимиздагина жамиятимизда инқилоб имконияти туғилади. Аммо модомики, биз гуноҳларга муккамиздан кетиб, залолат ва жаҳолат чоҳида қолаверар эканмиз, инқилобни тушимизда ҳам кўрмаймиз.

Аллоҳ Таоло Пайғамбар ﷺга айтади: «Қайси бир қишлоқ аҳли, қайси бир хонадон, қайси бир саҳродаги киши Мен яхши кўрадиган иш бўлмиш Менга итоат қилиш билан бўлсалару, кейин ундан Мен ёмон кўрадиган иш бўлмиш Менга осийлик қилишга ўтсалар, уларни ўзлари яхши кўрадиган иш бўлмиш ўз раҳматимдан улар ёмон кўрадиган иш бўлмиш азобимга бураман. Қайси бир қишлоқ аҳли, қайси бир хонадон, қайси бир саҳродаги киши Мен ёмон кўрадиган иш бўлмиш Менга осийлик қилиш билан бўлсалар, кейин ундан Мен яхши кўрадиган иш бўлмиш Менга итоат қилишга ўтсалар, уларни ўзлари ёмон кўрадиган иш бўлмиш азобимдан улар яхши кўрадиган иш бўлмиш раҳматимга бураман». [Ҳадиси «Қудсий»]

Демак, ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва хонадонда инқилоб учун ҳаракат қилинмоғи лозим. Токи итоатга ўтиш умумий бўлсин, инқилобга

мойиллик умумий бўлсин. Демак, амри маъруф, наҳй мункар ва яхшиликка яъни Исломга даъват этиш мусулмонларнинг энг оддий, одатий ишларидан экан. Мана шу энг оддий, одатий иш бажарилгандагина Аллоҳ уларнинг ишларини энгиллаштириб, дуоларини ижобат этар экан. Чунки амри маъруф, наҳй мункар иши бўлмаса Аллоҳ дуони ижобат қилмайди. Пайғамбар ﷺ айтадилар: «Жоним Унинг қўлида бўлган У зотга қасамки, ё сизлар амри маъруф, наҳй манкарни сўзсиз бажарасизлар, ё Аллоҳнинг ўзи тарафидан сизларга бир азоб юбориш эҳтимоли муқаррардир. Кейин унга дуо қилганларингизда дуоларингиз ижобат бўлмайди».

Агар мусулмонлар мана шу ҳадисни англаганларида эди, узоқ йиллар дуолари мустажоб бўлмаганлигининг сабабини, яъни амри маъруф ва наҳй мункарни четга суриш дуонинг мустажоб бўлмаслигига олиб келишини билиб олган бўлардилар. Яна шуни ҳам билиб олган бўлардиларки, амри маъруф, наҳй мункар ишини қилмаган ҳолда Аллоҳдан галаба сўраш душманга қарши урушга чиқмай туриб галаба сўраш билан баробардир. Шунингдек, умумий вазиятларни ўзгартириш учун аввало дилни ўзгартирмоқ лозим. Буни Аллоҳ Таоло ўзининг азиз Китобида таъкидлаб шундай дейди:

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّى يُغَيِّرُوا مَا بِأَنْفُسِهِمْ

- „Аниққи бирон қавм то ўзларидаги ҳолатларни ўзлари ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас“. [13:11]

Мусулмон умматни Аллоҳ Таоло миллатлар орасида ўртада турувчи (воситачи) уммат қилди. Унга адашган инсониятни даъват этиш вазифасини юклади. Хўш нега энди бу уммат ўнглинишни ўзидан бошламаслиги керак? Ахир Аллоҳ Таоло Пайғамбарининг тилидан амал қилувчиларига улуг савобни ва аниқ галабани ваъда қилганку! Пайғамбар ﷺ айтадиларки: «Қиёмат кунда иймонлари ажойиб бўлган бир қавм келади. Уларнинг олдиларида нурлар юради. Уларга: «Бу кун сизлар учун хурсандчилик кунидир. Сизларга саломатлик бўлсин. Хуш келибсизлар. Жаннатга кириңлар, абадий яшайсизлар», - дейилади. Аллоҳ Таоло уларни шундай яхши кўрадики, ҳатто пайғамбарлар ва фаришталар ҳам уларга ҳавас қилади». Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, улар кимлар», - деб сўрадилар. Айтдиларки: «Улар биздан ҳам, сизлардан ҳам эмаслар. Сизлар саҳобаларимдирсизлар, улар ҳабибларимдирлар. Улар сизлардан кейин келадилар. Одамлар бекор ташлаб қўйган Қуръонни ва ишдан чиқарган Суннатни топадилар. Кейин эса Китобу Суннатга бор вужудлари билан талпиниб келиб, уларни тирилтирарлар, ўзлари ўқийдилар ва одамларга ўргатадилар. Бу йўлда сиздан ҳам қаттиқроқ ва машаққатлироқ азобга дуч келурлар. Улардан бирининг иймони сизлардан қирқтангизнинг иймони билан баробардир. Улардаги битта шаҳид сизлардаги қирқта шаҳид билан баробардир. Сизларнинг ҳақ йўлда ёрдамчиларингиз бор, уларнинг эса ёрдамчилари бўлмайди. Золимлар уларни ҳар томондан қуршаб оладилар. Улар Байтул-

Мақдиснинг бағрида бўладилар. Мана шу пайтда уларга Аллоҳнинг ёрдами-ғалабаси келади ва уларнинг қўли билан Ислом азиз бўлади». Кейин: «Ё Аллоҳ, уларга ёрдам бергин, ҳавзи Кавсарда уларни менга ҳамроҳ қилгин», - деб дуо қилдилар.

Эй мўминлар, тунлари узайиб кетган, оғир аҳволга қолган бу даврни тугатиш ва Пайғамбар ﷺ сифатлаганларидек пайғамбарлик йўлига асосланган, одамлар орасида Пайғамбар суннати билан иш юритадиган, ундан осмон аҳли ҳам, ер аҳли ҳам рози бўладиган халифалик давлатини барпо қилиш билан янги тонгни оттириш учун ҳаракат қилишга шошилинг! Аллоҳ Таолони ушбу оятини эсланг:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَا تَوَلَّوْا عَنَّهُ وَأَنْتُمْ تَسْمَعُونَ ﴿٢٥﴾ وَلَا تَكُونُوا كَالَّذِينَ قَالُوا سَمِعْنَا وَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿٢٦﴾ إِنَّ شَرَّ الدَّوَابِّ عِنْدَ اللَّهِ الصُّمُّ الْبُكْمُ الَّذِينَ لَا يَعْقِلُونَ ﴿٢٧﴾ وَلَوْ عَلِمَ اللَّهُ فِيهِمْ خَيْرًا لَأَسْمَعَهُمْ وَلَوْ أَسْمَعَهُمْ لَتَوَلَّوْا وَهُمْ مُعْرِضُونَ ﴿٢٨﴾ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ يَحُولُ بَيْنَ الْمَرْءِ وَقَلْبِهِ وَأَنَّهُ إِلَيْهِ تُحْشَرُونَ ﴿٢٩﴾ وَاتَّقُوا فَتْنَةً لَا تُصِيبَنَّ الَّذِينَ ظَلَمُوا مِنْكُمْ خَاصَّةً وَاعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ ﴿٣٠﴾

– „Эй мўминлар, Аллоҳга ва унинг Пайғамбарига итоат қилингиз! Ва Қуръонни эшитиб туриб ундан юз ўгириб кетмангиз! Ва ўзлари эшитмаган (яъни, англаб, иймон келтирмаган) ҳолларида, „эшитдик“ деган кишилар каби бўлмангиз. Албатта қар ва соқов бўлиб олган ақлсиз кишилар Аллоҳнинг наздида энг ёмон ҳайвонлардир. Агарда Аллоҳ уларда бирон яхшилиқни билганида эди, албатта уларнинг қулоқларини очиб қўйган бўлар эди ва агар Аллоҳ уларнинг қулоқларини очиб қўйганида ҳам улар юз ўгирган ҳолларида кетган бўлур эдилар. Эй мўминлар, Аллоҳ ва унинг Пайғамбари сизларни абадий ҳаёт берадиган нарсага яъни динга даъват қилар экан, уни қабул қилинглр ва билинглрки, шубҳасиз Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг ўртасини эгаллаб турур ва шубҳасиз, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар. Ҳамда сизлардан фақат золим бўлган кишиларнинг ўзигагина етмай, балки барчага етадиган балодан сақланингиз! Ва билингизки, албатта Аллоҳнинг азоби қаттиқдир.“ [8:20-25]

Эй Аллоҳ, дилларимизнинг тақво қилишига ўзинг илҳом бер. Уларни покла. Энг яхши поклагувчи ўзинсан. Эй Аллоҳ яқин кушойишингни, қадим эҳсонингни, гўзал одатингни бизларга қайтар. Эй Аллоҳ, Ислом умматини рушду ҳидоятга бошла. Токи дўстларинг азиз бўлиб, душманларинг хор бўлсин. Токи сенга итоат этиш авж олиб, сени ғазаблантириш тугаллансин.

Эй Аллоҳ, ҳаракат қилаётганларга халифалик давлатни барпо қилиш имконини бергин. Токи ҳукмларинг ижро этилсин, даъватинг ёйилсин. Аниқки, Сен хоҳлаган ишингни қилишга қодирсан. Эй Аллоҳ, саййидимиз Муҳаммад ﷺни, оиласи ва асҳобини ҳамда қиёмат кунига қадар у кишига яхшилик билан эргашганларни раҳмат ва саломат қилгин!

**ОМИН!**

## Мундарижа

Иззат ва шараф сари .....	3
Бағишлов .....	4
Муқаддима .....	5
Уйғониш йўли .....	10
Умумий масъулиятлар .....	15
Мусулмонларнинг Исломни ёйиш олдидаги масъулиятлари .....	17
Мусулмонларнинг Халифаликни тиклаш олдидаги масъулиятлари .....	32
Мусулмонларнинг Ислом тузумини татбиқ қилиш олдидаги масъулиятлари .....	36
Мусулмонларнинг давлатнинг бирлиги, исломий миллатнинг бирлиги олдидаги масъулиятлари .....	50
Мусулмонларнинг жиҳод олдидаги масъулиятлари .....	55
Мусулмонларнинг амри маъруф ва наҳй мункар олдидаги масъулиятлари .....	69
Ҳукмдорлар бажариши лозим булган муҳим масъулиятлар .....	73
Давлат тузиш йўли .....	83
1. Давлатнинг мазмуни .....	83
2. Давлатнинг шакли .....	86
3. Давлатнинг (сақланиб) қолиши ва даволатли бўлишининг кафолатлари .....	90
4. Давлатнинг пайдо булиш кайфияти .....	100
5. Пайгамбар ﷺнинг давлат барпо қилишда тутган йўллари .....	104
Мусулмонларнинг воқеи ва бу воқе тақозо қилаётган ишлар .....	115



